У тенгсиз фазилатлар соҳиби бўлиб камол топди. Айтиш жоизки, бу беназир сиймо – Бобур Мирзо тимсолида олмос истеъдодини синаб кўрмаган инсоний фаолият соҳаси жуда кам топилади. Аслида, унинг умр йўли бошдан-оёқ тақдир имтиҳонларидан иборат эди, десак янглишмаймиз. У ўн икки ёшида отадан етим қолди. Ҳали айрилиқ аламлари, кўз ёшлари тинмай туриб, қисмат унинг бошига тожу тахт, салтанат меҳнатини солди. Шу тариқа тақдир кутилмаганда, уни болаликнинг завқли, суронли дамларидан бенасиб этди. Шу ёшдан умри мудом от устида, жангу жадалларда, сиёсат гирдобларида ўтди.

Гарчанд маърифатга ташна қалб илму зиё сари талпиниб турсада, тақдир унга на Бухорои шариф мадрасаларида ва на Боғдод байтул ҳикмаларида таҳсил кўрмоқликни насиб этди. Аммо даҳо заковати ва илоҳий пайғоми билан у оламнинг тенгсиз адабий ва илмий мўъжизаларини яратишга мушарраф бўлди.

Бизга маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўп ғазал ёзган эмас. Унинг шеърий тўпламида 119 ғазал бор. Шу билан биргаликда, Бобур ғазаллари асосан кичик ҳажмли. Чунки ғазал, асосан, етти ёки тўққиз, ёки ўн бир байтдан иборат бўлади. Лекин

Бобур ғазаллари кўпинча етти, олти, беш байтдан ташкил топган. Ҳатто тўрт байтли ғазаллар ҳам учрайди. Фақат битта ғазал (”Туну кун бирла бутун мажлиси асру хуш эди”) ўн байтдан иборат.

Бобур ғазалларининг мавзуси хилма-хил, улар орасида анъанага хос севги мавзусидаги ғазаллар кўпчиликни ташкил этса-да, баъзилари шоирнинг дунёга, ҳаётга муносабатини билдирувчи ғазаллардир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ватанни қўмсаб, унга бўлган меҳр-муҳаббатини куйлаб битилган дурдона асарлари бутун дунё китобхонлари томонидан севиб мутолаа қилинмоқда. Шоирнинг машҳур “Бобурнома” асари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Қуйида Бобурнинг шахсий ҳаёт йўли воқеалари билан боғлиқ ғазаллари билан танишамиз.

Топшириқ. Бобур асарлари билан танишишдан аввал қуйидаги БИО жадвални тўлдиришни бошланг. ***БИО*** жадвални тўлдиришни шоҳ ва шоир ҳаёти ҳамда ижоди билан танишишга ажратилган соатлар тугагандан кейин якунланг.

Биламан	**Билишни истайман**	**Билиб олдим**
Андижонда туғилган. 12 ёшида подшоҳ бўлган.	Ҳаётига оид яна бошқа маълумотларни билишни истайман.	

Ғ а з а л л а р

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.
Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.
Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.
Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.
Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.
Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

Ғазалнинг ёзилиш сабаблари

Отаси Умаршайх Мирзодан айрилиб, ўн икки ёшда подшоҳ бўлган Бобур Андижонда ўз ҳокимиятини бир қадар мустаҳкамлаб олади. Ёши бир оз улғайгач, катта бобоси Амир Темур салтанатини қайта тиклаш учун кураш бошлайди. Пойтахт Самарқандни икки бор қўлга киритиб, яна бой беради. Яқин қариндошлари Бобурга ёрдам бермайдилар. Ўгай укаси Жаҳонгир Мирзо Андижонда унга хиёнат қилади. Ҳам Самарқанд, ҳам Андижон қўлдан кетиб, бошпанасиз қолган Бобур қурбон ҳайитини Шоҳруҳияда (харобалари ҳозир Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани чегарасида) ўтказиб яна Тошкентга, тоғаси Султон Маҳмудхон қошига боради. Унинг мана бу рубоийси шунда ёзилган:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатда киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта, киши.

Иккинчи томонда жангу жадал давом этар эди. Бобурга эскидан душманлик қилиб келган бекларидан Аҳмад Танбал Ўратепага қўшин тортиб келади. Ўратепа Тошкентга тобеъ эди. Шу сабаб Бобурнинг тоғаси Султон Маҳмудхон аскарлари билан ҳимояга келади. Тоға-жиян Ўратепани мудофаа қиладилар. Лекин Бобурга кичик бир вилоят, кент ҳам насиб этмайди. Унинг биринчи тугатган ғазали шу кунларда ёзилган эди. Шеър шундай бошланади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Муҳокама қиламиз:

1. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?

2. Шоирнинг “Топмадим” радифли ғазали сизга ёқдими? У неча байтдан иборат?

3. Ушбу ғазални кўнгул лирикаси намунаси деса бўладими? Нима учун?

4. ***“Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим”.*** Мақтаъда Бобур нима демоқчи? ***“Ёр”*** сўзи қандай маъноларда келган?

5. Ғазалда тасвирий воситалар деярли учрамаса-да, нега у оҳангдор, ёқимли ўқилади ва кишида ҳазин туйғулар уйғотади? Бунинг сири нимада?

Топшириқларни бажаринг:

1. Ғазални ифодали ўқинг. Сўнгра байтма-байт талқин қилишга ҳаракат қилинг.

2. Ғазал қофияларини аниқланг ва дафтарингизга кўчиринг.

3. Схемани дафтарингизга кўчириб, қолган байтларнинг схемасини аниқланг.

Жо- ним- ди / нўз-га ё- ри / ва- фо-до-р / топ-ма-дим,

Кўнг-лум-ди / нўз-га маҳ-ра / ми ас- ро-р / топ-ма-дим.

– – V / – V – V / V – – V / – V –

мафъ ув лу / фо и ло ту / ма фо ий лу / фо и лун

Ғазал **“ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф”** вазнида ёзилган.

4. Ғазални ёд олинг.

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!
Мени хор эттию қилди муддаини[1] парвариш,
Даҳри дунпарварнинг[2] ўзга муддаоси қолдиму?!
Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?!
Ошиқ ўлғоч кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ[3] ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси[4] қолдиму?!
Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси[5] қолдиму?!

5. Ғазални ёд олинг ва вазн оҳангида ўқишга ҳаракат қилинг.

Тушунилиши қийин бўлган сўзларга изоҳ берилади:

[1] Муддаи – даъвогар.

[2] Даҳри дунпарвар – тескари, пасткаш дунё.

[3] Рафиқ – дўст.

[4] Ҳарос – қўрқув.

[5] Сафо – шодлик.

Бобурнома

Бобурнинг энг машҳур асари «Бобурнома»дир. У дастлаб «Вақоеъ» (Воқеалар) деб аталган. Сўнгроқ «Воқеоти Бобурий», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Бобурия» номларини олди. Охирида «Бобурнома» бўлиб шуҳрат топди. «Бобурнома» Заҳириддин Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. У 12 ёшидан ҳаётининг сўнгигача бўлган воқеаларни қайд қилиб борган ва умрининг охирларида 1525-1530 йилларда ушбу асарни яратган, деб тахмин қиладилар.

Ўш таърифи

Яна бир Ўш қасабасидур.[1] Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч[2] йўлдур. Ҳавоси хуб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур[3] . Қўрғоннинг шарқи жанубида бир мавзун[4] тоғ тушубтур, Барокўҳға мавсум. Бу тоғнинг қулласида[5] Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қуйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққиз юз иккида[6] мен бир айвонлик ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин муртафеъдур[7] , вале бу ҳужра бисёр яхшироқ воқе бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. Андижон рўди[8] Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур. Бу рўднинг ҳар икки жониби боғот[9] тушубтур. Тамом боғлари рўдқа мушрифтур[10]. Бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор. Баҳори бисёр яхши бўлур. Қалин лола ва гуллар очилур. Барокўҳ тоғи доманасида[11] шаҳр била тоғнинг орасида бир масжид тушубтур, масжиди Жавзо отлиқ. Тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжўй[12] оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ[13], себаргалик[14], пурсоя[15], сафолиқ майдон воқе бўлубтур. Ҳар мусофир ва раҳгузар[16] келса, анда истироҳат қилур. Ўш авбошининг[17] зарофати[18] будурким, ҳар ким анда уйқуласа, ул шаҳжўйдин сув қўярлар. Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд[19] ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йўқдур.

[1] Қасаба – шаҳарча.

[2] Йиғоч – узунлик ўлчови; бир йиғоч – 10 км; 4 йиғоч – 40 км.

[3] Хейли аҳодис ворид бўлубтур – жуда кўп ҳикоялар пайдо бўлган.

[4] Мавзун - текис, хушбичим.

[5] Қулласида – чўққисида.

[6] Тарих тўққиз юз иккида – 1502 йил.

[7] Муртафеъдур – баланддир.

[8] Рўд –сой, дарё.

[9] Боғот – боғли жойлар.

[10] Мушрифтур – ёндош, туташган.

[11] Домана – этаги.

[12] Шаҳжўй – катта ариқ.

[13] Нишеброқ – нишаброқ.

[14] Себаргалик – майсали.

[15] Пурсоя – серсоя.

[16] Раҳгузар – йўловчи.

[17] Авбош – безори.

[18] Зарофати – хуштаблиги, қалтис ҳазили.

[19] Такбанд – камар, белбоғ

Муҳокама қиламиз:

1. “Бобурнома” қандай асар? Бобур ўзи уни қандай номлаган?

2. “Бобурнома”даги Ўш шаҳри таърифи сизда қандай ҳисларни уйғотди?

3. Бобур табиатнинг қандай гўзалликларини тасвир этади? Бу гўзал табиат манзараларини кўриш мумкинми?

4. Ўш тоғида Бобур таъкидлаган қайси тарихий обида ҳозир мавжуд эмас?

5. Ўш тоғи ҳозир қандай номланади? Қадимги номнинг ўзгаришига сабаб нима деб ўйлайсиз?

6. Андижон рўди ҳозир мавжудми? Мавжуд бўлса у қайси ҳудудлардан оқиб ўтади?

7. Сиз ҳозирги Ўш шаҳрининг қандай фазилатлари билан фахрлана оласиз?

Топшириқларни бажаринг:

1. Ҳозирги Ўш шаҳри ҳақида билганларингизни “Бобурнома”даги маълумотлар билан таққосланг ва фарқларини айтинг.

2. Барокўҳ этагидаги масжид ва шаҳжўйнинг ҳозир ҳам мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот беринг.

3.Табиат манзараси тасвири берилган жумлаларни дафтарингизга кўчиринг.

4. ***“Ўш авбошининг зарофати будурким, ҳар ким анда уйқуласа, ул шаҳжўйдин сув қўярлар”*** жумлаларини шарҳланг. Ҳозир ҳам шундай ҳазилкаш кишилар бор деб ўйлайсизми?

5. Муаллиф айтган тошнинг ҳозирда бор-йўқлигини суриштириб кўринг.

6. Матндаги энг кульминацион таърифни топинг ва дафтарингизга кўчиринг.

7. Ўш таърифи асосида расм чизишга ҳаракат қилинг.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, қирғизистондаги таълим ўзбек тилида юритиладиган мактаблари учун тузилган “Ўзбек адабиёти”дастури асосида адиб-алломаларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш, ўрганишга ажратилган дарслар маромида олиб борилади, бироқ соатларнинг кескин қисқариб кетиши натижасида ўқитувчилар берилган маълумотларни тўлиқ ўқувчиларга етказишга қийналадилар. Шундай бўлса-да, таниқли ўзбек адибларининг ижодини уларнинг мавлуд саналари, йилликлари муносабати билан кенгроқ ўргатиш, оммавий тадбирлар уюштириш мактабларимизда қолган саноқ ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳаракатига, меҳнатига, виждонига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Йўлдошев Қ., Қодиров В., Махсумхонов С., Холтўраев С. “Ўзбек адабиёти”. 5 -11-синфлар учун тузилган дастур. ОШ, 2009 йил. 34-б.

2. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек адабиёти бўйича фан стандарти (куррикулуми) (5-9-синфлар). – Бишкек, 2015.

3. Турсунов Р., Холтўраев С. 5-11-синфлар учун “Ўзбек адабиёти” силлабус-дастур лойиҳаси ОШ, 1999 йил. 29-б.

4. Турсунов Р., Махсумхонов С. “Ўзбек адабиёти” 5-синф дарслик-мажмуаси, 2016.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА “БОБУРНОМА”НИ ТАБДИЛ ВАРИАНТИ АСОСИДА ЎРГАНИШ

ФАЙЗУЛЛОЕВ Бахтиёр Бобожонович,
академик Бобожон Ғафуров номидаги
ДТМ Хўжанд ДУ доценти , филология фанлари
номзоди, З.М.Бобур номли халқаро жамоат фондининг
Тожикистон бўлими раҳбарии

***Аннотация*:** Мақолада адабий таълимда “Бобурнома”ни (З. М. Бобур) ўрганишда табдил вариантидан фойдаланиш масаласига эътибор қара-тилган.

***Аннотация*:** Статья посвящена проблеме использования переводческого варианта при изучении “Бобурномы” (З. М. Бобур) в литературном обра-зовании.

***Annotation*:** The article focuses on the issue of using the alternative version in the study of “Boburnoma” (Z. M. Bobur) in literary education.

Таянч сўз ва иборалар: ўрганиш, табдил, адабий таълим , вариант, усул, услуб, ноанъанавий дарс.

Ключевые слова и выражения: обучение, трансформация, литературное образование, вариант, метод, стиль, нетрадиционный урок

Key words and phrases: learning, transformation, literary education, option, method, style, non-traditional lesson.

Халқимиз Амир Алишер Навоий даҳоси билан қанчалик фахрланса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳам шу қадар ифтихор қилади. Бобурнинг буюк саркарда, мумтоз сўз устаси, адабиётшунос, фиқҳ илми билимдони, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони, хуллас жуда кўплаб фанлар бўйича қомусий билим эгаси эканлиги ҳақида

бобуршуносликда «кўп ва хўб» ишлар қилинган. Унинг мероси дунё олимларини ҳозирги кунга қадар ўзига мафтун этиб келмоқда.Тожикистон Республикасида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юртларида З.М. Бобур ҳаёти ва ижоди ҳам дастур доирасида ўрганиб келинади. Жумладан, қомусий асар ҳисобланган "Бобурнома" ни ўрганшга алоҳида эътибор қаратилган.

Таниқли матншунос олим Ваҳоб Раҳмонов кўп йиллар давомида З.М. Бобур меросини тадқиқ этиб келаётган заҳматкаш олимлардан бири. У кишининг саъй ҳаракати билан мустақллик йилларида «Бобурнома»нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдилини яратилиши мумтоз адабиётни янада яхшироқ англаш йўлидаги муҳим ишлардан бири бўлди дейиш мумкин[9].

Истиқлолдан кейин мумтоз адабиётимиздаги мавжуд намуналаридан баъзилари табдил қилиниб, китобхонларга тақдим этилгани маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бўлди. Чунончи, Ю.Ҳ Хожибнинг "Қутадғу билик", Рабғузийнинг "Қисасаи Рабғузий". А.Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб" ва "Муҳокамат ул луғатайин", З.М.Бобурнинг "Бобурнома" қомусий асарининг табдил вариантлари шулар жумласидандир.

Бугунги ўқувчиларни мумтоз адабиёт билан яқиндан ошно этишда асарларнинг *табдил* вариантлари билан бирга мумтоз ғазаллар *шарҳи,* баъзи асарларнинг *насрий баён*лари ҳамда қардош халқлар адабиётидан ўзбек тилига қилинган бадиий таржималар мумтоз асарларни янада теранроқ, халқона қилиб айтганда, уларни қандай бўлса, шундайлигича англаш имкониятлари пайдо бўлди. Шу ўринда мутафаккир шоир Навоийнинг бир қатор ғазаллари шарҳининг яратилиши, Бобораҳим Машраб ва бошқа мумтоз шоирлар ғазаллари ҳам шарҳу изоҳлар билан нашр этилаётганини таъкидлаш жоиз.

З.М. Бобурнинг "Бобурнома" асарини мактабда ва олийгоҳда ўрганишда табдил вариантидан фойдаланиш муҳим амалий қимматга эга деб ўйлаймиз. Бугун шиддат билан ривожланиб

---

1. Бобур З.М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи»,2008. 287- б.

бораётган глобаллашув шароитида бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим жараёнида ҳам янгича замонавий ўқитиш усулларини, ислоҳотларни тақазо этмоқда. Шулардан бири ноанъанавий дарс усулларидан бири яъни асарни матн асосида ўрганишда унинг табдил вариантидан фойдаланиш саналади.

Ушбу қомусий асарнинг табдил қилинган айрим матнларига эътибор қаратайлик. "Бобурнома" шундай сўзлар билан бошланган "*Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқеалари ",-* дея сарловҳа қўйилиб, сўнг воқеалар баёнига эътибор қаратилган:

"Бисмиллаҳир раҳманир роҳийм! Тангри таолониг иноятиви коинот сарвари бўлган ҳазрат Расулиакрамнинг шафоати, поккўнгил чаҳорёрларнинг ҳиммати билан сешанба куни, рамазон ойининг бешинчисида, саккиз юз тўқсон тўққизинчи йили Фарғона вилоятига ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим".

("*Бобурнома" тадили,29- бет).*

Асардан келтирилган юқоридаги кўчирма қомусий асарга бошдан охир ўзгача руҳ бахш этиб тургандек таассурот уйғотади. Бу муқаддима мумтоз адабиётдаги анъанавий *ҳамд ва наът*га тўғри келади. Чунки унда барча нарсаларнинг яратувчиси Тангри таоло ҳамда унинг ердаги Расули ҳамда чаҳорёрларнинг муборак номлари бирма-бир тилга олиниб, сўнг муаллиф ўз баёнларини давом этирган.

"Бобуннома"даги воқеалардан яна биринг табдил вариантига эътибор қаратайлик. Бунда муаллиф "*Тўққиз юз ўн биринчи* (1505 – 1506) *йил воқеалари*" бобида ўз мамалакатида 40 йил подшолик қилган Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида муфассал маълумотни келтирган. Унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган бирор бир нўқта ҳам Бобурнинг назаридан четда қолмаганлиги китобхонни ҳайратлантиради. Муаллиф асарнинг "*Хотин халажлари*" қисмида Шарқ пандноманавислигининг отаси ҳисобланган Саъдий Шерозийнинг қуйидаги форсий байтини ўз ҳолича келтирадики, бу асар муаллифининг фикрларини янада таъсирчан бўлишига хизмат қилган:

Зани бад дар сари марди накў
Ҳам дар ин олам аст дўзахи ў.

Мазмуни:

Яхши эр уйида ярамас хотин,
Шу дунёда эрнинг дўзахи тайин.

Бобур фикрларини давом этриб Султон Ҳусайннинг биринчи хотини Султонбегим эканлигини, у Санжар Мирзо Марвийнинг қизи эканини таъкидлайди. Бадиуззамон мирзо ундан туғилганигини айтиб, бу аёлнинг хулқи жуда эгри эди дейди. Султон Ҳусайн мирзони кўп ранжитар эди. Хулқи ёмонлигидан мирзо ундан безор бўлди, охири қўйди ва ундан халос бўлди. Нима бўлгада ҳам ҳақиқат мирзо томонида эди дея фикрига якун ясайди.

Муаллиф яна фикрларини даво эттириб, подшонинг хотинларидан яна бири ҳақида тўғри ва ҳаққоний маълумотларни берадики, бу маълумотлар Бобурнинг қанчалар ҳақгўй ижодкор эканлигини яна бир марта тасдиқлашга хизмат қилади.

Табдилдан кўчирма: “ Яна Хадичабегим эди. Султон Абусаид мирзонинг *ғ у н ч а ч и си* эди. Султон Абусаид мирзо енгилгандан кейин Ҳиротга келди. Ҳиротда Султон Ҳусайн мирзо олди ва севди. Ғунчачилик мартабасидан б е г и м л и к мартабасигача етди. Муҳаммад Мўмин мирзони унинг саъй ҳаракати билан ўлдирдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг ўғиллари ёвлашдилар. Кўпроғи шу аёл туфайли эди. Ўзини оқила тутар. Лекин беақл ва вайсақи хотин эди...” дея фикрларини давом эттиради.

(“Бобурнома” табдили, 132–бет).

Табдилга устоз В.Раҳмонов томонидан ёзилган сўзбошида Бобурнинг адабиётшунослик фаолиятига ҳам эътибор қаратилиб, унинг бу борада ўта талабчанлиги, шунингдек, анча жиддий ва қаттиққўл эканлиги таъкидланган.

Бу хулосани Амир Шайхим Суҳайлий (Шайхимбек) ҳақидаги маълу-мотлардан ҳам билиб олиш мумкин. Ушбу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва илмий қимматини ҳеч ҳам йўқотган эмас. Унда шеърий санъатлардан фойдаланишда ҳамда шеърий матнларни ифодали ўқишда белгиланган меъёрни сақлашга жиддий эътибор қаратилган. Шеърий санъатлардан фойдаланишда Бобурнинг ўзи намуна эканлигини табдилдаги қуйидаги биргина матн мисолида талаба ёки ўқувчиларга тушунтирилиши дарс

самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Бобур ижодида ҳам бадиий санъатлардан фойдаланиш шунчаки мақсад бўлмасдан, балки шеърий матнда бадиийликни юзага келтирувчи восита эканлигига эътибор қаратилади

Тил анинг ҳамдида қосирдур, бил,
Бил, анинг ҳамдида қосирдур тил.

Байтдаги «тил» ва «бил» сўзларининг ўзаро ўрин алмашиб такрорланиши эвазига *тарди акс* бадиий санъати юзага келган. Байтни бошлаб берган «тил» сўзи байтнинг охирида яна такрор келиши эса *тасдир*__ санъатининг ўзига хос кўрсаткичидир. Юқоридаги матнга яна жиддийроқ эътибор берилса, биринчи мисра «бил» сўзи билан тугаб, иккинчи мисра айнан шу сўз билан бошланган. Бу эса, такрор (такрир) бадиий санъатининг *тасбе* деб аталувчи намунаси саналади. Яна ҳар икки мисрада ҳам «*анинг ҳамдида қосирдур*» бирикмасининг қофия сўзларидан олдин келиши ҳисобига *ҳожиб* бадиий санъати юзага келганки, бу бадиий топилма ҳам шеърхонга ўзгача эстетик завқ беради.

«Тил» ва «бил» сўзларининг байт бошида ўзаро оҳангдошлиги *музораа* санъатининг «хизмати» ҳисобланади. Шоир биргина байтда сўзларни шунчаки такрор қилмайди, балки шоирона маҳоратини ишга солиб, яъни тил Аллоҳ ҳамдида (мақтовида) шунчаки бир восита эканлиги, айни чоғда қосирлиги - тегишли мақтовга яроқсиз ҳамда ожиз эканлиги шоирона асосланганлигини юқоридаги байт мисолида тушунтирилиши машғулот иштирокчиларида шоир бадиий маҳорати билан боғлиқ назарий билимларини янада кенгайтиради.

Байтдаги *тил, ҳамд, қосир* сўзларининг ўзаро дахлдорлиги эвазига *таносиб* бадиий санъат юзага келганига ҳам эътибор қаратилади. Яна ажойиби шундаки, байтдаги барча сўзларнинг остин ва устун ҳолатда келиб, оҳангдошликни юзага келтириши *тарсеъ* шеърий санъатининг хизмати эканлигига тўхталиб, у байтнинг таъсирчан бўлиши билан бирга маънонинг кучайишига хизмат қилганлигига эътибор қаратиш лозим. Шу ўринда бадиийлик илмнинг билимдони Ё.Исҳоқовнинг «…тарсеъ оддий сўз ўйини эмас, балки фикр билан ифоданинг муайян пайтда

мувозанат ҳосил қилиши натижасида юзага келадиган поэтик усул бўлиб, шеърнинг, умуман тасвирнинг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини орттиришга ёрдам беради»,- деган фикрини ҳам эслатиб ўтиш фойдалидир[10]. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни баён этишга ҳаракат қилдик:

Биринчидан, Берилган бадиий матнни табдил варианти асосида ўрганиш, матн мазмунини мукаммал ўрганишдаги энг самарали усуллардан бири эканлигини ўз тажрибамиз давомда кузатдик.

Иккинчидан, Табдил асосида ўзлаштирилган асарлар ўқувчи ва талабларда маълум маълумотларга эга бўлиш жараёнида уларда бадиий тафаккурни шаклланишига ёрдам беради, шу билан бирга уларда гўзалликдан зақлана билиш ҳиссини уйғотади, энг асосийси, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма таризда эмин ва эркин равишда баён қила олишдек кўникма ва малакаларини эгаллаб боришларига ёрдам берадики, бу замонавий адабий таълимдаги муҳим ваифалардан ҳисобланади.

Учинчидан, Табдил ёрдамида амалга оширилган таҳлил ўқувчиларни халқимизнинг ўзоқ йиллик тарихи, ўзига хос қадриятлари билан яқиндан таништириш орқали уларда бадиий адабиётга бўлган меҳр муҳаббатни янада мустаҳкамлаб боришга маънавий замин бўлиб хизмат килиши, шубҳасиз.

Тўртинчидан, Дарс жараёнида табдил вариантларига таяниб, улардаги энг характерли маълумотларни танлаб, саралаб слайдлар тайёрлашга ҳам эътибор бериш яхши натижалар бериши, шубҳасиз. Шу ўринда бир нарсага эътибор бериш зарур деб ўйлаймиз. Яъни дарслар жараёнида намойиш қилинаётган слайдларда имкон даражасида сўзбозилкдан ҳамда шунчаки фақат маълумотлардан иборат бўлган намойишидан имкон қадар чекланган маъқул.

Бешинчидан, “Бобурнма”нинг табдилига хос бўлган хусусият асар матнидаги фикрлар ўзининг аниқлиги, шаклан ихчамлиги, таъсирчанлиги, ҳамда тушунарли эканлиги билан ажралиб туради. Шундай экан, улардан дарсда, адабиёт фанидан синфдан

2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O’ZBEKISTON », 2014. -320- б.

ташқари ўказиладиган тадбирларда мунтазам равишда фойдаланиб бориш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Ва, ниҳоят, *олтинчидан,* тарбиявий мазмунга эга бўлган мумтоз асарлар табдилларидан нафақат адабиёт дарсларида балки ўзбек тили дарсларидан тилшуносликнинг назарий масаларини ўрганишда ҳамда тушунчаларни далиллашда улардан ўрни-ўрни билан фойлаланиш ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир. Ёки ўқувчи ҳамда талабаларга диктант ҳамда баён ёздириш зарурияти туғилганда бадиийликдан узоқ, шунчаки ахборот характеридаги мазмунан саёз, матинлар ўрнига бксак бадиийлик билан зийнатланган мумтоз асарларнинг замонавий табдилларидан ўрни- ўрнида фойдаланиб бориш ёшлар камолотида айниқса, уларнинг бадиий дидини ўсишида муҳим рол ўйнайди. Бадиий баркамол мазмунан теран бадиий матнлар ўзлигимизни англашимизга беминнат ёрдам берувчи маънавий хазиналар мақомида ўз ўрингa эгадир.

Адабий таълимдаги бундай замонавий усуллар Бобур асарларини тўла идрок этишга яқиндан ёрдам бериш билан бирга, унинг адабий- эстетик қарашларини ҳам янада мукаммалроқ англашга ёрдам беради. Энг асосийси, ўқувчиларда бадиият илмига доир адабий - назарий тушунчалар янада мукаммаллик касб этиб борадики, бу бугунги адабий таълимдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбек адабиёт ўқитиш дастури // «Устоз» газетаси, 2012 йил, № 9-10

1. Навоий А. МАТ 20 томлик. Т. 8.- Тошкент: Фан, 1991. -544 б.
3. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 12.– Тошкент: Фан, 1996.-327 б.
4. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 13. – Тошкент: Фан, 1997. -284 б.
5. Навоий А. МАТ, 20 томлик. Т. 16 – Тошкент: Фан, 2000. -336 б.
6. Навоий А. «Девони Фоний» дан. Форс тилидан Ҳабибулло Саид Ғани таржималари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006.-125 б.
7. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960.- 513 б.
8. Бобур З.М. Бобурнома. – (Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар табдили) – Тошкент: «Ўқитувчи»,2008. 288 б

9. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: «O’ZBEKISTON», 2014.-320 б.

10. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.- 426 б.

11. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: «SHARQ», 2020. - 240 б.

ЗАҲИРИДДИН БОБУР ДАВЛАТИДАГИ ҲУДУДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (Мовароуннаҳр, 1511-1512)

Омонулло Бўриев
ЎзР ФА Шарқшунослик институти
етакчи илмий ходими, т.ф.д.

Заҳириддин Бобур отаси Мирзо Умаршайхнинг ўлимидан (899/1494 й.) сўнг ўн ики ёшида тахтга ўтиради ва ўн йил Мовароуннаҳрда якка ҳукмронлик учун кураш олиб боради. Лекин Шайбонийхонга қарши беллаша олмай, 1503 йили Мовароуннаҳрни тарк этади ва 1505 йил рабиулаввал ойи охирларида (1505 йил август охири)Кобул етиб бориб, у ерда ўз давлатини тузади.

Заҳириддин Бобурнинг Кобулдан Мовароуннаҳрга юриши Шайбонийхоннинг Марвда Шоҳ Исмоил билан жангда ҳалок бўлгани (1510), шайбонилар ўртасида парокандалик бошланиб, Амударёнинг сўл соҳилини тарк этиб Мовароуннаҳр томонга чекингани ҳақида амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли Мирзохон йўллаган хабар сабабчи бўлган. Бобур зудлик билан сафарга отланиб, 1511 йил январь ойида Қундузга етиб келиб ўрнашади. Бобур Қундуз вилоятини ўзига тегишли мулк деб билган ва “Бобурнома”да маъмурий-ҳудудий жиҳатдан ўзига тегишли жойларни эслатаркан, тўртта вилоятни аниқ кўрсатган: “Манга тааллуқ вилоёт Бадахшон ва Қундуз ва Кобул ва Қандаҳор эди”[11].

Қундузга Сафавийлар ҳукмдоридан элчи келиб, Шоҳ Исмоилнинг Шайбонийларга қарши курашда Бобурга кўмак

[11]Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзоев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. Тошкент “Шарқ”, 2002. Б.195.

беришни ваъда қилгани хабарини етказади. Заҳириддин Бобур ўз томонидан бунга розилик билдириб, Мирзохонни, мазкур воқеаларда шайбонийларга қарши фаоллигини эътиборга олиб, элчиликка юборади. Мирзохон 1511 йили Бобур давлатидан Сафавийлар давлатига юборилган биринчи элчи эди. Шоҳ ёрдам беришга розилик билдиради ва икки ўртада келишув амалга ошади. Бобурнинг Шоҳ Исмоил билан мазкур музокарага боришининг асосий сабаби, унинг қўл остидаги лашкар сон жиҳатдан шайбонийлар лашкаридан анча камлигида эди. Унинг асосий мақсади, қандай бўлмасин, шайбонийларни қувлаб солиб, Мовароуннаҳрда Темурийлар тахтини эгаллаш бўлгани учун, Шоҳ Исмоил билан иттифоқ тузишга рози бўлганди. Ушбу ҳарбий битимдан сўнг, Мовароуннаҳрда Темурийлар тахти учун курашда учта давлат – Бобур давлати, Шайбонийлар давлати ва Сафавийлар давлати манфаатлари тўқнаш келганини кўрамиз.

Шайбонийхоннинг ўлими ва Заҳириддин Бобурнинг юриши Мовароуннаҳрда шайбонийларга қарши кучларни бош кўтаришга ундади. Чунончи Мирзо Ҳайдарнинг илгари Тошкентда Султон Маҳмудхон хизматида бўлган амакиси Сайид Муҳаммад мирзо маълум вақт Мўғулистонда яшаб, сўнгра, у ердаги ички низолар туфайли Андижонга келади ва Кобулдан Бобур юриш бошлаган пайтгача шу ерда бўлади. У ердаги мўғуллар ва андижонликларга бош бўлиб, шайбонийларни Фарғона вилоятидан қувлаб чиқаради. Бу ҳақда Қундузда турган Бобурга Қоратегин вилояти орқали чопар жўнатади ва ёрдам сўрайди. Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида келтиришича, Бобур 917 йил сафар ойининг ўн тўртида (1511 йил 13 май) ҳузурида хизмат қилаётган Султон Саидхонни[12] юборади ва у 917 йил, ражаб ойида (1511.IX-X) Андижонда тахтга ўтириб[13], қисқа вақт Фарғона вилоятини бошқаради (Андижонда ҳокимият қайта Шайбонийларга ўтгач, Қашқарни эгаллаб (920 йил,

[12] **Султон Саидхон (1486 – 1533) -** Кобулга келиб, уч йил Мандировар туманини бошқарган. 1511 йили Бобур Султон Саидхонни Андижонга хон қилиб юборади. Бобур Кобулга қайтганда Султон Саидхон Андижонни тарк этади ва Кошғарни эгаллаб мустақил давлат тузади.

[13] Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, р. п. джалиловой, л. м. епифановой. примечания и указатели Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. Т., «Фан», 1996. С.162.

ражаб ойи /1514. V-VI), ўша ерда ҳукмронлик қилади[14]). Бу воқеа Бобурнинг Мовароуннаҳрга юриши билан боғлиқ **биринчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш** эди.

Мирзо Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида ёзилганларга кўра, 1511 йилнинг май ойида Султон Саидхонни Андижонга кузатгач, Мирзохон бошчилигида Шоҳ Исмоил юборган қўшинлар етиб келади. Шундан сўнг Бобур Ҳисор томонга юриш бошлайди. Шайбонийлар ҳам асосий кучларни ҳужумга ташлайдилар ва Хатлон вилоятида Пули Сангин яқинидаги Обдара деган жойда томонлар ўртасида қаттиқ жанг бўлади. "Бобурнома"да 899/1494 йил воқеалари баёнида : "Мен Ҳамза Султон бошлиқ султонларни Хатлон вилоятида босиб, Ҳисорни олғонда"[15],- деган эслатма ҳам бор. Хуросондан Қундузга келган мўғулларнинг бир қисми бевосита Бобурга ва яна бир қисми Мирзо Ҳайдарга мулозим бўлиб мардоналик намойиш этгани жанг тақдирини ҳал қилди. Мазкур мўғуллар, уларнинг хони Султон Маҳмудхоннинг Шайбонийхон фармони билан қатл этилгани учун ҳам ўч олишга ташна эдилар: Шайбоний султонлардан Ҳамза султон, Маҳди султон ва Мумоқ султон асир олиниб ўлдирилади[16]. Ғаним лашкарини Дарбанди Оҳанингача таъқиб қиладилар. Мазкур жангдаги ғалабадан сўнг, Бобур давлатида **иккинчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш** бўлди; Хатлон, Ҳисор ва Чағониён вилоятлари Бобур давлати тасарруфига ўтди.

Шундан сўнг Шайбонийлардан бир қисми Убайдуллахон бошчилигида Қарши қўрғонида жойлашади, катта қисми Самарқандда эди. Бобур лашкари Қарши шаҳрини қолдириб Бухорога йўл олди. Бундан воқиф бўлган Убайдуллахон ҳам Бухорога чекинади. Бобур лашкари Бухорога етиб борганда шайбонийлар у ердан Туркистон даштларига қочиб кетишди ва Самарқанддаги шайбонийлар ҳам уларнинг ортидан етиб бордилар.

Заҳириддин Бобур Бухорога етиб боргандан сўнг, ёрдамга келган Шоҳ Исмоил аскарларига эҳтиром кўрсатиб, қайтишларига

[14] Мирза Хайдар. "Тарихи Рашиди". С.318-319.
[15] Бобурнома (2002). Б. 38
[16] Мирза Хайдар. "Тарихи Рашиди". С.320 – 322..

рухсат беради[17]. Ўзи эса, Самарқандга йўл олади. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Мовароуннаҳр, айниқса пойтахт Самарқанд аҳолиси Бобурнинг келишини катта хайрихоҳлик билан қабул қилганлар ва у 917 йил ражаб ойининг ўртасида (1511 йил, октябрнинг биринчи ярми) шаҳарга кирган. У билан бирга Шоҳ Исмоил аскарларидан туркман қизилбошлардан бир қисми ҳам Самарқандга келган эдилар. Шаҳар аҳолиси шиа мазҳабидаги бу тоифани, уларнинг ўзбошимчалигини ўта ёмон кўрдилар, расмиятчилик юзасидан вақтинча шиалар услубида кийиниб олган Бобурга нисбатан ҳам муомалалари яхши бўлмаган.

Самарқаднинг эгалланиши учинчи маъмурий-ҳудудий ўзгариш эди ва унда Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрни саккиз ой муддат давомида бошқарди; ўлкани бошқариш учун маълум маъмурий-ҳудудий тадбирларни амалга оширди. Фарғона вилояти юқорида қайд этилганидек, Самарқанд олинмасдан олдин Бобур ихтиёрига ўтган эди. Тошкент вилояти бошқарувини амир Аҳмад Қосим куҳбарга топширди, Сайрам ҳокимлигига эса, унинг укаси Каттабекни тайинлади. Бобур давлати билан қозоқ хони Қосимхон давлати ўртасидаги чегара Сайрам билан Тароз ўртасидан белгиланган.

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихий манбаларида мазкур аҳоли маскани “Янги” ва вилоят эса, “Янги вилояти” деб аталган, Амир Темур ўз даврида Янги вилоятини невараси Мирзо Улуғбкка суюрғол қилгани маълум. Мирзо Ҳайдар бу жойни “Тароз” деб атайди ва мўғуллар уни “Янги” аташларини ҳам эслатади, “Тарихи Рашидий” асарида қайд этилишича, Янги маъмурий жиҳатдан Мўғулистонга қараган[18].

“Тароз” Буюк Ипак йўлидаги қадимий шаҳарлардан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (IX аср) “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати китоби” – «География») асарида уни “Ат-Тароз ва Мадинат ат-Тужжор” номлари билан қайд этган. Мирзо Ҳайдар“Тарихи Рашидий” асарида бу ҳақда тарихий жиҳатдан анча муҳим маълумот келтиради. Унинг ёзишича, бу шаҳарнинг номи ёзма

[17] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.322-323
[18] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.349

манбаларда”Тароз” деб қайд этилган, мўғуллар уни “Янги” атаганлар ва у Мўғулистон ҳудудида жойлашган. Мовароуннаҳрда Янгидан келганлар кўп бўлган ва уларни “янгилик” дейишган. Янги шаҳри жойлашган жойдаги даштда бир нечта шаҳарларнинг харобалари: миноралар, хонақоҳ, мадраса қолдиқлари жойлашган, бироқ мазкур шаҳарлардан бирортасининг аниқ номи сақланмаган[19].

“Тароз” ва унга яқин жойларда Қорахонийлар даврида бир қанча обод шаҳарлар бўлган, мўғуллар истилоси даврида улар хароб этилган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Буюк Ипак йўли тикланиб, Тароз ўрнида янги шаҳар қад кўтарган, уни “Янги Тароз” атаганлар, оммавий истеъмолда қисқача “Янги” шакли сақланган.

Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрни тарк этиши билан Тошкент шаҳри ва вилоятининг бошқаруви яна Шайбонийларга ўтади[20]. Ушбу вазиятда Қосимхон Тароз томонга юриш қилади, Каттабек ўзи эгаллаб турган Сайрамни унга топширади ва Тошкентни ҳам олишини маслаҳат беради. Қосимхон Тошкентга юриш қилиб, шаҳар атрофларини талаб қайтиб кетади[21].

Шимолда Бобур давлатини Шайбонийлар давлатидан Сирдарё ажратиб турган, ғарбий чегараси Хоразмгача ястанган бўлган. Агар мазкур давлатнинг жанубий чегараси Синд (Ҳинд) дарёсигача эканлиги ҳисобга олинса, у ҳолда Мовароуннаҳрга охирги юриш пайтида Бобур давлати кўлами унинг тарихидаги энг кенгайган даври бўлганлиги кўринади.

Бобур 918 йилнинг сафар ойида (1512 йил апрель-май) Кўли Маликда Убайдуллахон лашкари билан жангда мағлубиятга учрайди ва қайтиб кетишга мажбур бўлади. Ваҳоланки Убайдуллахоннинг лашкари уч минг киши ва Бобурнинг лашкари қирқ мингта эди, деб ёзади Мирзо Ҳайдар бу ҳақда[22].

Самарқандни тарк этиб, Бобур яна Ҳисорга чекинади ва у ерда Шоҳ Исмоилга кетма-кет элчилар юбориб янгидан ёрдам сўрайди. У

[19] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.458.
[20] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.347
[21] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.349
[22] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.335. Бу ерда рақамларда муболаға бўлиши мумкин. Чунки Мирзо Ҳайдар бундан олдин Шоҳ Исмоил аскарларининг асосий қисмига Бобур Бухорога етиб келганидаёқ қайтишга .рухсат берганини ёзган.

таниқли саркардаси (амир ул-умаро) Мир Нажми Соний бошчилигида олтмиш минг аскарни жўнатади, улар Ҳисорга етиб келгач[23], Бобур қиш аввалида (1512 йил, декабрь) юриш бошлайди. Қарши қўрғонини қамал қилиб эгаллайдилар ва шаҳарда қирғин уюштирадилар, лекин Ғиждувонда бўлган кейинги жангда шайбонийлардан узил-кесил енгиладилар, Мир Нажми Соний ҳам шу жангда ўлдирилади. Бобур охирги умиди узилиб, Ҳисорга қайтади; бу ерда қўл остидаги мўғуллар ўртасида низо бошланиб, уларнинг аксар қисми Қоратегин томонга кетади. Ушбу қиш охирида (1513 йил)Убайдуллахон Ҳисорни эгаллайди. Бобур Қундузга йўл олади, сўнгра у ердан Кобулга қайтади (1513 йил, баҳор)[24]. Бу ерда подшоҳлик тахтида қолдирилган Носир мирзога, унга бошқариш учун берилган Ғазнига қайтишга рухсат беради. Носир мирзо кўп ўтмай, ўша ерда вафот этади.

Заҳириддин Бобурнинг 1510 -1513 йилларда Мовароуннаҳрда ҳокимиятни Шайбонийлардан қайтариб олиш учун юриши натижасида ўлканинг маъмурий-ҳудудий ҳолатида учта ўзгариш юз берди. Биринчи навбатда Андижон мустақил бўлди; иккинчи босқичда Хатлонда Шайбонийлар устидан муҳим ғалабага эришилгани сабабли, Мовароуннаҳрнинг жанубий қисми Бобур давлати таркибига киритилди; учинчи босқичда пойтахт Самарқанд қўлга киритилди ва Мовароуннаҳр тўла Бобур ихтиёрига ўтди. Бобур давлати чегараси жануби-шарқда Кошғаргача, шимоли-шарқда Сайрам билан Янги (Тароз) оралиғигача, шимолда Сайҳун дарёсигача ва ғарбда Хоразмгача ястанган эди. Бу жой картада ҳозирги Ўзбекистондан каттароқ ҳудуд бўлади. Агар Афғонистондаги жойларни қўшиб ҳисобланса, Заҳириддин Бобур давлатининг ҳудудий жиҳатдан энг катта пайти 912 йилдаги давлати бўлган, деб айта оламиз. Мазкур қисқа муддатли маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг 1511-1512 йиллардаги тарихининг Заҳириддин Бобур фаолияти билан бевосита боғлиқ муҳим қисмини ташкил қилади.

[23] Мирза Хайдар “Тарихи Рашиди”. С.344.
[24] Мирза Ҳайдар “Тарихи Рашиди”. С.339.

САРИПУЛ ЖАНГИНИНГ “БОБУРНОМА” ҲАМДА “ШАЙБОНИЙНОМА”ДА ТАСВИРЛАНИШИ

Дадабоев Ҳамидулла,
Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ профессори,
филология фанлар доктори.

Ўн саккиз ёшида Темурийлар салтанатининг 140 йилга яқин пойтахти саналган Самарқандни Шайбонихоннинг эътиборли лашкарбошиларидан бири, хон томонидан рўйи замин сайқалига доруға этиб тайинланган Жонвафобий дўрмон қўлидан 240та содиқ мулозимлари ва матонатли навкарлари кўмагида тортиб олган Бобурнинг 1501 йил шаввол ойида (апрель-май) Самарқанддан шимоли-ғарбда, Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг ўнг қирғоғида ястанган Сарипул яйловида *“пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ”* Шайбонийхон қўшини билан тўқнаш келгани тарихдан яхши маълум.

Сарипул жангининг қандай кечгани тафсилоти “Бобурнома”, шунингдек, тахминан 1506 йилда Муҳаммад Солиҳ томонидан битилган “Шайбонийнома”да қисман аксини топган.

1500 йилнинг кеч кузида Самарқандни иккинчи бор таҳти фармонига киритган Бобурнинг иши тараққий этган. Шовдор, Суғд, Миёнкол, Хузор, Қоракўл, Марв сингари қўрғон ва шаҳарлар Шайбонихон тасарруфидан чиққач, ушбу ерларнинг бошлиқлари Бобурга қўшилган. Бироқ қиш мавсумида Шайбонийхон Қоракўл ҳамда Қалъаи Дабусийни қайта ўз тасарруфига киритишга эришган. Хоннинг кейинги мўлжали Самарқанд эканлигини яхши пайқаган Бобур шаҳарни мустаҳкамлаш, мудофаа иншоотларини тартибга солиш ҳамда хон билан очиқ майдонда содир бўлажак жангга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини бошлаб юборган.

Самарқандни 240 кишиси билан олган Бобур “Бобурнома”да қўшиннинг сони 5-6 ой орасида анча ортгани тўғрисида таъкидлаган бўлса-да, аммо черигнинг аниқ миқдорини фақат тахмин қилиш мумкин. Бобур ёзади: “*Атроф ва жавониблардин: хон (*Султон Маҳмудхон Ҳ.Д.*)дин Айюб Бекчик ва Қашқа Маҳмуд ва борин (*туркийлашган мўғул уруғи Ҳ.Д.*)лардин тўрт-беш юз киши кўмакка келиб эди. Жаҳонгир мирзодин (Бобурнинг ўгай укаси)*

Танбалнинг иниси Халил юз-икки юз киши кўмакка келиб эди” (1.143). Кейинги ўринда Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг тўнғич ўғли Бадиуззамон ҳамда Ҳисор ҳокими Хусравшоҳдин ҳеч киши мададга келмаганини афсус ва надомат билан урғулайди.

Сарипул тўқнашуви арафасида Бобурнинг қанча аскарга эгалиги тўғрисида Муҳаммад Солиҳ ҳам аниқ ва тиниқ маълумот келтирмаган. Шундай ҳолатни “Ҳумоюннома”(2) ҳамда муаллифи номаълум “Таворихи гузида. Нусратнома” (4)да ҳам кузатиш мумкин.

Шайбонийхоннинг Бобурга қарши қанча аскар билан муҳораба қилгани борасида сўз кетганда, “Бобурнома” ҳамда “Шайбонийнома”да баён этилган қайдларга суяниш ўринли. Чунончи, Бобур Самарқандни иккинчи марта эгаллаш учун жазм қилган кезда Шайбонийхон уч-тўрт минг чериги билан Дийдор навоҳийсида турган, ерлик сипоҳийдан ҳам шунча чоғлик аскар йиғилган. Самарқанд доруғаси Жонвафобий 500-600 кишига бош бўлиб, шаҳар ичида жойлашган. Бундан ташқари, Самарқанд яқинидаги Бўдана ўлангида лашкаргоҳ ўрнатган Ҳамза Султон ва Маҳди Султон қўл остида ҳам талай жангчилар жамланган. Шу ўринда, Бобурнинг Самарқандни эгаллагани муждасидан хабар топган шаҳар аҳли Жонвафобийнинг 400-500 аскарини тош ва таёқ билан уруб, ўлдиргани хусусидаги таъкидини эътиборга олиш лозим бўлади (1.140).

Шайбонийхон Қалъаи Дабусийни қаршиликларга қарамай забт этганидан кейин Сарипул томон йўл олган ва Хожа Кордзан навоҳийсида тушган. Муҳаммад Солиҳ хоннинг савашдан олдин икки минг яёғ ва уч минг отқучи(ёйчи, ўқчи)га тура (одам бўйи баравар қалқон) улашганини қайд этган:

Ики минг тура яёғларға бериб,

Уч минг отқучи тура ичра кириб (3.47-130).

Агар Темурийлар ва Шайбонийлар қўшинининг нафақат яёғлар, балки, асосан, отлиқлардан ташкил топганлигини ҳисобга олсак, Шайбонийхон черигининг қолган қисмини сони ҳар икки асарда ҳам кўрсатилмаган отлиқлар ташкил қилганига шубҳа йўқ.

Боғи Навга келган Бобур лашкар тўплаш, қурол-яроғни созлаш мақсадида беш-олти кун бу ерда тўхтаган. Сўнгра отланиб, Сарипул томон мутаважжиҳ бўлган. Сарипулдан ўтиб қўнилгач, *ўрду*-аскаргоҳ гирд-атрофи хандақ ҳамда шох-шаббалар билан маҳкам иҳота қилинган. Бобур ва Шайбонийхон қўшини ўртасидаги масофа бир ёғоч, яъни чамаси 7-8 км. ташкил этган. Ушбу жойда ҳар икки томон тўрт-беш кун жангга шайланишни давом эттирган. Айни чоғда, қарама-қарши томон аскарлари беридан бориб, наридан келиб, ўзаро қисқа ҳамлалар қилиш билан ҳам машғул бўлишган. Ҳеч бир томоннинг қўли баланд келмаган. Зеро, бундай ҳамлалардан аксарият душманнинг жанголди тайёргарлигини аниқлаш, ғаним кучларини ваҳимага солиш, улар сафида саросима ҳамда бошбошдоқликни юзага чиқариш сингари тактик амалиётлар кўзланган.

Шу кезларда Қалъаи Дабусийдаги жангни Шайбонийхонга бой бергач, Қаршига қочган Боқи тархоннинг минг-икки минг қуролланган навкари билан Кешга келгани, икки кундан кейин Бобур қўмондонлигидаги асосий кучларга қўшилиши, шунингдек, Бобурнинг катта тоғаси Султон Маҳмудхон томонидан жўнатилган Саййидмуҳаммад мирзо дуғлат (“Тарихи Рашидий” асари муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг амакиси) бошчилигидаги минг-минг беш юз кишилик чериг Самарқанд шарқида жойлашган Диюл қишлоғида тўхтагани, орадаги тўрт ёғоч (32 км.) йўл босилиб, тонгда Бобур билан бирлашиши борасида хабар келган. Аммо ҳузуридаги мунажжим (астролог)ларнинг сохта башоратларини тажрибасизлиги боис рад этолмаган Бобур мирзо кўмак келишини кутмай тонг чоғи отларга *кечим*-ёпинчиқ ёпиб, баронғар, жавонғар, ғўл ва иравулни *ясол*-жанговар сафга тизиб, маъракагоҳга равона бўлган. Рўпарадан Шайбонийхон ҳам ясол ясаб, жанггоҳга кирган.

“Бобурнома”да Самарқанд чериги қисмлари қайси саркарда томонидан бошқарилгани аниқ ва равшан кўрсатилган. Жумладан, *иравул* (мўғулча *ҳиравул* истилоҳининг фонетик шакли)-илғор қисмга Қанбарали саллоҳ, Банда Али, Хожа Али, Миршоҳ қавчин, Саййидқосим эшик оға, Банда Алининг иниси Холдор, Қосимбекнинг ўғли Қўч Ҳайдар ҳамда тажрибали йигитлар ва

ичкилар, *баронғор*га Иброҳим сору, Иброҳим Жоний, Абулқосим кўҳбур сингари беклар, *жавонғор*га Муҳаммад Мазид тархон, Иброҳим тархон, Самарқанд бекларидан Султон Ҳусайн арғун, Қаро барлос, Пираҳмад, Хожа Ҳусайн, *ғўл*га Қосимбек қавчин ва хос ичкилар тайинланган.

Шайбонийхон қўшини баронғорига хоннинг иниси Маҳмуд Султон, амакиваччаси Жонибек Султон, Маҳди Султон ва бошқа султонлар раҳбарлик қилган. Хон лашкарнинг маркази-*ғўл*дан ўрин олган. Иравулга ким қўмондонлик қилгани хусусидаги маълумот на "Бобурнома", на "Шайбонинома"да бор. Муҳаммад Солиҳ,гарчи, ҳар икки чериг ясоли тўғрисида маълумот келтирмаса-да, лекин Шайбонийлар лашкарининг сўл қўли Бобур аскарлари билан чирмашгани, ўнг қўли эса ёвни ушатиб отгани, хоннинг ғўлдан жой эгаллагани, унинг бошчилигидаги отлиқлар хасмга ҳужум қилганини қуйидагича тасвирлайди:

Сўл қўли хасм бирла чирмашди,
Ўнг қўли жовни ушотиб отти.
Хон қўли чунки бу тавр от солди,
Хасми бадрўз арода қолди (3.48-10;48-14).

Бобур келтирган баёнга суяниб, Сарипул жангида қарши томонлар қўшини ясолини чизмада тубандагича тасвирлаш мумкин:

Бобур қўшини

баронғор *ғўл* *жавонғор*
иравул
иравул
тўлғама жавонғор *ғўл* *баронғор* *тўлғама*

Шайбонийхон лашкари

Ясоллар бир-бирига яқин келгач, Шабонийхон баронғорининг учи, яъни тўлғамаси Бобур қўшини жавонғорининг ёнидан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба беришга киришган. Бундай тактик усулни кўрган Бобур ўз қўмондонлигидаги асосий қисм-ғўлни душман томон ташлаган. Натижада, самарқандликларнинг иравули ўнг қанотда қолиб кетган. Бобурнинг шиддатли ҳужумига дош беролмаган ғанимнинг илғори Шайбонихон бошчилигидаги ғўл тарафга қочишга мажбур бўлган. Вазиятнинг ўта чигаллашганини

пайқаган Шайбонийхон беклари унга : Юрумак керак, турмоқдин иш ўтти”-, дейишган. Бироқ талай жангу жадалларни кўрган хон мулозимларининг маслаҳатини қабул қилмаган. Аҳвол шу даражада таранглашган кезда хон баронғорининг тўлғамага белгиланган қисми Бобур жавонғорининг ён томонидан айланиб ўта бошлаган. Ўнг қанотда қолиб кетган иравулнинг жойи ялангланиши оқибатида ғанимда Бобур черигига ҳам олд, ҳам ортдан кучли зарба бериш имконияти юзага чиққан. Муҳаммад Солиҳ ушбу муҳорабада Шайбонийхон қўллаган тўлғама усулини бундай тасвирлайди:

Анда(баронғорда Ҳ.Д.) *ҳам яхши йигит сайланибон,*

Хасмнинг орқасига айланибон (3.48-11).

Бобур ва унинг жангчилари кўрсатган кучли қаршиликка қарамай, хон аскарларининг қўли баланд келган. Бобур қўлга тушиш хавфидан қочиб, ҳузурида омон қолган 12 киши билан Кўҳак дарёси томон от сурган. Дарёнинг бир тиргаз отимига тенг масофаси сузиб ўтилгач, совутлар ва отларнинг кечим-ёпинчиқлари кесиб ташланган. Душман таъқибидан эсон-омон қутилган Бобур ва унинг ҳамроҳлари Шайхзода дарвозасидан Самарқандга кириб, аркда тушган.

Сарипул жангида Бобур қўшини бутунлай тор-мор этилган, бир қанча номдор, беклар, саркардалар, суяги урушларда қотган, тажрибали жангчилар ҳалокатга учраган. Чунончи, Иброҳим тархон, Иброҳим сору, Иброҳим Жоний сингари улуғ беклар, Абулқосим кўҳбур, Худойберди туғчи, Худойберди барлос, Аҳмад Танбалнинг иниси Халил каби номдор лашкарбошилар талаф бўлган. Жангда соғ қолган айрим шахслар жонини сақлаб қолиш илинжида турли томонга кетишга мажбур бўлган. Алалхусус,Муҳаммад Мазид тархон ва Қанбарали саллоҳ аввал Ҳисорга, кейин Қундузга, Каримдод, Худойдод туркман, Жоника кўкалтош ва Мулла Бобойи Пашоғарий Ўратепага равона бўлишган.

Ўзидан 32 ёш катта Шайбонийхон билан содир бўлган Сарипул муҳорабасида, гарчи, Бобур аччиқ мағлубият аламини тортган бўлса-да, аммо тажрибали ғаними жангда қўллаган тўлғама тактик усулининг афзаллигини : *“Ўзбакнинг урушта бир улуғ ҳунари ушбу тўлғамадур, ҳеч уруши тўлғамасиз бўлмас*” (1.145) тарзида

баҳолади ва тўлғамани ўзлаштириб, кейинги ҳарбий ҳаракатлар чоғида, хусусан, Иброҳим Лўдий ва Рона Санго билан кечган даҳшатли жангларда қўллади ва оламшумул зафарлар қучди.

Хуллас, Бобур ҳазратларининг жаҳон ҳарб санъатидаги ўрнини белгилашда у киши томонидан яратилган "Бобурнома" қатори, айни даврга хос бошқа манбаларни ҳам синчковлик билан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Адабиёт:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. –Тошкент: Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1960.

2. Гулбаданбегим. Заҳириддин Бобур қизи. Ҳумоюннома. Форс тилидан Аҳмад Қуронбеков таржимаси.-Тошкент, 2015.

3. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи Насрулло Даврон.-Тошкент: Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти, 1961.

4. Таварихи гузида. Нусрат-наме. Исследование, критич.текст, аннот.оглавление и таблица сводных оглавлений к.ф.н. А.Акрамова.-Ташкент, 1967.

БОБУР МАСНАВИЙЛАРИДА ИСЛОМИЙ МАНБАЪЛАР ТАЛҚИНИ

Салоҳий Дилором
Самарқанд давлат Чет тиллар институти Яқин шарқ тиллари кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Аннотация

Мақолада буюк эътиқод эгаси бўлмиш подшоҳ Бобур Мирзонинг "Мубаййан" ва "Рисолаи волидиййа" манзумаларида исломий манбаларга мурожаат этганлиги баён этилади. Шоир маснавийларида Қуръони каримдан танлаб олинган ояти карималар маъноларини назм билан ифодалайди. У "Рисолаи волидиййа"да хотам ул-анбиё Муҳаммад алайҳиссалом сийратларини ўрганмоқ ва бу билимларни ҳар бир инсон ўз ҳаёти учун дастурил-амал қилмоғи лозимлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: эътиқод, таржима, Хожа Аҳрори Вали (р.а), табаъиййат, кўнгил ойнаси.

Аннотация

В статье даётся информация об обращении Бобуром Мирзо в своих произведениях “Мубаййан” и “Рисолаи волидиййа” к святым источникам ислама. Поэт в своих месневи излагает стихами содержания отдельных аятов из Корана карим . Он в “Рисолаи волидиййа” утверждает о необходимости изучения молодым поколением образа жизни пророка Мухаммада алайхиссалям и строить свою будущую жизнь согласно данного путеводителя.

Ключевые слова: духовность, перевод, Ходжа Ахрори Вали (р.а), последователь, зеркало души.

Annotation

The article provides information about the conversion of Bobur Mirzo in his works "Mubayan" and "Risolai volidiyya" to the holy sources of Islam. The poet in his mesnevi presents in verse the contents of individual verses from the Quran karim. He argues in the Risolai Volidiyya that it is necessary for the younger generation to study the way of life of the Prophet Muhammad Alaihissals and to build their future life according to this guidebook.

Key words: spirituality, translation, Khoja Akhrori Vali (r.a.), follower, mirror of the soul.

Буюк эътиқод эгаси бўлмиш подшоҳ Бобур Мирзонинг “Бобурнома”да келтирган ўз эътирофига кўра, бир умрлик мусофирлик ва жангу жадаллар ташвишлари билан ҳам ўзини доимо пок тутиб, мусулмонлик фарз ва суннатларини адо этганлиги аёндир. Шоирнинг келажак авлодлар учун ёзиб қолдирган “Мубаййан” асари ушбу масала таҳлилида муҳим мавқеъ эгаллайди. Нақшбандия тариқатининг йирик муршиди Хожа Аҳрори Вали раҳматуллоҳи алайҳнинг “Волидиййа” асари назмий таржимасида эса шоир ўқувчиларига тариқатнинг маърифат мақомини эгаллаш талаблари хусусида билим беради. Бобур Мирзо асарни назм билан таржима қилар экан, “Яна ўқуғучиларга ул он, Забт қилмоққа эди назм осон”, деган фикрни баён этади.

“Волидиййа” ўз даври бадиий адабиёти анъаналарига кўра, Тангри таолога ҳамд билан бошланади. Ҳамд мазмуни ҳам бир банданинг Яратгучига қаратилган мақтовлари ёки муножотини эмас, балки исломнинг асосий китоби бўлмиш Қуръони карим баъзи оятларининг туркий тилдаги шарҳи, тафсирини ифода этади. Етти байтдан иборат бўлган ҳамднинг бошида шоир Яратгучининг етти сифатини зикр этади. Яъни, “қабул бўлармикин?”, деган андиша ва қўрқув билан бошланган ушбу хайрли иши ибтидосида ихлос билан Исми Аъзам дуосини ўқийди. Бобур Мирзо худди шу шеърий услубни бошқа асарларида ҳам қўллайди. У маснавийлар мажмуасидан иборат асари бўлмиш “Мубаййан” таркибига кирган “Эътиқодиййа” рисоласи ибтидосида ҳам Ҳақ таолонинг етти сифатига таърифлар келтирган. Улар қуйидагилар: Ҳаёт, Илм, Иродат, Қудрат, Самиъ, Басир, Калом. “Рисолаи волидиййа”да ҳам Ҳақ таолонинг шундай сифатлари васф этилади. Бу ҳақда олима Д. Ражабова шундай ёзади: “Маснавийнинг ҳамд қисмида Тангри таолонинг таърифи унинг сифатлари айтилган манзумаларда янада чуқурлаштирилади. Масалан, Тангри таолонинг қудрат сифатига ишоратда ҳамддаги мақтовлар билан кучли боғланиш бор:

Йана бир васфи Ҳаққа қудратдур,
Анда қудратдур, анда қудратдур.
Бори ишда билингки, донодур,
Ҳар не қилмоққа ҳам тавонодур.

Кўз юмуб очқунча қилур мавжуд,
Кўз юмуб очқунча қилур нобуд,
Ҳар неки қилмақта қудрати бастур,
Одат-у восита керакмастур.” [6, 85]

Шундан сўнг келадиган мисраларда асосан, Қуръони карим “Бақара” сурасидан жой олган “Оят ал-курсий” ва муқаддас китобнинг уч якунловчи сураларидан бири бўлмиш “Ихлос” сураи каримаси мазмуни ифода этилади. Шоир жуда равон ва содда туркий тилда Тангри таолонинг азалдан бор бўлганлиги ва абадий мавжуд эканлиги, унинг бирор шериги ҳам йўқлиги, у Зот ҳеч

нарсага ўхшамас, ягона эканлиги, бировга эҳтиёжи ҳам, ёру ёрдамчиси ҳам бўлмаганлиги, ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмаслигини баён этиб беради. Аммо, шоирнинг эътиқодига кўра, ҳар қанча билимга эга бўлмасин, инсон Парвардигорни тўлиқ англаб етишга ҳам, таърифлашга ҳам қодир эмас: “Тил анинг ҳамдида қосирдур, бил”.

Рисоланинг кейинги қисми наът. Ундан сарвари Коинот ҳазрати Муҳаммад Мустафо салоллоҳи-алайҳи васаллам таърифлари ва шоирнинг у Зотга қилган илтижолари ўрин олган. Шундан сўнг Китоб назмининг сабаби баён этилади. Шоир ушбу машҳур рисолани таржима қилиш орқали ўзининг ғуборли кўнглини поклаш, маънавий бедорлик, руҳий баркамолликни назарда тутганлигини очиқ эътироф этади:

Ҳар сўз андаки ман унга етсам,
Етти кўнглумға ани назм этсам,
Токи бўлғай манга ҳушёрлиғи,
Уйқулуқ кўнглума бедорлиғи... [2, 7]

Сўфий ўз зоҳиру ботинини амалда тарбиялаб бориши лозим, бу нарса уни бевосита маърифатга эриштиради. Бироқ, муршид ўгитларига кўра:

Маърифат бетабаъиййат бўлмас,
Қойиди раҳ табаъиййаттуру бас.

“Табаъиййат” – эргашмоқ, демакдир, “қойид” – бандга солувчи. Табаъиййатни, албатта, набий алайҳиссаломга қилмоқ керак. Бироқ қайси ишларда? Ҳазрати муршиди офоқ рисоласининг бутун композицияси ана шу саволга жавоб асосида қурилган. Устод соликка набий алайҳиссаломнинг сўзи – ҳадиси, феъли ва ҳоли (ихтиёри, иродаси)га ихлос билан тақлид қилишни ўргатади. Хожанинг сўзи буки, - дейди шоир, - набийнинг қавли (сўзи, ҳадиси) тилингга тааллуқлидир, уни тилингдан қўйма. Феъли эса зоҳирингга, ўзингни жамиятда ва оилада тутишинг, одобинг, ахлоқингга тааллуқлидир. Расул ҳоли сенинг ботинингга тегишли. Маънавий камолот, маърифат чўққисини забт этмоқлик –

башарнинг комил фарзанди ҳолига эргашмоқлик орқали қўлга киритилади:

Табаъиййат недурур нафсинга, бил:
Нафс ҳаззида хилофин тутқил.
Ҳар неким, шаръ хилофидурур ул,
Тийил андинки, эмастур ул йўл.
Ҳар сўз айтсангу ҳар иш қилсанг,
Чун ҳамеша муни варзиш қилсанг,
Нисбати нафси набий бирла ул он,
Нафсингга бўлғуси бешакку гумон.
Сифати нафсидин ушбу фурсат,
Жазб этар нафс бақадри нисбат.
Анга ўхшарки, фатила тутуни
Жазб этар ўтни кўрубсенму муни.

Аён бўлмоқдаки, инсоният учун зарур бўлган барча аъло сифатларни, нафс юкидан қутулиш йўли ва орзу қилиниши мумкин бўлган барча эзгу фазилатларни шоҳ Бобур комил хилқат бўлмиш Муҳаммад (с.а.в.) сиймоларида кўради. Бундай фикрларни шоир “Мубаййан” асарида ҳам баён этади:

Бордурур борча элға фазллари,
Хоҳ бўлсун фаришта, хоҳ пари.
Борчанинг афзали Муҳаммаддур,
Борчанинг акмали Муҳаммаддур.
Борчанинг фазлини йиғуштурсанг,
Бир кишида борин сиғиштурсанг,
Фазли Аҳмадча бўлмағай ул ҳам,
Бўлғай Аҳмад фазилатидан кам. [3, 15]

“Волидиййа”да ҳаётсевар таълимот бўлмиш нақшбандиянинг асосий ғоя-мазмунига урғу берилади. Соликнинг жамики жидду жаҳдининг маъноси кўнгул кўзгусини поклаш бўлмоғи лозим. Чунки, Тангри таоло “кўрклуғ кўзгусини севади”. Энг гўзал ва равшан кўзгу эса ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)га тегишли эди:

Балки ҳар рутбада яхши боққил,

Ўздин ўзгани севмайдур бил.
Кўрклуғ кўзгусини гар севса,
Назари лутф бирла гар эвса.
Билгасенким бу темир, ҳубби эмас,
Филҳақиқат ўзини севдиййу, бас.
Сифату зот била Ҳазрати Ҳақ
Қилди кўзгуда тажаллий андоқ.
Қайси кўзгуки, эди беғашу ғил,
Бу тажаллий эди анда комил.

Муршиднинг тарбия услубида шундай усул ҳам борки, у муридни илми ҳолнинг қай даражасига етган бўлса, шу мақомда собит турмоқликни ўргатишдир. Агар толиб бунинг уддасидан чиқа олмаса, ҳолнинг аввалги зинапоясига қайтиш юз беради.

Рисола фалсафий мушоҳадаларга бой асардир. “Сўз аро фарқе бор, - дейилади бир ўринда, - бировни дўст тутмоқлик била, кўнгулда дўст ёдини тутмоқлик бошқа-бошқа нарсалардир”. Шунингдек, ишқнинг нималиги ва ошиқнинг кимлиги масалалари таълиф этилади, маърифий тараққийга ақл билан эришиб бўлмаслиги уқдирилади. (“Ақл ул ерга, эшит, топмас йўл”).

Рисола маснавий йўлида назмга солинган. Бобур асарга хотима ҳам ёзиб, унинг композицион мукаммаллигини таъминлайди. Ҳар қандай бадиий асар композицияси масаласига шоир жиддий эътибор бериб, ҳатто ўзининг адабиётшуносликка доир асарларида бу тушунчани махсус термин билан атаб, “устухонбанд” истилоҳини таомилга киритганлиги маълумдир. Шу нуқтаи назардан рисола мисолида эркин таржимага асосланган мукаммал бадиий асар юзага келади.

Бобур Мирзо “Волидиййа” асарини таржима қилиш билан машҳур нақшбандий пир илмий-фалсафий қарашлари ва сўфиёна тарбия йўсинини туркий тилли илм толибларига етказибгина қолмай, бу халқнинг маънавий-руҳий камолот йўлидаги интилишларида ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшди. Зеро, шоирнинг бутун ҳаёти, ижоди, изланишлари, саъй-ҳаракатининг асл мақсади ҳам айнан шундан иборат эди. Шоирнинг ўз таъбири билан

айтганда, Бобур Мирзо “назири йўқ киши эрди...”, у бутун борлиғи билан фақат эзгулик учун хизмат қилди. Унинг буюк ихлос натижаси сифатида юзага келган маърифий маснавийларида ҳам эзгулик нурига йўғрилган нияти, тилаги равшан кўриниб турибди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Валихўжаев, Б 2002. Мумтоз сиймолар. Тошкент: Абдулла Қодирий ХМН.
2. Заҳириддин Муҳаммад, Бобур 1991. Волидиййа. Тошкент: ”Ёзувчи”.
3. Заҳириддин Муҳаммад, Бобур 2000. Мубаййин. Тошкент: Абдулла Қодирий ХМН.
4. Исҳоқов, Ё 2002. Нақшбандия тарқати ва ўзбек адабиёти. Тошкент: Зарқалам.
5. Комилов, Н 2005. Хизр чашмаси. Тошкент: МАЪНАВИЯТ.
6. Ражабова, Д 2005. Бобур маснавийларида ирфоний маъно. Тошкент: “Фан”.
7. Салоҳий, Д 2019. Бобурнинг буюк эътиқоди. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази.
8. Энциклопедия 2017. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Тошкент: ШАРҚ.

“БОБУРНОМА”ДАГИ ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРДА МАДАНИЙ БЕЛГИЛАР ИФОДАСИ
ёхуд “Бобур асарлари луғати”нинг аҳамияти

Холманова Зулхумор
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунё маданиятида истеъдодли шоир, воқеликни теран англаган ва ёркин чизгиларда тасвирлаган нозиктаъб ижодкор, маҳоратли саркарда, адолатли ҳукмдор, маънавий-маърифий тараққиёт асосчиси ҳамда буюк император сифатида из қолдирган. Шоирнинг ватан соғинчи акс этган, ёру

диёр мадҳ этилган, дунё ситамларидан озурда қалб туғёнлари жо бўлган сермазмун ғазаллари, рубоийлари китобхонлар шууридан жой олган. “Бобурнома”си эса ижодкор ақлий салоҳияти, тафаккур даражаси, синчков табиатининг ёрқин ифодаси, дунё афкор оммасини ҳайратга солган бемисл тафаккур маҳсулидир.

“Бобурнома” матни XV – XVI асрлардаги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихий-маданий муҳити, аҳолиси, ижтимоий-сиёсий, маиший тизимига оид сўзларни ўз ичига олган, эски ўзбек тили лексик хусусиятлари мужассамланган лингвистик қомус, воқелик равон услубда баён этилган, бетакрор бадиий тасвир воситалари орқали ифодаланган сермазмун, беназир манбадир. Таниқли тилшунос А.Нурмонов асар лексикасининг қомусийлигини таъкидлаб, Бобурни тилшуносликнинг графика, ономастика, этимология, лексикография соҳалари ривожига муносиб улуш қўшган олим сифатида тилга олган. Сўзларнинг мазмуний майдон тушунчасига кўра изоҳига асосланган тезаурус луғат тузишнинг ўзига хос намунасини яратганлигини қайд этган [6,25].

Бобур асарлари сўзларнинг тарихий маънолари акс этгани билан ҳам эътиборга моликдир. Масалан, асарда *ака* сўзини аёлларга нисбатан қўлланган: *Махфий кишилар бориб акам била янга била, Поянда Султонбегимни “ака” дер эдим* [4,146,I]. *Ака* сўзи Паве де Куртейл луғатида “она” маъносидаги мўғулча сўз, деб изоҳланган. Бу сўз олтой умумтараққиёт даврига хос бўлиб, ҳозирги айрим туркий тиллардагина шу маънода сақланиб қолган. Матндан бу сўзнинг мартабаси улуғ аёлларга нисбатан ишлатилган мурожаат шакли эканлиги маълум бўлади.

“Бобурнома” матни туркий сўзлар кенг кўламда қўлланган билан ажралиб туради (*уйрушмак*, *тўнгмоқ, олдарамоқ, орқаланмоқ* каби). Бобур туркий сўзларнинг маъно нозикликларини тезфаҳмлик билан илғаган ва маҳорат билан акс эттирган. Масалан, “Бобурнома”да *сўз* луғавий бирлигининг қуйидаги маънолари кузатилади:

1) “хабар”: *...Хисравшоҳдин кўнгулга ёққудек сўз келтурмади, вале эл ва улусдин сўзлар келтурди* [4,102,I];

2)“гап“: *Хисравшоҳнинг мўғулларидин давлатхоҳона сўзлар арз қилди* [4,102,I];

3) “ҳодиса”: *Тенгриға равшандурким, мендин ва менга тааллуқ элдин ҳеч иш ва сўзе воқеъ бўлмадиким, сабаби мунча кудурат ва ниқор бўлғай* [4,127,I];

4) “хабар”: *Бир гарий, икки гарий ўлтуруб, ул тарафдин – бу тарафдин сўз ва ҳикоят айтилди* [4,104,II];

5) “ҳикмат”: *Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқиъ бўлди: Нечукким, “Гулистон”да келтурубтур: ”Даҳ дарвеш дар як гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд*” [4,140,II];

6) “фикр”: *...ғолибо агар сўз анинг эмас* [3,244];

7) “қарор”: *Ўшул сўзда эдукким, Бобойи Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук* [4,100, II].

“Бобурнома”да с*ўз* лексик бирлиги *ун* билан жуфтлашиб, “маълумот“, “хабар“ маъносида келган: *...Хожа келсунлар, ҳар неким фармон бўлубтур, еткурсунлар, сўз-унни сўзлашиб борсунлар* [4,241,II]; Ҳозирги ўзбек адабий тилида “нутқ бирлиги” сифатидаги *сўз* [8,II,94] ва “товуш”, “овоз” маъносидаги *ун* [8,II,277] сўзлари учрайди. Аммо мазкур сўзларнинг бириккан ҳолда қўлланиши ва “Бобурнома”да ифодаланган маъноси кузатилмайди. Бу жуфт сўзни эски ўзбек адабий тилига хос сўз шакли сифатида баҳолаш мумкин.

Бобур Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ҳудудига доир воқеликни тасвирлар экан, шу ҳудудлардаги халқларнинг маданий тараққиёт даражаси, кийиниши, яшаш тарзи, урф-одат анъаналари ҳақида муҳим маълумотларни қайд этади. Кийим -кечак номларининг халқ номини билдирувчи сўзлар билан сифатланиши либосларнинг шу миллатга хослигини билдирган: *Мафтунлуқ мўғулий бўрк ва сончма тиккан хитойи атлас тўн ва хитойи қўр...*[3,160]. *Мўғулий бўрк, хитойи бўрк* туркий халқларнинг мўғул, хитой халқлари билан ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатларидан дарак беради.

Ҳарбий тизим тасвирида халқ номига нисбат берувчи *фаранги* сўзи ҳам учрайди. *Фаранги* француз халқи тимсолида “европа халқлари”га нисбат берувчи сўз. *Ҳ*ажми қозон (ҳарбий қурол)дан

кичик, аммо отиш тезлиги ундан юқори ҳисобланган дала тўпи *зарбзан*нинг европача тури *фаранги зарбзан* деб юритилган: *...Устод Алиқули қозон ва фаранги зарбзанни қуруб, қалин туфакандозлар била бу ердин уруш ангизи қилғай* [3,440]. Ўқ отар қуролнинг *фаранги* деган тури "европача тўп"ни билдирган: *..неча қатла яхши фарангилар отти* [3,336]. Халқимизда ҳозирга қадар яшаб келаётган *устаси фаранг, фаранг ип, фаранг рўмол, фаранг кўйлак* каби бирликлар ҳам шу сўзга боғлиқ тарзда иқтисодий-маданий алоқалар тарихи ҳақида маълумот беради.

"Бобурнома" лексикаси сўзнинг семантик тараққиёт жараёнлари ҳақида муҳим маълумот беради. Буни "аскар ва амалдорларга белгилаб қўйилган маош ва озиқ-овқат" маъносидаги у*луфа* луғавий бирлиги мисолида кузатиш мумкин: масалан, ни билдирган: *Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларга алиқ таъйин бўлғай* [3,423]. Бу сўз айрим ўзбек шеваларида сақланиб қолган, мазмуний ўзгаришлар билан қўлланади. Ҳозирда қипчоқ шеваларида ишлатиладиган *улапа* сўзи Бобур даврида қўлланган *улуфа* терминининг функционал-семантик ифодаси бўлиб, *улапасини бермоқ* ибораси таркибида "таъзирини бермоқ", "жазоламоқ" маъноларини ифодалашга хизмат қилади. Сўз семантик таркибида моддий воқелик (маош) ифодасидан ҳаракат ифодаси (жазолаш) томон силжиш рўй берган. Бу ўриндаги киноявий ифодани таъкидлаш жоиз. Яъни "Бобурнома"да *улуфа* – "тақдирлаш", шеваларда эса *улапасини бермоқ* "жазолаш", "танбеҳ билан сийлаш" маъноларида қўлланади.

Яна бир мисол: *шиброн* "улуш, тақсимланадиган ҳадя" [5,169]: *Яна бир карк бузови ўтга тўюб типрачилаб ётадур эди, бўғузлаб, ҳар киши шибронға олди* [3,289]. *Шиброн* ҳозирги қипчоқ шеваларида *чипрон* шаклида ишлатилади, тўйдан олдин ўтказиладиган маросим номига айланган, кишиларни "меҳмон қилиш ва уларга мато, нон ва бошқа неъматлар улашиш" тушунчасини ифодалайди.

"Бобурнома" лексикасидаги маъно кўчишлари муаллиф маҳоратини ёритиш билан бирга, тил соҳибининг борлиқ, олам манзарасини идрок этиш хусусиятларидаги ўзгаришларни кузатиш

имконини беради. Жумладан, “эҳтиёт қилиш” маъноси *кўз қабоғидек* ўхшатиши орқали ифодаланган (1960 йилдаги нашрда *кўз боғидек* деб келтирилган. 2002 йилдаги нашрда *кўз қабоғи* тарзида тузатиш киритилган): *Банголий буларни кўз қабоғи йўсунлуқ сахлар экандур* [4,254]. Қўлёзмада كوز قاباغى يوسولوق тарзида берилган [2]. Ҳозирги ўзбек тилида бу ўхшатиш “кўз қорачиғидек асраш” деб қўлланади. *Кўз қабоғи* асраш вазифасини бажаради. Тил соҳиби бирор нарсани асрашни *қабоқ* (қовоқ)нинг функциясига қиёслаган. Бунда асровчи, ҳимоя қилувчи дастлабки эътиборда туради. *Кўз қорачиғидек* ўхшатишида асраладиган, ҳимоя қилинадиган нарса-буюм, воқеликка диққат қаратилади.

Бобур қўллаган сўзлар халқ турмуш тарзи, дунёқараши, маросимлари борасида яққол тасаввур уйғотади. Муаллиф Кобул (ҳижрий тўққиз юз йигирма бешинчи йил) воқеаларини тасвирлар экан, шундай ёзади: *Ўша ерда йилқирон ошини торттурулди* [3,311]. Ушбу жумладаги *йилқирон оши* “вабо, ўлат йилларида қилинадиган худойи оши” маъносини ифодалаган: *Йилқирон оши,* даставвал, вабо, ўлат йилларида қилинган ва халқнинг шу балолардан халос бўлиш умидини ифода этган. Кейинчалик, бало ёки қирон(нинг) келишидан сақлашни сўраш маросимига айланган (“Бобурнома”да шу маънода қўлланган).

Бобур афғон, ҳинд халқи, лўлиларнинг урф-расмлари, иримларига изоҳ беради. Жумладан, ҳинд элининг кўп нарсадан ўзларини тийишларини бир сўз билан *парҳезкор* деб сифатлайди:...*бу Кармнос суйидин ҳиндулар кўп парҳез қилурлар эрмиш. Парҳезкор ҳиндулар бу сувдин ўтмай, кемага кириб, Ганг била бу сувнинг тўғрисидин ўттилар. Муътақадлари андоқдурким, бу сув кишига тегса, ибодатини зойиъ қилур* [3,436]. Ҳозирги ўзбек тилида *парҳез* сўзи семантикасида маъно торайиши кузатилади. Сўз фақатгина “таом истеъмолидан тийилиш” маъносини ифодалайди.

Бобур халқнинг яшаш манзиллари билан боғлиқ миллий-лисоний манзарани маҳорат билан акс эттирган. Аҳоли, яшайдиган бошпана умумхалқ тилида “қора уй” деб аталган (чунки улар аксар қора кигиз билан беркитилган). Ўтов оғасининг, оқсоқолнинг, бойнинг уйи бошқалардан нафақат сифати, балки ранги билан ҳам

фарқланган. Ҳукмдорлар уйи, ўтови оқ рангда бўлган: *Бадиуззамон мирзонинг оқ уйлари..*[3,250]. Шунингдек, тўй пайтлари махсус оқ ўтовлар тикилган. Байрамларда, ийдларда ҳам оқ уй тикилган: *Ул суфа устида оқ уй тикиб, анда ийд қилилди* [3,400]. Ҳозирги дунё лисоний манзарасидаги "маъмурий қароргоҳ" маъносида қўлланадиган "оқ уй" қўшма сўзининг асл шаклланиш илдизи туркий тиллардаги *оқ* ранг лексемаси семантикаси билан боғланади.

"Бобурнома"да бошқа турдаги истиқомат манзиллари ҳам қўлланган: *дардара уй "*оралиқ уй*"*: *Хон боғнинг ўртасида солған дардара уйда ўлтуруб эдилар* [3,89]; *чордара* "тўрт эшикли уй" ("шимол ва жануб томонида иккитадан эшиги бўлган уй": *Устида бир чордара қўпарғай* [3,423]; *якпора уй* "яхлит қурилган уй": *...якпора уй тарош қилиб бўлур, худ якпора қилсунлар* [3,401]; *тиюл "*чодир*"*: *Кечаси Қутлуқ хожанинг тиюлида бўлуб* [3,301] ; *олачуқ-чодир-хиргоҳ-хайма* сўзлари ҳам "чодир"ни англатган: *олачўқ*да "одмилик", *чодир*даги "серҳашамлик" маъноси бу қароргоҳнинг олийнасаб шахслар учун мўлжалланганлигини кўрсатади: *Менинг чодирим волидамға тикилур эди. Манга ҳар юртта олачўқ ясар эдилар, олачўқда ўлтурур эдим* [3,177]. Кечалари дам олиш учун ясалган махсус чодир *шомиёна* деб аталган. *Хиргоҳ* нисбатан юпқа "чодир": *...хиргоҳни пешхона била-ўқ менинг бошимға йиқти* [3,446]; *Хиргоҳ*га маъно жиҳатдан яқин бўлган *боргоҳ, хайма* ҳам турар жойни билдирган.

"Бобурнома"да қўлланган *қишлоқ* ҳозиргидан фарқли ўлароқ, асл луғавий маъносида келган, яъни "қишлайдиган уй, макон" тушунчасини англатган: *бир қўрғонда қишлоқ солмоқ керак... Неча кун қишлоқи уйлар тайёр бўлгунча ўлангда ўлтурулди* [3,103]. *Қишлоқ* ҳозирда "аҳолиси асосан хўжалик билан шуғулланадиган яшаш жойи"ни билдиради. *Қишлоқ* сўзининг "қишлайдиган уй" маъносида қўллангани сўзларнинг эски ўзбек тили даврида яшаш манзили номидан маъмурий ҳудудий терминга айланиш жараёни ҳақида тасаввур беради.

"Бобурнома" лексикаси ўзбек тили тарихини ўрганишда, тарихий лексикология масалаларини ёритишда, луғавий бирликлар маъно тараққиётига хос ўзгаришларни, лексик-семантик

жараёнларни, тил соҳибининг воқеликка берган баҳоси ва тафаккур даражасини таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

2023 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қарорда “Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этиши” таъкидланди ва бу борадаги бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, “Бобур асарлари луғати”ни яратиш кун тартибига қўйилди.

Бобур ижодидаги сўзларнинг ўзбек тилидаги дастлабки изоҳи П.Шамсиев, С.Мирзаевларнинг 1948-1949 йиллардаги биринчи нашр охирига илова қилинган эди. 1972 йилда Х.Назарова шу изоҳларга таяниб “Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат”ини эълон қилди. 2003 йилда А.Иброҳимовнинг “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар”, 2008 йилда М.Олимовнинг “Бобурнома”да қўлланган синонимлар луғати” нашр этилди. Ф.Исҳоқовнинг 2008 йилда эълон қилинган “Бобурнома” учун тузилган қисқача изоҳли луғати”да жами 2498 та сўз изоҳланган.

2023 йилда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти олимлари томонидан “Бобурнома” лексикасининг изоҳли луғати” нашрга тайёрланди. Луғат асоси “Бобурнома” лексикаси юзасидан 2009 йилда амалга оширилган тадқиқот иловаси бўлиб, қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

1.Мавжуд луғатларда қайд этилмаган, “Бобурнома” матнига хос бўлган сўз ва иборалар изоҳланган: *оғри-, кўрунуш қил-, чена-, ёрмош-, тусла-, тунла-, қарола-, оғизла-, қўзғада- урғуда-, қўлда-, отиқ-, озиқ-, сезир-, кир-, сингирла-, йилқирон, қадаға, бесирфа, янгла, ёрқунчи, қалин, девон куни, охир замон, шунқор бўлмоқ-, қаро олдур*моқ, *кўк саройга чиқар*моқ... каби. М., *отиқ-* “от - ном чиқармоқ”: *Хандақдин чиқмағонлар қўрқоқлиққа отиқиб, бедиллик била афсона бўлдилар* [3,93]. *сезир-* “маълум қилмоқ”: *Бу муҳимни*

Танбалға сезиргач, тура олмадилар, хон қошиға қочиб келдилар [3,155]. *Девон куни* “мажлис куни”: *Душанба куни девон куни буюрдумким, акобир ва ашроф ва умаро ва вузаро девонда ҳозир бўлғайлар* [4,217]. *Охир замон* “ҳукмронликнинг кейинги йиллари”: *Умаршайх мирзонинг охир замонларида қили била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди* [4,35,1]; *сар вақт* “ҳукмдорлик”: *Ул табақадин ҳар кимки менинг сар вақтимға туштиҳ, илигимдин келганча туққонлиқни ва яхшилиқни бажо келтурдум* [3,263].

2. Мавжуд луғатларда бир маъноси келтирилган сўзларнинг иккинчи ва учинчи маънолари изоҳланган: *паришон, қатра-, дастур, дағдаға.* М., Х.Назарова, Ф.Исҳоқовлар томонидан тузилган луғатларда *булжор* сўзининг бир маъноси қайд этилган. Луғатда бу сўзнинг тўрт хил маъноси келтирилган: *Булжор* 1) “қўшин тўпланадиган жой”; “қўшиннинг жойлашган манзили, истеҳком”: *Кўчбекнинг, Муҳаммадқули қавчиннинг яна бир бўлак йигитларнинг булжори бу ер эди* [4,84,I];

2) муддат, тўпланиш учун келишилган вақт”: *...ўн беш кунлук булжор била рухсат берилдиким...*[3,309];

3) ҳар бир қисмнинг жанг майдонида тутган ўрни, позициясини билдирган: *Сўзангарон дарвозаси Қаро барлоснинг булжори эди* [3,147];

4) белгиланган жойга маълум муддатда қайтиб келадиган гуруҳ: *Ушбу кун кичкина тунқатордин ул юздаги бекларга булжор била фармонлар битиб йиборилдиким,...*[3,306].

3.Мавжуд луғатларда маъноси ноаниқ изоҳланган сўзлар семантикасига аниқлик киритилган: *моҳазари, эмалдош, йилоқ, боғий, уфунат, етиққа кир-, эврул-, гаштгоҳ, вайн* каби. Бунда матн мазмунига асосланилди: М., *моҳазари* Х.Назарова луғатида “керак вақтда такаллуфсиз пайдо бўладиган озгина овқат” [5,79], деб изоҳланган. Матн мазмунидан *моҳазари*нинг “диний маросим билан боғлиқ таом” эканлиги англашилади: *Баъзи хабардор бўлғон арбоб ва дўкондорлар келиб,нашъа ва башошатлар била кўруб, моҳазари келтуруб дуолар қилдилар* [3,140]. *Моҳазари* билан ўзакдош бўлган *маҳзар* “диний хабар , ҳукмнома” маъносини билдирган: *...Шайх Шариф Қарабоғий... маҳзарлар битиб, Лоҳур аиммасининг*

отларини таклиф била битиб, маҳзарнинг саводини шаҳрларга йибориб...[3,450]. Айрим сўзлар Паве де Куртейл луғати [7] асосида изоҳланди. Масалан, *эмалдош* мавжуд луғатларда *эмикдош* (“бир онадан озиқланганлар”) сўзининг ўзгарган шакли деб келтирилган бўлса, Куртейл луғатида “сафдош дўст” маъносида изоҳланган.

4.Омоним сўзлар ажратилди: *Бормоқ* I “вафот этмоқ”: *Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда борғандур* [3,104]; *Бормоқ* II “жанг қилмоқ”: *Малик Қосим, ҳам бир неча бош кесиб келтурди. Малик Қосим яхши борди* [4,223,II]. *Бормоқ* III “қуйилмоқ, қўшилмоқ”: *Пашколда бу рўд суви қалин келиб, Гагар сувиға қотилиб, Самана ва Сунамға борурлар* [4,190,II].

Луғат мақолалари 1960 йилдаги нашр матни асосида берилди. Айрим ўринларда 2002 йилдаги нашр саҳифаси ҳам кўрсатилди.

“Бобурнома” матни 14 мингдан ортиқ лексемани қамраб олади. Асар матнидаги луғавий бирликларни изоҳлаш, “Бобур асарлари луғати”ни яратиш, рус ва инглиз тилларига таржима қилиш буюк мутафаккир ижодини кенг ёйишга, оммалаштиришга, бир қатор соҳалардаги тадқиқотлар тизимини шакллантиришга, шунингдек, ўзбек тилининг ифода ва таъсир этиш имкониятларини, луғавий бирликларда тил соҳиби тафаккури, идрокининг акс этиш даражасини ёритишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I−IV жилд. -Тошкент, 1983−1985.- I−656; II−644; III−624; IV−636.

2.“Бобурнома”. PN13 – 575-b. محمد با بر واقعات با بری با برنا مه ظهیرالدین ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.

3.Бобурнома /Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев. В. Зоҳидов сўз бошиси ва таҳрири билан. –Тошкент: ФА нашр, 1960. −512 б.

4.Бобурнома / Нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. Масъул муҳаррир В. Раҳмонов. -Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. –336 б.

5.Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат. Тошкент: Фан, 1972. –246 б.

6.Нурмонов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур – тилшунос олим // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари

(Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан ўтказилган республика илмий анжумани материаллари). –Андижон, 1993.

7.Pavet de Courteïlle A. Dictionnaire Turk – Oriental. Amsterdam: Philodress, 1972.

8.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. −Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006 −2008. I −680 б.; II− 672 б.; III − 688 б.; IV −608 б.; V – 592 б.

БОБУР ҲАЁТИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИ

Шоира Нематовна Аҳмедова,
филология фанлари доктори, БухДУ профессори

Шонли тарихимизга назар ташласак, соҳибқирон Амир Темурнинг аёлларга нисбатан меҳрибон, ўта шафқатли бўлгани ҳақида кўп манбалар маълумот беради. Ҳаётда аёлларнинг меҳри саховатига, ҳаётдаги ўрнига алоҳида аҳамият қаратилганлигини фарзандлар, неваралар тарбиясини оқила Сароймулкхонимнинг алоҳида тарбиясига ишониб топширилганида кўриш мумкин. Миллатимизнинг фахри Ҳазрати мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди буюк аждоди Амир Темур анъаналарини ҳар томонлама давом эттирганини кўрсатади. Айниқса, унинг аёлларга эҳтироми бўлакча экани кўзга ташланиб туради.

Маълумки, 1948 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эркак ва аёлларнинг тенглиги алоҳида эътироф этилган бўлиб, Декларациянинг 1-моддасида «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак», дея таъкидланган. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз ҳаётида аёлнинг ўрни бениҳоя катта бўлган. Улар аёлларга ҳеч қачон паст назар билан қарашмаган.

Бобурнинг жасоратли ҳаёти, аёлларга бўлган эҳтиромини унинг ўз асарлари, лирикаси, Бобурнома”сидаги иқрорлари орқали кўриш

мумкин. Аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк шоир, шоҳ ва марказлашган давлат қурган йирик давлат арбоби бўлиб етишувида Аёлларнинг – онаси ҚутлуғНигор хоним ва бувиси Эсондавлат бегимнинг, кейинчалик малика Моҳим бегимнинг роли жуда катта бўлган.

Онаси оқила ва меҳрибон ҚутлуғНигор хоним, ақлли ва тадбиркор, бир кентни бошқаришга кучи етадиган мулоҳазакор бувиси Эсондавлат бегимнинг тарбияларини олган Бобурнинг ёш қалбида Аёлга бўлган юксак ҳурмат жуда эрта ўсгани маълум. Онаси ҳақида “Бобурнома”да: “Иккинчи қизи манинг волидам ҚутлуқНигор хоним эди. Аксар қазоқликларда ва фатаротларда манинг билан билла эдилар. Кобулни олғандин беш-олти ой сўнгра, тарих тўққуз юз ўн бирда Тенгри раҳматиға бордилар” [5,13],- деб ёзади. Бобур онаси ҚутлуғНигорхонимни “Бобурнома”да ўн уч ўринда тилга олади. Асарда “менинг волидам”, “менинг онам”, “волидам”, “волида хоним”, “онам”, “онам хоним” жумлалари билан энг кўп тасвирга олган аёл образи ҳам аслида фидоий онасидир...Ўғли Бобур қўлида “Тенгри раҳматиға бориб”, тоғ этагида Улуғбек Мирзо Кобулий барпо қилган боғ –“Боғи Наврўз”да (бу боғнинг эгаларига Бобур бир минг танга бериб рози қилганлигини Гулбаданбегим “Ҳумоюннома”да ёзиб қолдирган) мангу макон топган раҳматли она сиймоси кўз олдимизга келади [7, 47].

Инглиз шарқшуноси ва биографик асарлар муаллифи Ҳаролд Ламб ўзининг “Бобур – йўлбарс” асарида Бобурнинг онаси ҳақида шундай ёзади: “ Бобурнинг онаси отасига қараганда, камтарона ҳаёт кечирар эди. У отаси, Тошкент хони Юнусхоннинг хоҳиши билан Умаршайх Мирзога никоҳлаб берилганди. Маликанинг ихтиёрида унинг кўнгилхушлиги учун хизмат қиладиган санъаткорлар - ҳофиз ва ҳофизалар бўлса ҳам, у унчалик дилхушликка берилмас, ва асосан, бош малика сифатида болалар тарбияси ҳамда саройдаги ички хизматни назорат қилиб турарди”[8,16]. Кўринадики, Қутлуғнигор хоним болалари тарбиясига алоҳида диққат қаратган.

Бугун биз эътибор қаратаётган жамиятда гендер тенгликни таъминлаш масаласи аждодларимиз яшаган даврда ҳам эътиборда

бўлгани, аввало аёлдаги яратувчанлик, тинчликка интилиш, ҳимоя қилиш, асраш каби ҳиссий фазилатларнинг намоён бўлганида яққол намоён бўлади. Масалан, Бобур она томондан бувиси Эсондавлат бегим ҳақида ҳурмат билан ёзади: ”Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсондавлат бегимча кам бўлғай эди. Бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди” [5,25].

Яна “Бобурнома”да ёзади: “Зийраклик ва узоқни кўра билишда анча-мунча аёл у билан тенглаша олмас эди. У бўладиган воқеаларни олдиндан сезар ва уларга қарши зарур чоралар кўра олар эди”.

“Бобур-йўлбарс”да ҳам ўқиймиз: “Эсондавлат бегимнинг ўз эрига бўлган садоқати ва жасорати ҳақида афсоналар тўқилган, шу боис ҳам у Юнусхон измидаги сарой маликалари ичида энг юқори мартабалиси ҳисобланарди...

Эсондавлат бегим кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, ҳаётий тажриба тўплаган ажойиб аёл эди. У кўчманчилик давомида рўй берадиган хавф-хатарни олдиндан сезар ва қийин аҳволдан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлларининг режасини аввалдан тузиб қўярди. Унинг узоқни кўра билиш қобилияти ва зийраклиги гўёки Бобур вужудига кўчгандай эди ва бу хислатлар ёш шаҳзоданинг оғир кунларида жуда қўл келди”[8, 26].

Ҳақиқатан ҳам жасурлик, зарур жойда раҳм–шафқат қилиш, халқпарварлик, инсонпарвалик, дилбарлик, қалби тозалик каби фазилатлар шоҳ ва шоирга онаси ва бувисидан ўтганлигини тарихий далиллар тасдиқлайди.

Бобурнинг қизи малика Гулбаданбегим “Ҳумоюннома” асарида отасининг бу хислатлари, атрофидаги аёлларга эътибори баландлиги, меҳрибонлиги ҳақида ёзади: “Ўн бешта подшоҳнинг хазинаси отам ҳазратларининг қўлига тушди. Ҳинд амирлари ўтган подшоҳларнинг хазинасини бировларга бўлиб бериш жанжалга сабаб бўлиши мумкин, деб эътироз билдиришган экан. Отам ҳазратлари Хожа Калон бекка шундай деб тайинлабди: “Сиз бу совғаларни кекса амма ва холаларимга, опа-сингилларимга ва ҳарамдаги ҳар бир аёлга олиб бориб берасиз. Мен сизга рўйхат

қилиб бераман ва сиз шу рўйхат асосида совғаларни тарқатиб берасиз. Сиз девони ом турган боғда ҳар бир малика учун махсус уй қурдирасиз. Унинг деворларини яхшилаб безатасиз ва зиёфат учун мўлжалланган жой тайёр бўлгач, улар ана шу зиёфат уюштириб, ғалабамизни нишонлайдилар ва бизнинг ҳақимизга дуо қиладилар.

Ҳар бир маликага Султон Иброҳимнинг раққоса қизларидан биттадан канизак, бир товоқда қизил лаъл, дур ва гавҳар, олмос ҳамда иккитадан патнисда ёқут ва зумрад каби қимматбаҳо тошлар, шунингдек, ҳар бир тури тўққизтадан бўлган кўйлак ва сарполар берилди.

Опа-сингилларим ва уларнинг болаларига, қариндошларимиз ҳарамидаги аёлларга, бошқа маликаларга, уй бекаларига, энагаларга ва кўкалдошларга уларнинг аёлларига, умуман, ким ўша ерда туриб бизни дуо қилиб турган бўлса, ҳаммага улуш берилди”[6, 65].

Кўринадики, Бобур мирзо аёлларни жуда қадрлайди. Доим уларнинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилади. Уларнинг илм олишларига катта эътибор қаратади. Яна бир мисол, Гулбадан бегимдан: Бобур мирзо яқинларини Кобулдан Аграга келишларини сўрайди. Олти ёшли Гулбаданбегим “онам ҳазратлари” деб эъзозлайдиган Моҳим бегим билан Боғи Зоғон боғига келганларида бизни отам ҳазратлари юборган икки тахтиравон ва уч отлиқ киши кутиб олди, деб ёзади. “Биз шошилинч тарзда йўлга тушиб, Кўйилдан Агра томон йўл олдик. Отам бизни кутиб олиш учун шу боққача келмоқчи бўлиб турган экан. Шом намози пайтида кимдир келиб: “Мен малика ҳазратларини бу ердан тўрт милча масофада келаётганда ёнидан ўтиб, илдам юриб келдим”,- дебди. Подшоҳ отам отини эгарлаб келишларини ҳам кутмай, яёв йўлга чиқибдилар. У киши бизни, бизга ажратилган уй олдида кутиб олдилар. Онам ҳазратлари тахтиравондан тушмоқчи бўлганларида, у киши буни кутмай, бизга қўшилиб, бизни ўз уйлари томон етакладилар”[6, 72].

“Тасаввуфда кўнгил аҳли кўпчилик бўлганлиги учун ҳам аёлга бениҳоя баланд ва ибратли назар билан қарашган. Албатта, бунда фақат Аёлнинг аёллиги, зоҳирий гўзаллиги эмас, биринчи галда таафаккур ва маърифат даражаси, илоҳий гўзалликни идрок этиш

салоҳияти, дид ва кўнгил олами эътиборга олинган” [9, 326]. Моҳим бегим ана шундай оқила, кўнгил одами бўлгани учун Бобурнинг муҳаббати шу даражада кучли, қалби меҳрга тўла эдики, севган ёри учун жонини фидо этишга тайёр ва буни рубоийларида ҳароратли мисраларда шундай ифодалаган эди:

Сен гулсену, мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага кулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Ёки унинг фарзандларига бўлган меҳри муҳаббатидан ҳам “Бобурнома”, “Ҳумоюннома” сабоқ беради. Гулбадан бегимдан: “Мен подшоҳ отамнинг оёқлари остига ўзимни ташладим. Отам мендан кўпгина саволлар сўрадилар ва мени бағрига босиб, анча вақт қучоғида олиб ўтирдилар. Мен фақир бундай меҳрибончиликдан шунчалик ўзимни бахтиёр сезардимки, ундан ортиғини тилаш инсофдан бўлмас эди”[6,62].

Бобур – ориф шоир. Унинг маърифати ҳаммадан аввал одамни ва одамиятни тушунишга қаратилган. Унингча, оламни англаш – одамнинг дарди, ҳоли ва қадрини англашдир” [9,317]. Ҳақиқатан ҳам санъатни, адабиётни, гўзалликни севган ориф шоир Бобур мирзо гўзаллик тимсоли бўлган Аёлга ҳурмати баланд эканлигини унинг лирикаси ҳам намоён этади. Рубоийларида кўнглидаги яширин дардларини, ўз севгили ёрига бўлган муҳаббат туйғуларини, ундан айрилиб чеккан азобларини, она-юртини соғиниб, унга қайтиш орзусидаги қалб изтиробларини самимий ва ёрқин тасвирлайди.

Ҳазрат Бобур мустақилликка эришган бугунги кунларимизда ҳам ўзининг “тақдирнома”си, фироқномаси, сабрномаси (С.Саййид) - “Бобурнома”си билан тарих сабоқларидан хулоса чиқариш илмини ўргатмоқда, Ҳазрати инсонни, Аёлни севиш, уни қадрлаш илмидан сабоқ бермоқда. Шунинг учун “Бобур биз учун энг ёрқин, энг маҳобатли бир юлдуз. Бу юлдуз ҳам жуда олис, ҳам беҳад юксак. Унинг завқбахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусаффо нур бизу сизнинг онг ва идрокимизни ёришувига хизмат қилади. Бундан қарийб беш аср муқаддам шундай бўлган. Ҳозир ҳам

шундай. Кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади”- деб ёзади адабиётшунос олим И.Ҳаққулов [9,317]. Ҳақиқатан ҳам Ватанни севишни, ота-она, дўстларимиз, яқинларимизга муҳаббатни, ватанпарварликни буюк Бобурдан ўрганишни ёшларга ўргатишимиз зарур. Фахр қилса арзийдиган, халқи учун фидойи аждодларимиз, дунёни лол қолдираётган миллий анъаналаримиз бор экан, уларни ҳар куни ёд этиш, бугунги кунда – Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида уларга эргашиш, улардан ўрганиш лозимлиги яққол намоён бўлмоқда.

“Бобурнома”ни ўқиганда китобхоннинг кўз олдида ўша даврнинг улкан шахси, сиёсий арбоби гавдаланади. Шу билан бирга табиат ва ҳаёт ошиғи, ўзбек ва форс мумтоз адабиётини ўзлаштирган талантли шоир, хато ва камчиликларини ҳалол бўйнига олувчи мард, ўз давридаги шоирлар ижодиётига кескин баҳо бера оладиган билимдон танқидчи, ўзбек адабий тилини халқ тили қолипига солишга астойдил уринган зийрак адиб, мустаҳкам давлат қуриш йўлида қийинчиликлардан қўрқмайдиган жасур, шу билан бирга Аёлни ҳурмат қиладиган, унинг қадрига етадиган олижаноб қалб эгаси сифатида ҳам ҳайратга солади. Шунинг учун буюк шоир шеърияти, “Бобурнома”си аёлни севишни, қадрлаш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш илмини ўргатиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Аминий Ирож. Кўҳинур-Бобурнинг олмоси. Тошкент. ”SHARQ” НМАК. 2019. 253 б.

2. Ахмедова Ш. Развитие бабуроведение в Бухаре . “Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность”. Международной научно практическая конференция. Москва, 2020, 28.02.

3. Ахмедова Ш. Бобуршуносликдаги йирик тадқиқот хусусида.*“Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида”* мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция. Тошкент. 2021.77-81 бетлар.

4. Ахмедова Ш. Бобур лирикаси ҳақидаги илк тадқиқот \\Бобурийлар меросини ўрганишнинг долзарб масалалари”

мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент. 2022, 10 февраль.

5. Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент. “Юлдузча”. 1989. 13-бет.

6. Румер Годен. Гулбадан.Тошкент. “”SHARQ” НМАК. 2007. 174 б.

7. Ражабова Б. Оналар билан суҳбат. Тошкент. Turon zamin ziyo.2014.47-бет.

8. Ҳаролд Ламб. Бобур – йўлбарс. Тошкент. “Ўзбекиситон”. 2018. 16-бет.

9. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. Тошкент. ”SHARQ” НМАК, -Б.312.

TARIXIY-BADIIY NASRDA MUALLIF “MEN”I HAQIDA

Marg‘uba Abdullayeva
Filologiya fanlari doktori
ToshDO‘TAU

Har ikki asar mualliflarining maqsadi, obrazlar tizimi, g‘oyaviy-badiiy xususiyatlariga ko‘ra ko‘plab mushtarak jihatlarga ega. D.Dyurishin fikricha, “qiyosiy adabiyotshunoslikning tadqiq yo‘llari o‘xshashlik va farqli jihatlarni faqatgina adabiy yo‘nalishlar, janr va janr ko‘rinishlari doirasidagina emas, balki g‘oyaviy, psixologik yo‘nalish, personajlar tavsifi, kompozitsiya va syujet qurilishi, motivlar obrazlar tizimi, badiiy asar asosini tashkil etuvchi unsurlarni nazarda tutgan holda ham tahlil qilish”da aks etadi [3, 183]. Bu o‘rinda, D.Dyurishin badiiy asarlarning qiyosiy tadqiq yo‘llarini nazarda tutgan bo‘lsa-da, buni bevosita tarixiy-memuar asarlar uchun ham qo‘llasa bo‘ladi.

“Boburnoma” va “Shajarayi turk”da turli voqea-hodisalar, tarixiy sharoit, tarixiy shaxslar, shahar va qishloqlar tasviri, umuman, XV asr oxiri, XVI va XVII asr muhitini qamrab olmasin, bu tasvirlarning asosiysi mualliflar hayoti bilan bevosita bog‘liq ravishda aks ettirilgan. Shuning uchun ham asarlar o‘ziga xos memuarlik kasb etgan.

Ikki asarning ham bosh qahramoni mualliflarning o‘zlari hisoblanadi. “Boburnoma” va “Shajarayi turk” asarlarining boshidan to

oxirigacha Bobur va Abulg‘ozi goh muallif sifatida, goh tadbirli sarkarda, goh mehribon ota, goh she’riyat sohibi, goh o‘tkir tarixchi, gohida esa mohir siyosatchi sifatida namoyon bo‘ladi.

Shu o‘rinda, haqli bir savol tug‘iladi. Xo‘sh, hayotdagi Bobur va Abulg‘ozidan asarlaridagi Bobur va Abulg‘ozi obrazlari nimasi bilan farq qiladi? Umuman, ular o‘rtasida farq bormi? Mualliflar asarlarida obrazlarini qay darajada aks ettira olgan? Bu kabi savollar hech bir kishini befarq qoldirmaydi. Shu sabab bu savollar ustida batafsilroq mulohaza yuritish zarur bo‘ladi.

Adabiyotshunosligimizda “men” tushunchasi dastlab N.G. Chernishevskiyning Rostopchina she’rlari haqida yozgan taqrizida ishlatilgan. Taqriz muallifi bu haqda shunday degan edi: “Bundan beshak ma’lum bo‘ladiki: 1) lirik she’rning “men”i har doim ham bu she’rni yozgan muallif “men”ining o‘zi bo‘lavermaydi; 2) lirik she’rdagi “men”da mavjud bo‘lgan qiliqlar, holatlar va hislarni shoirning o‘ziga nisbat berishda nihoyatda ehtiyot bo‘lish kerak va bu lirik “men”ning his-tuyg‘ulari va harakatlarini ijobiy tarixiy-adabiy omillar orqali tushunishdan o‘zga narsa emas”[4, 455-457].

Y.N.Tinyanov (1921 yil “Blok” degan maqolasida) lirik “men”ni “lirik qahramon” atamasi bilan rivojlantirdi va birinchi bo‘lib adabiyot ilmida ishlatdi. [5, 118]

“Lirikada “men” (goho “biz”) qahramon bo‘lib qolar ekan, u hamma shoir ijodida ham “men” tarzida qoladi, ya’ni tashqi shakl jihatidan o‘zgarmaydi, mazmunan o‘zgaradi. Binobarin, “men” har bir davr lirikasida, har bir milliy lirikada o‘ziga xos.

Lirik qahramon haqida gapirganda, uning tarkibida “oshiq obrazi”, “rind mutafakkir obrazi” borligi to‘g‘risida so‘zlash holatlari ham uchraydi [6, 118]. Bizningcha, asosiy qahramon bitta, u monologik nutq egasi “men”dir, bundan tashqari gap o‘zbek lirikasi haqida borar ekan, unda ba’zi lirik personajlar bo‘lishi mumkin, masalan, yor, raqib, shayx, rafiq, soqiy, zohid, mashshota, mug‘anniy va boshqalar” [7, 63].

Lirik “men” va tarixiy nasriy asarlardagi muallif “men”i o‘rtasida ma’lum farq bor. Lirik “men”da shoir tarjimai holi voqealari bilan emas, balki ularning estetik in’ikosi hamda muallif “men”ining badiiy tarzda boshqacha ifodasi bilan ajralib turadi. Lirikada “lirik qahramon” “men”i

yetakchilik qilsa, tarixiy nasriy asarlarda boshdan to oxirigacha muallif “men”i yetakchilik qiladi.

XV asrda muallifning “men”i Navoiy ijodida ko‘proq “Mahbub ul-qulub”, “Holot” va “Maktub’larda ifodalangan bo‘lsa, XVI asrga kelib esa Zahiriddin Bobur “Vaqoyi’”sida o‘z takomiliga yetdi. Bu an’anani keyinchalik Abulg‘ozi Bahodirxon o‘z asari misolida davom ettirdi.

Adabiyotshunosligimizda ilk bor H.Qudratullayev [8, 355] tomonidan tarixiy sarguzasht asarlarda badiiy tasvir, muallifning “men”i va davr adabiy estetikasining bu “men”ga qo‘ygan talabi tajriba tariqasida o‘rganildi. Biz esa “Boburnoma” va “Shajarayi turk” asarlaridagi ko‘plab jihatlarga muallif “men”i nuqtayi nazaridan qarashga harakat qildik. Jumladan, keng miqyosli obraz yaratish salohiyatini, tarixiy voqea-hodisalarga, tarixiy shaxslarga munosabat masalasini muallif “men”idan kelib chiqib tahlil etdik.

“Boburnoma” va “Shajarayi turk”ning asosiy qahramonlari - Bobur va Abulg‘ozi ideal shaxs tarzida emas, balki ko‘p xususiyatli, turli faoliyatli real murakkab shaxs sifatida ko‘zga tashlanadi.

“Boburnoma”da Bobur, “Shajarayi turk”da Abulg‘ozi obrazlarini ularning har ikkalasi hayotida yuz bergan toju taxt uchun kurash, hukmdor sifatida mamlakatni boshqarish va shu bilan birga ijod qilishlari bog‘lab turadi. Shu sabab Bobur bilan Abulg‘ozi boshqa-boshqa davrlarda, boshqa-boshqa mamlakatlarda toju taxt uchun kurash olib borgan bo‘lsalar-da, o‘z yurtini qo‘lga kiritishga xizmat qilgan qahramon sifatida ko‘rinadi.

Badiiy asarda obrazlar va voqealar tizimi bosh qahramon atrofida jamlanadi. Bu xususiyat “Boburnoma” va ‘Shajarayi turk”da ham bor. Demak, asarlarda badiiylikning yana bir jihati bosh qahramonning mavjudligidir.

Asarlarda Bobur va Abulg‘ozi obrazlarining shakllanish tadriji ham bir-biriga o‘xshash. Ayni paytda o‘ziga xos tomonlari bilan ham ajralib turadi. Boburning Farg‘ona taxtiga chiqishi, otasining o‘limi bilan bog‘liq bo‘lsa, Abulg‘ozining esa taxtni egallashi juda murakkab jarayonni tashkil etadi, ya’ni uning taxtga birinchi chiqishi ko‘p qiyinchiliklar va kurashlar asosida 40 yoshiga to‘g‘ri kelsa, Boburning taxtga birinchi marta chiqishi o‘sha davr qonun-qoidasiga asosan vorislik

yo‘li bilan 12 yoshida amalga oshgan edi. Bu voqealar tasviri “Boburnoma” va “Shajarayi turk”da yaqqol o‘z aksini topgan. Xo‘sh, biz “Boburnoma” va “Shajarayi turk” asarlarini o‘qib, Bobur va Abulg‘ozi haqida qanday tasavvurga ega bo‘lamiz?

Bobur “Boburnoma”da o‘zining tug‘ilganidan to umrining oxirigacha bo‘lgan hayoti haqida bir butun sahifada ma’lumot bermaydi, balki asarni taxtga chiqishidan boshlaydi. Bobur haqida mufassal ma’lumotni “Boburnoma”ni to‘la o‘qish orqali anglab olamiz.

Abulg‘ozi esa o‘zi haqida asar muqaddimasida hech narsa demaydi, balki asarning yozilish sababiga qisqa to‘xtalib o‘tadi. Birinchi bobni esa qadimdan (Odam Atodan) boshlaydi. O‘zi haqidagi to‘liq ma’lumotlarni asarining so‘nggi boblarida batafsil yoritib boradi.

Bundan ayonki, Bobur asarini an’anaviy yo‘ldan emas, balki o‘zining realistik uslubini kashf etgan holda boshlaydi. Asarning boshlanmasi go‘yo kulminatsion nuqtani eslatadi. Chunki Bobur asarini o‘zining ijtimoiy-siyosiy mavqega ega bo‘lgan kunidan boshlaydi. Go‘yo bosh qahramon Bobur voqealar tizimining (temuriylar sulolasining vakili sifatida) markazida turadi.

Abulg‘ozi esa o‘z tarixini yozishda an’anaviy yo‘ldan bordi. U “o‘z tarixi” deganda butun bir insoniyatning paydo bo‘lishi va yaratilishi jarayonini tushundi. Odam Atoning paydo bo‘lishidan boshlab, o‘z davri tarixiy voqeligiga qadar bo‘lgan jarayonni o‘z ajdodlarining tarixi deb bildi va asarini qadimdan boshladi.

“Boburnoma” va “Shajarayi turk”ni o‘qish orqali mualliflarning faqat ijtimoiy-siyosiy faoliyatinigina emas, balki ularning shaxsiy sifatlari va ijodiy faoliyatlari haqida ham ma’lumotlarga ega bo‘lamiz. Mualliflarning ijtimoiy-siyosiy faoliyati deganda, ularning o‘z taxtlarini mustahkamlash borasida olib borgan tinimsiz kurashlari, mamlakatni va qo‘shinni boshqarishdagi o‘ziga xos siyosati hamda oddiy xalqqa munosabati va yurtini obod qilishdagi sa’yi-harakatlarini tushunamiz. Ana shu jihatlarni o‘quvchi asarlarni o‘qish orqali qalban his qilib boradi. Har bir munosabatning chuqur mazmuniga yetadi va asarlarning bosh qahramoni (mualliflar) haqida o‘ziga xos xulosaga keladi.

Bobur “Boburnoma”da o‘zining Ahmad Tanbal bilan bo‘lgan jangini ajoyib tarzda tasvirlaydi. “Ushbu holatta o‘ng butumg‘a sheba

o‘qi bila o‘tkara ottilar. Boshimda duvulg‘a bo‘rki edi, Tanbal boshimg‘a chopti, boshim qilich zarbidin karaxt bo‘ldi. Bovujudkim duvulg‘a bo‘rkining bir tori kesilmadi, boshimg‘a xeyla yara bo‘ldi. Qilichni boldog‘lamaydur erdim, qinida edi, qilich sug‘urg‘uncha fursat bo‘lmadi. Qalin dushman ichida yakka va yolg‘uz qoldim. Turar mahal emas edi, jilavni yondurdum, yana bir qilich ham o‘qlarimg‘a tushubtur. Yetti-sekkiz qadam yonib edimkim, yayog‘ uch kishi manga qotildi” [2, 93].

Bobur ayovsiz janglarning og‘ir oqibatlarini boshidan kechirganiga qaramay, o‘z niyatlarini amalga oshirish maqsadida mardonavor kurashlar olib boradi. Boburdagi bu xislat Abulg‘ozining ham jang maydonidagi harakatlarida namoyon bo‘ladi. Mana, bir misol: “Jov qolmay otqulab gala yurub erdi, birisi o‘q birlan og‘zimga urdi, engaklarimning so‘ngaklari pora-pora bo‘ldi, og‘zimning ichi to‘la qon. Daryoning labi va yer qaling erdi. Bir ulug‘ yulg‘unni urguldum. Jovning ko‘zi meni ko‘rmay, o‘zga kishiga tushti. Shul vaqtda otimning oyoqi sichqonning inina kirib andaq yiqildim kim, otdin to‘rt-besh qadam yiroq borib tushtum” [1, 168].

Bobur va Abulg‘ozining jang maydonida tasvirlangan bu holatlari o‘quvchida ularga nisbatan mehr-shafqat uyg‘otadi. Dushmandan qattiq azob chekkan zabardast bu ikki sarkarda, o‘zlarining bardoshi va matonati bilan kitobxonni lol qoldiradi.

Biz “Boburnoma”ni o‘qish orqali Boburning Farg‘ona taxtini olganini ham, Andijonda Ahmad Tanbal bilan kurashganini ham, uch marotaba Samarqandga yurish qilganini ham, Kobulni egallab, Hindistonga besh marotaba yurish qilganini ham, mustahkam “Boburiylar imperiyasi”ni tuzganini ham; oila muhiti, farzandlari haqida ham, betob bo‘lgan kunlari to‘g‘risida ham bilib olamiz.

“Shajarayi turk”dan esa Abulg‘ozining akalari - Habash va Elbars Sultonlarga qarshi kurashganini, otasi bilan birga jang qilganini ham, yov g‘olib kelgach, qochganini ham, engagidan o‘q yeb, suyaklari pora-pora bo‘lganini ham, o‘lim holatidan bazo‘r qutilib, bir qancha vaqt quvg‘inda yashaganini ham bilamiz.

Bobur va Abulg‘ozi yoshligidan harbiy san’atni mukammal o‘rgana boshlagan. Har ikkalasi ham saroy muhitida o‘sgani sababli harbiy ish va harakatlarni ko‘rgan, ular haqida eshitgan. Ular davlat boshliqlarining

farzandi. Har ikkala sarkarda ham yoshligidan jasoratli, qo‘rqmas va olijanoblik ruhida tarbiya topgan. Ana shu tarbiya jarayoni va tabiiy iste’dod tufayli ular tarixda botir sarkarda-lashkarboshi bo‘lib tanildilar. Bobur o‘z tajribalari asosida “Harb ishi” nomli asarini yaratdi. Harb sohibi, sarkarda sifatida shuhrat topdi. Bobur va Abulg‘ozining ijtimoiy faoliyati yuqoridagi fikrlarimizni tasdiqlash bilan birga, ularning shaxsiy sifatlarini yoritishda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Xuddi shu fikrning isboti sifatida “Boburnoma”da keltirilgan ushbu voqeani eslatish mumkin. “... Tonglasi xabar keldikim, No‘yon ko‘kaltosh jardin mastliqta yiqilib o‘lubtur. Haqnazarnikim, No‘yonning tuqqan tag‘oyisi edi, yana bir jam’ bila yiborildi, borib No‘yonning yiqilg‘an yeridin topib ehtiyot qilib, No‘yonni Piskentga tufroqqa topshurub keldilar. Bular suhbat tutqan yerdin bir o‘q otimi bir baland jarning ostida No‘yonning o‘lugini topibdurlar. ... Manga g‘arib ta’sir qildi, kam kishining favtig‘a muncha mutaassir bo‘lub edim. Bir hafta o‘n kungacha hamisha yig‘lardim” [2, 88].

Boburning qizi Gulbadanbegimning “Humoyunnoma”da aytishicha, Humoyun betob bo‘lib qolganida, Bobur “... Xudoyo, agar jon o‘rniga jon berish mumkin bo‘lsa, menki Boburman, umri-jonimni Humoyunga bag‘ishlayman” [2, 38], - deb yig‘lar ekan. Shu kabi o‘nlab misollar orqali Boburning o‘ziga xos shaxsiy sifatlarining betakrorligini his qilamiz. Xayriddin Sulton aytganidek, Bobur — mehribon va donishmand ota. Uning farzandlariga pand-nasihatlarida shoh va shoirning buyuk insoniy qiyofasi yaqqol ko‘rinib turadi [9, 373].

Boburda mavjud insoniy sifatlarni Abulg‘ozida ham ko‘ramiz. Biroq Abulg‘ozida bu sifatlar ochiq-oydin namoyon bo‘lavermaydi, balki voqealarni tasvirlash jarayonida, kishilarga munosabatida va tashabbuskorligida ko‘rinadi. Otasi va aka-ukalariga bo‘lgan munosabatlarida uning insoniyligi, haqparvarligi, olijanob va kelajakni ko‘ra olish kabi qobiliyatlari yorqin aks etadi. Abulg‘ozi imoni mustahkam, e’tiqodli kishi edi. Uning bu jihati Boburga ham xosdir. Chunki Bobur ham o‘z davrining din peshvolari — Hazrat Xoja Ubaydullo kabi din va tasavvuf ahllariga irodati bo‘lgan kishi edi.

“Abulg‘ozi she’rlar ham yozgan. “Shajarayi tarokima” kitobida ikkita she’r o‘zbek tilida, “Shajarayi turk”da uchta she’r, bitta she’ri

o‘zbek tilida, ikkitasi fors tilida, “Manofe’ ul-inson” asarida bitta fors tilida yozilgan she’rlar o‘rin olgan bo‘lib, sakson misrani tashkil etadi” [10, 46].

Abulg‘ozi Bahodirxonning o‘z she’rlaridan devon tuzganligi haqida ma’lumotlar mavjud [11, 76]. Biroq, bu ma’lumotlar hanuzgacha ilmiy asoslanmagan. Qizig‘i shundaki, Abulg‘ozi o‘z memuarida bu haqda ma’lumot bermaydi. Biroq “Shajarayi turk”da uning she’riyatga bo‘lgan qiziqishi sezilib turadi.

Abulg‘ozi Qoraxonning o‘g‘li O‘g‘uzxon haqida quyidagi to‘rtlikni keltiradi:

O‘shal bir yashar o‘g‘lon anda ravon,
Kelib tilga tedi: “Bilinglar ayon,
Otimdur O‘g‘uz xisravi nomvar,
Bilinglar yaqin barcha ahli hunar” [1, 18].

Mazkur she’rning poetik uslubi “Shajarayi turk”ning yaxlit uslubiga singib ketgan. Jumlalari oddiy, qofiyalari sodda so‘zlardan iborat. “Ravon-ayon”, “nomvar-hunar” so‘zlari she’rda o‘ziga xos tanlanganki, bu qahramon (O‘g‘uzxon)ning qiyofasini ko‘z o‘ngimizda jonlantiradi. She’r mazmunining tiniqligi, shakldagi soddalik asarning badiiy qimmatini oshiradi.

“Shajarayi tarokima”da o‘zbek tilidagi ikki she’r 30 misrani, “Shajarayi turk”da to‘rt she’r ham 30 misrani tashkil etadi.

Abulg‘ozi asar muqaddimasida “masnaviyyot va qasoyid va g‘azaliyot va muqattaot va ruboiyot va barcha ash’orni fahmlamaklik, arabiy va forsiy va turkiy lug‘atlarning ma’nosini bilmaklik”larini kamtarlik bilan qayd qilib o‘tgan edilar. Bu Abulg‘ozining masnaviy, qasida, ruboiy, g‘azal ilmini ham mukammal bilishini anglatadi.

Sharqda shoh va shoirlik an’anasi uzoq tarixga ega. Xalqimiz tarixida ham shoh, ham shoir bo‘lgan shaxslar juda ko‘p uchraydi. Biroq ular ichida Zahiriddin Bobur o‘zgacha namoyon bo‘ladi. U hayotda shoh bo‘lsa-da, she’riyatda nolavor kuylovchi oshiq, adolat va haqiqatni e’zozlovchi inson, ishq va muhabbatni ulug‘lovchi shoir sifatida ko‘rinadi. Zahiriddin Muhammad Boburning she’rlarini shartli ravishda ikki devon, ya’ni Kobul va Hindiston [12] devonlariga ajratish mumkin.

Zahiriddin Muhammad Bobur lirikasining asosiy qismi bilan tanishmiz. Uning ijodi mahsuli bo‘lgan bir necha g‘azal va ruboiylarning yaratilish tarixi “Boburnoma”da keltirib o‘tilgan.

Bobur Hiriydan Kobulga qaytayotganida qalin qor yog‘ib, yo‘llar to‘silib qolgan. O‘zi otdan tushib, qor tepib yo‘l ochgan. Ko‘p mashaqqatlar tortib, ruhan ezilgan shoir quyidagi g‘azalini yozadi.

Charxning men ko‘rmagan javru jafosi qoldimu?!

Xasta ko‘nglum chekmagan dardu balosi qoldimu?! [2, 147]

Bobur va Abulg‘ozi asarlarida lirik qahramon sifatida ham ko‘zga tashlanadi. Bobur asarida rang-barang g‘azal va ruboiylarni keltirsa, Abulg‘ozi ajoyib tuyuq va masnaviylarni taqdim etadi. Ana shunday she’riy parchalar orqali “Boburnoma” va “Shajarayi turk”da ikki muallifning shoirlik mahorati bilan ham tanishib boramiz.

“Boburnoma”ning so‘nggi sahifalarini yozgan kotibning aytishicha; “Va maholdurkim, ul podshohi qobilning yaxshilig‘larini aytgan bilan va bitigan bilan tugangay. Lekin mujammal (eng go‘zali — A.M.) bukim, sekkiz sifati asil aning zotig‘a muttasil edi: birisi bukim najhati baland edi – (yaxshi xulqli edi – A.M.); ikkinchisi, himmati arjumand edi – (himmati baland edi – A.M.); uchumchisi, viloyat olmog‘; to‘rtumchisi, viloyat saxlamog‘; beshumchisi, ma’murlig‘ – (mamlakatni obod qilmoq –A.M.); oltimchisi, rafohiyat niyati Tengri taolo bandalarig‘a (Tangri taolo bandalarining ahvoli va farovonligini yaxshilash niyatida – A.M.); yettimchisi, cherikni (askar, qo‘shin) ko‘ngli(ni) qo‘lg‘a olmoq; sekkizimchisi, adolat qilmoq” [2, 267].

Sanab o‘tilgan sakkiz sifat ham Boburning “Boburnoma”da keltirilgan voqealari mohiyatida o‘z ifodasini topgan. Qizig‘i shundaki, agar Boburga o‘z asarini o‘zi tugatishi nasib etganida, bu sifatlarni bayon qilmas edimi? Bu bizga qorong‘u. Biroq Abulg‘ozi “Shajarayi turk” muqaddimasida o‘zining sifatlarini kamtarlik va xijolatomuzlik bilan qayd qiladi. “Emdi ko‘nglingizga kelmasunkim, faqir taraf tutub ta’rif etgan bo‘lg‘ayman. Bu faqirg‘a Xudoyi taolo inoyat qilib ko‘b nimarsa bergan turur. Xususan, uch hunar bergan turur. Avval, sipohiygarlikning (qo‘mondonlik– A.M.) qonuni va yusunikim, nechuk otlanmoq va yurumak va yovg‘a yosoq (to‘siq-A.M.) yasamoq, ko‘p birlan yuruganda nechuk qilmoq, oz birlan yuruganda nechuk qilmoq, do‘stg‘a,

dushmang‘a nechuk so‘zlashmak. Ikkinchisi, masnaviyot va qasoyid va g‘azaliyot va muqattaot va ruboiyot va barcha ash’orni fahmlamaklik, arabiy va forsiy va turkiy lug‘atlarning ma’nosini bilmaklik. Uchinchi, Odam ahdindin to bu damgacha Arabistonda, Eron va Turonda va Mo‘g‘ulistonda o‘tgan podshohlarning otlari va umrlarining va saltanatlarining kam va ziyodin bilmaklik” [1, 12].

“Boburnoma”dagi Bobur obrazi va hayotdagi Bobur o‘rtasida uzviylik va uyg‘unlik tomonlari juda ko‘p. Biroq ba’zi bir o‘rinlarda muallif o‘z obrazini to‘laligicha yoritib bermaydi. O‘zining voqea-hodisalarga bo‘lgan munosabatini sir tutishga urinadi. Tarixdan bizga ma’lumki, (o‘sha davrda yaratilgan asarlar nazarda tutilayapti) “Boburnoma”da berilmay qolgan ayrim ma’lumotlar tarix kitoblarida boshqa ijodkor tomonidan talqin etilgan.

Asardagi Abulg‘ozi va hayotdagi Abulg‘ozi obrazlarida ham xuddi shu kabi juz’iy farqlar mavjud.

Xullas, Bobur va Abulg‘ozi obrazlari “Boburnoma” va “Shajarayi turk” asarlarida bosh qahramon sifatida muhim o‘rin tutadi. Ikki muallif o‘z memuarlarida (ba’zi juz’iy kamchiliklarni e’tiborga olmaganda) hayotlarini to‘la aks ettira olgan. Chunki, “memuar asarlar qalamga olingan davrning real voqea-hodisalarini aks ettirishi bilan birga, uning muallifi o‘sha voqea-hodisalarning ishtirokchisi va guvohi bo‘lishi lozim. Shundagina bu voqealar o‘ziga xos memuarlikni yuzaga chiqaradi. Muallifning memuar voqea-hodisalarni haqqoniy tarzda, o‘z holicha bayon etishi, uning o‘ziga xos mahoratini belgilaydi. Xuddi shu jihatlarning mushtarakligida tarixga hamroh bo‘lib qoladigan memuar asar yaratish mumkin bo‘ladi” [13, 97]. Bobur va Abulg‘ozi shu toifadagi san’atkorlardir. Umuman olganda, “Boburnoma” va “Shajarayi turk” bevosita mualliflar hayoti bilan bog‘liq bo‘lib, ularning ichki kechinmalari, ehtiroslari, bilimi va dunyoqarashi, badiiy mahoratini o‘zida namoyon etadi.

Adabiyotlar:

1. Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1992. -188 б.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т .: Шарқ, 2002. -335 б.

3. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979. -183 с.

4. Чернишевский Н.Г. Полн.собр. сон. Т. 3. –М .: 1974. – С. 455-457.

5. Тинянов Ю.Н. Поэтика // История литератури. Кино. –М .: 1977. -С. 118.

6. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том. 1977. – Б. 118.

7. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. –Т.: Фан, 1987. – Б. 63.

8. Қудратуллаев Ҳ. С. “Бобурнома”нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили: Филол.фанлари.д-ри. дисс. – Т.: 1998. – 355 б.

9. Хайриддин Султон. Бобурийнома. Маърифий роман. –Т.: Шарқ, 1997. –Б. 373.

10. Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 46.

11. Абражеев А.И. Родословная тюрок и его автор. Звезда Востока, 1946. № 12, стр. 76.

12. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Кобул нашрига такмила (қўшимча). (Нашрга тайёрловчи) Шафиқа Ёрқин. – Т.: Шарқ, 2004. -112 б. // Шеърлар. Нашрга тайёрловчи А.Қаюмов. Иккинчи нашр. –Т.: Ўзадабийнашр, 1960. – 62 б.

13. Ёқубов Ҳ. Адибнинг маҳорати. – Т.: Фан, 1966. – Б. 97.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР – “ЎН ОЛТИНЧИ АСР БУНЁДКОРИ”

Сулаймонов Исроил Исомиддинович
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети
Муттоз адабиёт тарихи кафедраси мудири,
филология фанлари доктори

Аннотация: Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва ҳаётий фаолияти ҳақида маълумот берувчи британиялик шарқшунос ва тарихчи олим Вильям Рашбрукнинг “Ўн

олтинчи аср бунёдкори” асари, унда тарихийлик ва бадиийлик масаласи таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Бобур шахсияти, ижоди, давр ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий ҳаёт, “Бобурнома”, тарихий фактлар, бадиий талқин, Вильям Рашбрук, “Ўн олтинчи аср бунёдкори”.

Annotation: In this article, the British orientalist and historian William Rushbrooke’s work “The Creator of the Sixteenth Century”, wich provides information about the personality and life activities of Zahiruddin Muhammad Babur, analyzes the issue of historicity and artistry.

Key words: Babur’s personality, work, era, socio-political, cultural, literary life, “Baburnoma”, historical facts, artistic interpretation, William Rushbrooke’s work “The Creator of the Sixteenth Century”.

Кейинги йилларда Шарқ ва Ғарб олимлари, адиб ва ижодкорлари томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти, ижоди ва у яшаган давр ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий ҳаётига оид қатор асарлар яратилди. Айниқса, «Бобурнома»да келтирилган тарихий фактлар, воқеаларни бадиий талқинда тасвирлашга оид кўплаб бадиий, публицистик асарлар ҳам яратилдики, уларда буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиймоси турли ракурсда, ҳар бир адибнинг ўз дунёқараши, услуби орқали тасвирланганини кўриш мумкин. Уларда Бобур шахсиятига муносабат, албатта унинг тарихдаги ўрни, шоирлик истеъдоди, туркий насрнинг янгича услубида яратилган намунаси ҳисобланмиш «Бобурнома»нинг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида ҳар бир ижодкор ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда фикр юритганини кўриш мумкин. Биз мазкур мақоламизда Бобур шахсияти ва ҳаётий фаолияти ҳақида қисқача маълумот берувчи шундай асарлардан бири бўлган британиялик шарқшунос ва тарихчи Вильям Рашбрукнинг (1890-1978) “Ўн олтинчи аср бунёдкори” асарини таҳлил этишга ҳаракат қилганмиз [3].

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» асарида тарихийлик ва бадиийлик масаласи таҳлили амалга оширилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур учун нисбатан мағлублик даври – икки хон додалари, Фарғона

давлатидаги ғанимлари Аҳмад Танбал ва тоғаларининг ёш, давлатдорликда тажрибаси кам бўлган Бобурнинг бу вазиятидан фойдаланиб унинг укаси Жаҳонгир мирзони Ахси давлатига шоҳ этиб тайинлаш пайтидаги воқеликни “Бобурнома”да муаллиф қуйидагича тасвирлайди: “...Али Дўст ва Қанбар Али саллоҳ тавобиъ ва лавоҳиқи била бўлғайлар, яраш сўзини ораға сола кириштилар. Менинг ва менинг давлатхоналаримизнинг бу ярашдин асло илм ва хабарлари йўқ эди ва бизлар бу суратқа асло ризо бермас эрдук. ...агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди. Зарурат бўлди, бу йўсунлуқ сулҳ бўлдуким, Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятлар Жаҳонгир мирзоға тааллуқ бўлғай, Андижон тарафи вилоятлар манга тааллуқ бўлғай” [1; 74].

Бобур учун мағлубиятни англатувчи ушбу мураккаб сиёсий ҳолатни, Бобур тақдирида юз берган воқеликни Вильям Рашбрук тарихчи, бадиий асар муаллифи сифатида қуйидагича шарҳлайди: “...Бироқ ёш ҳукмдорнинг мулкига кўз олайтирган ёвуз кучлар ҳали тўлалигича бартараф қилинмаган эди. Муғулларнинг улуғ хони бўлмиш тоғаси Маҳмудхон аллақачон Сирдарёнинг шимолий соҳалига етиб келиб, Султон Аҳмад мирзо билан аввал келишилган битимга кўра Ахсини бутунлай қамал қилди... Ёш Жаҳонгир мирзонинг бу ерда бўлиши унга содиқ кишиларни садоқат билан хизмат қилишга ундарди” [3; 36].

Вильям Рашбрук Бобур яшаган ва давлатчилигини тузган Ҳиндистон тарихига оид кўпгина тарихий асарларни, манбаларни жиддий ўрганган ҳамда асарида улардан бадиий тасвирлар яратиш, айниқса Бобур бадиий образини такомилига етказиб тасвирлашда унумли фойдаланган. “Ўн олтинчи аср бунёдкори” асарининг кириш қисмида унинг бу хислати ҳақида қуйидагиларни билдиради: “…В.Рашбрук бу асарида Бобур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган “Ҳабиб ус-сияр”, “Ҳумоюннома”, “Тарихи Рашидий”, “Табақоти Акбарий” ва бошқа тарихий манбалардан фойдаланиб, Бобуршоҳ ҳақида анчагина илмий далилларни келтиради” [3; 5].

“Бобурнома”да Бобурнинг ўша пайтда стратегик шаҳар бўлган Қандаҳорни забт этиши борасидаги кўплаб тасвирлар келтирилади.

Масалан, Бобурнинг ўз ғанимлари устидан ғалабаси, унга хос услуб ва фактларни келтириши: жанг майдонининг қисқа ва аниқ тасвири, курашда кимлар иштирок этгани, ҳужум, мудофаага ким масъуллиги, оддий лашкардан тортиб таниқли бекларнинг исми, жанг майдонидаги жасорати батафсил баён этилади. Масалан, Қандаҳордаги кураш майдонида мана бу тасвирга эътибор берайлик: “Нақора унини эшитиб, бизнинг мутаважжиҳ бўлғонимизни билиб, қарор тариқин унутуб, фирор йўлин тутти. Тенгри рост келтуруб, ёғийни қочуруб, Қандаҳор сори юруб, Фаррухзодбекнинг чаҳорбоғиғаким, бу тарихта андин асари қолмайдур, келиб тушдик... элнинг бошсизлиғини мулоҳаза қилиб, ўзга дарвозалар очилмади...Ўзим бир неча ичкилар била кириб, бошсиз элни откулаб, сиёсат учун бир-икки кишини ҳам буюрдимким, ўлтурдилар” [1; 158].

В.Рашбрук Қандаҳорга доир шу каби тасвирларни “Бобурнома”дан ва бошқа тарихий манбалардан ўқиб ўрганади. Бу тарихий маълумотлар асосида ўзининг бадиий умумлашмаларини ифода этадики, бу унинг бадиий ижодга нисбатан анча қобилиятли бўлганлигидан далолат беради. Масалан, Бобурнинг ҳарбий маҳоратига хос мана бу тасвирлар В.Рашбрукнинг ўша давр тарихий манбаларини пухта ўрганганлиги ва бадиий асарида улардан унумли фойдаланганидан дарак беради: “У Қандаҳор адирларини ёқалаб борар экан, вақти-вақти билан одамларига дам берар эди. Икки минг кишилик аскарининг ярми мамлакат бўйлаб озиқ-овқат топиш учун тарқалиб кетган бир пайтда арғунлар олти-етти минг кишилик лашкари билан улар турган қароргоҳ олдига қўққисдан ҳужум қилишди. Бу тенгсиз жангда Бобур мирзони икки нарса сақлаб қолди: уларнинг бири қўшин таркибидаги навкарлар орасида ўрнатилган темир интизом бўлса, иккинчиси, Бобур мирзо қўшинининг чап қаноти бўлди. Бу тараф устига шох-шабба ташланган чуқур зовур билан ўралган бўлиб, душман кучлари анча катта бўлса ҳам бу ҳимоя тўсиғидан ўта олмади. Бобур мирзо одамларининг ҳар бири ўз бошлиғи ёнига ҳеч қандай саросимасиз бориб қўшилди. Ҳар бир бошлиқ ўзининг ҳужумкор қисм, марказий қисм, ўнг қанот ва чап қанотдаги эгаллаши лозим бўлган жойини

аниқ билар эди. Ўнг қанот ва марказ уларга қаршилик қиладиган кучни орқага қайтарар эди. Сўнгра чап қанотдаги қийин вазиятда қолган аскарларга ёрдамга ўтдилар. Душманга қарши ялпи ҳужум эълон қилинганда, рақиблар лашкари тумтарақай қочиб қолган эди" [3; 106-107].

Ушбу тасвирда Вильям Рашбрукнинг бадиий маҳорати шундаки, у гўё Бобур лашкари иштирокчиси сингари жанг майдонини яққол тасвирлайди. Бунда ғолиб Бобур лашкарларининг руҳий-психологик ҳолати ҳам, уларнинг шиддатли тўқнашув иштирокчиси бўлса ҳам, вазиятни хотиржам ва сергаклик билан қабул қилишлари ҳам, ҳарбий интизомни тўла рисоладагидек назорат қилишлари ҳам табиий, бадиий тарзда ўз ифодасини топган. Бунда гарчи бош қаҳрамон Бобур сиймоси тилга олинмаган бўлса ҳам, ўқувчи уни зимдан тасаввур қилади, ундаги ғолиблик кайфиятини яқиндан ҳис этадики, бу ҳам асар муаллифининг бадиий маҳоратидан дарак беради.

В.Рашбрук "Бобурнома"да тасвири берилмаган икки йиллик воқеалар тасвирини ҳам беради. Жумладан, Бобурга қарши Абдураззоқ мирзо бошлиқ исён тарфдорлари ва Бобур томонидан бу хиёнаткорга нисбатан кескин чора кўргани тасвирини келтириб унга бадиий тус беради. Ўша дамдаги тарихий воқеаларда Абдураззоқ мирзо тўғрисида Бобур унинг исёнда иштироки борлиги ҳақида маълумот бермайди, аниқроғи бунга "Бобурнома"даги бу маълумотлар икки йил аввал содир бўлган ва уни олиндан тасвирлаши мумкин эмасди. Икки йил кейин содир бўлган ушбу исёнга оид маълумотларни В.Рашбрук бошқа бир тарихий асардан олиб, ўз китобига киритган, унга бадиий тус берган кўринади. "Бобурнома"да ўқиймиз: "Қандаҳор фатҳидин сўнг Қалот ва Тарнук вилоятини Абдураззоқ мирзоға иноят қилиб, Абдураззоқ мирзони Қалотга қўюлиб эди. Ўзбак (Шайбонийхон лашкарлари – С.И.) Қандаҳорни келиб қабағоч, Абдураззоқ мирзо Қалотга тура олмай Қалотни солиб чиқти" [1; 159].

Бу ўринда мазкур воқеа тасвирини В.Рашбрук қайси манбадан фойдаланган ҳолда киритгани муҳим эмас, асосийси унинг тадқиқотимиз учун дахлдорлигида. Сабаби шундаки, адиб ўша давр

воқеаларини бадиий тасвирлашда Бобур образи орқали унда содир бўлган мураккаб руҳий-психологик вазиятни бадиий тарзда очиб бергани билан аҳамиятлидир. Асар муаллифи Бобур шахсиятига нисбатан кўп хиёнатлар қилинганини, бу ҳолатлар “Бобурнома”да ҳам кенг тасвирланганини инобатга олган ҳолда худди шундай тасвирларни ўша даврдаги тарихий манбалардан топишга ҳаракт қилган, уларни асарига илова тарзида киритган. Яна В.Рашбрук асарида шундай тасвирлар берилади: “Аммо ўша даврда ёзилган тарихий манбаларга, айниқса Ҳайдар мирзо дўғлатнинг “Тарихи Рашидий” ва Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарларида шу пайтда қандай воқеалар содир бўлгани ҳақида аниқ фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Уларда қайд этилишича, фитначиларнинг хатти-ҳаракатлари беклар ўртасида муҳокама қилинди ва ниҳоят, шахсан подшоҳ истагига биноан исёнчиларнинг таъзирини бериб қўйишга қарор қилинди. Исёнчилардан нақд бештасини Бобур мирзо бирма-бир ўз қиличидан ўтказди. Бундай жасоратни кўрмаган рақиблар ўз-ўзидан тумтарақай қочдилар. Подшоҳ жангда рақиблар устидин мутлақ ғолиб бўлди (Бунда В.Рашбрук Бобурнинг гарчи бир лаҳзалик бўлса ҳам рақиблари устидан мутлақ ғолиблиги ҳақида алоҳида эътибор бериб таъкидлайди – С.И.). У ношукур Абдураззоқни қўлга олиб, жанг тантанасини шу билан якунлади. Ғолибият нашидаси Бобур мирзонинг одатдаги саховатини янада ошириб юборди... Абдураззоқ кейинчалик яна исён кўтарган, лекин бу сафар унинг гуноҳи кечирилмаган ва қатл этилган” [3; 112].

В.Рашбрукнинг тарихий фактлар асосида илмий-бадиий асар яратишдаги маҳорати, энг аввало шунда кўринадики, у тарихчи олим сифатида Бобур ва унинг даврига тааллуқли барча маълумотларни мукаммал ўрганади. Бобурнинг тарихий, ижтимоий, сиёсий ҳаётда тутган ўрни, унинг Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон тарихида давлатчилик ташкил этиш, уларни ривожлантириш, Амир Темур эгаллаган ерларда мустаҳкам империя тузиш каби улкан мақсадлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади. Шулар хусусида асарида илмий-бадиий мулоҳазалр юритади, уларни жиддий таҳлил этади. Бу маълумотларнинг кўпчилиги “Бобурнома”да ва юқорида тилга олинган тарихий

асарларда ҳам мавжуд. Булардан ўринли фойдаланган В.Рашбрук Бобур ҳаёти ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ ҳолатларни, унинг бадиий образини ўз дунёқараши воситасида баён этади. Бу масала Ғарб олимининг Шарқ тарихи, маданияти, давлатчилиги ҳамда архитектурасига Мовароуннаҳр маданияти қай даражада таъсир кўрсатганини ифодалаб беради.

Фикримиз исботи учун қуйида В.Рашбрук асаридан яна бир мисол келтирамиз: “1520 йили Бобур мирзо Ҳиндистонга учинчи маротаба юриш қилди. У Кобулдан чиқиб, ўз ишончли кишилари бошқараётган Бажур вилояти ҳудуди оралаб юрди, тоғлар оша Ҳинд дарёсидан кечиб ўтиб, тўғри Бҳирага етиб келди. Бу ерда илгари унга бўйсуниб, подшоҳ кетгандан кейин яна ўзбошимчалик қилаётган исёнчиларнинг таъзирини берди, қишлоқларда талончилик қилаётган бир неча афғонларни ҳам чегарадан қувғин қилди. Сўнгра Бобур подшоҳнинг сиёсатидан бехабар бўлган вилоятларда ҳам бўлиб, ниҳоят Сиалкотга етиб келди. Шаҳар дарҳол таслим бўлди ва Бобуршоҳ уларга ҳеч қандай озор бермади” [3; 133]. Бу парчадан ҳам Бобурнинг ўзига хос характерини – ўрни билан қаттиққўллик қилиши, ўрни билан меҳр шафқат кўрсатиши каби жиҳатларни кўриш мумкин.

Умуман айтганда, британиялик шарқшунос ва тарихчи Вильям Рашбруknинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори” асарида Бобур шахсияти ва ижоди, ҳукмдорлик фаолияти, ҳарбий юришлари каби масалалар ўта маҳорат билан тасвирланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ. 2002. – 335.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. - Тошкент: Шарқ. 2014. – 744 бет.

3. Вильям Рашбрук. Ўн олтинчи аср бунёдкори. Инглизчадан Ғофуржон Сатимов ва Холида Сўфиева ўзбек тилига ўгирган. “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Тошкент 2011 йил.

4. Sulaymonov I. Review of religious views and struggles in “Boburnoma”. REMIE – Multidisciplinary Journal of Educational

Research. Accepted: 06th November 2021; Published: 22th November 2021. 188-205-p.

5. Suloymanov, I.I. THE ISSUE OF HISTORICITY AND ARTISTIC INTERPRETATION (2022) Journal of Pharmaceutical Negative Results, 13, pp. 2750-2756.

6. Низомиддинов Н.Ғ. Буюк бобурийлар тарихи (XVI-XIX аср). Монография. Тошкент.: Fan va texnologiya, 2012 йил. – 516.

7. Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик. 5- жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Тошкент: «Мумтоз сўз», 2009. – 303 б.

8. Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик олами. Тошкент: Маънавият, 2018. – 271 б.

МИРЗО БОБУР ВА ШАЙХУЛ ИСЛОМ ХОЖА АБУЛМАКОРИМ

Нодиржон Ураимович Абдулаҳатов
тарих фанлари доктори,
Фарғона вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш марказининг профессори.

Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад вафотидан сўнг юз берган воқеалар силсиласида, Бурҳониддин Марғиноний авлоди Самарқанд шайхул исломи Хожа Абулмакорим ҳам муҳим ўрин тутганлигини биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида тасвирланган воқеалар силсиласидан кўришимиз мумкин. Маълумки, Хожа Абулмакорим Самарқанд тахтида Султон Аҳмад Мирзонинг ўғилларидан бири Бойсунқур Мирзони ўтиришига тарафдор эди. Бироқ, курашлар мобайнида иккинчи ўғил Султон Али Мирзонинг қўли баланд келди. Оқибатда, Бойсунқур Мирзонинг тарафдорлари таъқиб остига олиниб,улардан ўч олиш хавфи кучайди. Хожа Абулмакорим юзага келган қалтис вазиятдан қутилиш мақсадида Самарқанддан чиқиб кетишга мажбур бўлди. У бир амаллаб Ўратепага етиб келди. Бу ҳақда Бобур Мирзонинг ўзи шундай ёзади: “Охир ушбу тараддуд ва тафриқа била Ўратепанинг жануб тарафидаги яйлоқларга бордук. Неча кун ул навоҳида ўз ишимизга ҳайрон, борур турар жойимизни билмай саргардон

ўткарилди. Бир кун ушбу ерда эканда Хожа Абулмакоримким, бизнингдек жалойи ватан бўлиб саргардон эди, мени кўргали келди. Борур турар еримиздин ва қилур-қилмас ишимиздин истиълом ва истифсор қилиб, мутаассир бўлиб, бизнинг ҳолимизга риққат қилиб , фотиҳа ўқиб борди. Манга ҳам бисёр таъсир қилди, риққат қилдим. Ушбу кун кеч намози дигар даранинг аёғидин бир отлиқ пайдо бўлди, бу худ Алидўст тағойининг навкари экандур. Йўлчуқ отлиқ. Бу мазмун била йибоpибтурким, агарчи мандин азим гуноҳлар содир бўлди, вале умидим борким, иноят қилиб, гуноҳимни бағишлаб, беришга мутаважжиҳ бўлсалар, Марғинонни топшириб, бир нав қуллуқ ва хизматкорлик қилгаймен, гуноҳим ариб хижобим рафъ бўлғай” [1, 67].

Мирзо Бобурнинг саргардонлик вақтида Хожа Абулмакорим унинг ёнига келиб, кейинги ҳаётидаги кескин бурилишларга оқ фотиҳа тилаган. Абулмакоримнинг маънавий мадади ва шахсий иштироки билан Бобур ҳузурига шу куни кечга яқин Марғинон ҳокими Алидўстдан чопар келиб, шаҳарни унга топширилажаги тўғрисидаги хабарни етказади. Афтидан, бу вазиятда марғилонликларнинг фахри ҳисобланган Хожа Абулмакоримни Бобур Мирзога қўшилганлиги катта рол ўйнаган кўринади. Чунки, шу вақтга қадар Бобур Мирзо Фарғонадаги ҳамма шаҳарлардан ажралиб бўлган ва ҳукмдорлик имкониятидан умидини мутлақо узган эди. Фақатгина, Абулмакоримнинг пайдо бўлиши билан унда тахт учун кураш шашти янада кучайган кўринади [2, 25].

Хожа Абулмакорим Бобурни Марғинонга юбориб, ўзи Самарқандга қайтади. Шайбонийхон қўшинлари томонидан Самарқанд олингач, Бобур Мирзони Самарқандга келишга чорлайди. Бу ҳақда Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонида ҳам маълумотлар келтирилган[3, 87].

Мазкур чақирувдан кейин Бобур Мирзо Самарқандга етиб келгач, Хожа Абулмакорим шаҳардан чиқиб унга қўшилади. Бу тўғрида “Бобурнома”да ҳам маълумотлар учрайди: “Бир-икки кундин сўнг Асфидак қўрғонидин Васманд қўрғонига келилди. Бовужудким, бир қатла Самарқанд навоҳисига бориб, туйдириб келиб эдук. Яна Тангрига таваккул қилиб, ушал ҳаёл била

Васманддин намози пешиндин сўнг Самарқанд устига илгадук. Хожа Абулмакорим ҳам ман била ҳамроҳ эди” [1, 79].

Тарихдан маълумки, Мирзо Бобур иккинчи бор Самарқандни олгандан сўнг ҳукмдорлиги олти ойдан ошмади. Шайбонийхон томонидан шу вақт ичида шаҳарни тинмай қамал қилиниши туфайли уни ташлаб чиқишга мажбур бўлади. Мирзо Бобур ўзи билан бирга Хожа Абулмакоримни ҳам олиб кетган кўринади. Чунки, Бобур Мирзо Тошкент ҳокими бўлмиш тоғаси Маҳмудхоннинг олдида эканлигида Абулмакорим ҳам бирга эди. Маҳмудхон ҳам Хожа Абулмакоримга нисбатан юксак ҳурмат билан қараганлиги сабабли ўз сўзларини шу зот орқали етказмоқчи бўлди [4,83]. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: “Хожа Абулмакоримнинг тавассути билан бу сўзни орага солдимким, Шайбонийхондек ғаним пайдо бўлибтур, мунинг зарари туркка ва мўғулга мусовидир. Мунинг фикрини ҳололиқтаким, улус яхши босмайдур ва улғаймайдур вожибдур. Нечукки дебтурлар:

Имрўз бикуш чу метавон кушт,
Оташ чу баланд шуд жаҳон сўхт.
Магзор ки зеҳ кунад камонро,
Душман чу ба тир метавон дўхт

Мазмуни: Агар кучинг етса оловни шу он ўчир, акс ҳолда у жаҳонни куйдиради. Душманни ўқ билан уришга қодир экансан, уни камон керишига имкон берма”[1,90].

“Бобурнома”да кейинги воқеалар саҳнасида Хожа Абулмакоримнинг номи тилга олинмай қўйди. Хожа Абулмакоримнинг ҳаёти тўғрисига доир воқеалар тафсилоти XVI иккинчи ярмида туғилиб XVII асрнинг биринчи ярми охирларида вафот этган Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған қаламига мансуб “Мусаххир ал-билод” (Мамлакатларни эгалланиши) асарида тилга олинади. Мазкур маълумотлар Хожа Абулмакоримнинг тақдиридан бизни воқиф қилибгина қолмай, унинг ҳаётининг сўнги йилларида юз берган воқеалар аслида қандай юз берганлиги тўғрисидаги шу кунга қадар мавжуд бўлган тахминларга ойдинлик ҳам киритади. Масалан, “Мусаххир ал-билод”га кўра Шайбонийхон Самарқандни

эгаллаган кезларида Кешга кетиб қолган Хожа Абулмакоримни ҳузурига чорлаб унга илтифотлар кўрсатади [5, 72-74].

Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған “Мусаххир ал-билод” асарида Хожа Абулмакоримни Бобур Мирзога Самарқандни забт этишида берган кўмаклари ва уларни Самарқандни бой бериб дарбадарликда юрган ҳолатларини ҳам ҳикоя қилади: “Бобур Мирзо шу зайл ҳеч кимга билдирмасдан яна икки-уч мартаба қалъа ёнига келиб-кетади. Ахийри, ул олий зотли шаҳзода тамоми журъат билан мазкур хатарли иш сари киришиб, Ёряйлоқдан Сафидак қалъаси сари юриб, у ердан эса “Оллоҳга суянинг - таваккал қилинг” фармони талабича яратгувчи Эгамга таваккал қилганча пешин намози пайти у ердан илғор солади. Ўша кечаси Хожа Абулмакорим Муҳаммадхон Шайбонийдан ажралиб, келиб Бобур Мирзога қўшилади ва бироз йўл юрилгач, Хожа Абулмакорим хайрихоҳликнинг етук намунасини юзага чиқаради. Вақт ярим тундан оғиб, алламаҳал бўлганда биргаликда Мағок кўпригига етишадилар. Шунда улар томонидан Рустами достон аломатли саксонга яқин довюракларга шундай буйруқ берилади: сизлар олдинроқ бориб, Ошиқон ғори текислигига етасизлар ва ўша ердан ошикпеша айёрлар каби ҳеч иккиланмай ва ўйланмай бизларни Самарқанд шаҳрида ичида интизор кутиб ўтирган бир гуруҳ. тарафдор ва давлатхоҳларга ёрдам бериш учун қалъага нарвон қўйиб, ўзингизни шаҳар ичига ташлайсиз ва Феруза дарвозасини бахту саодат эшиклари каби Бобур Мирзонинг ферузнишон мавкабидаги бошқа камарбасталар юзи сари очасиз...

Бу ҳодисанинг иккинчи куни Хожа Абулмакорим, Қосимбек қавчин ва Бобур Мирзо ҳузурида қолган тайинли кишилардан айримлари маслаҳат қилишиб, шаҳарда бекинишни маъқул топдилар...

907 йил бошида оғриқли дил ва тилка-пора юрак билан Хожа Абулмакорим ҳамда баъзи бир улуғлар ва олимларни ёнига солганча ўзининг хос навкарларидан юзга яқини билан Самарқанд дарвозасидан ташқари чиқиб, йўналиш юзини Андижон сари қаратди...” [5, 70-80].

Абу Тоҳирхўжанинг “Самария” китобида: “Мавлоно Абулмакоримнинг мозорлари Тиллакорий жомеъсининг кунботар томонида, ундан икки юз одим чамаси олисроқдадир. Абулмакорим “Мухтасар ул-виқоя”га шарҳ ёзганлардан бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхон(шоҳ) Будоқ Султон ўғли замонида фиқҳ илмида замонанинг биринчи олимларидан эди. Шайбонийхон у кишидан бир қийин масала юзасидан фатво сўраганда, у киши жавоб ёзмадилар. Шунинг учун Шайбонийхон тажрибасизликдан, буюриб у кишини арра билан шаҳид эттирди. Дерларки, ўзи ҳам бир неча кундан кейин Марвда шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган урушда қилич дами билан боши кесилиб, шаҳид бўлган” деган маълумотни келтиради [6,42]. Бироқ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған “Мусаххир ал-билод” асарида Хожа Абулмакоримнинг ўлими 1503 йили Шайбонийхон билан Мирзо Бобурнинг тоғалари Аҳмадхон ва Маҳмудхонларнинг бирлашган қўшинлари ўртасида Фарғонадаги Архиён қўрғони ёнида юз берган жангда кейин содир этилганлиги нақл қилинади:

“Ул одамлар Хожа Абулмакоримни ушлаб, жаҳон олувчи подшоҳ ҳузурига олиб бордилар. Муроди ҳосил хоқоннинг кўзи олижаноб Хожага тушгач “Соқолингни нима қилдинг?” деб сўради. Хожа бу савол жавобида ушбу байтни ўқиди:

Чароғеро, ки Эзид барфуруўзад,

Ҳар он кас пуф кунад ришаш бисўзад.

(Мазмуни: Худо ёққан чироқни ким ўчирмоқчи бўлса, соқоли куяди).

Лекин Хожанинг бу нозиктабълик ва хушомадгўйлик билан айтган лутфидан фойда чиқмади шу заҳотиёқ сиёсат қаҳрамони мазкур хожани охират оламига жўнатди” [5, 90-91].

Ушбу маълумотлардан кўринмоқдаки, Самарқандда юз берган воқеалар туфайли Шайбонийхонда Хожа Абулмакоримга нисбатан кечириб бўлмас адоватни юзага келтирган эди. Шу сабабдан Шайбонийхон Хожа Абулмакоримни қўлга олган заҳоти уни ҳеч ўйлаб ўтирмай қатл этишга узил-кесил ҳукм чиқарган ва бу воқеа 1510 йилда эмас, балки ундан анча олдин, яъни 1503 йилда содир бўлган.

Хожа Абулмакорим ўлимидан сўнг Бурҳониддин Марғиноний авлодлари тақдири ва уларнинг шайхул исломлик вазифасида олиб борган фаолиятлари борасида ёзма манбаларда маълумотлар учрамайди. Бизнингча, Мовароуннаҳрда Соҳибқирон Амир Темур томонидан асос солинган темурийлар давлатининг инқирозга юз тутиши, уларга садоқат билан хизмат қилган Бурҳониддин Марғиноний хонадони вакилларини ҳам пароканда бўлиб кетишига олиб келган кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома /Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов.–Т.: Шарқ, 2002.

2.Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Б. Бурҳониддин ал-Марғиноний даври ва унинг авлодлари. – Ф.: Фарғона, 2002.

3. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. / Нашрга тайѐрловчи ва сўзбоши муаллифи Э. Шодиев. – Т.: Ғафур Ғулом, 1989.

4.Абдулаҳатов Н., Ғозиев Т. Бурҳониддин Марғиноний: тарихий ҳақиқат ва асотирлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.

5.Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод /Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И. Бекжонов, Д. Сангирова. Т.: Янги аср авлоди, 2009.

6. Абу Тоҳирхўжа. Самария. 1991. -Т.: Камалак, 1991.

МИРЗО БОБУР ШОҲ ВА ШОИР-ТАБИАТШУНОС ОЛИМДИР

Дилором Ёрматова
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
профессор.

Мана яна 14- феврал келади ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур эҳтиром ва ҳурмат билан ёд этилади яна бир қатор Бобур ва Бобурийлар ҳақида илмий иш олиб олимлар, тадқиқодчилар Андижондаги халқоро Бобур фондида бари тўпланишиб катта конференцияларда янги топилмалар ва ўзларининг янги асарларини муҳокама қилишадилар. Мен ҳам зайтунларим орқали ўзимдан

ўзим Бобуршунос бўлиб қолганман. Бунга сабаб Халқаро Бобур фондининг раиси Зокиржон Машрабов зайтун экмоқчи эканлигини айтиб мен билан суҳбатлашганда, келинг ер ва экин майдони бизда бор деб таклиф қилдилар ва шу тариқа, мен Мирзо Бобурга алоқадор барча йиғилишлар ва конференцияларга қатнаша бошладим ва бу буюк инсонга ҳурматим ва ихлосим йилдан- йилга ва кундан- кунга ортаборди.

Жуда кўп йиллар олдин менда 1966 йил чоп этилган “Бобурнома” китобим борлиги туфайли мен ўзим олим сифатида “Бобурнома” ни ўрганабошладим. Табиатшунос олим сифатида ҳайратим ошгандан ошиб борар эди, бошида минг бир салтанат ташвиши билан юрган подшоҳ, Афғонистонда бўлган бўлган пайтларида жангу жадаллар ва салтанат ташвишларидан ортиб баҳорда ўсадиган лолаларга қизиққанлиги бизга маълумдир. ...Ўзи сарсону саргардон бўлиб, Афғонистон узра барча ташвишларни писанд қилмасдан табиатнинг гўзаллигини ўзида кўз- кўз қилган лолалар ҳақида шундай деб ёзадилар..... “бу доманада ранго-ранг ҳар нав лола бўлур. Бир қатла санатдим ўттиз икки-ўттиз уч нав ғайри муқаррар лола чиқди. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул ҳиди келур, лолаи гулбуй дер эдук. Дашти шайхда бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу доманада Парвондан қуйироқ садбарг лола бўлур”... .

Яқинда бўлиб ўтган Бобурга алоқадор анжуманлардан бирида Афғонистонлик дўстлар ҳозир улар ўн уч хил лола турини аниқлаганларини баён қилишди. Демак яна қолган лола турларни аниқлаш бугунги ёшларнинг вазифаси бўлиб қолади ёки табиатдаги иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, кўпгина ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетаётганлигининг яна бир белгисини биз бугун Афғонистон ҳудудидан кўриб турамиз.

Ҳозирги кунда биологик хилма-хилликни сақлашда ҳам олимлар шу каби изланишлар олиб боришади. Садбарг лола бир тангида ўсса, лолаи гулбўй иккинчи тангида ўсишини табиатшунос олим каби аниқлаб ёзиб қолдирган. Ўз даврида Бобурга ўхшаган қанча подшоҳлар ўтган. Уларни хотираларида табиатга бу қадар меҳр берган инсонни кўрмадик.

Шоир ва шоҳ Бобур, Мирзо Улуғбек ҳазратларининг боғини таърифлаган. Ундаги чинорлар, улар тагида ўсаётган кўм-кўк сабза ўтларга тўхталади. Демак Мирзо Улуғбек боғни ташкил қилганда ҳозиргидай кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борган. Юртимизда бугунги кунда шаҳарларни ободонлаштиришда кўкаламзорлаштиришга эътибор берилмоқда.

Бобур ўзи яшаган ва қадам қўйган кўп жойларни обод қилади ёки ёзади... бугун бу ариқ эгри-бугри ва бесиёқ эди. Мен буюрдим, бу ариқни ража (таёқ) ва сиёқ била қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди.

Бобур Кобулнинг шарқи-шимолидаги Кўҳистонни таъриф қилганда шундай дейди. “Узуми ва меваси бисёр. Тоғларида ножу ва чилғўза ва балут ва ханжак йиғочлари бисёр бўлур. Ножу ва чилғўза ва балут дарахти шундан қуйи бўлур. Нижровдан юқори бўлмас. Ҳиндистон дарахтларидир. Бу Кўҳистон элининг чироғлари томом чилғўза йиғочидиндур. Шаъмдек ёнар, хейли ғаробати бордур”.

Яна бир дарахт ҳақида сўзлаганда ҳайрон қоласиз. Бу дарахтн номи **кирни**. “Мунинг дарахти агарчи кўп болида бўлмас, кичик ҳам бўлмас. Меваси сариғ рангликдур, жигдадин иничкарактур. Мазаси филжумла узумга ўхшар, охирида озроқча бадтаъмлиғи бор, ёмон эмас, еса бўлур. Донасининг териси юпқадур” демак ушбу дарахтни меваси ва ўзини бизга чиройли қилиб таърифлаб бермоқдалар.

Иккинчи эътибор берган мевали дарахти номи **жоман деб номланади ва шундай таърифлайдилар” ....** барги тол баргига филжумла ўхшар, гирдроқ ва яшилроқтур. Дарахти холи аз хушнамолиқ эмас. Меваси қора узумға ўхшар, туршроқ мазаси бор, хейли яхши эмастур”.

Учинчи дарахт ҳақида шундай таъриф келтирадилар....“Яна **камрак**. Панж паҳлудур. Уруғлуғи ғайнолуча бўлғай, узунлуғи тўрт эллик бўлғай, сариқ пишадур, мунинг ҳам донаси йўқтур. Хомроқ узгани кўп аччиқтур. Яхши пишғонининг туршлиғи майхушдур, ёмон эмас, холи аз латофат эмас”. Қаранг таҳлилни. Меванинг уруғини узунлиги тўрт эллик бўлади, ранги сариқ тусда, ичида уруғи йўқ, хом пайтида аччиқ, яхши пишиб етилганда меваси яхши

деб таърифлаганлар. Ушбу мевали дарахтларини номлар ни ҳиндча келтирмоқдалар.

Нижров тоғларида рўбаи паррон бўлур. Рўбаи паррон бир жониворедур, мушукдин улуғроқ, икки қўли билан икки бутининг орасида пардадур, шаппаранинг қанотидек доим келтурурлар эди. Дерларким, йиғочдан-йиғочга нишаб боқа бир газ отими учар.

Бу тоғларда луча қуши ҳам бўлур. Бу қушни буқаламун дерлар. Бошидан қуйруғигача беш олти мухталиф ранги бор.

Юқорида сўзларни «Бобурнома»да ўқир эканмиз, Бобурнинг ўсимликлар ва ҳайвонот оламини нақадар эътибор билан кузатганини кўрамиз. Дарахтларнинг тоғнинг қайси қисмида жойлашганига эътибор бериб, шу ўсимлик асосан тоғнинг юқори қисмида ва қуйи қисмида жойлашишига қараб, дарахт турларини таъриф қилади, ҳатто ул дарахтлардан нимага мақсадда фойдаланишини ҳам ёзиб қолдирган. Луча ёки буқаламун қуши патлари ранги, унинг катта кичиклигини ҳам нима ўхшашлигини таърифлайди. Бобурнинг «Бобурнома»сини ўқиб хайратга тушиш мумкин. Чунки у аслида подшоҳ, лекин кузатувчилиги шу қадар юқорики, ҳатто ерларнинг унумдор ёки кам ҳосиллигини ҳам эътиборга олади. Яхши подшоҳ учун унумдор ерлар керак, серҳосил ерда аҳолиси яхши ҳосил олади ва ҳалқнинг ижтимоий аҳволи яхшиланади.

Хожа Сеёрон тоғи тубида чашма теварагида уч хил латиф соя берувчи дарахтларни айниқса сариқ, қизил арғувон очилганда бундай жой оламда йўқдир деб таърифлайди. Унинг ўзи қанча боғ яратди, ариқ қазиб сув келтиради. Кориз ариқлар орқали деҳқончилик ишларини олиб боради. Кобул ва Ғазна узумини солиштириб кўради. Ғазнанинг узуми ҳам қовуни ҳам Кобул қовунидан ширин бўлганини ёзиб қолдиради. Ғазнанинг олмаси ҳам ширин, хуштаъмлигини ёзиб, бу ерда деҳқончиликни олиб бориш ниҳоятда сермашаққат эканлигини ёзади. Ҳар йили далаларга янги тупроқ солинишини, аммо олинган ҳосил юқори бўлишини айтиб ўтади. Рўян экиб ундан олган ҳосилни Ҳиндистонга бориб сотишини баён қилади.

Бобурнинг кузатувчанлигига ҳайрон қоламиз. Анорларнинг қайси кентда яхши бўлишини, узум ҳатто чоғирларнинг ҳам сифатини ёзиб қолдиради.

Кобул тоғидаги отларга емиш бўладиган ўтларни қайси яйловда ўсишини, нега номи бутака дейилишини ёзиб қолдирар экан қисқача бута ва дарахтнинг бир-биридан фарқини бериб кетади. Андижонда ҳам бута-бута бўлиб ўсган ўсимликка бутака дейди, деб маълумот қолдиради. Ўз юришлари давомида Ҳисор, Хатлон, Самарқанд ва Фарғона яйловларининг ўти кўк, мол ейиши учун қулайлиги Мўғулистон яйлови билан бир-биридан катта фарқ қилишини ёзади. Бу ҳолатлар олимларга хос кузатувчиликни яққол кўрилади.

Тоғларнинг йирик тошлари, пушталари, уларда қайси ҳайвон ўтлашига қулайлиги ҳақида ҳам аниқ фикрлар беради... Нижров ва Лағмонот ва Бажур ва Савод тоғлари қалин ножу ва чилғўза ва балут ва зайтун ва ханжаклик тоғларидир. Ўтлари баланд, дарахтлар кўп бўлгани учун қўйлар яхши юраолмайди, Ғарб тарафдаги тоғларда йоғочлари бўлмагани учун от ва қўй яхши ўтлайди, деб фикрлайди. Тоғларнинг баландликларида ўсадиган ўсимликлари, қушлари, жониворлари, фаслари ҳамма-ҳаммаси ҳақида, улардан қачон, қаерда қандай фойдаланиш ҳақида ёзиб қолдирган.

Тоғлар ҳақида сўзлаганда Бобур худди географ олим каби фикрлаган. Баланд ерлардаги ўт-ўланлар пастки қисмидаги дарахтлар, сувининг танқислигига, қайси ёғочнинг умр кўришигача ҳисоблаб чиқади. Ўзи жангу жадаллар, дўст ва душманлар ўртасида бўлишига қарамасдан табиатни аниқ таърифлаганига лол қолади киши.

Йилнинг фаслларига қараб яйловда қайси ҳайвон бўлишини билади. Ғарб чўлларида ва Шарқ тоғларидаги ҳайвонларини билишичи? Қайси қуш қачон учиб келишини кузатган. Аслида подшоҳнинг ов билан шуғулланувчи сипоҳлар бу ишни бажаради. “Борон ёқасида қишнинг охирларида ўрдак, қалин айиқ келар, бисёр семиз бўлур. Андин сўнгра турна ва қарқара, улуғ қушлар қалин ва беҳад бўлур», ёки оқар сувда балиқ тутиш усуллари “моҳихона” ҳақида биринчи марта “Бобурнома”да ўқидим. Ҳатто қишда

бемалол истаган пайтда моҳиҳона эшигини очиб, 40-50 дона балиқни олиб келиш мумкинлигини ёзади.

Бобур қайси кент ёки вилоятга борса ўша жойнинг иқлими ўсимлигини ва ҳайвонини ёзиб қолдиради. Бажур ва Чандавал орасидаги тоғда қоп-қора буғуни, сариқ қушни, унинг сариқ кўзларини таърифлайди.

Боғи Вафода анор ва норунж дарахтларини таърифлаб ҳеч бир боғда шунчалик ширин мева етишмайди дейди. Анорлар қип-қизил, норунжлар сабзаранг, бениҳоят кўплигини ёзиб боради. Дарёлар-уларнинг қайсинисида оқар сув бор ёки қора сув аҳоли ундан фойдаланади, хуллас, ҳамма нарсага эътибор берган.

Бобурнинг Ҳиндистон иқлимига, жойлашувига берган таърифи ўзига хосдир. Бу мамлакат иқлимини у Афғонистон билан таққослайди. Тоғ ва дарёси ва жангал саҳроси, мавозиъ ва вилоят ва ҳайвонот ва табобат, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқеъа бўлубтур, деб иқлими мутлоқ ўзгача эканлигини таърифлаб беради. Шимолдан Синд дарёси ўтишини кейин, Қашқар вилояти бошланади дейди. Ҳиндистоннинг баъзи вилоятларидан Лоҳур ва Сиҳринд ва Санбалда бу тоғда оқариб кўринур. Шимолий томонидан Тибет вилоятидир. Бу тоғдан ҳамон дарё чиқиб, Ҳиндистон ичи билан оқиб ўтишини ёзади. Тоғларида асло қор бўлмаслигини ёзади. Экилган экинларни уларни суғориш усулларини ёзиб, бизнинг чархпалак усулимизни ёзиб қолдиради.

Дарахтларига бир икки йил сув бергач, кейин мутлоқ суғормасликларини, ўзи ўсиб ривожланишини таърифлайди. Дарёларида кўпинча қора сувлар бўлишини, тўпланган ёмғир суви пашкол сувлари ҳақида экинлари лалми экин ёки суғорилмаслигини деҳқончилик соҳасидаги мутахасисдек таърифлайди.

Ҳайвонларидан фил ва карк ёки каркидонга эътибор беради, уларнинг бажарадиган ишларини, тана тузулишини аниқ баён қилади, фил ва каркидон терисининг қалинлиги, отилган ўқ ёйларнинг улар баданига деярли кирмаслиги, тиши ва баданида туки бор йўқлигича ёзиб кетган.

Кийикларни модаси ва эркагини уларнинг ранг, табиати, чопиши, ўйинлари ва қандай ушлаш ҳақида ҳам шоҳ эмас оддий бир мутахасис сифатида таъриф беради.

2017 йилнинг феврал ойида президентимиз Ш.М.Мирзиёев республикамизнинг кўпгина худудларида заъфарон экиш лозимлиги ва ундан республика иқтисодиётига катта даромад келишини Қашқадарё вилоятида қилган йиғилишида таъкидлаб ўтди. Дунё бозорида бир килограмм олтин ва бир килограмм заъфароннинг нархи тенг эканлигини таъкидладилар.

Республика матбуотларидан бири заъфарон тўғрисида маълумот тўплаб битта мақола қилиб беришимни илтимос қилди. Шу кунгача бизда бирон мутахасис томонидан заъфарон ўсимлиги ўрганилмаган ва экиб тажриба қилинмаган эди.

Бирпас ўйланиб қолдимда заъфарон ҳақида маълумотлар ахтаришни “Бобурнома”дан бошлашга қарор қилдим. Ахир ҳазрати Бобур мирзо ўзи жуда кўп нарсаларга эътибор берган ва синчиклаб маълумотлар қолдирганлар. Буюк шоҳ ва саркарда Заҳириддин Бобур “Бобурнома” китобида (1966 йил 111 бет) Кашмир тоғларида “ Бу тоғ элида матоъ нофа, мушк ва қўтоси баҳрий ва заъфарон ва сурб ва мисдир” деган сўзлар орқали шу даврларда ҳам заъфаронга эътибор кучли бўлганлигини баён қилади. Демак ўша даврларда асосий дори-дармонлар мазкур худудларда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган, шунинг учун Мирза Бобур ҳам бу ўсимликка эътиборини қаратган. Маълумотларга кўра, қадимда заъфарон 100 та касалга даъво деб ёзишган.

Ҳаммамиз Бобур шоҳ, шоир деб ўйлаймиз ва шундан ғурурланамиз, аммо, бу буюк инсон, барча даврлар учун табиатшунос олим сифатида тан олиниб келинади ва мен қайси ўсимлик ҳақида ёзмоқчи бўлсам доимо “Бобурнома”га мурожоат қиламан ҳамда излаган маълумотларимни топаман.

Шубҳасиз -Бобурнома- шоҳ асардир. 1494-1529 йиллар воқеаларини ичига олган энциклопедик мазмундаги насрий рисола дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатида қайта-қайта нашр қилингани тарихий аҳамияти, юксак бадиий савияси билан баҳоланади. 1586 йилда форс, 1705 йилда голланд, 1826 йилда инглиз, 1871 йилда

француз, XIX-XX асрларда турк, рус, немис, қозоқ каби тилларга таржима қилинган.

Бобур олим сифатида янги алифбо яратган ва уни -Хатти Бобурий- деб атаганлар. Шоир адабиёт, табиат, иқтисод илмига ҳам ҳисса қўшган.

Бобур Мирзонинг –"Ҳарб иши", "Мусиқа илми" каби асарлар яратгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд, аммо бу китобларни бугунги кунда бизгача етиб келмаган ёки топилмаган.

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Тожикистон – Афғонистон бўйлаб сафарга чиққанида Бобур номи билан боғлиқ "Бобурнома"да эсга олинган биргина тошбитиклар топганлари жуда ҳайрон қоларли воқеадир. Бобур йўл юриб кетаётганида тошларга битиклар қолдириб кетгани ҳақида маъулумот берган. Бундан олдинроқ тошбитиклар ҳазрат Амир Темур бобомиз томомнидан қолдирилган бўлган. Албатта тошбитик ёздирилган вақтда бобомиз буюк салтанат соҳиби бўлганлар. Аммо Бобур мирзо тошбитиклар ёзганидан ёки ёздирганида ўз юртидан қувилган, моли-мулки йўқ, номигагина шоҳ бўлганлар Андижонга киролмай ўзи сарсон саргордан юрган пайтларида тош битиклар қолдирганлар. Тошга эътиборни ҳам табиатга эътибор деб тушунаман.

Бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмон Бобурни излаб экспедицияларида қатнашиб битиктошларни ўз кўзи билан кўргани ҳақида шундай сўзларни ёзади Тожикистоннинг Оббурдон номли қишлоғидаги тошбитиклар мавжудлигини, уларни бугунги кунда ҳам тўртта тошбитикни ўқиш мумкинлигини ёзади.

Олимни таърифича бир тошбитикда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам "Бобурнома"да тасдиқлаган ва ўзи ҳам харсангтошга Саъдий Шерозийнинг машҳур "Бўстон" асаридан афсонавий шоҳ - Жамшид билан боғлиқ бир таъсирчан воқеани ёздирганини ҳикоя қилган:

"Бу тоғли масканда тошга ўйиб байт ва ҳикматлар битиш одатдир. Масчонинг пастки кенти Оббурдондир. Бу Оббурдондан қуйироқда бир чашма бўлиб, бу чашмадан юқориси Масчога қарашли - қуйиси Палғарга тааллуқлидир. Ушбу чашма бошида, унинг ёқасидаги тошга бу байтларни ўйиб ёздим:

Шунидамки, Жамшеди фаррухсиришт,
Ба сарчашмае бар санге навишт:
“Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.
Гирифтем олам бо мардиву зўр,
Ва лекин набурдем бо худ ба гўр”
Мазмуни:
Эшитганим борки, Жамшеддек номдор
Бошбулоқ тошига ёздирди ёдгор:
“Бу булоқ бошига кўплар етдилар,
Кўз юмиб очгунча йитиб кетдилар.
Мардлигу зўрлик-ла оламни олдик,
Лекин қабристонга қуруқ йўл солдик ”.

Афсуски экспедиция аъзолари ушбу тошбитикларни излаб борганида уларга, қишлоқ зиёлилари машҳур Бобур тошбитиги 1953 йилда тарихчи олим Аҳрор Мухторов томонидан ёзилган жойидан олиниб, бошқа бир неча битиктошлар билан Республика пойтахтига олиб кетилгани ҳақидаги маълумотни берадилар. Экспедиция Душанбе шаҳридаги Тожикистон халқлари қадимий санъати музейида ўша тошлар сафида машҳур Бобур тошбитиги ҳам сақланаётганлигини гувоҳ бўладилар.

Ваҳоб Рахмон айтишича ушбу тошбитиклар маълумотни биз Аҳрор Мухторовнинг “Ҳисор тарихи ” китоби сўнгсўзидан ўқиб ҳайратда қолдик. Собир Зокирзода ёзадики: Аҳрор Мухторов Бобур тошини Душанбега олиб борганида, тарихчининг устози машҳур олим А.А.Семенов бу тошни кўриб, қувончини яширолмай айтган экан: “Бобур битик тоши жаҳоннинг энг машҳур музейлари зийнати бўла олади!”

Чунки Бобур исми умрбод, ўзбек халқи тарихига, адабиёт гулшанига олтин ҳарфлар билан битилган, чунки бу буюк зот ўзбекларни пешонасига сиғмай, олисларда юртим деб зор- зор йиғлаб ўтди. О қайтар дунёда, мана орадан йиллар ўтиб илмли, билимли инсонлар, адабиётчи ва тарихчилар Бобур ва Бобурийлар деб, изларига зор бўлиб излашмоқда.

Бобур Мирзо асли Амир Темур авлоди бўлгани учун ўз бобосининг одатларини ўзида шакллантирган бўлади. Буюк бобоси Самарқандда бир неча боғлар яратган ва бу билан оддий халққа ўрнак бўлганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам дастлаб Афғонистонга бориб, тахтга чиққанидан сўнг ушбу юртда боғлар яратишга бел боғлаганлар. Бобур шоҳни вафотига беш асрдан ортиқ вақт бўлишга қарамасдан Бобур ва унинг авлодлари яратган гўзал боғлар бугун ҳам тарҳи ва ундаги сақланиб қолган дарахтлари билан бизни ҳайратга солади.

Дастлабки яратган боғлари Афғонистонни Кобул шаҳридаги “Боғи Бобур” бўлиб бугунгача такрори йўқ ҳисобланади. Чунки Кобул ўзиниг иқлими, тиниқ сувлари, тоза ҳавоси ва бепоён яйловлари билан Бобур Мирзога жуда ёққан. Вақти келиб, шу ерда битта боғ ташкил қилишга ҳаракат қилган. Ушбу боққа меҳр билан етти иқлимдан анвойи гулларни келтириб эккан, бугун ҳам Кобул шаҳрида шу боғ мавжуд бўлиб, мевали ва манзарали дарахтлар кўркам ҳолда ўсиб турибди.

Бобур Мирзо ҳаётлик даврида “Боғи Исталиф”, “Боғи Наврўзий”, “Бўстонсарой”, “Чорбоғ”, “Боғи Беҳиштий”, “Боғи Нур” ва “Боғи Хилват” каби ажойиб, бетакрор боғларни бунёд этган. Шуниси ажабланарлики, Кобулнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, бу боғларда анвойи гуллар, мевали ва шакл бериладиган манзарали дарахтлар экилган бўлади. Бобур боғларининг бири мевали дарахтлардан ташкил топса, иккинчиси хушбўй гуллар билан безатилган. Ўзи ташкил қилган боғларга Фарғонадан Қуванинг ширин анорлари, Бахмални қирмизи олмаси, Конибодомни оқ сариқ рангдаги ширин ўриги, Олтиариқни ҳусайни узуми, ўзи севган Самарқанддан сариқ анжир келтирилган. Бобур томонидан Ҳиндистонга атиргул биринчи бўлиб келтирилган, Бобургача бу юртда атиргул ўсмаган ва ёки ўстирилмаган.

Бобур шоҳ яна бир неча боғ ташкил қилган бўлиб, улар- «Боғи Шаҳроро» кейинчалик бу боғнинг номи бобурийзода Нуриддин Жаҳонгиршоҳ (1605-1625 й.) томонидан “Боғу илму Ганжа” - Ганж илми боғи деб, қайта номланган, “Боғи Жиловхона”, “Ўртабоғ”, “Боғи Моҳтоб” ва “Боғи Суръат” деган номдаги олтита боғ яратди.

Афсуски, бу олти боғнинг бариси фақат ёзма манбаларда қолган экан.

Жалолобод шаҳрини ҳам Бобур Мирзо жуда севган, чунки бу вилоятнинг шириндан ширин меваларини таъми жуда ёққани учун ҳам ўз ташаббуси билан “Боғи Сафо” номли боғ яратишга буйруқ берганлар. Бобуршоҳ яратишни жуда севганидан катта ўғли Ҳумонюн Мирзо туғилиши шарафига Одинапур шаҳрида “Боғи Вафо” деб номланган боғни бунёд қилган. Бу боққа ўзи севган, бир умр интизорликда ўтган она юртидан гуллар, мевали дарахтлар, келтирилган бўлиб, ул зот бу ҳақда “она юртимни эслатиб турсин деб ният қилдим” деган сўзни айтган эканлар.

Бобуршоҳ ҳар галги сафари олдидан ана шу боғда зиёфатлар, ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик юзасидан машваратлар ўтказган. Ушбу боғни жуда меҳр билан парвариш қилган ва бу боғда ўлтириб ғазал ёзишни ва хаёлларга эрк беришни яхши кўрган шоир ва шоҳ. Кейинги ташкил қилган боғларидан бири 1506 йилда Қандахор шаҳрида “Чорбоғи Қандаҳори”, ундан сўнг шу манзилда яна бир “Боғи Чорбоғ” номли боғни яратган. Бу боғ Арғанбоб дарёсининг қирғоғида жойлашган бўлиб, ҳанузгача гўзаллиги, таровати билан барчани ўзига маҳлиё қилиб келмоқда. Бобур Мирзо қисқагина умрида қарангки, шунча кўп боғлар яратибди. Бу ишлар, бу анъаналар кейинги авлодларга ҳам мерос бўлиб қолди. Бобурдан кейинги авлодлари бариси ўзидан катта боғлар қолдиришдилар.

Бобур Мирзо фарзандларига ўз хокини Кобулда, ўзи яратган боққа дафн этишни васият қиладилар. Ушбу васиятни аввало Кобулга, кейинчалик боғни, гулларни севишидан ишорат деб билсак бўлади. Чунки бу дунёдан ҳаётга тўймай ёшгина кетаётгани учун чиройли боғда хушбуй ҳидли атиргуллар оғушида ётишни маъқул кўргандир. Бобуршоҳнинг жасадини катта ўғли амирзода Мирзо Ҳумоюн филлар карвонида Кобулга келтириб, ўзи васият қилган ва севган боғига дафн этишади.

Кашмирда Жаҳонгир подшоҳ яратган “Боғи Нишот”, ва Шоҳ Жаҳон яратган “Шалимар” боғни, Лоҳурда ҳам Шоҳ Жаҳон иккинчи “Шалимар” боғни яратади. Шоҳ Жаҳонни севимли катта

қизи ЖаҳонОро ҳам, шоира Зебинисо ҳам Аграда, Лоҳурда бир неча боғларни ташкил қиладилар.

Кашмир вилоятида бўлганимда мен Жаҳонгир подшоҳ томонидан барпо қилинган “Боғи Нишот”да бўлдим. Боғ тепадан пастга қараб беш ярусда қилинган бўлиб, ҳар юз метрдан энига тепадан пастга қараб зилол сувлар оқиб турар эди. Боғнинг четларида 350 йиллардан бери ўсиб турган бақувват баланд бўйли чинорларни кўриб кўзларимга ёш келди, чунки бу чинорлар Бобурийларни кўрган ва уларга ўз соясини ташлаган. Балким, ул буюк зотлар бу чинорларни соясида ўтириб дам олишгандир. Чинорларни қучоқлаб кўрганимизда уч кишининг қулочи зўрға етди. Кашмирдаги боғларда Бобурийлар атиргуллар экишни яхши кўрганлар. Биз ҳам бу ерда ҳозир ҳам атиргулларни кўплигини кўриб ҳайрон қолгандим. Кейинчалик манбалардан билишимча атиргулларни ҳидини жуда яхши кўрган эканлар.

Хуллас бугунги кунда ҳам Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлардан қолган гўзал боғлар мавжуд ва инсонлар бу боғларга кириб роҳатланадилар ва боғни яратганлар ҳақига яхши сўзлар айтадилар.

Дунёнинг турли бурчакларидан олийҳиммат, фидойи, умрбоқий инсон Зокиржон Машрабов томонидан топиб келинган Бобур ва Бобурийларга алоқадор ҳар бир бет варақни кўзларига тўтиё билиб, таржима қилиб ўзбек элига севимли ўғлонингдан деб хабар беради. Ҳар йили катта тантаналар, халқаро симпозиумлар бошида туриб хорижлик ва маҳаллий бобуршуносларни кутиб олиб уларни бир жойга тўплайдиган, Бобурийларга алоқадор китобларни чоп эттирадиган инсон ҳақида икки оғиз сўз айтгим келади

Тарихнинг зилдек чамбараги, бизга бир марта йўлбарс деб улуғланган ўғилни йўқотишга, бас етар. Бу йўлдаги тушунмовчиликлар, соғинчлар, тушларидагина она юртда бўлишар. Зокиржон ака бутун умрини Бобур Мирзога бағишлаган, Бобуршунос олим, Ҳазрати Бобур изидан бориб, бобурийлар бўлган жойларни, улардан қолган қўлёзмаларни топишга астойдил бел боғлаган ва шу машаққатли ишларни уддасидан чиққан жафокаш олим, академикдир.

Андижонга Бобур Мирзо ётган жойдан рамзий қабр қилиш учун яна минг километр йўлга бориш, йўл бўлсаям уруш бўлаётган, ҳатто отасини отиб ташлаши мумкин бўлган толибонлар қошига боришга ҳам журъат қилаолган инсон шу **Зокиржон Машрабовдир**. Андижонга олиб келган тупроқдан қабр ясатиб, барча андижон аҳлини чақириб Бобур мирзони туғилган элида, элнинг ёдига солиб, аввало "Хуш келдингиз Мирзом, она юртга" деган сўзларни кўзда ёш билан айта олган инсондир. Бир вақтлар даврнинг зулми билан подшоҳ бўлгани учун ҳатто ғазаллари ман қилинган она юртида ҳайкали билан юзларидан соғинчлар жимирлаб, турган буюк шоир, подшоҳ, табиатшунос олимни қайтариб бизга берган инсонга узоқ умр тилаб қоламан .

Бобур боғлари ҳақида сўз юритар эканман, яна бир нарсани айтиш жоиз деб билдим, Андижондаги Бобур номли халқаро фонд қошида фақатгина шоҳ ва шоир Бобурниниг рамзий қабрлари бўлмасдан 23 гектардан иборат "Бобур боғи" ҳам мавжуддир. Бу боғда Мирзо Бобур севган анвойи гуллар- атиргуллар, лола дарахти, магнолия, зайтун ва 100дан ортиқ турли туман мевали дарахтлар қад кўтарган. Бутун Фарғона водийси аҳолиси келиб ёзнинг иссиқ кунларида салқинлаб роҳатланиб дам олиб кетишадилар ва Ҳазрат Бобурнинг руҳига ва Бобуршоҳ хотирасига шундай боғ барпо қилган академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бобуршунос олим 90 ёшдан ошган Зокиржон Машрабовга узоқ умр тилашадилар.

XX ASR INGLIZ, HIND VA O'ZBEK NASRIDA BOBUR HAQIDA YARATILGAN ASARLARNING JANRIY TARKIBI

Quvvatova Dilrabo Habibovna
Filologiya fanlari doktori (DSc), professor
Buxoro Davlat Universiteti
Xayrullayeva Kamola Ravshanovna
Buxoro Davlat Universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz, hind va o'zbek adiblari tomonidan Zahiriddin Muhammad Bobur hayot yo'liga bag'ishlab

yozilgan asarlar xususida ma’lumotlar keltirilgan va ular janriy jihatdan tasniflangan.

Kalit so’zlar: roman-trilogiya, tarixiy roman, roman-epopeya, ma’rifiy roman, badiiy xronik roman.

Jahon miqyosida shuhratga ega bo’lgan tarixiy siymo Bobur shaxsiga qiziqish, uning obrazini badiiy adabiyotda gavdalantirish harakati XX asr ingliz adabiyotida yuzaga kelgan. Bu yo’nalishdagi dastlabki asar Flora Anna Stilning “Sayohatchi qirol” roman-trilogiyasidir. Ushbu roman 1912 yilda chop etilgan. Asar uch kitobdan iborat bo’lib, unda Boburning sermashaqqat, murakkab hayot yo’li uch davrga ajratilgan holda tasvirlangan. Adib Bobur haqida yozgan asarini uch bo’limga bo’ladi. Shu jihatdan shoh-shoirning hayot yo’lini davrlarga ajratib, inson umrini ramziy ma’noda bir daraxtning umri bilan qiyoslaydi va roman qismlarini quyidagicha nomlaydi:

1-kitob – “Seed time” – “Urug’ davri”.

2-kitob – “Blossom Time” – “Gullagan davr” ya’ni 1-kitobdagi urug’ning unib chiqib, kurtaklari ochilgan payti nazarda tutilgan.

3-kitob – “Fruit time” – “Meva davri”. Bunda daraxtning hosil bergan davri inobatga olingan. Kitoblarga shunday nomlar berilishida ham o’ziga xos majoziy ma’no bor. Yozuvchi Boburni bir ulkan daraxtga o’xshatadi.

Mazkur yo’nalishdagi yana bir muhim qadam ingliz yozuvchisi Stefan Meredit Edvards nomi bilan bog’liq. Ingliz yozuvchisi o’zining “Bobur: yozuvchi va jangchi” asarini yaratishdan oldin Bobur hayot yo’li ustida ko’pgina izlanishlar olib boradi. Asarning kirish qismida ham asosiy manba sifatida Boburning avtobiografik asari “Boburnoma”ning A.S.Beverij tomonidan qilingan inglizcha tarjimasiga tayanganligini yozib qoldirgan. Uning fikricha, A.S.Beveridj tarjimasi to’g’ridan-to’g’ri turkiy tilidan qilinganligi sababli oldinroq J.Leyden va V.Erskin tomonidan fors tilidan qilingan tarjimasiga nisbatan haqiqatga yaqinroqdir. Bundan tashqari S.M.Edvards Leyn Pulning Bobur haqida olib borgan beqiyos tadqiqotlaridan ham foydalangan. Asardagi Bobur hayotini ochib beruvchi lavhalar A.S.Beverijning tarjima asaridan olingan. Ushbu asar 1926-yilda ilk marotaba o’z o’quvchilariga taqdim etilgan.

Inglizzabon hind yozuvchisi Muni La’l qalamiga mansub yana bir tarixiy roman “Bobur: hayot va zamon”dir. Bu asar 1977-yilda chop

etilgan. Roman muqaddima, “Bolalik”, “Xotirjamlik istovchi xonlar va mirzalar”, “Samarqand uchun kurash”, “Baxtsizlikka bog’lanish”, “Kobuldagi kichik qirollik”, “Baxtsiz ittifoq va Shoh Ismoil”, “Hindiston Imperatori”, “Sayohatning yakuni”, “Rafiqalar va farzandlar” singari boblardan tarkib topgan. Ingliz yozuvchilari singari Muni La’l ham kirish qismida asarning yaratilish tarixi hamda manba sifatida qo’llanilgan kitoblar xususida ma’lumot bergan. Bu jihatdan u, avvalo, A.S.Beverij nomini hurmat bilan tilga oladi. Asar uchun “Boburnoma”ning turkiy tildan tarjimasi asosiy manba bo’lib xizmat qilgan.

Bizning buyuk ajdodlarimiz hayot yo’liga qiziqish bildirgan holda ingliz adabiyotida yaratilgan yana bir buyuk roman “Empire of the Moghul” (“Mo’g’ul imperiyasi”) deb nomlangan. Asar 6 ta kitobdan tarkib topgan. Ushbu roman ilk marotaba 2009-yilda chop etilgan bo’lib, birinchi kitobi “Shimoldan kelgan bosqinchilar” deb nomlanadi hamda unda Bobur hayot yo’li, Hindistonda yangi imperiyaga asos solinishi voqealari ta’sirchan va hayotiy tasvir etilgan. Romanning boshqa kitoblari esa Bobur imperiyasining keyingi hukmdorlari, Boburning avlodlari tarixidan to imperiyaning qulashi va Buyuk Britaniya tomonidan Hindistonning egallanishiga qadar bo’lgan davrga bag’ishlanadi. Ular quyidagicha nomlanadi: “Brothers at war” (“Aka-ukalar kurashi”) (2010); “Rulers of the world” (“Dunyo hukmdorlari”) (2011); “Tainted throne” (“Ifloslangan taxt”) (2012); “The Serpents tooth” (“Ilonning tishi”) (2013); “Traitors in the Shadows” (“Soyadagi Xoinlar”) (2015). “Shimoldan kelgan bosqinchilar” romani Diana Preston va uning turmush o’rtog’i Maykl Preston tomonidan yozilgan bo’lib, ular ikkovlari uchun bir umumiy Aleks Rutherford taxallusini qo’llashgan.

Bobur hayot yo’li ustida tadqiqotlar olib borgan yana bir ingliz yozuvchisi va tarixchisi Stefen Frederik Deyldir. U ham boy tariximiz va buyuk ajdodimiz qoldirgan adabiy meros, sarkardalik, hukmdorlik faoliyatiga qiziqdi, o’zining “The Garden of the Eight Paradises” (“Babur and the Culture of Empire in Central Asia, Afghanistan and Indian”) (“Sakkiz jannat bog’lari” (Bobur hamda Markaziy Osiyo, Afg’oniston va Hindiston imperiyalari madaniyati”) hamda “Babur: Timurid prince and Mughal Emperor” (“Bobur: temuriy shahzoda va mo’g’ul imperatori”) nomli ikki buyuk asarni yaratadi. Uning ilk asari 2004 yilda Boston

shahrida chop etilgan. Mazkur roman Bobur qoldirgan ulkan adabiy-madaniy meros, u yaratgan go'zal hayot, sermeva bog'lar tasviriga bag'ishlangan. Yig'ilgan materiallar asosida u o'zining keyingi "Babur: Timurid Prince and Mughal Emperor" ("Bobur: temuriy shahzoda va mo'g'ul imperatori") nomli romanini 2018 yilda nashrdan chiqaradi. Bu romanda avvalgisidan farqli ravishda Bobur tarjimayi holi tasviriga keng o'rin berilgan.

Hindistonda boburiylar Imperiyasiga asos solinish tarixi, boburiylar boshqaruvi ostida Hind diyorining ko'rinishi xususida hindistonlik tarixchi va yozuvchilar ham asarlar yozib qoldirganlar. Xususan, mashhur hind tarixchisi va siyosatchisi Javoharla'l Neru ham "The Discovery of India" ("Hindistonning kashf etilishi") deb nomlangan tarixiy asarida Hindistonning to'liq tarixini keltiradi. Uning bir bobida Hindistonda boburiylar imperiyasiga asos solinish tarixi, shu qatorda Zahiriddin Muhammad Bobur, uning amalga oshirgan ulkan qurilish va bog'dorchilik ishlari haqida ma'lumot berilgan.

Hind adabiyotida yaratilgan yana bir tarixiy asar muallifi S.M.Jaffar bo'lib, u, asosan, boburiylar imperiyasi davridagi Hindiston tarixini o'rganishga e'tibor qaratadi va "The Mughal Empire from Babur to Aurangzeb" ("Boburdan Avrangzebgacha bo'lgan davrda Mo'g'ul Imperiyasi") tarixiy asarini yaratdi. Asar nomidan ham ma'lumki, unda Boburning yangi imperiyaga asos solishidan tortib to uning so'nggi avlodi Avrangzeb hukmronligi tugashi va inglizlar tomonidan Hindistonning bosib olinishigacha bo'lgan davr voqealari qamrab olingan. Asarning 2-bobida Zahiriddinning Hindistonga kirib kelish tarixi, afg'onlar bilan kurashlari haqida ma'lumotlar keltiriladi.

Tariximizda munosib nom qoldirgan mashhur tarixiy shaxslar haqida asarlar yozish yangi o'zbek adabiyotining muhim yo'nalishini tashkil etadi. Bu jihatdan mashhur o'zbek adibi Pirimqul Qodirovning "Yulduzli tunlar" romani alohida ahamiyatga ega. Mazkur roman 1972-yilda yozilgan va shu yili nashrga topshirilgan, ammo "Navoiy", "Mirzo Ulug'bek", "Muqanna", "Abulfayzxon" singari tarixiy romanlar kabi ancha tazyiqlarga uchragan. Shundan so'ng 1979 yilda chop etildi. 1981 yilda adib shu asar uchun O'zbekiston davlat mukofoti bilan taqdirlandi.

Shoh, sarkarda va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur haqida asar yozgan yana bir o'zbek adibi Xayriddin Sultonovdir. Uning "Boburiynoma" ma'rifiy romani Bobur hayot yo'liga bag'ishlab yozilgan qimmatli manbadir. Ushbu asar 1997-yilda nashr etilgan. Roman adibning bir necha tarixchilar bilan Bobur bosib o'tgan yo'llar, hukmronlik qilgan yurtlar bo'ylab qilingan sayohat, ekspeditsiya taassurotlari asosida yozilgan. Bobur odamlar 100 yil yashab qilolmaydigan ulug' ishlarni 47 yillik qisqa umri davomida amalga oshirdi, buyuk davlatchilikka asos soldi, boy badiiy, ilmiy meros qoldirdi. Xayriddin Sultonov ham Boburning yangi Imperiyaga asos solishi bilan bir qatorda u qoldirgan madaniy-ma'naviy meros, badiiy asarlar, maftunkor bog'larga alohida urg'u berib o'tadi.

Bobur haqida ingliz, hind va o'zbek adabiyotida yaratilgan asarlarni quyidagicha tasniflash mumkin:

1. **Tarixiy roman** (Stefen Frederik Deylning "The Garden of the Eight Paradises" ("Babur and the Culture of Empire in Central Asia, Afghanistan and Indian") ("Sakkiz jannat bog'lari" (Bobur hamda Markaziy Osiyo, Afg'oniston va Hindiston imperiyalari madaniyati"), "Babur: Timurid prince and Mughal Emperor" ("Bobur: temuriy shahzoda va mo'g'ul imperatori", P.Qodirov "Yulduzli tunlar" asarlari).

2. **Roman-trilogiya** (Flora Anna Stilning "Sayohatchi qirol" asari).

3. **Badiiy-xronik roman** (Stefen Meredit Edvardsning "Bobur: yozuvchi va jangchi", inglizzabon hind yozuvchisi Muni La'lning "Bobur: hayot va zamon", Farzana Mun qalamiga mansub "Babur: the first Moghul of India" ("Bobur: Hindistondagi birinchi mo'g'ul"), S.M.Jaffarning "The Mughal Empire from Babur to Aurangzeb" ("Boburdan Avrangzebgacha bo'lgan davrda Mo'g'ul Imperiyasi") Javoharla'l Neruning "The Discovery of India" ("Hindistonning kashf etilishi" asarlari).

4. **Roman-epopeya** (Aleks Rutherfordlar qalamiga mansub "Empire of the Moghul" ("Mo'g'ul imperiyasi" asari).

5. **Ma'rifiy roman** (Xayriddin Sultonovning "Boburiynoma" asari)

Ko'rinadiki, shoh-shoir Bobur haqida yaratilgan asarlar ham mazmun, ham shakl jihatidan rang-barang bo'lib, katta epik turga mansub romanning turli ko'rinishlarida bitilgan. Bu esa dunyo miqyosida buyuk

sharaf, e’tirof, e’tiborga sazovor vatandoshimiz, shoh-shoir Zahiriddin Boburga qiziqishning nihoyatda baland ekanligini ko’rsatadi.

Ma’lumki, har bir ijodkorning asarlari uning biografiyasidir. Shu jihatdan Bobur haqida asar yozgan adiblar uning A.S.Beverij tarjimasidagi “Boburnoma” memuariga tayanishgan. Shu bilan birga tasvirlangan tarixiy voqealar ishonchlilik darajasi, chuqur realizmi Gulbadanbegimning “Humoyunnoma”, Mirzo Muhammad Haydarning “Tarixi Rashidiy” asarlaridagi muhim va qimmatli ma’lumotlar bilan ham belgilanadi. Shu jihatdan Bobur haqidagi romanlarni u yashagan tarixiy davrning o’ziga xos badiiy solnomasi deyish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.S.Beveridge. Babur-Nama (Memoirs of Babur) Translation. – New Delhi: Taj Offset Press, 1970.- 1040p.
2. Bobur. Boburnoma.- T: Yulduzcha nashriyoti, 2006.
3. Dale S.F. Babur: Timurid prince and Mughal Emperor.- United Kingdom: Cambridge University Press, 2018.- p. 262.
4. Dale S.F. The Garden of the Eight Paradises.- The Netherlands: Brill’s Inner Asian Library, 2004. - p. 553.
5. F.A.Steel. King-Errant.- New York: Frederick A. Stokes Company, 1912.
6. J.Nehru. The discovery of India.- Oxford, New York: Oxford University Press, 1985.
7. Muni Lal. Babur: Life and times: New Delhi: Vikas Publishing House PVT LTD, 1977. – p 131.
8. S.M.Edwardes. Babur: diarist and despot.- Great Britain, London: A.M.Philpot LTD, 1926.
9. Султонов Х. Бобурийнома. - Тошкент: «Шарқ», 1997.—416 б.

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА ХАТ БАДИИЙ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Абдуллаева Дилдорахон Зумратбековна –
филология фанлари доктори, доцент.
Андижон давлат университети.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзнинг лирик ижоди орқали мумтоз шеърият анъаналарини ривожлантириш билан бирга янги

бадиий образлар, лирик манзаралар, оригинал тасвирлар яратди. Бобур шеърияти бадиий образларининг ранг-баранглиги, кўпмаънолилиги, ҳаётийлиги жиҳатидан бошқа шоирлар асарларидан тубдан ажралиб туради. Мумтоз шеъриятдаги ошиқ, маъшуқа, рақиб; гул, булбул, гулшан; май, ошиқ, соқий; майхона, ринд; мутриб, нағма, соз; мажлис, аҳбоб, дилхоҳ каби анъанавий поэтик образлар ҳам оҳорли ташбеҳлар орқали янги маъно ҳосил қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, мумтоз шеъриятда хат яна нома, мактуб номлари билан ҳам учрайди. Ўзбек адабиёти тарихида нома жанри ҳам бўлиб, бу асар тури ҳисобланади. Бобур ижодида номанависликка оид учта маснавий бўлиб [1,43;3,89-90], XVI асрдаги номачилик анъаналарининг муносиб тадрижи намунаси сифатида ҳам аҳамиятга эга.

Ғазал, рубоий, туюқ, муаммо каби лирик жанрлар таркибида келтириладиган хат детали эса асарда муайян бадиий функцияга эга бўлиб, у шоирнинг бадиий дунёқараши, поэтик олами ҳақида тасаввур беради.

Шоир Бобур яратган оригинал образлардан бири хат поэтик деталь сифатида муҳим ўрин тутади. Хат лирик қаҳрамон ва маъшуқа ўртасида хабар етказувчи восита тури сифатида намоён бўлади. Бобур ғазаллари ва рубоийларида энг кўп қўлланган ҳажр билан номанинг ёнма-ён қўлланиши кузатилади. Бунда шоир истиора орқали “ҳажр номаси” деган янги ифодани илгари суради:

Нисён қаламин неча менга сургайсен,
Вақт ўлдики, ҳажр номасин бургайсен.
Будур тилагим, хатимни чун кўргайсен,
Албатта ўзунгни менга еткургайсен [1,13].

Нисён қалами, қалам сурмоқ, ҳажр номаси, хатни кўрмоқ каби поэтик бирикмалар маъно жиҳатидан ўзаро яқин тушунчалар ҳисобланиб, таносуб санъати юзага келган. Ёрнинг ҳажр номасини битиши ва лирик қаҳрамоннинг жавоб мактубини юбориб, унинг етиб келишини сўраши ўзига хос лирик манзарани пайдо қилади, бу эса шеърдаги бадиий таъсирчанликни орттиради.

Хат деганда одатда мактуб битувчи ва мактуб йўналтирилган шахс – адресат ўртасидаги муносабат тушунилади. Хатдаги ахборот ҳам бу ўринда муҳим ҳисобланади. Бобур шеърларида эса “тақдир хати” деган ифодага дуч келамиз:

Улки, тақдир хатин этти савод,
Айлади оқу қарони иршод.
Пайваста қошини менга читиб,
Кирпик ўқини менга отиб [1,15].

“Хатни этти савод” дейилганда хатнинг қора ёзув билан битилиши тушунилади. Бу ўринда “оқу қаро” тазод санъати бўлиб, зид маъноли сўзлар орқали оқ қорани танимоқ деган мазмунни ифодалаб келади. “Пайваста қоши” тавсиф номли бадиий санъати орқали ёрнинг ташқи портрети чизилади. Қошнинг пайваста экани камонга, киприкларнинг эса ўққа ташбеҳ қилиниши ҳам ўзига хос тасвирдир.

Ўтмишда хат юборишнинг илк шакли кабутарлар орқали бўлган. Бунда кабутарлар белгиланган бир манзилдан иккинчи манзилга учиши учун махсус ўргатилган ҳамда хат алмашинуви мана шу паррандалар воситасида амалга оширилган. Бобур ғазалларидан бирида эса хатнинг парвона томонидан келтирилиши қаламга олинади:

Хатинг парвона келтургач, тирилди ушбу девона,
Ани тиргузмак учун гўиё келтурди парвона [5,36].

Мумтоз шеъриятда парвона шуълага ошиқ образи бўлиб, у орқали тасаввуфий маъно ҳам англашилган. Хатни ошиққа, яъни девонага кабутар эмас, парвона келтиришида ҳам ошиқлик даражаси таъкидланади. Парвонанинг хат келтириши ва девонанинг бундан тирилиб кетиши каби поэтик манзара фақат Бобур шеъриятигагина хос. Байтдаги “парвона келтургач” ва “келтурди парвона” бирикмалари тарду акс бўлиб шоирнинг ғоявий нияти ва бадиий ғоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Хат-хабар алмашувининг барча даврларда муҳим аҳамиятга эга бўлганини тарихдан кузатиш мумкин. Бобур рубоийларидан яна бирида хатнинг хабар бериш функциясидан ташқари унинг поэтик образ сифатидаги маъносини ҳам англаш мумкин:

Хатимни кўруб, сўзумни чун билгайсен,
Келмакта бизга ел киби елгайсен.
Ихлосингни билиб юбордим қосид,
Раҳмат сенга, зинҳорки, бот келгайсен [5,65].

Рубоийда хатни олган кишига мурожаат қилинади, яъни хатни олган заҳоти шамол каби тезда келишга чорланади, хатда мақсад ҳам билдирилганки, уни олган кишининг яна, қайта келишига умид билдирилган. Мазкур рубоийдан хатда мурожаат қилинган кишининг Бобурга яқин бўлгани, эҳтимол оила аъзоларидан бири бўлганини тахмин қилиш мумкин. Хат юборишдан ташқари ўз ўрнида шоирнинг хат олиши лавҳаси ҳам рубоийларда бадиий тасвирланади:

Хатингни кўруб, кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб жонға мусаррат бўлди.
Бу неча маҳал тағофул эттинг демагил,
Толеъ йўқ эдики, мунча ғафлат бўлди [5,74].

Айрим рубоийларда хат билан боғлиқ манзара лирик мазмун билан уйғунликда ифодаланади:

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур
Пўлоддурур кўнглунг бағринг тоштур.
Номамға агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур [5,51].

Маъшуқанинг юзини қуёш, қошини ҳилолга ўхшатилиши анъанавий ташбеҳ ҳисобланади. Бироқ мазкур рубоийда қуёш – юзингдир, ҳилол – қошингдир, дейилиши анъанавий ташбеҳга нисбатан янги тасвирдир. Лирик қаҳрамон қуёш сайёрасини бу – ёр юзи, ой (ҳилол) сайёрасини бу – ёрнинг қоши деб атамоқда. Мана шу ёрнинг кўнгли пўлат, бағри тош билан баробар. Ёр қанчалик гўзал бўлса, жафоси шунча қаттиқ. Шу боис лирик қаҳрамон – ошиқ юборган номасига жавобнинг яхши бўлишини кутмайди ҳамда ёр томонидан “сўкмак билан ёд” этилишига ҳам рози бўлади.

Бобурнинг яна бир рубоийсида хат лирик қаҳрамоннинг ҳаёт бўлиши, тирик қолишини белгиловчи бадиий образ сифатида гавдаланади:

Номангки, тириклигим нишони эрди,

Ҳар сатри ҳаёти жовидони эрди.

Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,

Ҳар ҳарфда юз меҳр ниҳони эрди [5,74].

Ёрдан келган хатнинг ҳар сатри ошиқ ҳаёти асосидир, ҳар бир сўзида, сўзидагина эмас ҳар ҳарфида вафо намоён бўлади, ҳар ҳарфда меҳр яширингандир. Рубоий мисраларининг бошида “ҳар” сўзининг такрори (анафора бадиий усули) ёр битган мактубдаги меҳру вафонинг кучлилигини таъкидлайди. Яна бир ўринда ёр мактубида кўнгил розлари ҳам битилгани, бундан лирик қаҳрамон қалби хурсанд бўлгани, хатнинг хушкайфият бағишлагани тушунилади:

Хатинг била кўнглингники ирсол эттинг

Қайғу била меҳнатимни помол эттинг.

Ул хат била хотиримни хурсанд айлаб,

Бу кўнгил ила кўнгулни хушҳол эттинг [5,57].

Шоир Бобур маснавийлари сўнггида ҳам хатнинг поэтик маъно ифодалагани англашилади:

Хат жавобиға йўлда бўлди кўзум,

Вассалом, эмди хатм бўлди сўзум [5,93].

Ёки:

Хат жавобиға чекармен интизор

Бот жавобини йиборгил, эй нигор [5,95].

Иккала маснавий хотимасида ҳам ошиқнинг интизорлиги, ёрдан мужда келиш умидида изтиробда қолганлиги, вафода собитлиги маълум бўлади.

Бобурнинг хат, ёзув билан боғлиқ яратилган шеърларида лирик қаҳрамон камтар ва таслим банда сифатида намоён бўлади:

Сенга ҳолимни ёздим сажда қилдим,

Айтқилким, не ёздим, не ёнгилдим?[1,25]

Ўз ҳолини билдиришни шоир “ёзиб билдирдим” деб ифодалайди. Демак, бу ўринда шоир ўз ҳолатини битган асарлари орқали етказганини назарда тутади. Яратганга сажда қилиб айби нима эканини сўрайди. Ушбу фардда “ёздим” сўзи жинос сўз, яъни шаклдош сўзлар бўлиб, у икки хил маънони ифодалайди. Биринчи

мисрада “қалам билан ёзмоқ”, “ёзув битмоқ” маъносида келса, иккинчи мисрада “нима қилган эдим” маъносида қўлланган.

Лирик қаҳрамоннинг ҳажрдан юзининг сарғайиши ва хатнинг сариқ саҳифага битилиши қуйидагича тасвирланади:

Ҳажр аро ашку юзум рангини то билгайсен,

Хат сариғ сафҳада сурхий била имло қилдим[1,41].

Ошиқнинг ашки, яъни кўз ёши ҳажрдан қонга айланиб, қорайиб кетса, юзининг ранги сарғайиб кетади. Сарғайган юз устига қоп-қора қонли кўз ёшининг томиши худди сариқ саҳифада сурхий ёзувда хат битилиши кабидир. Бу ўринда ошиқнинг юзи – саҳифа, қоп-қора қонли кўз ёши – ёзув бўлиб, бундай оригинал истиора фақат Бобур ижодига хос.

Хат, мактуб детали мураккаб жанрлардан бири- муаммода ҳам учрайди:

Кўзумки, хати эрди анинг матлуби,

Юз шукрки, равшан этти кўз мактуби [1,30].

Одатда муаммо жанрида шоир томонидан маълум бир исм мисралар таркибига яширилган бўлади ва китобхондан уни зукколик билан топилиши шарти қўйилади. Муаммода шеърнинг маъноси ва муаммонинг жавобини топишга йўналтирилган маъноси бўлади. Шеър маъносида ошиқнинг ҳолати намоён бўлади. Ошиқ тилидан, “Кўзим унинг, ёрнинг йўллаган мактубидан матлуб (хурсанд) бўлар эди. Юз шукрлар бўлсин, унинг, ёрнинг мактубини олиб, кўз равшан бўлди”, деган мазмун ифодаланган. Муаммонинг жавобини ечиш учун эса фарддаги ишорага эътибор қаратиш керак. “Равшан этти кўз мактуби” жумласини “кўз мактуби” жавобни равшан қилади, ойдинлаштиради, деган маънони ҳам тушуниш мумкин. Шунга кўра “мактуб” сўзининг араб тилида ёзилиши ва ҳарфлар шаклини таҳлил қилсак, “мим” кўзга шаклан ўхшайди. “Кўз” сўзининг араб тилидаги таржимаси “айн” бўлиб, иккала ҳарф қўшиб ўқилса, “Муъин” исми ҳосил бўлади.

Мазкур муаммода мактуб бадиий детали асосида шоир Бобур шеъриятигагина хос янги, оҳорли ифода “кўз мактуби” қўлланадики, бошқа мумтоз шоирларда бу ҳолат учрамайди. Бу эса

Бобур бадиий маҳорати, сўз санъаткорлигининг яна бир намунасидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасида кўплаб анъанавий поэтик образлардан ташқари фақат шоир ижодидагина учрайдиган ноёб бадиий манзаралар учрайди, шунингдек хат детали орқали оригинал ифодаларга эришилилганини кузатиш мумкин. Шоир Бобур яратган бадиий образ ва лавҳалар ўз давридаги поэтик янгиланишга, бадиий тафаккур ривожига қўшилган улкан улуш сифатида аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобур девони. Кобул нашрига такмила. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 112 б.

2. Бобур шеъриятидан. – Т.: Ўзбекистон КП МК нашр., 1982. – 144 б.

3. М.Ҳалим Ёрқин. «Тафаккур» журнали, 2001 йили 4-сон. 89-90 бетлар.

4. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 3-ж. – Тошкент: Фан, 1978.

5. www.ziyouz.com кутубхонаси. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ғазаллар, рубоийлар...

BOBURNING ADABIYOTSHUNOSLIKKA OID QARASHLARI (“Boburnoma” asari asosida)

Hamroyeva Orzigul Jalolovna
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti dotsenti, filologiya fanlari doktori

Ijodkorning badiiy mahorati, o‘ziga xos uslubining takomili va taraqqiysi poetik ilmlarning egasi ekanligida namoyon bo‘ladi. Hazrat Navoiy “Majolis un-nafois” tazkirasida poetikaga oid ilmiy risolalar yaratgan shoirlar ijodiga yuqori baho berganining asosiy sababini shu holat bilan izohlash mumkin.

Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiyoti: ilmiy risolalari, nasriy asarlari, lirikasi bir butunlikda uning kuchli olim va o‘ziga xos uslubga ega shoir ekanligini ko‘rsatib turadi. Boburning nasriy va lirik asarlarida uning ham olim, ham shoir ekanligini sezish qiyin emas. Ayni holat Boburning “Boburnoma” asarida ham yaqqol ko‘zga tashlanadi.

“Boburnoma” nasriy asarning yetuk namunasi bo‘lishi bilan birga shoir lirik merosining o‘ziga xos tizimli jamlanmasi, ularning yaratilish ehtiyoji, shoirning poetik maqsadi kabi masalalar yoritilgan muhim manba sifatida e’tiborga molik. Asar garchi shoir shaxsiyati va tarjimai holini o‘zida aks ettirgan bo‘lsa-da, unda tazkira janrining o‘ziga xos elementlari ham ko‘zga tashlanadi. Bobur o‘zi bilan zamondosh havaskor va shu bilan birgalikda o‘z davrining mashhur shoirlarining hayot yo‘li va ijodiyotidan namunalar keltiradi. Boburning shoirlar ijodiga munosabati va baytlar tahliliga oid yondashuvi uning olim sifatidagi maqomotini belgilab beradi. Bobur poetikaga, aruzga oid mukammal risola yaratdi. Shoir ilmiy qarashlari aks etgan bu risolaning amaliy tatbig‘i “Boburnoma”dagi tahlillarda o‘z aksini topgan.

1. Shoirlarimiz ijodida tazmin va tattabu’ bog‘lash o‘sha shoir ijodiga hurmat bildirish bilan birga o‘z qonuniyatiga ega alohida nazariy hodisa sifatida an’anaga aylangan. Ma’lumki, tazmin va tatabbu’ bog‘lash asosan g‘azal janri zaminida yaratiladi. Zahiriddin Muhammad Bobur “Boburnoma”da radif, qofiya va vazni saqlangan holda ruboiy janriga javob tariqasida yozilgan lirik parchalarni tahlilga tortadi. Bu esa o‘z zamonida ruboiy janriga ham tatabbu’ bog‘lash an’ana ekanligini ko‘rsatadi. Shoir o‘zining turkiy tilda yaratgan “*Ishlar bori ko‘nglungdag‘idek bo‘lg‘usidur*” deb boshlanuvchi ruboiysiga javob tarzida yozilgan Binoiy ruboiysini keltiradi. Binoiy Bobur yaratgan ruboiyning qofiyasini radif sifatida keltirib, o‘ziga xos lirik asar yaratgani, Xoja Abulbaraka esa ayni radif va qofiyani saqlagan holda yangi bir ruboiyni taqdim qilgani Bobur tomonidan yuqori baholanadi.

Ishlar bori ko‘nglungdag‘idek bo‘lg‘usidur,
In’om-u vazifa bori buyrulg‘usidur.
Ul g‘alla-yu muhmalki deb erding, berdim,
Muhmalg‘a bo‘y-u g‘alladin uy to‘lg‘usidur. [4, 78]

Bobur qofiyadosh so‘zlar sifatida *bo‘lg‘usidur – buyrulg‘usidur-to‘lg‘usidur* so‘zlarini keltiradi.

Mirzomki shohi bahr-u bar bo‘lg‘usidur,
Olamda hunar birla sar bo‘lg‘usidur.
Bir muhmal uchun muncha ishoyat bo‘ldi,
Musta’mal agar desam, nelar bo‘lg‘usidur?

Binoiy tomonidan javob tariqasida aytilgan ushbu ruboiyda “*bo‘lg‘usidur*” so‘zi mohiyatni kuchliroq anglatish maqsadi bilan radif

vasifasida keltirilgan. Bobur e'tirof etgan zamonasining iste'dodli shoirlaridan biri Xoja Abulbaraka Firoqiy Bobur ruboiysiga qofiya va vaznni saqlagan holda o'ziga xos javob ruboiy yaratadi. Shoirning bu ruboiysi Bobur tomonidan yuqori baholanadi.

Bu javrki, qildi davr so'rulg'usidur,
Sultoni karam bu uzrni qo'lg'usidur.
To'kulgan agarchi to'lmas, ey soqiy,
To'kulgonimiz bu davrda to'lg'usidur.

Bobur yana bir o'rinda o'zining "*Yod etmas emish kishini mehnatda kishi*" deb boshlanuvchi ruboiysiga xon tomonidan javob ruboiy yaratilmagani, buning asosiy sababi sifatida turkiy tilda "to", "dol", "g'ayn", "kof" harflari bir-birlari bilan mubaddal bo'lishi ekanligini keltiradi.

2. Bobur "Boburnoma"da aruzga oid qarashlarini ham taqdim etadi. Xususan, Binoiy va uning lirik merosi xususida to'xtalganda, shoirning masnaviyotini tahlilga tortadi. Xafif bahrida yozilgan ikki, mutaqorib bahrida yozilgan "Mevalar bobida" masnaviysiga munosabat bildirib, mutaqorib bahrida yozilgan masnaviyga ijobiy baho bermaydi.[3, 178]

"Boburnoma"da Muhammad Solihning "Shayboniynoma" voqeiy dostoni xususida tahlillar keltiriladi. Bobur Muhammad Soliy masnaviyni ramali musaddasi maxbun vaznida yozgani, sust va furud ekanligini va shoirning bu masnaviysini o'qigan kishi Muhammad Solih she'riyatidan bee'tiqod bo'lishini ta'kidlaydi. Ma'lumki, shohlar haqidagi masnaviylar: Firdavsiyning "Shohnoma"si, turkiy adabiyotdagi ilk yirik masnaviy sifatida baholanuvchi "Qutadg'u bilig", "Saddi Iskandariy" dostonlari mazmunga mos shakl – mutaqorib vaznida yaratilgan. Muhammad Solihning "Shayboniynoma" dostoni ham shohlar madhi mohiyati asosidagi masnaviydir. Mutaqoribi musammani mahzuf(maqsur) vazni madh dostonlar uslubiga aynan mos tushadi, yengil o'qiladi. Biroq keyinchalik masnaviylarning mutaqorib vaznida yozilishi bilan bog'liq an'ana o'zgarib, ular turli vaznlarda yaratila boshlangan. Aytish joizki, ramali musaddasi maxbun vazni madh dostonlar - masnaviylar uchun og'irlik qiladi. Shuning uchun bo'lsa kerak, Bobur "Shayboniynoma" dostonining vaznini sust va furud deb baholaydi.

Bobur Husayn Boyqaro lirikasi xususida munosabat bildirar ekan, aksariyat g'azallarining bir – ramali musammani mahzuf(maqsur) vaznida yozilganini ta'kidlaydi. Bobur shoir ijodiyoti mazmun va shakl

jihatidan rang-barang bo‘lishi asosiy mezonlardan biri ekanligiga alohida e’tibor qaratadi va shuning uchun ham ijodiy merosning birgina vaznda bo‘lishini yoqlamaydi.

Bobur “Aruzi Sayfiy” asarining muallifi Sayfiy Buxoriy ijodiga yuqori baho berib, vazndagi imkoniyatlari kengligiga e’tibor qaratadi. Forsiy aruzi mavjudligini ta’kidlab, mashhur qit’alaridan birini keltiradi.

Masnaviy garchi sunnati she’r ast,
Man g‘azal farzi ayn medonam.
Panj bayteki dilpazir buvad,
Behtar az xamsatayn medonam.[4, 162]

3. Bobur shoirlar asarlari xususida to‘xtalganda, ularning mohiyati va uslubi, obrazlar tizimi, shoirning topildiqlariga ham o‘z munosabatini bildiradi, tahlil qiladi. Xususan, Hiloliyning “Shoh va Darvesh” masnaviysini tahlilga tortib, masnaviyning mazmun va “ustuxonbandligi” (shakli) bo‘sh (kovak) va xarob ekanligini ta’kidlaydi. Hiloliy tomonidan taqdim etilgan tashbehlar oshiqlikni – erga, ma’shuqlikni – xotinga, darvesh – oshiq, shoh – ma’shuqqa mengzashiga e’tirozlarini bildiradi.

“Boburnoma”da Bobur Abdulla Hotifiyga alohida e’tibor qaratadi. Uni masnaviygo‘y deb ta’riflaydi. Hotifiyning “”Haft manzar”, “Temurnoma”, “Layli va Majnun” kabi dostonlarini tilga oladi, ular orasida ham mazmun, ham shakl jihatidan yetugi sifatida “Layli va Majnun” dostonini e’tirof etadi.

4. Bobur muammo janrida samarali ijod qilgan shoir sifatida “Boburnoma”da muammo janriga oid asarlarga baho beradi. Bobur muammolari janr qonuniyatlariga to‘la javob beradigan mukammallikka ega. Shuning uchun ham shoir Mulla Muhammad Badaxshiyning muammoga oid risolasidagi kamchilikni ko‘rsatib, “muammosi ham xeyli yaxshi emas” ta’rifini beradi. Mir Husayn Muammoiy nomi bilan mashhur shoir muammolariga esa ijobiy baho berib, muammoni hech kim “oncha aytg‘on emas” deb ta’kidlaydi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, “Boburnoma” Boburning mumtoz poetikaga oid qarashlarini o‘zida aks ettirgan muhim asardir. Bobur “Boburnoma”da shoirlar va o‘z tarjimai holini berish barobarida ularning ijodini tahlil qiladi, bu tahlillar esa poetik nazariyalar asosiga qurilgani qimmatlidir. Shuning uchun ham shoirning ushbu asari adabiyotshunoslikda qomusiy manba sifatida baholanadi, e’tirof etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Азимжонова С. “Бобурнома”- қандай ёзилган?// “Гулистон”. 1990. № 8
2. Азимжонова С. Бабур и его труд “Бабурнаме”. В книге “Бабурноме” – Записки Бабура. –Т.: 1993.
3. Бобур. Бобурнома. –Т.: Шарқ, 2002. (Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов)
4. Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989. (Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев)
5. Бабурнаме. (Записки Бабура). Перевод М. А. Салье. Т. 1993.
6. Бобир. З. М. Бобирнома. 1-2-қисмлар. Т. ЎзФА нашриёти. 1960. (нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев)
7. Бобир. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 2-3-жилд. Т.: Фан, 1966.
8. Z. M. Babur. Babur-nama (Vaqayi). Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and by Eijji Mano. Kayoto, Syokado,1995
9. Babur-nama (Vaqayi). Concordance and classified indexes by Eiji Mano. Kayoto, Syokado,1996
10. Ҳамроева О.Ж. XX аср бошлари матншунослиги тараққиётида Фитрат мажмуаларининг ўрни. Монография. – Т.: Академнашр. 2019.

З.М.БОБУР ҒАЗАЛЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕТАФОРАЛАР

Юлдашева Дилором Нигматовна,
Бухоро давлат университети
профессори, п.ф.номзоди

Аннотация. Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларида қўлланилган анъанавий ҳамда индивидуал метафоралар аниқланган ва таҳлилга тортилган. Сўзда маъно кўчишининг биртури бўлган метафоралар шоир ғазалларининг ўқимишли ва жозибадор бўлишини, сўз латофатининг жилваланишини таъминлай олган.

Калит сўзлар: *Бобурғазаллари,метафора, анъанавий метафора, индивидуал метафора, сўзлатофати*

Кўчим (троп) бирор нарса ёки ҳодисани ифодалаш учун сўз ёки сўз бирикмаларининг ўз маъносидан бошқа маънода қўлланишини англатувчи тушунча эканлиги аён. Кўчма маънода қўлланилган сўзнинг ўз ва кўчма маъносининг муносабати ҳамда уларнинг нарса ёки воқеликка бўлган муносабатига қараб кўчимлар бир неча турларга бўлинади. Улардан энг асосийлари: метафора, метонимия, синекдохадир.

Бизнинг онгимизда қандайдир хусусиятлари, белгилари билан бир-бирига яқин бўлган икки нарса ёки ҳодисани чоғиштириш, ўхшатиш тропларга асос қилиниб олинади. Бошқача айтганда, бирор нарса ёки воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун унга бошқа бирор нарса ёки воқеанинг белгиси кўчирилади, ўхшатилади. Кўчим умуман тилга хос ҳодиса бўлиб, у сўзнинг қўлланиш доирасини, унинг маъно товланишларини бойитади. Шунинг учун кўчимларнинг бадиий нутқда ишлатилиши ифодалиликни, таъсирчанликни оширишга, тасвирланаётган воқеа-ҳодисани равшанроқ баҳолашга ёрдам беради[2,320].

Кўчимлар одатда, иккига – содда ва мураккаб кўчимларга бўлинади. Ўхшатиш, сифатлаш кабилар содда кўчимлар, метафора, метонимия синекдоха, жонлантириш, рамз кабилар эса мураккаб кўчимлардир.

Содда кўчимларда бир нарсанинг бирор сифати таъкидлаб кўрсатилади ёки иккинчи бир нарсанинг бирор белгисига ўхшатилади. Мураккаб кўчимларда эса бирор нарса иккинчи бир нарса орқали ифодаланади, жонсиз нарса жонлидай тасвирланади. Шунингдек, содда метафоралар бир лексик маъно англатувчи (содда, ясама, қўшма, жуфт) сўз ва иборалардан ташкил топса, мураккаб метафоралар икки ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади.

Кўчимнинг бир тури рамз (символ) метафоранинг бир кўриниши бўлиб, шартли равишда кўчма маънода қўлланиладиган сўз бирикмаси, расм, предметни англатади. Бошқача айтганда, рамзлар образли тафаккур қилишнинг кўринишларидан бири бўлиб,

бадиий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмасидир. Шубҳасиз, кўчма маънода ишлатиладиган бундай сўз ёки бирикмалар ўзларининг қандайдир хусусиятлари билан тасвирланаётган ҳаётий воқеа ва тушунчаларни эслатиб туриши, бири иккинчисига маълум даражада ўхшаб туриши лозим. Улар орқали фикр юритиш жадид шеъриятида кўп учрайди. Чунончи, қуёш – эрк, истиқлол, тун – ҳасрат, маърифатсизлик рамзи.

Кўчим тилга хос ҳодиса бўлиб, у сўзнинг қўлланиш доирасини, унинг маъно товланишларини бойитади. Шунинг учун кўчимларнинг бадиий нутқда ишлатилиши ифодалиликни, таъсирчанликни оширишга, тасвирланаётган воқеа-ҳодисани равшанроқ баҳолашга ёрдам беради.

Бирор предметга баҳо бериш, чоғиштириш, ўхшаш томонларини топиш, мана шу топилган (аниқланган) предмет ёки ҳодиса билан ўртоқлашиш хусусияти бадиий ижоддаги тасвир воситаларидан бири бўлган метафорани келтириб чиқарди. Бадиий тафаккур ҳамиша янгилик топиш йўлида иш олиб боради. Метафора мана шу янгиликка элтувчи йўлдир.

Истеъдодли шоир З.М.Бобур ўхшатиш, муболаға, киноя, метонимия, синекдоха каби тасвирий воситалар билан бир қаторда метафоралардан ҳам самарали фойдаланган, уларни ўрни ва меъёрида қўллашга эришган.Шоир ғазалларида мумтоз адабиётда анча кенг истеъмолда бўлган *ой, гул,кўз* каби метафоралар кўп учрайди. Жумладан,

*Ғурбатда ул **ой** ҳажри мени пир қилибдур,*
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибдур

ёки

*Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул **қуёш**,*
Эмди тиргузмак учун меҳри вафоси қолдиму?!

Мазкур ўринларда *ой, қуёш* метафоралари гўзал ёр, париваш ёки севилган маъшуқа маъноларида қўлланилган ва ошиқнинг унга ета олмаслигини (кишининг ойга ёки қуёшга қўли етмагани каби) ифодалаш учун *ой, қуёш* лексемаларидан фойдаланган.

Бобур “Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим” матлали ғазалининг иккинчи байтида шундай ёзади:

*Сен, эй **гул**, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,*

Аёғингга тушиб барги хазондек мунча ёлвордим.

Мазкур байтда *гул* метафораси қўлланилган. Ижодкор ҳар иккала содда метафорадан ўз фикрларини яққол ифодалаш, мақсад-ниятини аниқ англатиш, образ, манзара ва лавҳаларни гўзал тарзда билдириш воситаси сифатида фойдаланган. Метафораларнинг образли тасвирлаш, коннотатив маъно, экспрессивлик ифодалаш каби хусусиятлари ғазал байтларида ғоя, ҳис-туйғу, моҳият-мазмунни ёрқин, ихчам, таъсирчан тарзда етказиб бериш имконини бера олган.

Шоирнинг “Сочинг” радифли ғазалида шундай байт бор:

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,

Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Байтдаги *жунун мулки, жунун аҳли, нисори ашк* бирликлари шоирнинг индивидуал, айни пайтда, мураккаб тузилишли метафораларидир.

Маълумки, *жунун* сўзи арабча сўз бўлиб жиннилик, ақлдан озганлик маъноларини ифодалайди. *Мулк* сўзи ҳам араб тилидан олинган бўлиб мол-дунё, бойлик маъноларини, *аҳл* сўзи арабчадан ўзлашиб аҳоли, халқ маъноларини англатади.Демак, “телбалик мол-дунёси”, “телбалик халқи”ни, яна “нисори ашк”, яъни аччиқ кўз ёшларимни сочмоқ менга муяссар бўлди (насиб этди)” дейилган байтда бетакрор метафоралар қўлланилган.

Яна бир мисол. Шоирнинг “Керак” радифли ғазалида шундай байт учрайди:

Айшу тараб гулбуниға сув бериб,

Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Байтдаги “*айшу тараб гулбуни”*, яъни айш-ишрат гулбоғи мураккаб тузилишли метафорани юзага келтирган. Худди шунингдек, байтнинг кейинги мисрасидаги “*ғусса ниҳоли*” метафораси ҳам ўзига хос, оргиналлик касб этган бўлиб, у ҳам шоир ижодига хос индивидуал метафоралар сирасини кенгайтиради ва ўқувчи учун янгича ифода руҳини беради.

Бобурнинг “Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдим” матлали ғазалида ҳам гўзал метафораларни кузатиш мумкин. Жумладан,

Лабинг гар бермаса бўса нечук жон элта олғаймен,
*Бу йўлдаким, **адам саҳросиға** эмди равон бўлдум.*

ёки

*Сўруб ул **ой лаби**дин оғзининг рамзини англадим,*
Бир оғиз сўз била кўрунгки мунча хўрдадон бўлдум.

Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,
*Вале охир **маломат ўқлари**ға ўқ,нишон бўлдум.*

...Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби, не тонг,
*Ки **ҳажринг меҳнати**да асру зору нотавон бўлдум.*

Мисралар таркибидаги ***адам саҳроси*** (йўқлик саҳроси), ***ой лаби*** (маъшуқанинг лаби), ***маломат ўқлари***(маломат гап-сўзлари), ***ҳажринг меҳнати*** (сенсизлик машаққати) каби мураккаб тузилишли метафорик образлардан ижодкор гўзал бадиий лавҳалар яратишда самарали фойдаланган.

Шоир ғазалларида ***хаста кўнглим*** (“*Хаста кўнглим чекмаган дарди балоси қолдиму*?!”), ***шикаста кўнгул*** (“*Сочинг шикастида бордир шикаста кўнгуллар...*”), ***оламнинг сафоси*** (“*Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдиму*?!”), ***уйқулуқ бахт*** (“*Не хуш бўлғайким, бир кун уйқулуқ бахтимни уйғотсам...*”), ***сочининг савдоси*** (“*Сочининг савдоси туши бошима бошдин яна...*”), ***май ҳавоси*** (“*Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда, Аёқ тут менга, соқийки, хуш ҳавоедур*”),***ғам черики*** (“Ғам черики беҳаддур, чораси будур Бобур”) каби бетакрор метафоралар ҳам учрайдики, уларнинг аксарияти ижодкорнинг индивидуал метафоралари саналади.

Миллий маданиятимиз, адабий-бадиий тафаккуримиз тараққиёти тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг алоҳида ўрни бор. У бой мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари яралишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган ижодкордир.Шоир ғазалларининг эътиборли жиҳати шундаки, биринчидан, уларнинг моҳият-мазмунига юксак инсонийлик

туйғулари, пок муҳаббат, гўзалликни чуқур англай олиш хусусиятлари сингдирилган бўлса, иккинчидан, улар халқ тилига яқин, рангдор ифода воситалари асосида ёзилган. Чунончи, поэтик нутқнинг тасвирийлиги ва таъсирчанлигини таъминлашга кўмаклашадиган воситаларнинг муҳимларидан бири метафоралар кенг ҳамда санъаткорона истифода этилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобур ғазаллари //https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/zahiriddin-muhammad-bobur-14-02-1483-26-12-1530.html

2. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент.: Ўқитувчи, 1979.

БОБУР РУБОИЙЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ПОЭТИК ВОСИТАЛАР

Буробия РАЖАБОВА
Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими филология фанлари номзоди

Аннотация: *Мақолада Бобур рубоийларининг баъзи поэтик хусусиятлариинг юксаклиги ва мавзулар ранг-баранглиги ўрганилган. Унда даҳо сўз санъаткорининг рубоий жанрида қўллаган қофия, радифлар ва такрор, ирсоли масал, нидо, талмеҳ каби шеърий санъатлар билан боғлиқ масала ва муаммо таҳлил ва талқин қилинган.*

Калит сўзлар: *Рубоий, ғоя, радиф, шеърий санъатлар, бадиий маҳорат, образ.*

Abstract: *The article examines the high quality of some poetic features of Babur's rubaies and the variety of themes. It analyzes and interprets the issues and problems related to poetic arts such as rhyme, radifs and repetition, irsali masal, appeal, talmeh used by the genius word artist in rubai genre.*

Key words: *Rubaiy, idea, radif, poetic arts, artistic skill, character.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек мумтоз лирикасининг еттита жанрида самарали ижод қилган, аммо унинг лирик меросида рубоий жанри алоҳида ўринга эга. Адабиётшуносликда унинг рубоийлари мазмунида ҳасби ҳоллик хусусияти кучли эканлиги ҳақида маълум маънода илмий-назарий фикрлар айтилган. Мазкур хусусиятни академик Б.Валихўжаев "автобиографик ҳолат[25] деб баҳолаган бўлса, Ё.Исҳоқов эса "Навоийдан кейин "энг кўп ва хўп" рубоий яратган ижодкор Бобур эканлиги, шубҳасиз. Унинг рубоийларини ҳаётий кечинмаларининг бевосита ифодаси дейиш мумкин",[26] деган фикрни айтган. Биз мазкур мақолада Бобур рубоийларида мароқ билан қўлланган айрим лафзий ва маънавий шеърий санъатлар ҳамда фольклоризмлар хусусида гапиришга ҳаракат қилдик.

Бобур рубоийларида энг кўп қўллаган шеърий санъатлардан бири, бу – такрор санъатидир. Ўрганишимизга кўра, ҳатто, шоир ўз рубоийлари матнида нафақат бир жумла, ибора, сўз бирикмалари такрор санъати бўлиб келиши, балки бир мисра тўлиқ такрор санъатига қурилганини ҳам кузатиш мумкин. Муаллиф "менга" радифига қурилган таъсирли рубоийсининг тўртинчи мисрасини "вой менга" бирикмасини уч марта такрорлаш билан "Эй вой менга, вой менга, вой менга!" тарзида ишлатган ва мисра буткул такрор санъатига қурилганини кўрамиз:

То бўлғали дилдор ўшал ой менга,
Ҳолимни билиб қилмади парвой менга.
Мен асру харобу ёр кўп мустағний,
Эй вой менга, вой менга, вой менга![27]

Бобурнинг ҳам давлат, ҳам диннинг талабини бажараётган мард, журъатли ҳарбий аскарларига мурожаат қилиб, уларни халқона усулда олқишлаб ёзган рубоийси ҳам бор. Ушбу рубоий мазмунида у аскарларига Оллоҳ ғолиблик ато қилганини, уларнинг мард, жасурлигини эл ҳам билганини фахр туйғуси билан ифодалагани кўринади. Рубоийда "сизга" радифи қўлланган ва

[25] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 3-том. – Тошкент: Фан. 1978..60-62-бетлар.
[26] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. 155-бет
[27] Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994. 70- бет.

айнан тўртинчи мисра маҳорат билан “Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга!” шаклидаги такрор санъати билан ёзилган. Такрор санъати воситасида Бобурнинг Бош қўмондон сифатида ҳарбий аскарларига билдирган шоҳона илтифоти, раҳматномаси ниҳоятда таъсирли чиққани билинган:

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
Рўзий қилғай Худой нусрат сизга.
Мардоналиғингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга!

Бобур кучли дидактик, фалсафий оҳангга йўғрилган “Душманники, бу даҳр забардаст қилур,” деб бошланувчи рубоийсида доно халқнинг оғзаки нутқига хос бўлган қуйма иборалардан ҳам унумли фойдаланиб, ирсоли масал санъатининг гўзал намунасини яратган. У “Ер қилиб ташламоқ”, “Ер билан яксон бўлмоқ”, “Ерга кириб кетмоқ” каби халқ ибораларининг маъносини рубоий мазмунига сингдириб юборган. Бироқ даҳр забардаст қилган инсон нахват майи, яъни манманлик, кибрга, нафсга берилиб кетиб яна ер билан яксон бўлиши сингари ҳаётнинг аччиқ хулосасини у “Охир яна ер киби они паст қилур” тарзида тасвирлаб кўрсатган:

Душманники, бу даҳр забардаст қилур,
Нахват майидин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

Агар мазкур рубоий мазмунига диққат қилсак, шеърда ифодаланган ўзаро зид маънони асослаш учун Бобур “Боши кўкка етмоқ – еткурса бошини кўкка” ибораси билан “Ерга кирмоқ– ер киби они паст қилур” шаклида тазод санъатини яратган. Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Бобур “Бобурнома” мемуарида ибора, ҳикматли сўзлар, мақол, маталлардан кенг фойдаланиб, ирсоли масал санъатининг бетакрор намуналарини яратгани хусусида атоқли бобуршунос С.Ҳасанов асарга ёзган сўзбошисида қисқача тўхталган.[28]

Яна халқнинг некнияти, фалсафаси ифодаланган “Уйинг ғаллага ёки буғдойга тўлсин” деган машҳур иборасини Бобур

[28] Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002.18-19-бетлар.

усталик билан мисрага солган рубоийси бор. Ушбу рубоийга тўхталишдан олдин унинг ёзилиш тарихи борасида фикр юритсак. Хуллас, қуйида биз таҳлил қилмоқчи бўлган рубоийнинг ўзига хос ёзилиш тарихи бўлиб, бу ҳақда Бобур "Бобурнома"нинг 1500–1501йил воқеалари баёнида батафсил хабар битган. Муаллифнинг ёзишича, мазкур рубоийнинг яратилишга шоир Биноий (1453, Ҳирот – 1512, Қарши[29]) ўзининг танг аҳволини шеърий усулда айтиб, ундан кийим, ғалла сўраб форс тилида ёзиб юборган бир рубоийси сабаб бўлган экан. Чунончи: "...Навода бир амал менинг отимға боғлаб ўткарди. Ўшул аснода бир рубоий айтиб ўткарди.

Рубоий:

Не ғалла маро к-аз ў тавонам нўшид,
Не муҳмали ғалла то тавонам пўшид.
Онро ки на хўрданасту не пўшидан,
Дар илму ҳунар кужо тавонад кўшид".[30]

(*Таржимаси: На егулик ғаллам бор ва на кийишга асраган кийимим бор? Ейдигани, киядигани бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай урина олади ёки қандай рағбат кўрсатади?)*

Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайдур эрдим. Биргина туркий рубоий айтиб йибордим.

Рубоий:

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур!
Инъому вазифа – бори буйрулғусидур!
Ул ғаллаю муҳмилки, деб эрдинг, бердим,
Муҳмилға бўю ғалладин уй тўлғусидур!

Бобур ҳам ўзининг бадиий истеъдодини ишга солиб шоир Биноийга "Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур!" деб шоҳона тарзда жавоб айтар экан, Биноийнинг ўзини кийим, сарупо билан тақдирлаши, уйини эса ғалла билан тўлдириши ҳақидаги буйруғи, хабарини маҳорат билан шеърга солган. Муҳими, Бобур рубоийда халқ орасида машҳур бўлган "Уйинг ғалла(буғдой)га тўлсин" деган ҳикматини ҳам ўз маъносида қўллаб, Биноий уйига ғалла жўнатган ва кўчма маънода ҳам ишлатиб, унга ўзининг некниятини ва ишонч

[29] Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2017.88-бет..
[30] Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. 81-бет.

туйғусиини баён қилган. Хуллас, шоир Биноий ва Бобур ўртасида бўлиб ўтган тарихий воқеа-ҳодиса тасвирини ҳамда бир-бирига айтмоқчи бўлган талаб ва истакларини рубоий жанрида ихчам баён этишга муваффақ бўлишган. Бобурнинг мемуарда ёзишича, Бобурнинг ҳиммати, карами, иноятидан таъсирланган шоир Биноий шукрона туйғуси билан "бўлғусидур" радифида рубоий ёзган. Хожа Абулбарака яна унга жавоб рубоий битган. Ўқиймиз: "Мулло Биноий бу рубоийнинг сўнгги мисранинг қофиясини радиф қилиб, ўзга қофия била бир рубоий айтиб ўткарди:

Мирзомки, шоҳи баҳру бар бўлғусидур,
Оламда ҳунар бирла сар бўлғусидур.
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,
Мустаъмал агар десам, нелар бўлғусидур".

Ул фурсатта Хожа Абулбарака Фироқий Шаҳрисабздин Самарқандға келиб эди. Дедимким, ўшул радиф ва қофияда айтмоқ керак эди. Бу рубоийни Хожа Абулбарака айтди:

Рубоий:

Бу жаврки қилди давр сўрулғусидур,
Султони карам бу узрни қўлғусидур.
Тўкулғон агарчи тўлмас, эй соқий,
Тўкулғонимиз бу даврада тўлғусидур".[31]

Кўринадики, Хожа Абулбарака жавоб рубоийсининг 3-мисрасида нидо санъатидан унумли фойдаланган ва *эй соқий,* дея рубоийни кўтаринки пафос билан тугатган.

Фикримизча, "Бобурнома"да ёзилган бу каби мароқли тасвирлар темурий ҳукмдорларнинг, хусусан, подшоҳ Бобурнинг бадиий адабиёт, санъат, маданиятга ва қалам аҳлига қаратган юксак эътирофидан, кўрсатган ҳомийлигидан хабар беради.

Бобур рубоийларидан бирида муболаға санъатига мурожаат қилиб, у ошиқнинг офтоб юзли, истараси иссиқ, қоши ҳилол ёрнинг кўнгли қаттиқлигидан изтироб чекишини ва синиққан руҳий ҳолатини ва манзарасини сўз билан чизар экан, муаллиф дийдаси қаттиқ маъшуқа кўнглини усталик билан пўлатга, бағрини эса тош сингари қаттиқ жисмларга менгзаганини кўрамиз. Шунинг учун

[31] Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. 81-82-бет

Бобур тасвирни “Пўлоддур кўнглунггу бағринг тоштур! дея халқона усулда ифодалаган ва тасвир жуда жонли чиққан:

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур!
Пўлоддур кўнглунггу бағринг тоштур!
Номамга агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур!

Бобур рубоийларида нидо санъатидан ҳам унумли фойдаланган. Биз қуйида тилга олмоқчи бўлган рубоийда у анъанавий мурожаатлардан бири *боди сабога* нидо қилган. Унда Хуросонга гузар айла, саломимни айт, деб шундай тасвир яратган:

Эй боди сабо, айла Хуросонға гузар,
Мендин дегил ул ёри паришонға хабар.
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилғайсен
Эмди бизинг учун айла бу ёнға сафар.

Ёки *елга* мурожаат қилиб даҳо шоир гўё аҳбобга нома йўллайди ва рубоий мазмунида ўзининг “Бизни унутганни унутмоқ керак”, деган фалсафий ақидасини ҳам англатишга ҳаракат қилганини сезиш қийин эмас:

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил!
Ҳар ким мени билса бу паёмимни дегил!
Мендин демагил гар унутулғон бўлсам,
Ҳар кимки, мени сўрса, саломимни дегил!

Бобур *аҳбобга* қилган мурожаати акс этган рубоийда бевафо дунёнинг ўткинчилиги ҳақида фикр юритар экан, у инсонларни умрни ғанимат билишга чақирган ва инсон кўнглини ўстирувчи *фароғат-давлат-ғанимат* каби ижобий бўёқдор сўзлардан қофиялар тузишга эришган:

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз!
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!
Чун гардиши чарх бу дурур Тангри учун,
Бир-бирин неча кун ғанимат тутунгиз!

Фикримизча, Бобурнинг “Фикринг билан шодмен, хаёлинг билан хуш” мисраси билан якунланувчи рубоийси унинг рубоийлар ичида алоҳида қимматга эга. Чунки шоир бу рубоийда яхши, маъқул каби лексик маънони англатувчи *хуш* сўзини радифга

чиқарган ва хаста кўнгил ва ширин жоннинг эгови бўлган ҳижрон ғамининг нохушлигини гоҳ ёрнинг фикри, гоҳ ёрнинг ҳаёли билан енгиш маъқул, яхши усул – хуш ҳолат эканлигини шундай бадиий усулда тасвирлаган ё маълум маънода тушунтиришга ҳаракат ҳам қилган:

Бу хаста кўнгул эрди висолинг била хуш,
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.
Ҳижрон ғами гарчи асру нохуштур, лек,
Фикринг била шодмен, хаёлинг била – хуш.

Талмеҳ санъати воситасида Бобур "кўрдум" радифига қурилган рубоийсида ўзининг машҳур "Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким," дея муҳташам "Бобурнома" мемуарини эслатган ва очиқ талмеҳда китобига ишора қилган бўлса, яширин талмеҳ усули билан ўзининг суронли, машаққатли, аммо шарафли, мазмунли, ибратли ҳаёт йўлини ҳам эслатган, ошно қилган:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Яна у мазкур рубоийнинг 1- ва 2- мисраларида *олам* ҳамда 4-мисрасида эса *не* сўзларини такрор ишлатиб такрор санъатини яратган. Ҳам шахсий, ҳам давлат ишларида чеккан азобу озорлари гоҳо аламларга, аламлари ситамларга, ситамлари эса ғамларга уланиб кетганини бадиий ифодалаш учун "алам-ситам-ғам" сингари салбий маъно ташувчи жумлалардан қофия тузган ва бу ўринда у сўз қўллашда ўзининг юксак поэтик маҳоратини ҳам кўрсатиб қўйган.

Бобур рубоийлари матнида ўзи олға сурган умумбашарий ғоя ва эзгу фикрларини халқона усулда етказиш учун "Гўёки бузуқ Каъбани обод этдинг", "Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил!", "Юз шукрки тинчдур қулоқ бирла кўнгул", "Бошни олиб бир сари кетмак мушкул", "Тенгрига сени, элни сенга топширдим" каби фолъклоризмлардан мақсадли ва унумли фойдаланганини кўриш мумкин.

Хулоса шуки, биринчидан, Бобур рубоийларининг ҳам мазмун, ҳам поэтик жиҳатдан мукаммал бўлишида, ўзаро мутаносиблик касб этишида у маҳорат билан қўллаган шеърий санъатлар, радифларнинг ўрни беқиёс бўлса, иккинчидан, у тузган мантиқан кучли қофиялар тизими ҳам шоир рубоийларининг автобиографик хусусиятини таъминлашга ва ўқишли, таъсирли бўлишига хизмат қилган.

БОБУР ШАХСИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети психология кафедраси доценти

Калит сўзлар: шахс, лидер, психологик таҳлил, феномен, ижодкор.

Резюме: Мақолада машҳур сиёсий арбоб ва ижодкор Муҳаммад Бобур шахси ўрганилади. Бобур – сиёсий лидер, феномен, ижодкор шахс нуқтаи назаридан психологик таҳлил этилади. «Бобурнома» психобиографик асари асосида муаллифнинг шахси ва индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш мумкинлиги ҳақида хулосалар берилади. Муаммони ўрганишнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган.

Резюме: Психологический подход к личности Бабура. В статье изучается личность великого политического лидера и поэта Мухаммада Бабура. Даётся психологический анализ с точки зрения Бабур – лидер, феномен, творческая личность. Приведены заключения о том, что на основе психобиографического произведения «Бабурнаме», можно изучать личность и индивидуально-психологические особенности автора. Обосновывается актуальность и значимость изучения проблемы.

Ключевые слова: личность, лидер, психологический анализ, феномен, творческая личность.

Resume: Psychological approach to personality of Babur. In this article was studied the personality of the great political leader and poet

Muhammad Babur. The psychological analysis was made from the following perspectives: Babur - the leader, the phenomenon, creative person. Conclusions were provided that on the basis of psycho-biographical work "Babur-name" you can study the personality and individual psychological characteristics of writer. Substantiated the relevance and importance of studying the problem.

Keywords: personality, leader, psychological analysis, phenomenon, creative person.

Бобур – феномен, ижодкор, лидер. Ушбу нуқтаи назарлардан Бобур шахсиятини психологик ўрганиш тадқиқот мақсадини ташкил этади.

Психология тарихида машҳур шахслар – Альберт Эйнштейн, АҚШнинг буюк президентлари, Зигмунд Фрейд ва бошқа машҳурлар психобиографияси [6, 302], яъни ҳаёти ва фаолиятининг руҳий қирралари ҳали XIX асрдаёқ ўрганилиб, яратилган бир даврда дунёга феноменал қобилиятлари ва характери билан танилган буюк шахсларимиз психологиясини ўрганмаслик – психология фанининг бўшлиқларидан бири, десак хато қилмаймиз.

Кучли сиёсатчи ва ҳукмдор Амир Темурнинг бешинчи авлоди Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон тарихида ўзининг психологик хусусиятлари билан ҳам машҳур шахсдир.

Шахс сифатида, Бобур кучли генотипик хусусиятларга эга. У – Темур авлодидан: Амир Темур – Мироншоҳ Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо – Султон Абусаид Мирзо – Султон Умаршайх Мирзо – Муҳаммад Бобур Мирзо.

Генотипик хусусиятлар, ижтимоий-сиёсий, маданий, психологик омиллар таъсирида Бобур шахси шаклланди, феноменал (ноёб) шахс, етук лидер, сиёсий арбоб, бетакрор ижодкор, дилбар шоир хислатларини ўзида акс эттирди.

Дилбар шахс тушунчаси – бизнинг тарихимизда фақат Бобур Мирзога нисбатан қўлланилиб, у – назокатни (тактни), нозик дидни, юмшоқ дилни, бетакрор маданиятни ва, албатта, ноёб характер хислатларини англатади. Психология фанида Бобур лидер, феномен, ижодкор сифатида ёки бошқа бирор нуқтаи назардан умуман ўрганилмаган.

Бобур шахсидаги феноменаллик унинг:

1. Ижодкорлиги. (Ижод психологияси объекти).

2. Лидерлиги. (Бошқарув психологияси объекти).

3. Интуицияга эгалиги, ғаройиб ҳаётий воқеаларни бошидан кечирганлиги. (Феноменлар психологияси объекти).

4. Тарихий шахслиги (Шахс психологияси объекти) эканлигидадир.

Нигора Комилованинг «Хулқи оғишган болалар психологияси» (Т., 2008) номли қўлланмасида айтилишича, ижод – ахлоқий девиациянинг ижобий турига киритилади [3, 23]. Ижод – креатив (ижодий) ахлоқ – янги ғояларни амалга оширади, ўзига хос, маҳсулдор, тараққийпарвар, меъёрни ўзгартирувчи, баъзан атрофдагилар қаршилигини ўзгартирувчи [3, 32] сифатида тавсифланади. Демак, Бобур – ижтимоий нормалар чегарасидан чиқа олган, ижодкор шахс.

Ижоднинг асосий уч тури: илмий ижод – меҳнат, бадиий ижод – ҳиссиёт, техник ижод (кашфиётчилик) – ақл билан боғлиқ тушунчалардир. Бобур Мирзо ижоднинг ушбу йўналишларидан илмий ва бадиий ижодда шуҳрат қозонди.

Бобур илмий ижоди намуналари – «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Волидиййа» (Хожа Аҳрори Валий асарининг форсийдан туркийга таржимаси), «Бобурнома»; бадиий ижоди – лирик асарларни ўз ичига олувчи 2 та девондир.

Бобур девонларидан ҳар бир ғазал психоаналитик таълимотга мувофиқ, ижодкор қалбининг сублимацияси сифатида таҳлил этилиши мумкин:

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,

То билингай ҳар кишининг ***табъи бирла ҳолати…***

Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бобур шеъриятида унинг характеридаги хос қирралар яққол кўринади. Чунки, «Бадиий сўзга – шеъриятга Бобур ўзлигини, ўз руҳий оламини «очиш» воситаси сифатида қараган. Худди шунинг учун ҳам муаллиф шахсий ҳаёти лавҳалари ҳамда унинг реал руҳий кечинмалари билан бевосита боғлиқлик, шунингдек, баёндаги самимият Бобур лирикасининг хос белгиси даражасига кўтарилган.

Асарларнинг ана шу етакчи хусусиятини шоирнинг ўзи алоҳида таъкидлаб ҳам ўтади:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,

Сўзумни ўқуб англагасен ўзумни.

Мирзо Бобур ижодидаги такрорланмас ҳодиса – машҳур «Бобурнома» («Вақоеъ») психобиографик асарининг яратилишидир.

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,

Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.

Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,

Не ранжу не меҳнату ғамлар кўрдум.

Бобур фаолияти ҳамда меросини ўрганишда турли соҳа олимлари – тарихчилар, филологлар, географлар ва бошқалар катта натижаларга эришдилар.

«48 ёшда вафот этган Бобур, 36 йил давлат бошқарди. Самарқандни қўлдан бериб, 20 йиллик курашдан сўнг у Ҳиндистонда салтанатга асос солди. Шер (Ҳиндистонда) феодал гегемонлигига – Лоди султонлари ва Ражпут шаҳзодаларига барҳам берди, диний низоларни даф этди. Унинг салтанати ўтмишга нисбатан келажак истиқболига боқар эди. Ерли урф-одатлар, хўжаликлар сақланган эди. У ўзи билан Ҳиндистонга темурийларнинг куй ва шеъриятга ва яна… шаробга бўлган қизиқишларини ҳам олиб келди. Нобоп ерларда ҳам боғ-роғлар барпо этишга интилиши унга «Боғбон шоҳ» деб ном берилишига сабабчи бўлди. Соя-салқин боғлар у билан бирга Аграгача чўзилди. Оқ ва қизил тошлардан улар қадами етган ерда саройлар, буюк мачитлар, мадрасалар қад кўтарди» [4, 26].

Европа ва АҚШ олимларининг Бобур ва бошқа машҳурлар шахсига қизиқишига сабаб, феноменал шахслар, буюк лидерлар ҳаётидан модел сифатида (ўрнак олиш) фойдаланиш мумкинлигидадир. Биз ўз характер хислатларимиз билан харизматик лидер, яъни, илоҳий берилган бошқарув қобилиятларига таяниб иш юритамиз, Европа ва АҚШ эса синтезли лидер, яъни таълим-тарбия натижасида шакллантирилган лидерликни кўпроқ ўрганишади. Шу мақсадда буюк лидерлар, ижодкорлар, феноменал

шахслар психологик ўрганилади ва уларнинг услуби амалиётга татбиқ этилади.

Бобурда кучли интуиция, кучли тафаккур ва тоза қалб ҳосиласидан пайдо бўлган ноёб руҳий қобилиятлар мавжуд эди. Улар ҳақида ф.ф.д., проф. Абдурашид Абдуғафуров «Қалб қаъридаги қадриятлар» номли китобида 5 та воқеа-ҳодисани келтириб ўтади.

Биринчиси, Бобурнинг тўхтовсиз ёмғирни тўхтатгани воқеаси. «Ёғин жиҳатидан норанжзор (апельсинзор)ға бормай, ўшанда-ўқ ичилди. Ёғин кўп беҳад бўлди. Бир тилсиме билур эрдим – Мулло Алихонға ўргаттим. Тўрт парча қоғозға битиб, тўрт тарафға ости. Ўшул замон ёмғир туруб (тўхтаб) ҳаво очилмоқ бунёд бўлди».

Иккинчи феномен. 1500 йилнинг кеч кузида Бобур қўлдан чиққан Самарқандни қайта эгалламоқчи бўлади.

Машҳур беклардан Нўён кўкалдош ўз фаразларига таяниб, Самарқандни 14 кунда оламиз, дейди. Бобур айтади: «Тенгри рост келтурди – рост 14 кундаёқ Самарқандни олдук». Ва, Бобур, тушида Хожа Аҳрори Валийни кўради. Тушида Ҳазрат учун дастурхон ёзади. Камчиликлар учун узр сўрайди. Ҳазрат узрни қабул қилиб, даҳлизга чиқади. Бобурнинг ўнг ва чап қўлидан шундай кўтарадики, бир оёғи ердан кўтарилади. Туркий тилда: «Шайх Муслиҳиддин берди», деб айтади. Ўша кеча Самарқанд қўлга киритилади.

Тушлар ҳақида психоаналитик қарашлар (З. Фрейд), нейропсихологик қарашлар (И.П. Павлов) ва бошқа нуқтаи назарлар билан танишмиз. Туш – бизнинг тахминларимиз, туш – бизга стимул берувчи психологик механизмдир. Аммо, ушбу механизмлар оддий, ўртача руҳиятли одамларда юз бера олмайди.

Учинчи ҳодиса. Бу ҳодисанинг энг қизиқарли кинодек тасвири «Бобурнома»да ўз аксини топган. Йигирма ёшли Бобур Ахси ёнида талафотга учрайди. Қолган 2 та киши сотқинлик қилиб, уни душманга тирик топшириш режасини тузади. Буни эшитган Бобур («…Оламда жон ваҳмидан ёмонроқ нима бўлмас эмиш», «Бобурнома»дан) таҳорат қилиб, ўлим олди ибодатига киришади. Ўз ўлимини бўйнига олади. Мўжиза юз беради – шундай таҳликали ҳолатда Бобур ухлаб қолади. Тушида Хожа Аҳрори Валийнинг

набираси Хожа Яъқуб ола-була от миниб, кўп аскарни бошлаб келади. Туринг, «фатҳ ва нусрат» - яъни, ғалаба ва зафар сиз томонда, деб уйғотади. Шу пайт ростдан ҳам Қутлуқ Муҳаммад барлос 10-15 аскар билан келиб қолади ва Бобур вазиятдан чиқади.

Тўртинчи мўжиза ёки феноменни ҳам олим А. Абдуғафуров ўз асарида келтириб ўтган. Бобур ўз руҳий раҳнамоси Хожа Аҳрори Валийнинг «Волидиййа» («Отага аталган рисола») асарини кучли иситма касалидан тузалиш илинжида бошлайди ва ҳар йили 30-40 кун давом этувчи иситма касалидан 2 кунда батамом халос бўлади.

Бешинчи, тарихда машҳур феномен – Бобур ўғли Ҳумоюн Мирзонинг дардини ўзига олишидир.

Ҳумоюн Мирзо соғайиши учун Бобурга дунё молидан энг қимматини садақа қилиш таклифи тушади. Айрим тадқиқотчилар уни «Кўҳи нур» олмоси деб ҳисоблайдилар. Бобур иккиланмай, ўз жонини садақа қилади. Мўжиза ўша вақтнинг ўзида содир бўлади: «Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуп қўпди, - мен нохуш бўлиб йиқилдим». («Бобурнома»дан). Бобур ҳаётида бундай феноменлар анчагина.

Фалсафа фанлари доктори, профессор А. Бегматов айтишича: “Ғарблик олимлар янги даврда психология бўйича қилган кашфиётларнинг анчагина қисми улардан юзлаб йиллар аввал бизнинг аждодларимиз томонидан қилинган эди. Афсуски, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари кўплаб олимларимизнинг психологияга оид асарлари ўз тадқиқотчиларини кутиб турган бир маҳалда тадқиқотчиларимиз бу масалага етарли эътибор беришмаяпти” [2, 2]. Муҳаммад Бобур тили билан айтганда, хулоса шу:

Мурод васлинг эрур айла ёд Бобурни,
Унутмагил яна бу номурод Бобурни.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. Тошкент, 1998. - 213 б.

2. Бегматов А. Психология фанлари бўйича диссертациялар сифатини ошириш – долзарб масала. // «Психология» илмий журнали, №3, 2012 й. Бухоро, 2012.

3. Комилова Н. Хулқи оғишган болалар психологияси. Тошкент, 2008. – 204 б.

4. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади. Тошкент, 1984. – 104 б.

5. Психоанализ асослари. Тузувчи-муаллиф – М. Отажонов. Тошкент, 2004. – 141 б.

“ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР”НИНГ МУНАВВАР КУНЛАРИ

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди

Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ижодига XX асрнинг улуғ ёзувчилари Абдулла Қаҳҳор, Чингиз Айтматов, Мухтор Авезов каби даҳолар ўз вақтида юксак баҳо берганлар. Бу умид ва ишонч унинг “Юлдузли тунлар” романида ўз ифодасини топган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўз даврида бу роман Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Бахтиёр Назаров, Абдуғафур Расулов каби атоқли адабиётшунос олимларнинг илмий-адабий мақолаларида теран таҳлил этилган.

Ўзбек адабиётининг тарихий илдизлари жуда теран. У узоқ тарихга эга бўлган, жаҳон адабиётини дурдона асарлар билан бойитган муҳташам адабиёт саройи кўз олдимизга келади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Бобур Мирзога бағишланган, кейинчалик жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган “Юлдузли тунлар” номли тарихий романи ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг пленумида ғоявий жиҳатдан зарарли, деб ноҳақ қоралангани, шу туфайли нашриёт тортмасида беш йил чоп этилмасдан ётганини кўпчилик яхши эслайди. 1983 йили Бобур Мирзо таваллудининг 500

йиллиги бутун дунёда нишонлангани ҳолда, улуғ шоир ва саркарда туғилган юртда тор доирада биргина мажлис ўтказилган эди, холос.

Адабий тазйиқлар ҳар қадамда учрар, ёзувчилар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилишга мажбур этилган эди. Миллий-диний қадриятларни нафақат улуғлаш, балки ўрганиш ҳам ман қилинарди...

Пиримқул Қодиров бу қалтис, мураккаб мавзуга қўл урар экан, олдинда ҳали кўп мушкулликлар рўй бериши мумкинлигини юракдан ҳис этар, шу билан бирга, эзгу, улуғ бир муддао дилига тинимсиз далда бериб турарди. “Бизни қарамлик ва мутеликда сақлашга ўрганган ёвуз кучлар тарихий илдизларимизни қирқиб ташлашга, бизни ўтмишимиздан бехабар манқуртларга айлантиришга ҳаракат қилар эди,– деб ёзади у “Турфа маъноли тақдир” мақоласида.– Ҳолбуки, ўзбек халқичалик бой ва ёркин тарихга эга бўлган халқлар дунёда кўп эмас. Миллатимиз ўз тарихий илдизларидан маънавий озиқ олса, қаддини тез тиклаши мумкин. Шуни дил-дилдан ҳис қилганим учун 1969 йилдан бошлаб йигирма йил давомида тарихий мавзуда иш олиб бордим”.

“Юлдузли тунлар” романининг илк нусхаси 1972 йили ёзилади, асар қўлёзмаси ўша йили Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб юксак баҳо олади ва юқорига тавсия қилинади.

Бироқ кўзга кўринмас қора кучлар қаршилиги туфайли роман олти йилча босилмай ётади. Ниҳоят, 1978 йили асар “Шарқ юлдузи” саҳифаларида дунё юзини кўради, кўп ўтмай алоҳида китоб бўлиб чиқади. Қисқа муддат ичида рус тилида икки бор босилади, бошқа тилларга таржима қилинади, ўзимизда ва Москва матбуотида юксак баҳо олади, Давлат мукофоти билан тақдирланади. Адиб бундай маънавий мададлардан руҳланиб “Юлдузли тунлар”нинг давоми Ҳумоюн ва Акбар ҳақидаги роман – “Авлодлар довони” устида қизғин иш бошлаб юборди, бобурийлар сулоласига доир жаҳонда яратилган сон-саноқсиз асарларни синчиклаб ўрганади, икки бор Ҳиндистонга сафар қилиб, асар қаҳрамонлари Бобур, Ҳумоюн ва Акбар юрган йўлларни кезади, улар яшаган жойларда бўлади.

Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” (“Бобур”) ва “Авлодлар довони” романларида Бобур ва унинг авлодлари ҳаёт йўлини

кузатиш орқали Бобурийлар салтанатининг вужудга келиши ва равнақ топишини ёрқин тасвирлашга эришган. У узоқ ўтмишда ва ўзга мамлакатда рўй берган воқеаларни жонлантиришда ўз фантазиясига эмас, балки ўзи эътироф этганидек, “тарих фантазияси”га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосланган ҳар иккала асар ҳам кенг китобхонлар тарафидан самимий кутиб олинганига қарамасдан, шўро мафкураси томонидан кескин танқид қилиниб, ёзувчи ўтмишни идеаллаштиришда айбланди”.

Собиқ мустабид тузум даврида айнан “Юлдузли тунлар” романига нисбатан қилинган ноҳақликлар ҳақида миллатпарвар адиблар, атоқли шоирлар, адабиётшунослар бонг урганини уларнинг қатор мақолаларида ҳам ўқишимиз мумкин.

Атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов “Шоирона қалб эгаси” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади:

“Улуғ ҳофизларнинг репертуарида ўзлари мириқиб ижро этадиган саноқли қўшиқлари бўлиши кўпчиликка маълум. Шу маънода қарасак, Пиримқул аканинг тарихий мавзудаги “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Она лочин видоси” романлари, “Тил ва эл”, “Амир Темур сиймоси” каби илмий бадиа шаклидаги тадқиқотлари катта адабиётнинг олтин хазинасидан жой олди. Бу асарлар осонликча дунёга келган эмас. Пиримқул ака Бобуршоҳ ҳақидаги романини ёзиб, раҳмат ўрнига дашномга дуч келган эди. Андижон шаҳрида Бобурнинг ҳайкали жойига ўрнатилмасдан ертўлаларда чанг босиб ётган бир даврда у ҳақдаги романнинг нашр этилиши ҳам албатта душвор эди.

Ниҳоят кураш ва тортишувларнинг натижаси ўлароқ адибнинг ниятлари ижобат бўлди.

Юртимиз мустақиллиги шарофати билан эса Соҳибқирон Амир Темур қаторида Бобур ҳазратлари ҳам рўшнолик кўриб, унга бағишланган “Юлдузли тунлар”дек тарихий мавзудаги романларга кенг йўл очилди. Забардаст адибимиз севимли мавзуларини изчиллик билан давом эттирди. Кейинги йилларда “Она лочин видоси”, “Амир Темур сиймоси” каби романлар ёзилдики, булар

наинки адабиётимиз, шу билан бир қаторда илм хазинасининг ҳам улкан ютуғи бўлиб қолди”.

Юртимиз истиқлоли туфайлигина кўпгина тарихий ҳақиқатлар тикланди. Мустабид тузум даврида атоқли адиб Пиримқул Қодировга нисбатан қилинган адолатсизликлар барҳам топгани Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2008 йил 25 октябрь куни “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировга” йўллаган табрик мактубида ҳам ўз ифодасини топган. Унда шундай сатрлар битилган:

“Муҳтарам Пиримқул Қодирович!

Аввалambор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ сана – муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан суғорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмокда. Юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилингани билан ҳам эътиборлидир. Айниқса, собиқ шўро мафкураси тазйиқлари ва қаршиликларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш буюк темурийлар даврини, дилбар шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс эттирган “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди”.

Ўз ибораси билан айтганда “узоқ тарихни телескоп билан кўра оладиган” адиб буюк аждодлар ҳаётини ўз кўзи билан кузатгандек уларни бетакрор бадиий лавҳаларида тасвирлар эдики, мутолаа қилган ўқувчи кўз ўнгида ўша асар қаҳрамонларининг улуғвор сиймолари гавдалангандек бўларди.

Ўзбек адабиёти хазинасига баракали ҳисса қўшган устоз адиб Пиримқул Қодировнинг хизматлари юксак баҳоланиб, 1994 йилда “Шуҳрат” медали, 1998 йилда “Эл-юрт ҳурмати”, 2006 йилда “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 август куни эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида” Фармонида адабиёт соҳаси бўйича биринчи даражали давлат мукофоти Пиримқул Қодировга “Амир Темур сиймоси” ва “Тил ва эл” асарлари учун берилгани улуғ адиб руҳини қанчалик шод этганини ва миллионлаб адабиёт мухлисларини мамнун қилганини тасаввур этиш қийинмас. Қатор тарихий асарлари билан миллионлаб мухлислари қалбидан мангу ўрин эгаллаган улуғ адиб номи тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар ила битилажак.

Бундан 50 ёки 30 йил олдинги китобхонлар билан бугунги ёш авлод дунёқараши, фикрлашлари ўртасида анчагина фарқ мавжуд. Асарнинг мазкур нашрида бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Яъни, бугунги ёш китобхонларга айрим сўз ҳамда иборалар янада тушунарли бўлмоғи учун тегишли ва зарур изоҳлар ҳам берилган. Шунингдек, иқтибосларда асарда учрайдиган тарихий шахслар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Бу эса китобхон асарни ўқиш давомида тарихимизни бевосита ўрганишида муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, асарнинг ушбу нашри ҳозирги ўзбек адабий тилининг имло қоидаларига мосланган ҳолда берилдики, китобхон нафақат бадиий асарни ўқиш, балки шу билан биргаликда она тилимизнинг имло қоидаларини ҳам бевосита ўрганиб, ўзида кўникма ҳосил қилиб боради.

Бу эса ўз ўрнида ҳозирги ўзбек адабий тилимизнинг лексик имкониятларини ўрганишга ҳам хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

“Юлдузли тунлар”нинг мунаввар кунлари бардавом бўлаётгани миллатпарвар адиб Пиримқул Қодиров руҳини янада шод этаётганига шубҳа қилмаймиз. Энг муҳими, бу тарихий романни бугунги ёш авлод ҳам қунт билан мутолаа қилиб, баҳра олсалар,

буюк аждодлари жасорати ва матонатидан ибрат олсалар нур устига аъло нур бўларди.

БОБУР ВА ЛУТФИЙ

Эргаш ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Ўз даврининг том маънодаги малик ул-каломи – сўз мулкининг султони бўлган санъаткор шоир Лутфий нафис ва жозибадор шеърият яратиб, бадиий санъатларга бой содда ва халқона шеърлари билан ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир ўтказиб келди. Бу самарали таъсирнинг ёркин изларини биз Навоий ва Бобурдан тортиб, Шайбоний, Убайдий, Байрамхон, Машраб, Амирий, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Табибий, Муқимий ва Фурқатларгача бўлган бутун ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодида кўрамиз.

Енгил ва равон услуб, содда ва тушунарли тил, табиий ва самимий ифода тарзи ҳаётий ҳодисалар ва шахсий кечинмалар талқини билан уйғунлашиб, Бобур шеъриятининг фавқулодда халқчиллиги ва бадиий баркамоллигини таъминлаган.Бундай содда ва самимий шеъриятни яратишда унга Лутфийижоди ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби бўлгани шубҳасиз. Адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирган Бобур асарларида Лутфий шеърларидаги халқчиллик янгича шаклда қайта туғилди.

Бобур ҳам Навоий каби Лутфий ижодий мактабидан самарали сабоқ олган шоирлардан ҳисобланади. У бу санъаткор, айни пайтда халқчил шоирдан ўз фикрларини теварак-атрофдаги нарса-ҳодисалар асосида яратилган ҳаётий ташбеҳлар билан далиллаш, шеърларининг жозибаси ва таъсирчалигини ошириш учун халқ мақоллари ва образли ибораларидан маҳорат билан фойдаланиш, ўқувчига тушунарли содда тил, енгил услубда ижод қилиш малакасини ўзлаштирибгина қолмай, унингқатор ғазалларига татаббу қилган, у қаламга олган мавзуларда ғазал ва рубоийлар

битиб, уларга ўзига хос жиҳатдан ёндашган, турли байтларида келган фикру ғояларини давом эттирган ва чуқурлаштирган, тимсолу ташбеҳларининг янгидан-янги қирраларини кашф этган. Ҳар икки шоир ғазалларининг қиёсий таҳлили айни хулосалар исботи учун етарли материал беради.

Лутфийнинг 7 байтли “топилмас радифли ғазалига Бобур 5 байтли татаббу қилган. Бу ғазалга татаббу қилиш учун Бобурни Лутфийнинг “Ғамдек манга бир ёри вафодор топилмас” мисраси илҳомлантиргани шубҳасиз. Натижада татаббу мақтаси мана бундай кўриниш олади:

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,

Мендек сенга бир зори вафодор топилмас[1,61].

Лутфийнинг айни мисраси аслида ғазалнинг учинчи байтида келади. “Жон билан кўнгил душман каби мени тарк этиб кетиб, биргина ғам дўст бўлиб қаватимда қолди”, – деб ёзади шоир аччиқ алам ва заҳарханда билан:

Ағёр бикин жони кўнгул кетти қошимдин,

Ғамдек манга бир ёри вафодор топилмас[2,121].

Бобур эса ўзини тўлқинлантирган мисрадаги ташбеҳдан ошиқ ва маъшуқ табиати ва ҳолати қиёси учун фойдаланади: “Менга сендай бир жафокор ёр йўқ, сенга мендай бир зору муҳтож вафодор”.

Ҳар икки байтда ҳам илгари сурилган фикр ташбеҳ ва тазод санъатлари воситасида гўзал ва таъсирчан шаклда ўз ифодасини топган. Хусусан, Бобур қаламига мансуб мисраларда радиф ва такрорланиб келган “бир” сўзидан бошқа барча сўзлар ўзаро зидлик ҳосил қилади: *сендек – мендек, менга – сенга, ёри – зори, жафокор – вафодор.* У бутун татаббуда *ҳуру пари – жинси башар, ағёр – ёр, ғам хори – ғамхор, кўз оллида – аён йўқ*каби жуфтликлар қарама-қаршилигида тазодлар силсиласини давом эттиради.

Бобур мақтаси билан эса Лутфий матласи ўзаро муштараклик ҳосил қилади. Шоир: “Жон ҳасрат ўтида куйди-ю, лекин ёр топилмайди – бизга барча топилади, фақат ёр топилмайди”, – деб киноя қилади:

Жон ҳасрат ила куйдиву дилдор топилмас,

Барча топилур, бизга вале ёр топилмас.

Татаббу муаллифи эса: “Бобур сени ёр дедими, энди сен ҳам ёрлик қил – бўлмаса бу дунёда кишига ёр топилмайди”, – деб лутф этади:

Бобур, сени чун ёр деди – ёрлиғ этгил,

Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.

Лутфийнинг “дуняда бир маҳрами асрор топилмас” деган мисраси ҳам Бобур ғазалида “ғамхор топилмас” ва “ёр топилмас” тарзида акс садо беради. Бугина эмас, айни мисра Бобурнинг машҳур:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,

Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим[1,79], –

матлали ғазалининг яратилишига ҳам бевосита бўлмаса-да, билвосита таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Зеро, таъсир шаклда очиқ кўзга ташланса, мазмунда у яширин кўринишда бўлади. Халаф шоир байти айнан салафининг дунёда бир ҳамдарду ҳамроз топилмайди мазмунидаги фикрининг мантиқий давоми бўлиб, “Инсонга аслида жонидан ўзгасодиқ дўст, кўнглидан бошқа яқин сирдош йўқ – бундай кишиларни дунёдан ахтариб овора бўлмаган маъқул” тарзида уни тасдиқлаб келади.

Лутфийнинг “топилмас” радифли ғазалидаги “кўзларининг даврида ҳушёр топилмас” мисраси ҳам Бобурнинг “топмадим” радифли ғазалида “Кўнгил ёрнинг хумор кўзларига мубтало бўлганидан буён бу телбани сира ҳушёр ҳолда топмадим” тарзида тамомила оҳорли кўриниш олганига гувоҳ бўлиш мумкин:

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,

Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Бобур Лутфийнинг “қилибсен” радифли ғазалига ҳам гўзал татаббу қилади. Лутфий ғазали 7, Бобур татаббуси 6 байтдан иборат. Ғазал ҳам, татаббу ҳам ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мафоийлун мафоийлун мафойил) вазнида. Лутфий ғазалида маъшуқанинг оғзи, қоши, кўзи, юзи бирма-бир оҳорли ва гўзал қиёслар воситасида таъриф этилиб, уларнинг ошиқ жонига етказган ситамлари ўзига хос тарзда тасвир этилса, Бобур татаббусида маъшуқа ошиқнинг кўзи орқали кўнглига кириб олса-да, унга вафо

ўрнига жафо қилиши бетакрор тимсолу ташбеҳлар орқали ифода этилади. Халафнинг салаф қолипида ўзининг янги асарини яратганини ҳар икки ғазалнинг матлалари қиёсидаёқ ишонч ҳосил қилиш мумкин:

Лутфий:

Мени оғзинг учун шайдо қилибсан,

Менга йўқ қайғуни пайдо қилибсан[2,194].

Бобур:

Яна кўз уйида маъво қилибсен,

Кўнгул кошонасида жо қилибсен[1,88].

Лутфий “Мени оғзингга шайдо қилиб, йўқ ердаги қайғуни пайдо қилибсан”, – деб лутф этса, Бобур “Кўзимнинг уйини макон қилиб, ўзингни кўнглим кошонасига пинҳон қилибсан”, – деб ёзади образли йўсинда.

Оғиз орқали сўфиёна адабиётда илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилинади. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги – илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона. Шунинг учун ҳам Лутфий “Менга йўқ қайғуни пайдо қилибсан” мисраси орқали тажоҳули орифона санъати воситасида ўзи йўқ нарсанинг нимасига ошиқ бўлибман деб ўзини билиб билмасликка солади.

Лутфий ўз ғазалининг тўртинчи байтида “Кўз орқали кўнглимга кириб, алиф каби жоним ичидан жой олибсан”, – деб анъанавий ташбеҳ қўллайди:

Кириб кўздин кўнгулга они тортиб,

Алифтек жон ичинда жо қилибсан.

Алиф – араб алифбосининг биринчи ҳарфи: “а”, “о”. Тик ва тўғрилиги жиҳатидан маҳбубанинг баланд ва келишган қоматига нисбат берилади. Араб ёзувида у “жон” сўзининг ўртасида келади. Бу орқали шоир алифсиз жон сўзини ёзиб бўлмаганидек,маъшуқсиз ҳам ошиқ жисмида жон бўлмаслигига нозик ишора қилади.

Маълумки, қошни – ёйга, киприкни – ўққа ташбеҳ этиш мумтоз шеъриятда бир анъана тусини олган. Иккинчи байтда

Лутфий ана шунга ишора ўлароқ ёй дея маъшуқанинг қошига ишора қилади:

Сенинг ёйингни ҳеч ким торта олмас,

Мунингтекким, қошингни ё қилибсан.

“Сенинг ёйингни ҳеч ким торта олмайди – сен эса қошингни ёй қилибсан”.

Бунда Алпомишнинг ўн тўрт ботмонлик биринчдан бўлган ўзидан бошқа ўрнидан қўзғатолмайдиган ёйига ўхшаган оғир ёйга ҳам, мажозан эса маъшуқанинг нози ва жабрига ҳам ишора мавжудлигини кўриш мумкин.

Бобур эса татаббусининг тўртинчи байтида анъанавий қош ва ёй ташбеҳининг тамомила оҳорли қиёсини топади:

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,

Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

“Мени ўқдек ўзингдан узоқлатиш учун қошингни янги ойдек ёй қилибсан”.

Бу ерда ярим доира, яъни ёй шаклидаги янги ойнинг маъшуқанинг қайрилма қошига ўхшашига ишора қилинмоқда.

Лутфий ғазалининг учинчи, Бобур татаббусининг бешинчи байтида маъшуқа жабру зулмидан ошиқ кўз ёшларининг дарё бўлгани ҳақида сўз боради. Бу муболағали тасвирнинг ҳам ҳар иккала шоир ижодида ўзига хос тарзда талқин қилинганини кўриш мумкин. Лутфий “Соҳир кўзинг яда қилган каби кўзимнинг ёмғирини дарё қилибсан”, – тарзида муболағa санъатини ташбеҳ билан омухта қилади:

Яда қилғон киби кўз жодусиндин,

Кўзумнинг ёмғурун дарё қилибсан.

Қадимдан туркий халқлар орасида яда тошидеб аталгансеҳрли тош ёрдамида афсун-дуо ўқиш йўли билан қор, ёмғир, шамол, бўрон чақириш ёки уларни тўхтатиш удуми бўлган. Сигир, от ёки тўнғиз ошқозонидан чиққан тош устида ўқилган дуо ёрдамида ёмғир чақирилган. Шундан халқ орасида яда тоши – ёмғир сабабчиси деган қараш кенг тарқалган ва бу тош муқаддас ва илоҳий тош сифатида улуғланган. Мазкур удумни амалга оширадиган махсус ядачилар фаолият кўрсатган. Лутфий бу удумдан ўзининг бадиий

мақсади йўлида фойдаланиб, маъшуқанинг сеҳру жоду қилувчи кўзини унга нисбат беради: “Кўзингнинг сеҳри билан яда қилган каби кўзимдан ёш ёмғирини ёғдириб, атрофни дарёга айлантирибсан”.

Бобур эса “Эй лутфу карамлар денгизи, кўзимдан яшириниб, кўзимнинг ёшини дарё қилибсан”, – деб лутф этади:

Кўзумдин ёшунуб, эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Маъшуқа лутфу карам денгизи бўлгани ҳолда ўз марҳаматини дариғ тутиб, ошиқдан ўзини яширади. Натижада ошиқнинг кўз ёшлари дарёга айланади – лутфу карам денгизи кўздан ниҳон бўлгач, унинг ўрнига кўз ёшидан ҳосил бўлган дарё пайдо бўлади. Бу ерда энди муболаға билан бирга ташбеҳ ва тазод санъатларини ҳам кўрамиз.

Бундан ташқари Бобур Лутфийнинг “не бўлди”, “керак бўлса” каби қатор ғазалларига ҳам татаббу қилган.

Лутфий ғазаллари ва Бобурнинг уларга татаббуларининг қиёсий таҳлилидан маълум бўладики, татаббу баҳонасида адабий таъсир ва ижодий мусобақа маҳсули бўлмиш оҳорли ғазаллар дунёга келган.

Лутфийнинг ёр ёғлиғи – рўмоли тасвирига бағишланган гўзал ғазали бор. Бу мавзуда Бобурнинг ҳам машҳур ғазали мавжуд. Ҳар икки ғазалнинг вазни ҳам, қофия таркиби ҳам, радифи ҳам бошқа-бошқа. Бу ғазалларда мавзу ва тимсол жиҳатидан муштарақликларни кўрамиз.

Лутфий:

Ёғлиқ тегар лабингға, не фархунда фоли бор,
Мен мубталои ҳажру анинг хуш висоли бор[2,117].

Бобур:

Ёғлиғингким, жон била мен хастадурмен, зоранга,
Хаста жонлар риштасиндиндур магар ҳар тор анга?[1,32]

Албатта, ошиқнинг ёр рўмолига ҳасад қилиши, ёрнинг юзу лабини ундан рашк қилиши билан боғлиқ байтларда ўзаро муштарак жиҳатларни ҳам кўрамиз. Жумладан, Бобур ғазалининг тўртинчи байти Лутфий матласига ҳамоҳанг жаранглайди:

Ёғлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш, бордурур
Юз менингдек зору юз минг мен киби беморанга.

“Рўмолингнинг юзингу кўзингга текканини кўриб, бу бахтга ноил бўлолмаган менга ўхшаш юз зорлару юз минг беморларнинг аҳволини кўр”,

Лутфий эса “Рўмолинг қандай бахтлики, унинг учи лабингга тегиб туради – мен айрилиқ азобига гирифтору у висолингдан баҳраманд”, – деб нозик лутф этади.

Бобурнинг ёр ёғлиғи мавзуида яна учта рубоийси ҳам мавжуд.

Мумтоз шеъриятда ошиқнинг ўзининг тенги – муносиби бўлмаган маъшуқани севиб қолгани учун ҳам унинг висолига етолмаслиги ҳақидаги фикрларга кўп дуч келамиз. Бунда ҳақиқий маҳбуба, яъни Ҳақнинг ўзи кўзда тутилиб, унга етишнинг бу дунёда имконсизлиги, Оллоҳ жамолини фақат у дунёда – жаннатда ўзининг хос бандалари раво кўриши ҳақидаги тасаввуфий қараш ўз аксини топган. Лутфий ва Бобурлар ижодида ҳам айни мазмундаги байтларга тез-тез дуч келамиз. Чунончи:

Лутфий:

Кўнгул чу билмайин ўз ҳаддини сени севди,
Балову ғусса била мубтало керак бўлса [2,28].

Бобур:

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим[1,79].

Бобур бир байтида тажнис санъатидан маҳорат билан фойдаланиб, “сўрмоқ” сўзининг “сўрамоқ” ва “ўпмоқ” маъноларидан ўз бадиий мақсади йўлида усталик билан истифода этган эди:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор[1,49].

Лутфий ижодида ҳам бу сўзнинг икки маънода қўлланилишига қатор мисолларни кўрамиз. Жумладан:

Шакардур ул оғиз ё писта, билмон,
Дудоғингдин эмастур айб сўрмоқ[2,128].

Ҳижрон дардида сарғайган ошиқ юзини сариқ олтинга ташбеҳ қилиш Шарқ шеъриятида бир анъана тусини олган. Лутфий шеъриятида ҳам олтин истиора ўлароқ заъфарон юзни тамсил этиб келади. Бу ҳолни Бобурнинг бир рубоийсида ҳам кўрамиз:

Тан тори юзум олтунидектур сенсиз...[1,165]

Маълум бўладики, Лутфий меросининг Бобур ижодига таъсири ҳар томонлама кенг ва чуқур бўлиб, биз ушбу мўъжаз мақолада унинг айрим жиҳатларигагина эътибор қаратдик. Келгусида бу мавзу ўзининг барча қирралари билан яхлит ўрганилиши тақозо қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.*Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Сочининг савдоси тушти (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи^ Э. Очилов). – Тошкент: “Шарқ”, 2007.

2.*Лутфий.* Девон (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: С.Эркинов). – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.

Сафарнома

БОБУР ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ШАМТУЧ САФАРИ

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Халқаро Бобур фонди
Қорақалпоғистон бўлими раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Халқаро Бобур жамоат фонди томонидан қадимий ва навқирон Тожикистон заминига уюштирилган навбатдаги илмий сафар ҳар жиҳатдан самарали ва кутилмаган таассуротларга бой бўлди

Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция навбатдаги муборак манзилларга отланди. Бу гал яна бир бор тупроғи зар, тошлари гавҳар Тожикистон диёри танланди. Муҳтарам муштарий учун

маълумот тарзида қайд қилишимиз керакки, кўҳна ва кўҳлик Сўғд вилоятининг Тоғли Мастчоҳ ноҳияси(тумани)даги Оббурдон қишлоғига дастлабки экспедициямиз 2009 йил кузининг ўртасида уюштирилган эди. Ўшанда бу ердаги Бобур Мирзо тошбитиклари имкон қадар ўрганилган, илмий сафар тафсилотлари бир неча китоблар ҳамда “Бобур изидан” ҳужжатли фильмига муҳрлангани кўпчиликка маълум.

Бобур тошбитиклари анчадан буён олиму уламоларни қизиқтириб келади. Бу ўринда ўша тошбитиклар билан боғлиқ икки тафсилотга тўхталмасак бўлмайди. Биринчиси – Оббурдон тошбитикларида шоҳ ва шоир асосан ўзидан аввалги мумтоз шоирлар, хусусан, буюк Ҳофиз Шерозий адабий меросига бўлган ихлосини ифода этганлар. Иккинчиси – Тожикистон ФА академиги, атоқли эроншунос Аҳрор Мухторов бундан 70 йил муқаддам Оббурдондаги Бобур тошбитикларидан намуналарни Душанбенинг нуфузли музейларига олиб кетган. Бу олим асли ўратепалик бўлиб, Иккинчи жаҳон урушига кетишдан аввал Оббурдон, Шамтуч, Вешаб қишлоқларида муаллимлик қилган. У қадимий эпиграфик ёзувлар бўйича ёзган илмий ишлари билан Тожикистон ва ундан ташқарида кенг танилди.

Хўш, ўша Оббурдон ва биз отланаётган Шамтуч қишлоқларидаги тошбитикларда нималар ёзилган? Бу ҳақда Бобур ҳазратларининг ўзи “Бобурнома”да ўша Оббурдон тошбитиклар ҳақида шундай ёзади: *“Бир неча кундан сўнг Даҳкатга қайтиб келдим. Баҳор бошланиши билан Шайбоқхоннинг Ўратепа устига келиши ҳақида хабар бўлди. Даҳкат текис ер бўлгани учун Оббурдон довони билан тоғли Масчога ошдик. Масчонинг пастки кенти Оббурдондир. Бу Оббурдондан қуйироқда бир чашма бўлиб, бу чашма тепасида бир мозор турипти.Ушбу чашмадан юқориси Масчога қарашли. Қуйиси Палғарга тааллуқлидир. Ушбу чашма бошида, унинг ёқасидаги тошга бу уч байтни ёздим:*

Шунидам, ки Чамшеди фаррухсириишт,
Бар сарчашмае бар санге навишт:
“Бар ин чашма чун мо басе дам заданд ,
Бирафтанд, то чашм бар ҳам заданд.

Гирифтем олам бо мардиву зўр,
Валекин набурдем бо худ ба гўр”.
Мазмуни:
Эшитган эдимки, Жамшиддек пойдор,
Сарчашма саҳнига лавҳ этмиш ёдгор:
“Бул чашма бошига кўплар етдилар,
Кўз очиб – юмгунча йироқ кетдилар.
Мардлик, зўрлик билан оламни олдик,
Фақат қабристонга қуруқ йўл солдик”.

Бу тоғли масканда тошга ўйиб байт ва ҳар хил нарсалар битиш одатдир.” (З.М.Бобур. Бобурнома. В.Раҳмон ва К.Муллахўжаева табдили. Тошкент. 2019 йил. 107-108-бетлар. Байтлар матни Тожикистон ФА матнига биноан бериляпти. Байтларнинг шеърий таржимаси мақола муаллифига тегишли). Ушбу тошбитик Тожикистон Миллий музейида сақланмоқда.

Дарвоқе, Оббурдондан топилган турли даврларга оид осори атиқалар, петроглифлар беқиёсдир. Эндиликда эса кўҳна битиклар ихлосмандларининг нигоҳи Сўғд вилояти Айний туманидаги Шамтуч қишлоғига қаратилмоқда. Чунки ушбу қишлоқдаги Гўристони Дуруст зиёратгоҳида ҳазрат Бобурнинг ўз қўли билан ёзган яна бир тошбитиги бор. Яна бир кичик тафсилот – экспедиция 2009 йилги ташрифини бу ерларга Зарафшон тизмасининг нариги тарафи яъни Ўратепа орқали Тоғли Мастчоҳ ноҳияси (тумани) томонидан амалга оширган эди. Биз бу гал илмий сафаримизни Хўжанд орқали Айний шаҳарчаси ёқдан мўлжаллаганмиз. Бу манзилгача бўлган мавжуд йўлни тахминан икки бараварга қисқартириш, янги-янги файзиёб масканларни ўрганиш имконини беради.

2022 йилнинг 30 июль куни жаҳонга маълум нуфузли фондимиз таъсис этилганининг 30 йиллик машварати ўтказилди. Андижонда бўлиб ўтган анжуманда фонд раиси, геология-минералогия фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тўқсон ёшида ҳам алп йигитнинг шиддати ва шижоатига эга фидоий инсон Зокиржон ҳожи Машрабов *“Ўн кундан кейин шоҳ ва шоирнинг Шамтучдаги тошбитигини кўриб келамиз. “Буюк Бобур” романини*

ёзиб тугатаётган биродаримиз Янгибой Қўчқоров ўша тошбитикни, ҳазрат кезган сўқмоқ ва дараларни ўз кўзи билан кўрмаса, бобомизга марҳамат кўрсатган холис инсонларнинг авлодлари билан шахсан учрашмаса бўлмайди. Ҳар галгидек йўл кўрсатувчимиз ҳам, таржимонимиз ҳам, "гиди"миз ҳам муҳтарам олимимиз Ваҳоб Раҳмон бўлади. Марҳаматлик журналист Обиджон Маҳмудов ҳам йўл тадоригини кўрсин. Йўл-йўлакай Тавилдарадаги қариндошларини кўриб келади. Ҳайдовчимиз Аҳмаджон Исабоев "Жип" деган тулпоримизни аллақачон созлашга киришган!" дедилар.

"Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.", дейди Бобур ҳазратлари. Эл оралаган синчи, Аллоҳ деган йўлчи бўлар экан: сафарга отланишимиздан икки кун олдин "Нукус-Тошкент-Андижон" поездига чиқдим. Суҳбат қаймоғини яласанг йўл таноби тортилаверади. Мен тушган поезд 10 август куни соат 18 дан 25 дақиқа ўтганида Андижон вокзалига етиб келди. Юким енгилгина бўлгани боис вокзал майдонини айландим, Бобур бобомиз обидасига таъзим қилдим. Ҳар гал шу салобатли майдонга келсам, ҳаяжонга тушаман. У ҳамиша одамлар, шу жумладан, Ер юзининг турли минтақаларидан келган сайёҳлар билан гавжум. Ҳар куни шаҳарга ўнлаб мамлакатлардан меҳмонлар келади, мезбонларнинг ўзлари ҳам Агра ва Анқара, Боку ва Брюссель, Вена ва Ванкувер, Гавана ва Гамбург, Дубай ва Душанбега тез-тез бориб-келадилар. Дарвоқе, юқорида таъкидлаганимиздек, эртага биз ён қўшнимиз, жон қўшнимиз бўлган бир неча минг йиллик биродар эл гўзал Тожикистонга, сервиқор тоғлар бағридаги беҳишт шаҳар Душанбега отланамиз. *"Отим – Мажнун, кишим – меҳнат, ишим – зори, ерим – гулхан"* дейди шоҳ ва шоир. Дунё кўриш кўнгилга равшанлик бахш этади. *"Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етганча кетгаймен."* Ҳар карвоннинг ўз ризқи бўлади. Манзил олис бўлса ҳам ният холис бўлса, бас. Зеро Фаридиддин Аттор ҳазратлари демишлар: *"Шод бўлки, оқар сув бонг уриб айтгайдир: Кетаяпман оқиб, орқага қайтмасман боз."*

Андижон Янги Ўзбекистоннинг ёруғ ва файзли кентларидан бирига айланди. Соат сайин яшариб, яшнаётган Андижоннинг

кўркам “Тошкент” кўчасидаги муҳташам “Тошкент” меҳмонхонасининг 206-хонасига жойлашиб, ўн кун аввал ўтган халқаро бобуршунослик анжумани материаллари билан таниша бошладим. Эрталаб Обиджон ака Маҳмудов билан бирга нонушта қилдик.Мен бир пиёла кўк чой, Обиджон ака бир финжон қаҳва ичдилар.

Хулласи калом, 11 август куни роппа-роса соат 7 да Ер шарининг ярмини айланиб чиққан “жони темир” улов “Жип”да, Зокиржон ака Машрабов бошчилигида янги илмий сафарга отландик. Андижондан Асака орқали Қувага, Қува орқали Фарғонага йўл олдик. Фарғонанинг ёнбошида атоқли навоийшунос, бобуршунос, бир йўла уч олий ўқув юрти – Фарғона, Гулистон, Хўжанд университетларининг муаллими сонийи, бир вақтлари менман деган улкан адабиётшуносларнинг “панжаларига панжа урган” Ваҳобжон ака Раҳмонов кутиб турган экан. Дарҳол ҳазил-ҳузул билан йўлга тушдик. Риштоннинг бол томиб турган боғлари орқали Бешариққа йўл олдик.

Бешариқ – водийнинг энг гўзал, энг оромижон масканларидан бири. Аҳмаджон Рафқонда “Жип”нинг томирларини бирров тутиб кўрди. Атиги бир ой олдин Бешариққа, Рафқонга, Қашқар маҳалласига, жигар иним, ажойиб шоир Ботиржон Эргаш хонадонига келган, Катта Фарғона канали соҳилларини, кети кўринмас боғларни беармон айланган эдим. Рафқон боғлари янада файзли бўлиб кетибди. Бу ерда устоз Ваҳоб Раҳмон:

“Рафқон” ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа “ҳой-ҳой” экан,
Ким кўрса ҳангу манг экан. – сатрларини ёддан ўқиди. Албатта, Муқимийнинг “Саёҳатномаси” соф сатирик асар. Аммо унда “қанду асал зардолилар”, Яйпаннинг “хуш ҳавоси”, “толзорининг сояси”, “Водилнинг дилкушо кўчалари” каби кўплаб жозибадор сатрлар борки, китобхонда эстетик завқ уйғотади. Хуллас, поёни йўқ боғу токзорлар орасидаги равон йўллардан ўтиб “Андархон” чегара масканига етиб келдик. Икки томондаги чегара нозирлари ҳам Бобур фонди ва экспедиция раҳбарини яхши

билишар эканлар. У ёғи-ю, бу ёғи ярим соатлар ичида Тожикистон ҳудудига ўтиб олдик. Истараси иссиқ мамлакатимиздан қўшни, истараси иссиқ мамлакатга ўтдик. Ўтиш чоғи машаққат чекмадик. Ўз-ўзидан Бобур ҳазратнинг бир рубоийси эсга келди:

Эй ел, бориб аҳбобқа номимини дегил!
Ҳар ким мени билса, бу каломимни дегил!
Мендин демагил гар – унутулғон бўлсам,
Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил!

Чегара масканининг икки томонида турган нозирларнинг эҳтироми кайфиятимизни кўтарди. Тожикистон чегарасига кираверишдаги пешайвонда мазкур мамлакатнинг сайёҳлик харитаси осиғлиқ экан. Унда сайёрадаги энг қадимий кент “Саразм” қалъаси, Қалъаи Муғ, “Абу Абдуллоҳ Рудакий”, “Шамсиддин Табризий” зиёратгоҳлари, жами 33 та тарихий қадамжолар кўрсатилган. *“...бир насим – Етса Бобурға, эрур жон бирла миннатдор анга.”*

“Бисмиллаҳир роҳманийр раҳийм” деб туғишган эл Тожикистоннинг гўзал гўшаларидан бири Сўғд (аввалги Ленинобод) вилоятига қадам қўйдик. Буюк Низомиддин амир Алишер Навоий бобомиз ибораси билан айтсак, ўзбек ва тожик диёрининг “тўрт унсури”, “етти кўки” бир, “нодиру олий асоси коинот” яъни инсонлари бир. Ўзбеклар бир ёқадан бош чиқариб Катта Фарғона каналини қазсалар, тожиклар бир енгдан қўл чиқариб Катта Ҳисор каналини қаздилар. Ер – хазина, сув гавҳар ҳисобланади. Беҳишт замин узра автоуловда боряпмизу дарҳол кўзимиз ўнг томонда чеки-чегараси йўқ Тожик денгизи яъни Қайроққум сув омборига тушди. 520 квадрат-километрлик сув ҳавзаси ҳақиқатан ҳам одамнинг ҳайратини оширади. Оврупонинг қайси бир музофотида қаҳва дамлаш учун бир финжон сувни фалон пулга сотиб олаётганлар Қайроққумга келсалар ҳушидан айрилиши ҳеч гап эмас. Бу сулув табиатга тикилар эканман, кўп йиллик қадрдон устозим, сийли оғам бўлган улуғ шоир Абдулла Ориповнинг сатрлари эсга тушди:

Дўсту қардошдир азалдан
Ўзбегим тожик билан,

Иккиси бир байт ғазалдан
Ўзбегим тожик билан.

Ва албатта узоқ йиллар иним деб, жигарим деб алқаган, дилкаш давраларга олиб кирган улуғ устозим Эркин Воҳидовнинг ушбу жавоҳир сатрларини нега ёдга олмайин:

Биз икки ёндош элга,
Қариндош, қондош элга,
Жондош, имондош элга,
Фарзанд бўламиз, дўстим.

Тароватли Тожикистон ўлкасига осмонўпар тоғлар елка тутиб туради. У тоғлар тепасидаги мангу музликлар Марказий Осиёнинг аксарият ҳудудларига ҳаёт ва нажот сувларини тарайди. Чегарадан ўтишимиз билан нигоҳимиз ўша юксак тоғларга тушди. Сўғд вилоятининг шимолида Қурама тизмаси ва Мўғултоғ яққол кўриниб турибди. Қурама тизмаси Ғарбий Тиёншон тоғларининг бир қисми тарзида 170 километр узунликда Чотқол тизмасига туташади. Сирдарёнинг ўнг тарафида эса қадимий Мўғултоғ ястаниб ётибди. Жанубда олис-олисларда 340 километрлик Туркистон тизмаси ярқирайди. Ҳисор-Олой тоғ туркумига мансуб бу тизма Мастчоҳ қоялари орқали шарқда Олий тизмаси, жанубда Зарафшон тизмаси билан туташади. У ерда 5487 метрлик Чимтарға чўққиси бор. У Кавказдаги Эльбрус чўққиси билан тенг. Чимтарғанинг атрофида 500 дан ортиқ музликлар бор. Зарафшон дарёси у ердаги Кўксув дарасидан бошланиб, икки давлат ҳудудидан 877 километргача оқиб, Бухоройи Шарифдаги Қоракўл даҳасигача обиҳаёт етказади. Умуман Тожикистонда катта-кичик 967 та дарё бор. Зарафшон дарёсининг бошланиш қисмида эса 1272 музлик бор. Имат, Рама, Туро, Дихаданг музликларининг майдони бепоён. Улардан Мастчоҳ, Фон, Яғноб, Киштут, Мағиён дарёлари, минглаб жилғалар оқиб чиқиб, Зарафшонга айланади. Юқорида Чимтарға чўққисини тилга олдик. Аммо нигоҳимизни юқорироқ кўтарсак, “дунё томи” деб ном олган Помирда 7495 метрлик Исмоил Сомоний (аввалги “Коммунизм”) чўққиси бор.

Экспедициямиз айнан Зарафшон дарёсининг бошланиш қисмидаги шарофатли Шамтуч қишлоғига йўл олган. Бунинг учун

биз 3378 метр баландликдаги Шаҳристон довони орқали “Хўжанд-Душанбе” йўлига чиқиб оламиз. *“Мардона бўл, эмди яхшидур иш келиши, Тенгрига сени, элни сенга топшурдум”* дейди Бобур ҳазратлари. Сафар самарали бўлиши учун биз фонд раҳбаридан кўрсатмалар кутамиз. *“Биз Хўжандга ҳам, Ўратепа (Истаравшан)га ҳам кириб ўтирмаймиз. Йўлнинг танобини тортишимиз шарт. Манзил олис, мақсад аниқ. Вақтни тежашимиз шарт!”*. Сарбон рози – худо рози. Аҳмаджон “Жип”нинг газини босади. Бири биридан гўзал қишлоқлар, бири биридан файзли боғларни оралаб кетяпмиз. Бобожон Ғафуров шаҳарчаси яқинида тушлик қилдик. Аҳмаджон пулимизни қўшни давлат валютасига алмаштиргунча шаҳарчанинг бозоридан 20 сомонийга каттакон қовун харид қилдим. Бу Обиджон Маҳмудовнинг тавилдаралик қариндошлари учун. Хўжанддан Тавилдарагача 502 километр йўл босилади. Лекин унгача экспедициянинг биринчи йўналиши бор. Биринчи йўналишнинг масофаси 200-220 километр атрофида. Харитага қарайман: Хўжанддан кейин Боғиқози, Фармонқўрғон, Седаста, Деҳмой, Қазноқ, Қулонбоши бор. Кейин Оқсув дарёси келади. Қум ирмоғи Зарафшонга қуйиладиган Хайробод қишлоғи яқинида жаҳон археологларининг тушига тез-тез кириб турадиган Қалъаи Муғ бор.

Чўлласанг ҳам, кўлласанг ҳам Сўғдга бор, дейдилар. Биз бу ерга чўллаб ҳам эмас, кўллаб ҳам эмас, қадим тарих тафсилотларига ташна бўлиб келяпмиз. Баланд тоғлар, олтин водийлар, шитоб билан оққан дарёлар, беқиёс боғлар маскани ҳисобланган Сўғд вилояти жуда гўзал. Маъмурий жиҳатдан Айний, Ашт, Бобожон Ғафуров, Деваштич, Тоғли Мастчоҳ, Жаббор Расулов, Зафаробод, Истаравшан, Исфара, Конибодом, Мастчоҳ, Панжикент, Спитамен, Шаҳристон туманларига бўлинади. Вилоятда улуғ шоир Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг мақбараси бор. Халқ қаҳрамони Темур Малик, атоқли шоир Камол Хўжандий шу муқаддас заминда туғилган. Сўғдликлар академик Бобожон Ғафуров, Халқ артисти Жўрабек Муродов(ҳофиз туғилган Курут қишлоғи ёнидан ўтяпмиз), Халқ шоири Лойиқ Шералилар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Хўжанддан 177 километр юргач, Айний шаҳарчасига кириб келдик. Аввал туман Заҳматобод деб номланган. 1954 йили ҳозирги замон тожик ва ўзбек адабиётлари асосчиларидан бири, Тожикистон ФА президенти, Самарқанд Педакадемияси (Самарқанд давлат университети) ташкилотчиларидан бири, атоқли адиб Садриддин Саидмуродов (Садриддин Айний) вафот этади. 1955 йили Тожикистон ССР Олий Кенгаши Раёсати аввалги Фалгар, кейинги Заҳматобод туманига Айний номини беради. Айний шаҳарчасидаги адиб номига қўйилган боғда унинг ёдгорлиги бор. У чап тиззаси устида китоб ушлаб ўтирибди. Шу ердаги "Қасри Фарҳанг" яъни Санъат Саройи бетакрор чиройга эга. Илгари бу ердан ўтганимизда қадимий Варзиминорни кўрардик. Бу гал вақтимиз тиғиз. Бизнинг бош мўлжалимиз – Шамтуч. Тоғлар бағридаги Шамтуч, хушманзара Шамтуч, оғушига минг сир-синоатни яширган Шамтуч. Қулоқларим остида аввал эшитган қўшиғимнинг сатрлари жаранглагандек бўлди: *"Ту зебоманзару зебои Шамтуч, Ту ҳуснуободу ҳуснорои Шамтуч..."*

"Хўжанд-Душанбе" йўлидан чапга, Шамтуч томонга бурилдик. Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан, тор йўлдан имиллаб юриб боряпмиз. 23 йил аввал осмони фалакдаги тайёрадан парашютсиз қулаб тушган мен учун бу тирик азоб. Аммо мен ва ёзаётган "Буюк Бобур" романим учун Шамтуч тошбитиги барчасидан муҳим. Ана, аввал қадимий ва навқирон Рарз қишлоғи кўриняпти. Муштарий учун маълумот тариқасида келтириб ўтишим керакки, Рарз – бу Айний ноҳияси(тумани)даги жамоат. Унинг таркибига Рарз, Гузари Бод, Испағн, Похут, Сайрон, Фатмев, Фатмовут, Шавадки Боло, Шавадки Поён қишлоқлари киради. Шамтуч ҳам шу тумандаги жамоат бўлиб, унга Шамтуч, Дарғ, Вешаб, Каздон, Ўтоқар, Ғазо қишлоқлари киради. Бу жойлар бир олтин узук бўлса, Шамтуч унинг олмос кўзидур. Шамтучда Спитамен замонидан буён биродарларимиз яшайди. "Шамтуч" сўғд тилида "минг бир булоқ" ёинки "минг бир чашма" маъносини англатади. Ҳар бир қадамда булоқ, ҳар бир қоя остида чашма. Шамтуч шаршаралари эса Беруний бобомиз кашф қилган қитъалар кино тасмаларида ҳам намойиш этиляпти. Илдизлари буюк тоғларнинг тилло тупроғидан,

минг бир чашманинг мусаффо сувларидан куч олган тераклар, толлар Шамтучда. Етти иқлимнинг энг ширин зардолиси яъни ўриги Шамтучда. Шамтуч Аллоҳ томонидан Зарафшон тоғ тизмасига яшил жиға бўлиб қўндирилган. Сўзларимизнинг исботи учун келтириб ўтайликки, қўшни Каздон қишлоғи ҳудудида 350 булоқ, 12 сой бор.

Зарафшон дарёсининг ибтидосидан то Айний шаҳарчасигача бўлган қишлоқларнинг номларини келтирамиз: Ревомуғ, Каллахона, Исиз, Пастигов, Падроғун, Оббурдон, Шамтуч, Ўстанак, Вешаб, Шавадки Боло, Шавадки Поён, Сайрон, Рарз, Испағн, Томун, Сангистон. Барчасида иродаси тоғлар тошидек метин, ўз тоғлари, ўз боғлари, ўз булоқлари, ўз ўтлоқларини севган биродарларимиз яшайди. Биз Испағндан ўтаётганимизда қуёш тоғ ортига яшириниб, намозшом ўз чодирини ёя бошлади. Бу йўлдан биринчи бора ўтаётганимиз учун уч-тўрт одамдан Шамтучни сўрадик. Кимдир 5 километр, биров 12 километр қолди, деди. Фақат Похут қишлоғида тракторнинг моторини текшираётган йигит “Чиҳл километр” деди. Демак қирқ километр қолибди. Бизга қолса, қанийди, бир чақиримдан кейин Шамтучга етиб олсагу бир толнинг соясидаги майсага ёнбошлаб дам олсак, булоқларнинг сувларидан симириб-симириб ичсак. Йўл азоби – гўр азоби. Сайронга етганимизда устоз Ваҳоб Раҳмон жонланиб кетди: “Зокиржон ака! Биз бу ердан ўтганмиз. Эсингиздами, эшакда хашак олиб кетаётган ёшгина қиз эгарда ўтириб китоб ўқиб кетаётувди. Аниқ эсимда қолган. Демак, Шамтучга бир қадам қолди!” деди. Обиджон ака уларга эшиттирмасдан “Қайси китобни ўқиган?” деб шивирлади. Мен ҳам уларга эшиттирмасдан “Жалол Икромийнинг “Бухоронинг ўн икки дарвозаси” яъни “Дувоздаҳ дарвозаи Бухоро” деб қўйдим. Йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб Вешаб қишлоғига яқинлашдик. У бутун Тожикистонга жаннатмонад боғлари ва Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ибн Али Ибн Маликдод Табризий мақбараси билан маълум. Ўстунакдан ўтиб Шамтучга кирдик. Тун қоронғуси тушган бўлса ҳам зебо манзаралари сезилиб турган қишлоқ аҳли уй-уйига тарқаган пайт. Соат 21 дан ўтибди. Қишлоқ марказида тўхтадик. Бир неча енгил, бир неча юк машиналари

турибди. Қурбон исмли “дальнобойшчик” шофёр билан танишдик, мақсадимизни айтдик. У “Ҳозир жамоат раисини чақираман!” деди рус тилида. Ўн-ўн беш дақиқа ичида “Тожикистон” колхози раиси, дилкаш йигит Нажмиддин Одинаев, қишлоқ оқсоқоли Гадомуҳаммад Муҳаммадалиев ва бошқалар етиб келишди. Гўё юз йилдан буён таниш, билишдек кўриша кетдилар. Нажмиддин ака “Хуш келибсизлар! Бемалол дам олишингиз учун икки уйга жойлашасизларми?” деб сўради. У ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам яхши билар экан. Мен “Иложи бўлса бир жойда дам олсак!” дедим. Бу гап сарбонга ҳам маъқул келди.

Уч дақиқалик ўзаро “муҳокама”дан кейин қишлоқ оқсоқоли Гадомуҳаммад аканинг янги уйини танлашди. У ерга бизни Нажмиддин ака ва беш-олти шамтучликлар бир неча машинада кузатиб боришди. Янги уйнинг каттакон хонасидаги узун хонтахтани кўриб оғзимиз очилиб қолди. Гадомуҳаммад ака уяли телефон орқали ўғилларига тайинлаган шекилли, дастурхонга нон, қанд-қурсдан ташқари бир неча хил янги пишган ўрик, бир неча хил ўрик туршаги яъни данакли ва данаксиз, бир неча хил олма, бир неча хил майиз қўйишибди. Лаган, лаган ҳўл ва қуруқ мевалар. Энг муҳими Гадомуҳаммад аканинг, ўғилларининг юзида бизнинг ташрифимиздан мамнунлик ёғдуси балқиб турибди. *“Сизларни менга Аллоҳнинг ўзи меҳмон қилиб юборди.* – деди Гадомуҳаммад ака. – *Ўғлимга қурган уйимга биринчи бўлиб Бобур ҳазратларини ардоқлаб юрган одамларнинг келиши мен учун бахт. Отам, бобом бизга Бобур подшоҳга чексиз эҳтиромни сингдирган. Сизни эса Зокиржон ака, биламиз. Бир қанча йил олдин қўшни Оббурдонга, бизга келиб кетган экансиз. Шамтучга Аллоҳнинг назари тушган. Бежиз Шамтуч Бобур подшоҳни бало-қазолардан асрамаган. Шамтуч – таниқли олимлар, уламолар юрти. Академик Аҳрор Мухторовни бутун дунё билади!*

Шамтуч Айний туманининг 71 қишлоғидан биридир. Туман дастлаб Варзиминор, кейин Фалгар, сўнгра Искандар деб аталган. Афсоналарга кўра Искандар Зулқарнайн қақшаткич жангда оти Буцефалнинг бошини бу ердаги кўлга буради. От ҳалок бўлади-ю, буюк ҳукмдорни сув юзига чиқаради. У Искандаркўл деб аталади.

Қуш тилини қуш билади. Сарбон билан Аҳмаджон ҳордиққа кириб кетгач, Нажмиддин ака билан тоза ҳавога чиқдик. Гадомуҳаммад аканинг янги уйи этагида, бир километр пастда Тоғли Мастчоҳ тумани марказининг чироқлари чарақлаб турибди. Мен озгина бўлса-да Қишлоқ хўжалиги институтида ўқиганим учун аграр соҳа ҳақида сўрадим. “Билсангиз керак, - деди Нажмиддин ака Одинаев. – Туман маркази яқинида Свердлов, Рарзда Энгельс, Такфонда “Россия”, Анзобда Оржоникидзе номидаги колхозлар, Ўрмитанда “Ўзбекистон”, бизнинг Шамтучда “Тожикистон” жамоа хўжаликлари бор. Ғалла, тамаки, мева етиштирамиз. Чорвамиз бор. “Чарогоҳ” яъни яйлов кўп. Кўп йил газетада ишлабсиз. Бизда “Меҳнат” газетаси бор!”

Тонг оқарганда туриб қишлоққа назар солдим. Тоғдан енгил эпкин эсди. Яқинроқ чашмага бориб сув ичдим. Роҳатланиб ичдим. Фахрланиб ичдим. Гадомуҳаммад ака, Нажмиддин аканинг юзларидаги мамнунлик нурини англадим. Бу ерга келиш учун равон йўл йўқ. Лекин бундай топ-тоза ҳавони, тип-тиниқ сувни, жаннат меваларини қаердан топасиз? Бобур ҳазрат бежиз бу ерларда ялангоёқ юрмаган, бежиз бу ерларни севиб қолмаган. Тоғликларда тоғдек ғурур бўлади. Улар Бобур ҳазратга меҳр, нон-туз, бошпана берганлари билан ғурурланадилар.

Нонушта чоғи Гадомуҳаммад ака ва ўғиллари ҳаммамизни қайноқ чой, қаймоқ, тоғ асали билан сийлади. Мевалар янгиланди. Иссиқ нонлар қўйилди. Бунга уларнинг инсоний меҳрлари тафтини қўшсак, тоғ-тоғ олтини бўлган Амир Олимхоннинг дастурхони ҳам бунчалик тотли бўлмагандир. Кечаги чарчоқлар ёзилди, йўл машаққатлари бироз унутилди. Шамтучнинг ҳавоси билан суви ҳар қандай курортникидан афзал. Одамлари-чи? Шоҳона нонуштани баҳам кўриб, қишлоқ марказига тушсак, устоз педагог Ҳожилатиф Каримов, унинг шогирди Ниёзмуҳаммад Сафаров, жами 4-5 уй таом тайёрлашибди. Ҳаммасига чин кўнгилдан раҳмат айтдик. Зокиржон ака *“Мен дунё кўрган одамман. Умримни Бобур ҳазратлари учун бахш этганман. Сизларнинг бу улуғ зотга эҳтиромингиз ҳар қандай мукофотга арзигуликдир. Аллоҳ ҳар бирингизнинг уйингизга барака, ўзларингизга метин соғлик, болаларингизга бахт берсин.*

Тўйларингизга келайлик. Энди, йўл олис бўлгани учун шоҳ ва шоир тошбитигини тавоф қилсак-да, бизларга рухсат берсангизлар!” деди. Ҳаммамиз биргалашиб Гўристони Дурустга бордик. У ердан Шамтучни Шамтуч қилган зотлардан бир қанчаси қўним топган. Ҳожилатиф Шариф ўғли бизларни тим қора қайроқтошлардан иборат қояга олиб борди. Чўнтагидан топ-тоза дастрўмолини олиб бир қайроқтошни обдон тозалади ва кўз ўнгимизда Бобур ҳазратларининг тошбитиги кўринди:

Кофиро, мардум шикоро, як замон оҳистатар,
К-оҳуи бечораро тоби тири туркон тоб нест.
Ҳараруҳу Бобур 907 ҳижрий
Катабаи мирам Бобурхон. Халадаллаҳу Мулкаҳу ва Султанаҳу.

Эй кофир, эй одам овчиси, бир лаҳза шошма,
Шўрлик оҳу турк ўқига беролмас бардош.
Мен Бобур битдим. 907 ҳижрий.
Амирим Бобурхоннинг битиги. Аллоҳ унинг мамлакати ва подшоҳлигини боқий айласун.

Шоҳ ва шоир 1502 йили ёзган тошбитик Аллоҳнинг амри билан 2022 йилга етиб келди. 520 йил шамоллардан, ёмғирлардан, довуллардан, дўллардан бешикаст ўтди. Энди уни яна минг йиллар давомида келгуси наслларга етказиш керак. Зокиржон ака, Ҳожилатиф домла, устоз Ваҳоб Раҳмон шу ҳақда гапиришди. Мен чуқур ўйга толдим. Бобур ҳазратлари ёзган байтнинг замирида не яширин сир бор? Романимнинг бир боби тўлалигича шу ҳақда бўлмоғи лозим. Олижаноб, бағри кенг, танти шамтучликлар билан илиқ хайрлашиб, қардош давлатнинг пойтахтига отландик. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг қудратига шубҳа қилганлар Қамчиқ ва Анзоб довонларидаги бетимсол тоннелларга қарашлари керак. Душанбега боргунча 39 ерости йўлидан ўтдик. Икки соат ичида Душанбега кириб бордик. “Тошкент” номли ош маркази бор экан. Ҳамроҳлар буғи чиқиб турган тошкентча ошни паққос туширдилар. Довон йўллари мени толиқтирган эди. Сарбонимиз Тавилдара сафари ўрнига “Душанбе” меҳмонхонасида тин олиб, музей ва

кутубхоналарда иш қилишни топшириб, ўзлари Помир томонга йўл олдилар. Яшарган Душанбени айландим. Тожикистон Миллий музейининг янги биноси Тожикистон миллий университети, Айний номидаги Душанбе педагогика институти ва яқинда қад тиклаган “Душанбе-Сити” томонда экан. Музей аввал Камолиддин Беҳзод номида эди. Музей экспонатлари ичида Бобурнинг тошбитиги борлиги хурсанд қилди. 50 минг экспонати бор. Рудакий хиёбони орқали Миллий кутубхонага ўтдим. Очиқ китобни эслатадиган тўққиз қаватли кутубхона Марказий Осиёдаги энг муҳташам маънавият қасри бўлиб, 25 та қироатхонаси, 3 кўргазма, 9 та мажлис ва симпозиумлар залларига эга. Пештоқида 22 атоқли инсон бюсти ўрнатилган. Сўнг академик Ражабов кўчаси, 7-уй, қадимги осори атиқалар музейига бордим. Бинонинг ўзи меъморчилик дурдонаси экан. Тўрт жуфт колоннаси Шарқу Ғарб архитектурасини эслатди.

Гўзал диёрнинг қай томонига бормайлик, хаёлимизда Бобур ҳазратларирнинг сўнмас сиймоси бўлди. Қиссадан ҳисса шулким, Шамтучда бўлганимизда Гадомуҳаммад ака шоҳ ва шоирнинг бу ердаги ҳаётига оид бир тафсилотнинг учини чиқарган эди. Ва биз буюк сиймонинг Шамтуч тошбитигидаги байтга дахлдор бир сирни англаб етдик. Насиб этса, бу сир билан ёзилаётган “Буюк Бобур” романининг бир боби орқали воқиф бўласиз. Бир вақтлари буюк шоҳ ва буюк шоирга паноҳ берган Шамтуч қишлоғига сафаримиз бироз машаққатли, бироқ ниҳоятда завқли, фойдали бўлди!

BOBUR MIRZO OBRAZI OYBEK TALQINIDA

Karimova Y.A
Abdulla Qodiriy nomidagi JDPU
O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi kafedrasi dotsenti, f.f.n.

Oybek millat tarixini, xususan, temuriylar davri adabiyoti, san’ati, madaniyatini chuqur bilgan mutafakkir ijodkor edi.

Har qanday mafkuraviy tazyiqlar, ijoddagi to‘siq va cheklovlarga qaramay butun ijodiy faoliyati davomida temuriylar davri shonli tarixi, o‘sha davr ruhi, ob-u havosi, shukuhini o‘zi yaratgan tarixiy asarlar, tarixiy siymolar orqali zamondoshlariga ham ilmiy tilda, ham badiiyat

yo‘li bilan yetkazishdek xatarli, ammo xayrli, adolatli yumushni bajargan edi Oybek.

Oybekning ana shunday ham insoniy, ham ijodiy jasoratini ta’kidlagan O‘zbekiston Qahramoni, adabiyotshunos olim Ozod Sharafiddinov bejiz adib haqidagi maqolasini “Millatni uyg‘otgan adib” deya nomlamagan.

Oybek e’tirof etganidek, Navoiy she’riyati, Navoiy obrazi quyosh yanglig‘ doim adibni o‘z og‘ushiga chorlab turdi. Navoiy Oybek ijodining bir umrlik mavzusi o‘laroq, buyuk mutafakkir, shoir siymosi yozuvchining dostoni, romani, she’ri, qissalarida bo‘y ko‘rsatdi.

Shu o‘rinda alohida ta’kidlash lozimki, mumtoz adabiyotimizning Navoiydan keyingi ikkinchi cho‘qqisi, boburiylar sulolasining asoschisi, umumjahon adabiyotning muhtasham obidalaridan – “Boburnoma” muallifi Bobur Mirzo shaxsi, Bobur Mirzo fenomeni Oybekdek donishmand insonni befarq qoldirishi mumkin emas edi. Gap shundaki, “Navoiy” romani uchun salkam siyosiy javobgarga aylanib qolishiga bir bahya qolgan Oybek sho‘ro mafkurasining munofiqona nigohi Mirzo Boburga ham qaratilganligi uchun bu benazir, bashariyatning abadiyatga daxldor farzandi haqida asar yozishdan, obrazini badiiy inkishof etishdan o‘zini to‘xtatib turishga majbur edi. Bobur mavzusini Oybek ijodida kech paydo bo‘lishini Zarifaxonim shunday izohlaydi:

“Oybek umrining so‘nggi yillarida sovet mamlakatidagi ichki siyosat o‘zgara boshladi. Temur va Bobur nomlarini tilga olish mumkin bo‘ldi. Shunda Oybekning yuragida uzoq yillar yashirinib yotgan ijodiy rejalar unga tinchlik bermay qo‘ydi. Shunday qilib, Oybek shu davrda Bobur va Temur haqida dostonlar yoza boshladi” [1.238].

Zarifaxonim ta’kidlagan ichki siyosat, mafkura ob-u havosining iliqlashuvi tufayligina Oybek ko‘nglida uzoq vaqtlar ardoqlab, saqlab yurgan mavzularga qo‘l urdi.

1965-yilda yozila boshlagan “Bobur” dostonidan bir lavhani Zarifaxonim, Oybekning ruxsati bilan adibning 60 yillik yubileyiga bag‘ishlangan ilmiy anjumanda o‘qib beradi. Ko‘p o‘tmay dostonning shu qismi tarjimon S.Lipkin tomonidan rus tiliga o‘giriladi va Moskvada bo‘lib o‘tgan Oybekning ijodiy kechasida sho‘rolar poytaxtining adabiy-ilmiy jamoatchiligi e’tiboriga havola etiladi.

Afsuski, “Bobur” ham u bilan bir vaqtda yozila boshlagan “Temur” dostonini ham yakunlash Oybekka nasib etmaydi. Garchi doston tugallanmagan bo‘lsa-da, salkam ikki yuz misradan iborat bu asar ikki jihati bilan o‘zbek kitobxoni uchun qadrli.

Birinchidan, Oybek zamonaviy dostonchiligimizga ilk marotaba Bobur Mirzo obrazini olib kirdi.

Ikkinchidan, teran tafakkur bilan zamonalarni zamonalarga ulay olgan Oybek Bobur Mirzo hayotining o‘z davri, o‘z muhiti bilan uzviy, teran, realistik tasvirda, epik ko‘lamda badiiyatga ko‘chira oldi. Bobur Mirzo siymosida, uning fitratida asrlar osha bizning zamonlarni ham nurlantirib turgan jihatlarni old planga qo‘yib, Bobur Mirzo dahosining mangulikka daxldorligini dostonning badiiy konsepsiyasiga singdirib yubordi.

Adabiyotshunos olim Q.Yo‘ldoshevning Oybekning tugallanmagan she’rlari haqidagi: “Abdulla Qahhor bir zamonlar “G‘uncha guldan go‘zalroq, chunki uning bag‘rida ikki hayot: o‘z hayoti va gul hayoti bor”, - degan edi. Chindan-da, g‘unchada ochilish, chechak bo‘lish imkoniyati bor. Sinchiklab qaragan odam Oybekning… o‘ttiz sakkizta tugallanmagan she’rida ham g‘unchaning imkoniyatlari yashiringanini ko‘rish mumkin” [2.40], - degan fikrlarini adibning yakuniga yetmagan «Bobur» dostoniga nisbatan ham tatbiq etsak bo‘ladi.

Oybek o‘zining 1937-yilda yozgan “Navoiy” poemasini Navoiy obrazini yaratishda chizilgan bir eskiz edi, deydi. Tarixnavis adibning ana shu ijodiy uslubini e’tiborga oladigan bo‘lsak, “Bobur” dostoni qatlarida ham g‘uncha imkoniyatlari yashiringanini, agar umr vafo qilganida Oybek mumtoz adabiyotimizning ikkinchi cho‘qqisi Bobur Mirzo haqida ham xuddi “Navoiy” romani kabi yirik bir tarixiy, biografik roman yaratish qudratiga ega bo‘lganligini e’tirof etish kerak bo‘ladi.

Oybekning “Navoiy”, “Bobur” tarixiy dostonlarini kuzatar ekanmiz, rus adabiyotshunos olimi V.G.Belinskiyning: “Poema ideal voqelikni suratlantiradi va hayotning oliy daqiqalarini tutib qoladi” [3.316], degan fikrlari yodga tushadi.

Navoiy ham, Bobur Mirzo ham eng birinchi navbatda buyuk mutafakkirlar, sohir qalam sohiblari. Har ikkala buyuk mutafakkir uchun

hayotning eng oliy daqiqalari – bu ijod onlari, ilhom lahzalaridir. Shuning uchun bo‘lsa kerak Oybek xuddi “Navoiy” dostonidagidek “Bobur”ni ham Bobur Mirzoning ijod ustidagi holati tasviri bilan boshlaydi. Bu latif tasvirlarda Oybek o‘z qahramoni hayotining oliy daqiqalari manzarasini, Bobur Mirzoning ilhomiy holatini suratlantirishga harakat qilgan.

Dostonda Bobur Mirzo ijod qilib o‘tirgan xona tasviri bilan Bobur Mirzoning tashqi portreti parallel, uyg‘un holatda chizilgan: “keng xona”, “jihoz: kumush va oltin”, “yumshoq gilamlar mavjidagi yolqin”, “samoday nurga cho‘milgan xona”, “sandiqlar to‘la oltin dur” va shu tasvirga mos: har qirrasida go‘yo bir yulduz porlagan gavhar uzuk taqqan, “gavharida naq quyosh cho‘milgan, nozik zavq ila chulg‘angan salla”, “mayin oq shoyi ko‘ylak, moviy jomadagi” Bobur Mirzo… Bu tasvirlar orqali o‘quvchi shoh Bobur egallagan ijtimoiy mavqe, iqtisodiy qudrat, qo‘lga kiritgan toj-u taxt shukuhini his etadi. Ammo bu shon-shavkat dag‘dag‘asini Boburning shoir ko‘ngliga hech bir aloqasi yo‘qdek, Bobur Mirzoning shoir qalbida o‘zga dard, o‘zga ilinj. Oybek shoir Bobur ruhiyatiga ichdan razm solar ekan, uning qalb dramasini, yurak og‘riqlarini teran his etadi.

Bobur o‘ltirur, qo‘lda zar qalam,
Qog‘ozga to‘kkan she’rida ko‘p g‘am
Shoir qalbidan toshadi to‘lqin,
Qadahda gulob, jilvasi uchqun.
Qog‘ozi rangli, xati xo‘p xushxat
Yurakdan oqur nuqul g‘am-hasrat [4,99].

Oybek tomonidan nuktadonlik bilan tanlangan detallar lirik qahramon ko‘ngil holatini o‘quvchiga ravshanroq, ta’sirchanroq yetkazishga xizmat qilganini ko‘rish mumkin. Oybek “Navoiy” dostonida buyuk mutafakkirning ijod onlarini

Yonar titrab bir oltin shamdon
Tokchalarga kitob qalangan.
Gilamlarning qon gullarini
Yondiradi bu shamning nuri [5.111],

deya tasvirlasa, Bobur Mirzodagi ilhomiy holatni

Savag‘ich simirar xun siyoh, zarhal,

Zilol chashmaday quyular g‘azal.
Yozadi shoir, u sohibqiron.
Olmos tig‘iday ko‘ksida hijron [4,100],
deya ta’riflaydi.

Har ikkala dostondan olingan parchalardagi qon gullar, xun siyoh detallarida ma’lum bir ijtimoiy, emotsional, psixologik ma’no yuklangan.

“Navoiy” dostonida gilamlarning qon gullari Hirot, uning mehnatkash xalqining zabun hayotiga, sham nuri esa Navoiy kabi buyuklarning insoniy dahosiga ishora bo‘lsa, “Bobur” dostonida qo‘llangan xun siyoh detali esa Vatan sog‘inchidan yuragi qon bo‘lgan shoirning ko‘ngil manzarasini yaxshi ifodalagan.

Dostonda Oybek shoh, shoir, fotih, bunyodkor, islohotchi, buyuk Temuriylar davlatini Hindiston o‘lkasida munosib davom ettira olgan, tengsiz vatanparvar, dilbar shaxs Bobur Mirzoning ko‘lamdor xarakterini ochib berish uchun ko‘lamdor voqealarga, qahramonlarning ruhiy olamlari, qalb manzaralari tasviri va talqiniga e’tibor qaratdi.

Doston mutolaasi bizni “Boburnoma” sarhadlariga yetaklaydi. Aytish mumkinki, doston sujetini “Boburnoma” ustundek tutib turadi. Oybek badiiy taxayyulining kuchi shundaki, u kitobxon ong-u shuuriga “Boburnoma” voqealarini sun’iy tiqishtirmaydi, balki dostonnavis o‘quvchini “Boburnoma” sarhadlaridan Bobur Mirzoni bir dam ham tark etmagan Vatan yodi, sog‘inchi, xayoli orqali olib o‘tadi. Axir, mutolaa davomida shohidi bo‘lganimizdek:

Ko‘p sog‘inadi Vatanni Bobur,
Yeri va ko‘ki ko‘nglini tortar…
Eslar va yozar tuprog‘in, tomin,
So‘ndirar edi yurak otashin [4.101].

Vatan yodi, xayoli - doston voqealarini harakatga keltiruvchi, syujet chiziqlarini kesishtiruvchi kuch, kompozitsion vosita. Xayol, sog‘inch o‘z navbatida xotirani uyg‘otadi. Bu xotiralar oddiy, odmi xotiralar emas. U o‘z sohibiday zalvarli, salmoqli, og‘riqli, dardli va ayni paytda qadrli hamdir.

Samarqandning boy berilishi, Andijondagi munofiqlik, birikmagan, “bir-biriga yov, biridir mayxo‘r, birida dard – ov” bo‘lgan Temur avlodining yutqiziqlari, boy berilgan Vatan, tarki Vatan etib o‘zga

yurtlarda taxt topgan, birovning yurtini, atrof-olamni obod etib, o‘z ko‘ngil uyini obod etolmagan, o‘z ko‘nglini to‘ldirolmagan, baxt topolmagan Bobur Mirzoning xotiralari ko‘zguning siniq parchalaridek tig‘li. Ular uyg‘onganda, harakatga kelganda hatto egasini ham yaralaydi: yurtining betakror tabiati “Samarqandning qizil olmasi”, “Marg‘ilondagi anori kalon”, “Ismoil shayxi qovuni lazzati”, “Sayxun bo‘yidagi ehtirosli ov” yodi… Oybek Bobur Mirzo qalb daftarini rost o‘qiydi, aynan sharhlaydi: “U latofatni nechuk unutgay?! Umri uzilur – hasrat bitmagay?!” [4.102].

Muhimi Oybek “Boburnoma”dagi katta-kichik tarixiy ma’lumotlarni dostonning badiiy konsepsiyasiga mos tanlar ekan, ularni quruq qayta bayonchisiga aylanib qolmadi. Ko‘p voqealar ichidan eng muhimlarini saralab, qayta badiiy idrok etib, ularni yana bir karra Bobur Mirzoning noyob shaxsiyatini anglab yetishga xizmat qildirdi. Ayniqsa, Bobur Mirzoning Hind tuprog‘ida olib borgan bunyodkorlik faoliyati, ariqlar qazdirishi, turli inshoot, bog‘lar barpo etishi, axloqiy-madaniy islohotlari, ichkilikni man etishi haqidagi qarorlari dostonda katta bir muhabbat bilan oybekona talqin etilgan. Ular yozuvchining insoniy va ijodiy kredosiga shunchalik muvofiq kelganki, Oybek Bobur Mirzo hayoti bilan bog‘liq ideal voqeliklarni Belinskiy ta’kidlaganidek, mohirona suratlantira olgan.

Garchi doston tugallanmagan bo‘lsa-da, asarda Bobur Mirzoning mardona xarakteri, dilbar shaxsi, dilovar jism-u joni qad rostlab turibdi. Hatto, yaproqlarini kuzak hukmiga topshirgan terakning za’faron barglarida ham hikmat topgan (“Teraklar bargin ko‘rsa oltinda”) Bobur Mirzo Oybek talqinida “ishqi quyoshday”, “osmonday qalbli”, “azim ko‘ngil”, “Kamol go‘zallik sevadi Bobur” bo‘lib, o‘z badiiy umrini hali uzoq yashaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Saidnosirova Zarifa. Oybegim mening. Xotiralar. T.: “Sharq”, 1994. – 256 b

2. Millatni uyg‘otgan adib. (To‘plam). T.: “Universitet” nashriyoti, 2005. – 183 b.

3. Belinskiy V.G. Pol. sob. soch. 5, M.,1955. – 316 b.

4. Oybek Toshmuhammad o‘g‘li. MAT. 19 tomlik 18-tom. T.: “Fan” 1981. – 328 b.

5. Oybek Toshmuhammad o‘g‘li. MAT. 19 tomlik 3-tom. T.: “Fan” 1976. – 264 b.

“БОБУРНОМА”НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙ ХОС СЎЗЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

Мухлиса Ансаритдиновна ШАРАХМЕТОВА
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Урду тили ва адабиёти,
Покистон тарихи ва маданияти”
кафедраси мудири (PhD)

Маълумки, аслият, ўз замонасининг адабий тилида бўлади ва ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсулидир. Таржима матни, услуби эса бугунги кун ҳолатини акс эттиради. Таржимашунослар фикрига кўра, юз йил олдин муайян бадиий асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси билан унинг кейинги даврлардаги таржималари бир-бири билан қиёсланса, бундан турли даврларда яшаган таржимонларнинг асар муаллифини тушуниш даражаси, уларнинг маҳорати ўртасида кўзга яққол ташланадиган тафовутнигина эмас, адабий тилнинг турли даврларда ҳар хил камолот даражасида бўлганлигини ҳам кўриш мумкин.

«Бобурнома» урду тилига тўрт марта ўгирилган. Мазкур таржималар турли даврда турли таржимонлар томонидан бажарилган. Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний[32] бевосита аслият тили, яъни туркийдан таржима қилган. Юнус Жаъфарий[33], Рашид Ахтар Надавий[34] ва Муҳаммад Қосим Сиддиқий[35] таржималари билвосита, яъни форсийдан ўгирилган.

Бадиий асардаги воқеалар муайян маконда, муайян замонда, муайян қаҳрамонлар иштирокида кечади ва бирор халққа тегишли саналади. Табиийки, халқ яшайдиган маконнинг ўзига хос табиати,

[2]تزکِ بابری ، مرزا نصیر الدین حیدربک لینڈ کراچی،۱۹۶۲
[33]وقا ئع بابر ،یونس جعفری شہر بانو پبلی شیرز کر یکادی ۲۰۰۷
[34]تزک بابری. رشیداختر ندوی سنگ میل لاہور ۱۹۹۳
[35]بابرنامہ (تزک بابری)محمد قاسم صدیقی ،ترقی اردو بیورو،نئی دہلی۱۹۸۳

иқлими, кўриниши, бу халққа мансуб кишиларнинг қиёфаси, характери ва менталитети ҳам бўлади.

Профессор Ғ.Саломовнинг фикрига кўра, «адабий асарнинг умумий хусусиятлари халқнинг хусусий ва ижтимоий ҳаёт тарзида, турмуш шароитида, кийимида, урф-одатларида, кўча, шаҳар, санъат ёдгорликлари, муассасаларнинг номи, мансабдор шахсларнинг фамилиялари ва бошқаларда намоён бўлади. Буларнинг йиғиндиси асарнинг миллий хусусиятини ташкил этиб, барчаси аслиятда нутқ воситалари орқали баён этилган бўлади. Уларнинг тўғри таржимаси жуда муҳимдир»[36].

«Реалияларга миллий таомлар, кийим-кечаклар, миллий чолғу асбоблари, рўзғор анжомлари, номлар, тахаллуслар, лақаблар, шаҳар, қишлоқ хусусиятлари, меъморчилик, географик номлар, табиат манзаралари, ҳайвон ва ўсимликларнинг номлари, даража, табақа ва бошқа бўлинишларни ифодаловчи сўзлар, муассасалар, ташкилотлар, диний маросимлар ва бошқа этнографик белгиларни билдирувчи сўз ва иборалар киради»[37].

Таржимашуносликда миллий хосланган сўзларни таржима қилишда уч усул қўлланилади:

1.Транслитерация – бир ёзув системасидаги матнни бошқа ёзув системасига ўтказиш. Таржимада жой ва киши номлари, турли атамалар ва миллий хосланган сўзларни бошқа тил белгилари томонидан айнан ифодалаш. Транслитерациядан кейин кўпинча матн остида изоҳ берилади.

2.**Аналогия** – ўхшашлик, бир-бирига ёки бошқасига ўхшашлик, яъни муқобил тушунча билан бериш. Қ.Аъзамовнинг фикрича, аналогия усули «яқин таржима деб ҳам аталади», лекин бу термин номининг ўзиёқ асл нусхадаги миллий хосланган сўзларнинг барча вазифаларини, маъно қирраларини тўлиқ ифода этмаслигини кўрсатиб турибди. Ўхшаш – ўхшаш -да, айнан ўзи эмас!»[38].

---

[36] Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 34.

[37] Файзуллаева Р. Йўллар йироқ, кўнгиллар яқин / Таржима санъати (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1973. – Б. 257.

[38] Аъзамов Қ. “Меҳробдан чаён”нинг икки таржимаси / Таржима муаммолари (Мақолалар тўплами) 1-китоб.1991. 154- бет.

3. Янги сўз ва сўз бирикмаси яратиш. Баъзи таржимонлар миллий хосланган сўз ва ибораларни, ном ва тушунчаларни таржима қилиб оладиларки, бу ҳол кўпинча ўзини оқламайди. Масалан: «пирог»ни «сомса», «коса»ни «глубокая тарелка»[39] тарзида.

Қуйида Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагонийнинг урдуча таржимасида берилган миллий-маданий сўзларни таҳлилини келтирамиз:

Мирзо Бобур «Бобурнома»да меваларнинг хилма хил турларини тасвирлаши, табиат манзараларини тавсифлаб тушунтириши, кўплаб реалиялар қўллангани туфайли миллий колорит сақланганини кўрсатади.. «Бобурнома»нинг таржимасида географик ҳудудлар, адабий портретлар, киши исмлари, табиат манзаралари, чолғу асбоблар, шунингдек, ҳайвонот ва наботот оламини тасвирлашда кўплаб миллий-маданий хос сўзлар – реалиялар учрайди. Умаршайх мирзонинг адабий портрети таърифида кийим-кечакка оид хосланган сўзларнинг таржимада берилишига мисол келтирсак: «*Тўнни бисёр тор кияр эди*»[40]. Мазкур жумланинг урдуча талқини қуйидагича: کپڑے بہت چست پہنا کرتے تھے-[41] Ушбу жумлада *тўн* сўзи کپڑا[kapRa:], яъни кийим деб таржима қилинган. Тўн ўзбек миллий либоси ҳисобланиб, урду тилига нисбатан миллий хосланган сўз саналади. کپڑاурду тилида умуман *кийим*ни англатади, ундан ташқари *мато* маъносида ҳам қўлланади. Шунинг учун бу ўринда «чопон», «тўн» маъносини берадиган چوغا[chu:g`a:]ни қўллаш мумкин эди. Таржимон ушбу реалиянинг таржимасини аниқ бера олмаган, ҳеч бўлмаганда, саҳифа остида ҳавола келтириши лозим эди.

Транслитерация[42] усулидан фойдаланишнинг асосий сабаби аслиятда қўлланилган миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида мавжуд бўлмаганлиги туфайли аслиятнинг миллий хусусиятини таржима тили соҳибларига хос хусусият билан

---

[39] Очилов Э. Таржимашуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент: ТДШИ, 2014. – Б. 92.

[40] Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 36.

[1] تزکِ بابری ، مرزا نصیر الدین حیدربک لینڈ کراچی، ۱۹۶۲،ص. ۲٤

[42] Бир ёзув системасидаги матнни бошқа бир ёзув системасига ўтказиш. Бу ҳақда яна батафсил қаранг: Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўз МЭ, 2002. – Б. 111.

алмаштириб қўйиш ёки таржимани умуман бундай хусусиятдан маҳрум этиш каби ҳолатларга йўл қўймасликдан иборатдир. Транслитерация хос сўзларни таржимада талқин этишнинг энг самарали усулларидан бўлиб, унинг ёрдамида аслиятнинг миллий хусусияти сиқиқ ҳолда талқин этилади.

«Бобурнома»да келтирилган адабий портретларнинг урдуча талқинида киши исмлари, тахаллус, лақабларни англатган реалияларнинг урду тилида берилишини қиёсий таҳлил қилиб қилиб кўрсак: Умаршайх мирзо адабий портретида: «*Султон Абусаъид Мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзоға бериб, Бобойи Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди*» [43]жумласининг таржимаси эса қуйидагича: سلطان ابو سیعد مرزا نے اول عمر شیخ مرزا کو کابل بیرکم بیگم جو مرزا کی چھوٹی بہن تھی اس کی شادی **احمد خان بن** سے کر دی تھی ۔ اور بابا کابل کو بیگ اتکہ کر کے روانہ کیا ۔ دیاЖумлаларнинг қиёсий таржимасидан кўринадики, таржима тўғри амалган оширилган дейиш мумкин, бироқ *Бобойи Кобулий* исми урдуда بابا کابل[Ba:ba: Ka:bul] «Бобо Кобул» шаклида хато берилган.

Ҳусайн Бойқаро адабий портрети таърифида муаллиф қуйидагиларни ёзади: *«Бадакабегим ҳам мирзонинг эгачиси эди. Қазоқлиқларида Аҳмадхон Ҳожи Тархонийға бериб эди, икки ўғли бўлуб эди».* **احمد خان بن** بیرکم بیگم [Birkam begam]га айланиб кетган, *Бадакабегим* исми **شیرخان** سے کر دی تھی ۔ بیرکم بیگم جو مرزا کی چھوٹی بہن تھی اس کی شادی *Аҳмадхон Ҳожи Тархоний* эса **احمد خان بن شیرخان** [Ahmad Xa:n bin Sherxa:n] деб ўгирилган. Мазкур ўринларда тахаллус ва киши исмларини аслиятдагидек, транслитерация усули билан берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бек ва вазирлар бадиий тасвири таржимасида муаллиф Муҳаммад Маждиддин ҳақида қуйидагиларни ёзади. «*Ул фурсатта Маждиддин Муҳаммад парвоначи*[44] *эди, Мирак дерлар эди*»[45]. Урдуча талқини қуйидагича*:* اس وقت مجد الدین **پروانچی** تھا ۔اس کو **میرک** کہا کرتے تھے ۔اТаржимон ушбу гапда лақаб ва лавозимни ўгиришда транслитерация усулига мурожаат қилиб, адекват таржимага

[43] Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 36.

[44] Парвоначи (вазир муовини). Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, НМИУ. 2008. – Б.137.

эришган پروانچی[parva:nchi:] میرک[Merak]. Султон Ҳусайн Бойқаро мирзонинг қуйидаги таърифи таржимасини кўрсак: *«Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «**Ҳусайний**» эди».* Мазкур жумлада таржимон Ҳусайн Бойқаро тахаллусини урду тилида تخلص تھا **حسینی [Huseyni:]** деб транслитерация йўли билан берган ва адекват таржимага эришган.

Таржимада географик жой номларини англатувчи реалияларга оид мисолларнинг таҳлили қуйидагича: Бобур Кобул таърифида Кобулга карвонлар қайси шаҳарлардан кириб келишини зикр этади: «*Ҳиндустон била Хуросон орасида хушки йўлдин икки бандардур. Бир Кобул, яна бир Қандаҳор. Кошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондин корвон Кобулға келурлар»*[46] . ایک کابل دوسرا قند ہار۔فرغانہ ۔ترکستان،سمرقند بخارا بلخ ۔حصار اور بدخشان سے کابل میں قافلے آتے ہیں ۔ Мазкур жумлалар қиёсидан шуни англаш мумкинки, шаҳарлар номи транслитерация усули билан аслиятдагидек келтирилган, бироқ муаллиф шаҳарларни ва боғловчиси ёрдамида санаб ўтган, таржимада эса тиниш белгилари орқали берилган. Шу жумла давомидаги «*Бу тоғнинг ибтидоси Деварин тангисидиндур»* [47] жумласи таржимада қуйидагича берилган: یہ پہاڑی تنکی انوارین سے شروع ہوتی ہے۔ «*Деварин»* жой номини билдирувчи реалия таржимада ўзгариб, انوارین[Anva:ri:n] бўлиб кетган. Ушбу ўринда тоғ оралиғидаги жой номи, бизнингча, транслитерация усули билан ифодаланса ўринли бўларди.

Умаршайх мирзо адабий портрети таърифида *Ахси* шаҳар номи اخشی[Akhshi:] шаклида хато келтирилган. Шунингдек, Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро адабий портретларида муаллиф Ҳиротни «*Ҳири*» шаклида қўллаган, фикримизча, «*Ҳири»*ни Ҳирот тарзида эмас, асл шаклида қолдириш мақсадга мувофиқ бўларди, *Ҳири*га эса саҳифа остида изоҳ бериш маъқул эди.

Билмон, معلوم نہیں کس گناہ میں ہرت سے خراج ابو سیعد مرزا اور سمرقند گیا ۔ *не жарима била Султон Абусаъид мирзо Ҳирийдин ихрож қилди*[48].

---

[46] Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 107.

[47] Кўрсатилган асар. – Б. 107.

[48] Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. — Б. 132.

Ҳиндистон ҳайвонот оламининг «Фил» тасвирида муаллиф филлар кўп учрайдиган ҳудудни қайд этади: *«Курара ва Маникпурдин ўттуз-қирқ мавзиънинг иши фил тутмоқдур».* Ушбу жумланинг урдуча талқинида: آگرہ اور ناگپور کے علاقے کے تیس چالیس گاؤں والوں کا یہیں کام ہے *Курара ва Маникпур* жой номлари آگرہ اور ناگپور [A:gra] ва [Na:gpu:r] тарзида ўгирилган. Ҳиндистонга оид жой номини билдирувчи реалияларни ўгиришда хатоликка йўл қўйилган. Мазкур ҳолларда ҳам транслитерация усулига мурожаат қилинса маъқул бўларди.

Аслиятда Мирзо Бобур созанда ва бастакорлар таърифида улар чалган чолғу асбоблари ҳақида сўз юритиб шундай ёзади: *«Яна Шайхий Ноий эди, удни ва ғижжакни ҳам хўб чолур экандур. Ўн икки ўн уч ёшидин бери найни хўб чолур экандур»*[49]. Урду тилидаги талқини: ایک شیخیم نائی تھا ۔عود اور غشیراک خوب بجاتا تھا ۔بارہ تیرہ برس کی عمر سے اس نے بجا نی شروع کی تھی ۔ Мазкур жумлада *уд* ва *ғижжак* каби чолғу асбоблари тилга олинган. Ушбу сўзлар урду тилига нисбатан реалия ҳисобланади. Таржимада *уд* нинг عود[u:d] деб берилиши тўғри, аммо *ғижжак* غشیراک[g`ashira:k] деб нотўғри берилган. Бизнингча, *ғижжак* сўзини аслиятдагидек غجّک деб бериб, саҳифа остида изоҳ берилиши тўғри эди. Фикримизча, бу ўринда таржимон чолғу асбоби номини янги сўз яратиш усули орқали ўгирган.

Биноий бадиий тасвирида таржимон *савт ва нақш* бирикмасидаги *«савт»*ни [50]صورت [su:rat] шаклида ёзган: *«Бу тўққуз рангнинг туганиши ва нақшининг яллоси «Рост»тадур»*[51]. *Рост* – мақом термини бўлиб, урду тилига тилига нисбатан миллий хосланган сўздир. Таржимада айни сўз тушириб қолдирилган. Таржимада *...мутақориб баҳри* бирикмасида баҳр номи تقارب [taqa:rib] деб хато ёзилган. Таржимашуносларнинг фикрича, миллий хосланган сўзлар таржимасида энг қийини у ёки бу тушунча, нарса-ҳодиса ҳақида ўқувчи онгида тасаввур ҳосил қилишдир.

Қуш, ҳайвон ва ўсимлик номини англатувчи реалияларнинг таржимаси хусусида шуни айтиш керакки, Заҳириддин Муҳаммад

[49] Кўрсатилган асар – Б.137.
[50] Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002– Б.137.
[51] Кўрсатилган асар. – Б.138.

Бобур борган ерларида ўсимлик ва гулларни табиатшуносларга хос назар билан ўрганиб, қимматли маълумотларни келтиради. Шу жиҳатдан Ҳиндистон наботот олами тасвиридан мисол келтирсак: «*Баъзи ҳиндустоний «гадҳал» дейдур»* [52] Урдуча талқини: اس کو - بعض ہندوستانی **کریل** کہتے ہیں[53]. Ушбу жумлада аслиятда тилга олинган гул номи «*гадҳал*» **کریل** [kareyl] деб берилган. Муаллиф тилшунос сифатида Ҳиндистонга хос бўлган бу гул номини ҳинд халқи қандай талаффуз қилишига эътибор қаратган. Шу боис таржимада гул номи аслиятдагидек «*гадҳал*» каби берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

«Бобурнома» да реалияларнинг кўплаб қўлланилганлиги асарда миллий колоритнинг юқори даражада акс этганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан реалиялар матнннинг прагматик хусусиятларини янада ёркин очиб берилишига хизмат қилади. Улар воқеаларни реал тасвирлашда, шу халққа хос расм-русум, урф-одатларни акс эттиришда намоён бўлади. Миллий хосланган сўзларни таржимада берилишига оид мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, таржимон реалияларни ўгиришда, асосан, транслитерация ва муқобил тушунчаларни бериш усулларидан фойдаланган. Айрим ҳолларда жой номлари, кийим-кечак ва мақом номлари, чолғу асбобларини билдирувчи реалиялар таржимасида номувофиқликлар ҳам кузатилди. Айрим хато-камчиликларга қарамай, «Бобурнома»нинг урдуча таржималари ҳусусан Мирзо Насируддин Ҳайдар таржимаси катта аҳамиятга эга – у урду тилида сўзлашувчи халқлар орасида ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намунаси бўлмиш «Бобурнома»ни оммалаштиришда, бу улуғ асардан бошқа халқларнинг вакиллари ҳам баҳраманд бўлишга имконият яратиш билан ҳам аҳамиятлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002.

[52] Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 206.

[53] تزکِ بابری ، مرزا نصیر الدین حیدربک لینڈ کراچی، ۱۹۶۲،ص. ۳۳۹

2. Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар-реалиялар ва бадиий таржима / Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1982.

3. Очилов Э. Таршимашуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент: ТДШИ, 2014.

4. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966.

5. Файзуллаева Р. Йўллар йироқ, кўнгиллар яқин / Таржима санъати (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1973.

6. تزکِ بابری ، مرزا نصیر الدین حیدربک لینڈ کراچی،۱۹۶۲

«БОБУРНОМА»НИНГ ОЗАРБАЙЖОНЧА ТАРЖИМАСИ

Дилафруз Муҳаммадиева
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети доценти

«Бобурнома» жаҳон адабиётининг нодир дурдонаси ҳисобланади. У ўзининг таржималари билан барча халқлар адабиётига бемисл ҳисса қўшган. Асар дунё тилларига таржима қилинишининг тарихий ва тадрижий жараёнларини кўриб чиқиш асносида, таржимонларнинг аслиятни қайта тиклаш жараёнида нақадар машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги «Бобурнома»нинг жаҳон юзини кўриши учун етарлича тадқиқотлар амалга оширилган. Асар бир неча тилларга таржима қилинган. Қирқдан ортиқ миллат «Бобурнома»ни ўз она тилида мутолаа қилмоқда.

«Бобурнома» бадиий, тарихий, ёднома асар сифатида адабиётшунос, тарихчи, тилшунос каби 20 дан ортиқ соҳа мутахассисларига қимматли маълумот берувчи манбадир. «Бобурнома» яратилган даврдан бошлаб турли даврларда яшаб, турфа тилларда сўзлашган шарқшунослар диққатини ўзига тортиб келган.

«Бобурнома»да Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқларининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, шу мамлакатлар географияси, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси

тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилади. Асар ўз характери билан нафақат туркий тилдаги тарихнавислик – мемуарчиликда фавқулодда янги ҳодиса, балки Шарқ маданияти тарихида ҳам ажойиб янгилик, нодир адабий манба сифатида ардоқланган. Шу сабабли у XVI асрдаёқ бир неча марта форс тилига таржима қилинди, кейинчалик Европа тилларига бир неча марта нашр этилди, батафсил ўрганилди.

«Бобурнома» дунёнинг 18та тилига таржима қилинган ва 3та тилга (мажор-венгер туркман ва италян тиллари) таржима қилиш жараёнлари давом этмоқда.

Ўзга тилларга қилинган таржималарнинг савиясини аниқлаш, уларни ўзаро қиёслаб ўрганиш орқали асарнинг илмий қимматини белгилаш ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа халқлар билан адабий-маданий алоқаларини ўрганиш нуқтайи назаридан ҳам муҳимдир. Зеро, «Бобурнома» дунё шарқшунослари якдиллик билан қайд этганларидек, инсоният маданиятига қўшилган катта улуш ҳисобланади.

«Бобурнома»нинг озарбайжон тилида иккита таржимаси мавжуд бўлиб, Рамиз Аскер томонидан қилинган таржима Бокуда икки марта нашр этилган. Ушбу таржимада (2011) «Бобурнома»нинг туркча (Р.Р.Арат), русча (М.Салье) ва ўзбекча (Порсо Шамсиев) нашрларидан фойдаланилган. Таржиманинг кириш қисмида муаллиф Бобур мирзонинг шахсияти, ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил тўхталади.

Таржимада ҳар бир шахс, ҳар бир жой ёки муҳим тарихий воқеалар алоҳида сарлавҳалар билан ажратиб берилган. Асар шу қадар кичик таснифларга бўлинганки, баъзи сарлавҳа остидаги воқеалар бир саҳифага ҳам бормайди. Масалан, «Султон Маҳмуд мирзонинг Самарқанд тахтига чиқмоғи» (40-б) ёки «Бойсунқур мирзонинг Самарқанд тахтига чиқмоғи» (47-б) бўлимлари ярим бетдан, «Бойсунқур мирзонинг Хисравшоҳ тарафидан ўлдирилмоғи» (85-б) бўлими 7 қатордан иборат. Сарлавҳаларнинг умумий миқдори 153 та.

Таржима ўзбекча ва туркча матнга асосланганлиги учун воқеалар изчил ёритилган, тушиб қолган ёки берилмай ўтиб кетилган

ҳолатлар йўқ. Аммо асарнинг сўнгги 936-йил воқеалари [3.] 935-йил воқеаларига қўшиб юборилиб, шу билан якунланган. Таржиманинг умумий ҳажми 424 бетни ташкил қилади.

Таржимон тарихий шахс ва географик номларни акс эттиришда ҳам ўзига хос йўл тутади. Масалан, илк саҳифаларда келган Фарғона вилоятига қуйидагича таъриф беради: *Hazırda beş vilayətdən ibarət olan tarixi Fərqanə (təxminən 20 000 kv km) üç qonşu dövlətin tərkibindədir: Fərqanə, Əndican və Nəmənqan Özbəkistana, Xocənd Tacikistana, Oş isə Qırğızıstana daxildir. Z]* Кўринадики, таржимон географик ҳудуднинг бугунги ҳолатига кўра таърифлаб, чегаралари аниқ кўрсатиб беради.

Баъзи ўринларда таржимон томонидан берилган изоҳларда ноаниқликлар ёки чалкашликлар учрайди. Масалан, *Əndican naşpatisindən daha yaxşı naşpati tapılmaz* [3.21] гапидаги ношпоти сўзига *Əndicanda yetişən və ən gözəl olduğu söylənən qovun və ya armud növü (Андижонда ўсадиганва жуда ширинлиги айтилган қовун ёки нок тури)* деб изоҳ берилади ва унинг аниқ нок эканлиги айтилмайди.

Бобур марғилонлик аҳолига нисбатан ишлатган сарт атамаси [3.22.] ҳақида ҳам изоҳлардан маълумот олишимиз мумкин. *Sart: türklər və moğollar tərəfindən bəzi gövmlərin ortaq adı olaraq işlədilən termin. Sart adı Türküstanda moğol hakimiyyəti zamanı türk olmayan qövmlər üçün işlənmişdir. Buxara və Xokandda şəhərli və əkinçi xalqın dışındaki köçəri qırğızlara da sart deyilirdi. Qazaxlar isə türkcə və ya farsca danışmalarına baxmadan oturaq əhaliyə sart deyirdilər. Rəsmi yazı dilində taciklər dışındakı türkləşmiş xalq bu adla anılırdı.* Изоҳдан сарт сўзи баъзан турк бўлмаган қавмларга нисбатан, Бухоро ва Қўқонда қирғизларга нисбатан, қозоқларда эса миллатидан қатъий назар, ўтроқ аҳолига нисбатан ишлатилиши англашилади.

Таржимада мақол ва маталлар матн ичида асл манбадагидек ёзилган, ҳаволада ҳозирги озарбайжончада қанақа маъно англатиши берилган. Масалан: «Deh koca və dərəxtan koca» məsəlini, deyəsən, Axsi üçün söyləmişlər [Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama. Çevıren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011. – Б.23.]. («Деҳ кужо ва дарахтон кужо» масалини Ахси учун айтилганга ўхшайди. –

таржима бизники- Д.М.) матн тагидаги изоҳда эса *Kənd harada, ağaclar harada* (қишлоқ қаерда, дарахтлар қаерда, - *таржима бизники-Д.М.)* деб изоҳ берилган.

Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтанд (*(б.142.)*	*Həkimlər adın yad edilməsini ikinci ömür saymışlar.(*б.199);
тенг бўлмагунча тўш бўлмас(б.115.)	*dəng olmayan tuş olmaz (б.155)*;
Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини (б.218.)	*Kim ölər hələkətə yetsə, ol bilir can qədrini (б.321); –*
Агар сад солмони ва-р яке рўз, Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз *(б.99.)*	*İstər yüz il, istər bir gün qal, Bu könül aydınladan köşkü tərk edəcəksən* (133);–
Не бормоққа ере муқаррар, Не турмоққа юрте муайян*(б.160.)*	*Nə getmək üçün qərar verilmiş bir yer, nə də durmaq üçün müəyyən bir yurd vardı(229).*

«Бобурнома»ниг озарбайжонча таржимаси изоҳларга бой, уларнинг асосий қисми сатр остида берилган, диққатга сазовор жойи шундаки, изоҳларда туркча, русча ва ўзбекча нашрлар ўртасидаги фарқлар очиб берилган. Асар сўнггида тушунарсиз сўз ва ибораларга таъриф берилган.

Ҳозирда «Бобурнома» ва унинг таржималарига тегишли бўлган тарихий ҳужжатлар дунёнинг 23 кутубхонасининг ноёб мулки ҳисобланиши ҳам асар салоҳиятининг нечоғлик юқори эканлигини кўрсатади. Асар таржималарининг тадқиқоти шуни англатадики, ҳар қандай вазиятда ҳам таржимон аслиятдан йироқлашмаслиги, асар замиридаги сўз ва фраземалар, реалиялар ёки жой номлари, тарихий шахслар исмларини таржима қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозимлигини кўрсатади. Чунки аслият мансуб бўлган халқ урф-одатлари ва миллий-маданий хусусиятларини, диний, иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзини мукаммал ўрганмай туриб, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар тўғрисида етарли тасаввур ҳосил қилиш, шакл ва мазмуннинг уйғунлигидан иборат таржима яратиш жуда қийиндир. Ҳар қандай аслмонанд таржима замини шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этадики, унинг мазмунига кўпроқ урғу бериб, шаклга эътиборни сусайтириш

асарнинг бадиий ва миллий хусусияти, тарихий ўзига хослигига путур етишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома» таржималари ичида шунчаки ўзга тилга таржима қилинганлиги билангина аҳамиятли бўлган таржималар талайгина, шу билан бирга асар аслиятига анча яқинлашган, тўлиқ ва эътироф этишга арзирли таржималар ҳам мавжуд. Бундай ишлар сирасига озарбайжонча таржимани ҳам киритиш мумкин. Йиллар ўтгани сари «Бобурнома»га қизиқиш ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг ёрқин мисоли қилиб сўнгги йилларда асарнинг янги-янги тилларга таржималарининг амалга ошаётганини, туркий миллатлар орасида ҳам «Бобурнома»нинг бир неча таржима нусхалари пайдо бўлаётганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, №5.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома» Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент, 2002.

3. Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama. Çevıren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011.

4. Отажонов Н. Бадиий таржима ва илмий шарҳ. Филол. фан. ном. ..дисс. – Тошкент, 1978.

5. Холмонова З.Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2009.

6. Ғайбулла ас-Салом, Н.Отажонов. Жаҳонгашта – «Бобурнома». – Тошкент, 1996.

БОБУР МИРЗОНИНГ МУШОИРА КЕЧАЛАРИ ВА МАЖЛИС АҲЛИ

Қораев Шерхон Пўлатхонович,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
ТИҚХММИ МТУнинг Қарши Ирригация ва агротехнологиялар институти доценти.

Шаҳаншоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузуридаги адабий мажлисларда мушоиралар қизғин ва қизиқарли тус олган.

“Бобурнома”да ёзилишича, *“Жолада шеър айтур эл хейли бор эдилар. Мисли, Шайх Абул Воҳид ва Шайх Зайн ва Мулло Алихон ва Турдибек Хоксор, яна баъзилар ҳам бор эди. Суҳбатта Муҳаммад Солиҳнинг бу байти мазкур бўлдиким:*

Маҳбубии ҳар ишвагареро чи кунад кас,
Жое ки ту боши дигареро чи кунад кас.

(Ҳар бир ноз-карашмачининг муҳаббатини нима қилсин киши, сен бўлгай жойда бошқани нима қилсин киши.)

дедукким, бу гўшада айтсунлар. Табъи назми бор эл айтмоқ мақомида бўлдилар. Чун Мулло Алихон била хейли мутояба қилилур эди, ҳазл тарийқи била бу байт бадиҳада хотирға келди:

Монанди ту мадҳуши кареро чи кунад кас,
Ҳар говкуни мода хареро чи кунад кас?

(Сенга ўхшаш ҳушсиз карни нима қилсин киши. Ҳар бир ҳўкизга чопувчи урғочи эшакни нима қилсин, киши).

Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва ҳазл ҳарне хотирға етса эди, мутояба тарийқи била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабиҳ ва зишт назм бўлса марқум бўлур эди [4, 232]”.

Адабий мажлисларда турли қиссалар, достонлар ва ҳикоятлар ҳам ўқилган. Абулқосим Жалойир бир мажлисда “Гапирувчи тўтилар” ҳақидаги ҳикоя айтиб, Бобурга завқ бағишлаган: *“Абулқосим Жалойирким, яқин мулозимларимдиндур, ажаб ривоят қилди: (эмишки) ушбу жинс тўтининг қафаси ёпуқ экандур, тўти айтибдурким: “Рўйи маро во кун ки дамгир шудам (менинг юзумни оч, димиқиб кетдим”. Яна бир навбат каҳорлар (ҳаммоллар) дам олғали ўлтурғонда раҳгузар эл (йўловчилар) ўтиб борадур экандур, тўти дебтурким: “Мардум рафтанд, шумоён намераванд (одамлар кетди, сизлар кетмайсизми)?” Вал-уҳдату алал-ровий (бу гапларнинг тўғрилиги сўзлаб берганнинг зиммасида)* [4, 187]”,-деб ёзилади “Бобурнома”да.

Маълумотларга қараганда, Бобур Мирзо шеърий йиғинлар ташкил этишни хуш кўрган ва бу ҳол унинг адабий суҳбат-мажлислар тасвирланган ғазалларида ҳам акс этган.

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.
Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.
Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила,
Мундан ортиқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати [5, 11]**.**

“Бобурнома”га асосланса, Бобуршоҳ ҳузурида тез-тез мушоира кечалари ўтказилган. Бу эса ўз навбатида ҳукмдор шоирга эстетик завқ ва илҳом бахш этган, дейиш мумкин.

Соқи эрур ишрат чоғи, афсурда бўлма дай била,
Ўттек чоғир келтур, дағи суҳбат тунотур май била...
Мажлисда бордур сар-басар май нашъасидин шўру шаръ,
Борини масту бехабар қил жоми пайдар-пай била.
Ҳамдард ёре қониким, бир ғамгусоре қониким,
Абри баҳоре қониким, Бобур киби йиғлай била[5, 4]**.**

Бундай адабий кечаларда ижод аҳли, шоиру санъаткорлар, зиёлилар ҳозиру нозир бўлганлар. “Бобурнома”ни кўчирган “мусаввиди авроқ” (котиб) кўп вақтини адабиёт аҳли билан мушоирада ўтказган Бобур Мирзо ва унинг мажлис аҳли-адабий йиғинлар иштирокчилари ҳақида маълумот бериб ўтган: *“Булар: Абулбақоким, илми ҳикмат бобида бебадал эди. Ва Шайх Зайн садркким, Зайниддин Хавофийнинг набираси эрди: ҳиддати табъи бор эди, назм ва иншодин салиқалиғ ва Ҳумоюн подшоҳ замонида умаролиғ ҳам топиб эди. Ва Султон Муҳаммад кўсаким, Мир Алишер (Навоий)нинг мусоҳибларидин эрдиким, подшоҳ суҳбати(адабий йиғин)да иззат топиб, сарафроз бўлуб эрди. Ва Мавлоно Шиҳоб Муаммойиким, “Фақирий” тахаллус қилиб эди, фазойил ва шеърдин насибаси бор эди... Ва Сурх Вадоийким, туркий ва форсийда назм айтур эди. Ва Мулло Бақоийни салиқаси кўп эрди ва “Махзанул асрор” вазнида подшоҳ отиға маснавий айтиб эди... Ва (Ғиёсиддин) Хондамир муаррихким, турфа киши эди. Тасонифлари борким, халқ орасида машҳурдур: “Ҳабиб-ус-сияр” ва “Хулосат-ул-ахбор” ва “Дастур анвор” ва ўзга тасниф(китоб)лари*

ҳам бор [2, 267]”. Бундан ташқари, Абдуллоҳ асас Бобурнинг базмларида фаол иштирок этган аъёнларидан бири бўлган. Султон кутубхонаси бошлиғи, шеъриятни тушунадиган, зукко ва ширинсухан Абдуллоҳ Китобдор ҳам Бобурга яқин ҳамсуҳбат бўлган. Бобур қатор шеърларида дилкаш суҳбатдошлар билан мажлис тузганини айтиб ўтган:

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди,
Мажлис аҳли бори дилхоҳу бори дилкаш эди.
Борининг сўзи эди хубу латифу рангин,
Не паришону не бемаънию не чирмаш эди...
Бори аҳбоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ,
Созу хонанда била нуқлу майи беғаш эди...
Барча таъзим қилиб бир-бирини мастона,
Гоҳ бошта оёқ эрди, гоҳ оёқда бош эди.
Тун яримиғача бу навъ эдию ондин сўнг,
Мажлис аҳлининг иши ҳар сориға тарқаш эди.
Мен иликдин бориб эрдим, тутиб илгимни биров,
Мени уйғотди, кўз очтим эса, ул маҳваш эди...
Бобур ар ҳарза деди, мажлис эли, айб этманг,
Карам айланг, ани маъзур тутунг, сархуш эди[6, 66]**.**

Туркман шоири Муҳаммад Байрамхон (1501-1562)га Бобур расмий мушоираларда қатнашишга рухсат берган. Қасиданавис шоир ва олим Нажмиддин Муҳаммад Абулқосим Коҳий (1463-1581) Бобур, Ҳумоюн ва Акбаршоҳ саройидаги шеърий суҳбатларда қатнашган. Мулло Шамс – Бобурнинг надимларидан бири бўлиб, у ҳукмдорнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, ҳамсуҳбатлик қилиш, жумладан, қизиқ ва ибратли ҳикоялар айтиш билан шуғулланган. Шоир Мулло Ҳажрий эса 1502 йили Бобур хизматига кириб, унинг мажлисларида иштирок этган. Бобурга бағишлаб, “Ортуқсен” радифли ғазал ёзган. Бобурнинг яқинларидан бири Муҳаммадий кўкалдош унинг доимий ҳамсуҳбатларидан бири бўлган. Подшоҳнинг мулозимларидан Турди Муҳаммад қипчоқ Бобур ҳузурида ўтказилган кўнгилочар мажлисларда қатнашган [7, 506]. Яъни, “Бобурнома”да ёзилишича, *‘‘Чанор боғининг эшигида солғон суратхонанинг шарқи-жануб сари ёнида кичикрак оққина уй*

тикилиб эди, анда мажлис бўлди. Турди Муҳаммад қипчоқ била Мулло Китобдорни ҳам мажлисқа тиладук[4, 117]". Мажлисларда қизиқчилар ва масхарабозлар ҳам қатнашиб, йиғинларни қизитишган. Ғиёс масхара – Бобур саройида масхарабоз вазифасида хизмат қилган [7, 628]. Ғиёс масхара ҳақида "Бобурнома"да шундай қайд этилган: *"Сўнгра Ғиёс масхара келди. Неча қатла мажлистин мутояба тариқи била буюрилдиким, ихрож қилдилар. Охир шалойин бўлуб, масхаралиқ била мажлисда йўл топди*[4, 202]". Созандалардан Нурбек Бобуршоҳ ҳузурида уюштириладиган кўнгилочар мажлисларда уд чалган. Бобур саройида хизмат қилган машшоқлардан бири Нурулло(ҳ) Танбурчи бўлган[7, 402]. Бобурнинг Ҳиндистондаги саройида Абулқосим Хонанда, Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Тенгриқули, Иброҳим Қонуний, Нўъмон Лангархон каби мусиқачилар, хонандалар хизмат қилган ва улар форсча ва туркий қўшиқлар куйлаб мажлисларга файзу тароват бағишлашган. "Бобурнома"да ёзилишича, *"Шанба куни рабиул-аввал ойининг ўнида офтоб ҳамалга тақвил қилди. Ушбу кун намози пешин сайр қила отланиб, кемага кириб арақ ичилди. Аҳли мажлис: Хожа Дўст Хованд, Дўстбек, Мирим, Мирзо Қули, Муҳаммадий, Аҳмадий, Юнус Али, Муҳаммад Али жанг-жанг, Гадойи тағойи, Мир Хурд асас, аҳли нағма Руҳдам, Бобожон, Қосим, Юсуф Али, Тенгриқули, Рамазон* [4, 209]". Айниқса, хонанда Руҳдам истеъдоди мажлисларда юқори баҳоланган:

Гар Руҳдам этса эрди оҳанги нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрдию, не ғам,
То борғали Руҳдам бизинг мажлисдин,
Мажлис элига не руҳ қолдию не дам [5, 44]**.**

Хулоса қилиб айтганда, Бобур Мирзо ҳузуридаги адабий мажлислар мумтоз адабиётимиз тараққиётига хизмат қилган. Адабий йиғинларда шоирлар ва санъаткорлар ўз истеъдодини намоён этиб, танилган ҳамда улар томонидан шоҳ асарлар яратилган. Албатта, келгусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурида ўтказилган шеърият кечаларини тадқиқ этиш бобуршунослик фанини янги-янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.:Ўқитувчи, 2008.

2.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Шарқ НМАК БТ-2002.

3.Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т.: Ўзбекистон, 2011.

4.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1990.

5.Бобир. Танланган асарлар. Т.: Ўқитувчи, 1983.

6.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Т.: Фан, 1994.

7.Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ-2014.

“TARIXI RASHIDIY” ASARIDA BOBUR TAVSIFI

Muminova Saodat Aralovna,
Qarshi davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Iste’dodli muarrix Muhammad Haydar Mirzoning “Tarixi Rashidiy” asari badiiy jihatdan barkamol, tili va uslubi ravon. Ushbu asar Markaziy Osiyo mamlakatlari tarixini yoritib beruvchi tarixiy manbalar bilan bir qatorda turadi. Sharafiddin Ali Yazdiyning “Zafarnoma”, Fazlilloh Roshididdinning “Jome ut–tavorix”, Muhammad Mirxondning “Ravzatus-safo”, Hofiz Tanish Buxoriyning “Abdullanoma”, Shermuhammad Munisning “Firdavs ul–iqbol”, Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” kabi asarlari bilan tenglasha oladigan mukammal tarixiy memuardir. Buyuk Tolstoy “Davlat arbobining qilmishlari to‘g‘risida gapirganda oddiy bir shaxsning qilmishi-yu, sarkarda yoki imperatorning qilmishini farq qilish kerak” [3.5], deb yozganida haq edi. Sababi, oddiy bir shaxsning fazilatlari yoki salbiy xislatlari nari borsa, yon-veridagi insonlarga ta’sir ko‘rsatadi. Ammo ulug‘ zotlarning yurish-turishlaridan tortib, amalga oshirgan ishlari, g’alabasi-yu mag’lubiyatlari, hayot tarzi, fazilatlari-yu qusurlari, qisqasi barcha-barchasi butun dunyoga ta’sir o’tkazadi. Shu ma’noda, buyuk ajdodimiz, dunyoni lol qoldirgan ulug‘ inson hayoti haqidagi har qanday ma’lumot bizga qadrlidir.

XV-XVI asrlardagi Markaziy Osiyo tarixini Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” va Muhammad Haydar Mirzoning “Tarixi Rashidiy” asarlari tadqiqi asosida yaratish mumkinligini mashhur yapon olimi Eyji Mano “Bobur va uning davri” fundamental monografiyasida: “Chig’atoy va mo‘g’ullar davrini tadqiq qilish uchun biz foydalangan asosiy tarixiy manbalar Boburning “Boburnoma”si hamda Mirzo Muhammad Haydarning “Tarixi Rashidiy” asaridir” [4.6], deb yozgan edi.

Hayot insonga bir marta beriladi. Ana shu imkoniyatni boy berish mumkin emas. Yashashdan ma’no-mazmun bo‘lishi kerak. Shu bois Onore de Balzak “XIX asr fransuz yozuvchilariga maktub” ida: “Fikrni Xudo beradi va u Xudoga qaytadi, fikr qurollardan yuqoriroq turadi, fikr ularning boshiga toj bo‘lib qo‘nmog‘i va ularni tojdan mahrum etmog‘i mumkin” [1.216], - deb yozadi. Fikr inson taqdiriga daxldor bo‘lgan eng katta va eng qudratli kuch. Fikr inson xatti-harakatlarini boshqaradi, uni yaxshilik yoki yomonlik, ezgulik yoki yovuzlik, muhabbat yoki xiyonatga yetaklaydi. Demak, qaysidir ma’noda biz o‘z fikrlarimizning natijasi, hosilasimiz. Tarixiy asarlar bag’ridagi haqiqatning vazifasi insonni to‘g‘ri fikrlashga o‘rgatish, ongda kechgan fikrlarni aql tarozisida tortib to‘g‘ri xulosa chiqarish malakasini shakllantirishdan iborat. Shu ma’noda, Muhammad Haydar Mirzoning asari olis tariximizdan darak berishi bilan birga o‘quvchini mushohadaga undaydi.

Muhammad Haydar Mirzo “Tarixi Rashidiy” ikki kitobdan iborat mazkur asarni 1541-1546-yillarda yozgan. Kitobning dastlabki qismida uning yozilish sabablari, muqaddimasi va Sharafiddin Ali Yazdiyning ‘’Zafarnoma’’sidan ko‘chirmalar berilgan. Ikkinchi kitobida esa, asosan, Zahirddin Muhammad Bobur va uning avlodlari, muallifning ular bilan munosabatlari bayon etilgan. Ma’lumki, Muhammad Haydar Mirzo to‘qqiz yoshdaligida otasi Muhammad Husayn Dug’lat Shayboniyxon tomonidan o‘ldiriladi. Uni Bobur huzuriga olib keladilar. Adib bu voqealarni butun tafsilotlari bilan haqqoniy tasvirlaydi. Bobur Mirzoning bu yetim jiyanini alohida izzat-ikrom bilan kutib olganligi, unga o‘z o‘g’illariga qilgan mehribonchiliklar ko‘rsatgan holatlari asar muallifi tomonidan quyidagicha bayon qilingan: “Bobur shoh huzurida gadolikdan shohona hayotga kirib kelganday bo‘ldim. Gilamlar to‘shalgan alohida uy

butun jihozlari, xizmatkorlari, barcha yegulik va kiyim-kechaklari bilan mening ixtiyorimga berildi. Xuddi otamday g'amxo'rlik qilib meni bilim olishga chorladi, ilm-u hunarda biror yutuqqa erishsam, boshqalarga buni ibrat qilib ko'rsatar va rag'batlarga ko'mib tashlardi" [3.307].

"Tarixi Rashidiy" ning har bir satrida "Hind sorig'a bosh olib ketgan" Bobur Mirzo avlodining kimligi, ularning nasl-nasabi kimlar bilan tutashishi, shaxsiyati, hayoti, ijodi, u bilan birga kechgan voqealar haqqoniy o'z aksini topgan. Asarda "Boburnoma" aks ettirmagan, yoki to'liq ifoda etilmagan juda ko'plab lavhalarni ko'rishimiz mumkin. Bobur Mirzoning tug'ilishi va u haqidagi boshqa ma'lumotlarga e'tiborimizni qaratsak. "Xullas, Podshoh (ya'ni kitob muallifi Bobur Mirzoni shunday deb atagan) sakkiz yuz sakson sakkizinchi yil muharram oyining oltinchi (1483-yilning 14-fevrali) kunida tavallud topdi. Ulug'bekning ulamoyi mutahhirlaridan biri-Mavlono Munir Marg'inoniy uning tug'ilgan yili tarixini "Shashi muharram" (muharram oyining oltinchi kuni) so'zlaridan topdi. Ular Hazrat Eshon Ubaydullohdan go'dakka ism qo'yib berishni so'rashdi. U kishi Zahiriddin Muhammad ismi bilan musharraf qildilar. U paytda chig'atoylar ko'chmanchi hayot kechirishar, o'troq emas edi, ular Zahiriddin Muhammadni aytishga qiynalardi, shu sababli uni Bobur deb ham atardilar. Xutba va yorliqlarda uni "Zahiriddin Muhammad Bobur" deb aytishdi va yozishdi. Ammo u ko'proq Bobur Podshoh nomi bilan mashhurdir" [3.249]. Ko'p manbalarda Bobur ismi arabcha "babr", ya'ni "she'r", "yo'lbars" degan ma'noni ifodalaydi. Bunday nom qo'yilishining sababi Zahiriddin Muhammad mard, jasur, qo'rqmas, botir, hech kimdan hayiqmaydigan inson bo'lib yetishsin degan maqsadda qo'yilgan degan ma'lumotlar yozilgan. Ushbu parcha orqali biz aholi Zahiriddin Muhammad nomini aytishga qiynalgani uchun ham Bobur deb atashgani haqidagi yangi ma'lumotlarga ega bo'ldik va haqiqatdan ham Bobur Mirzo Zahiriddin Muhammad nomi bilan emas, balki Bobur Podshoh nomi bilan el orasida mashhurdir.

Asarda Bobur Mirzoning nasl-nasabi haqida shunday ma'lumot berilgan: "Umarshayx ko'ragon ibn Sulton Abusaid ko'ragon ibn Sulton Muhammad mirzo ibn Mironshoh mirzo ibn Amir Temur ko'ragondir. Ona tomondan-Qutluq Nigor xonim Yunusxon qizi ibn Uvaysxon ibn Sheralixon ibn Muhammad ibn Hizr Xojaxon ibn Tug'luq Temurxondir"

[4. 250]. Muallif Bobur Mirzoning ijodi haqida shunday deb yozadi: “U turli go‘zal fazilatlar, maqtovga loyiq sifatlarga ega podshoh edi. Barcha sifatlari ichida shijoat va muruvvatpeshaligi ustun kelardi. Turkiy she’riyatda Mir Alisherdan keyin hech kim uningchalik ko‘p yozmagan. U turkiyda ajoyib totli devon tartib bergan. “Mubayyin” nomli she’riy asar yaratgan-juda foydali kitob bo‘lib, odamlar uni fiqh dasturamali sifatida qabul qilishgan. U “Turkiy aruz” ni yozganki, bunday yetuk asarni–turkiy aruzni ungacha hech kim bitmagan. Hazrat Eshon (Xoja Ubaydulloh) ning “Risolai volidiya” asarini nazmiy tajima qilgan. Uning “Vaqoe” (“Boburnoma”) nomida turkiy tildagi tarixiy asari borki, u juda aniq, tushunarli, shirali, sof jonli tilda bitilgan. Undan ayrim parchalar mazkur “Tarix” da ham keltiriladi. Musiqiy va boshqa san’atlarda uning xonadonida ungacha bunday iqtidorli kishi bo‘lmagan” [4. 250]. Bu kabi ma’lumotlarni biz boshqa manbalarda ham uchratishimiz mumkin. Ammo ushbu parchadagi ta’riflarni, ifoda yo‘sinini boshqa kitoblarda uchratmaymiz. “Mir Alisherdan keyin hech kim uningchalik ko‘p yozmagan” degan ta’rifning o‘zi bir katta bahodir. Bu orqali biz Muhammad Haydar Mirzoning Bobur Mirzo hayoti va ijodi haqida juda ko‘plab ma’lumotlarni bilganini ko‘rishimiz mumkin. Bundan tashqari muallif Bobur Mirzoning hayotiy faoliyati, uning erishgan yutuqlari va mag’lubiyatlari haqida shunday yozadi: “Uning boshidan shunday g’aroyib voqealar, hayratlanarli sarguzashtlar va janglar kechganki, uning o‘g’illaridan birortasi bunday voqealarni boshidan kechirmagan. Otasi Umarshayx mirzo olamdan o‘tganda u o‘n ikki yoshda edi. Bu haqda “Vaqoe” da shunday mohirona satrlar bitilganki, ularni dalil sifatida bu yerda keltiramiz: “Dushanba kuni ramazon oyining to‘rtida Umarshayx mirzo kabutarxonadin kabutar birla uchub, shunqor bo‘ldi. O‘ttiz to‘qqiz yashar edi. Bu voqea 899 (8-iyun 1494) yilda sodir bo‘ldi, Bobur o‘shanda otasining o‘limidan so‘ng o‘n ikki yoshida taxtga chiqqan edi”. Ushbu voqea, ya’ni Bobur Mirzoning taxtga o‘tirish voqeasi “Boburnoma”da quyidagicha tasvirlanadi: “Tengri taoloning inoyati bilan va hazrati on Sarvari koinotning shafoati bilan va chahoryori bosafolarning himmati bilan seshanba kuni ramazon oyining beshida tarix sakkiz yuz to‘qson to‘qquzda Farg’ona viloyatida o‘n ikki yoshta podshoh bo‘ldim” [2. 5]. Bu ma’lumotni keltirishdan maqsadimiz Bobur Mirzo haqidagi ma’lumotlarni

aniq faktlar bilan ko‘rsatib berishdan iborat edi. Bobur Mirzo taxtga o‘tirgach, nima voqealar sodir bo‘lgani haqida birma-bir berib boriladi ushbu kitobda. Bobur Mirzoning Samarqand uchun olib borgan kurashlari ajoyib va jonli tarzda, aniq voqealar bilan tasvirlab berilgan. Podshohning juda ham muruvvatpesha bo‘lganini alohida tasvirlab o‘tgan muallifning haqligini ko‘rsatish uchun ushbu parchani keltirishni lozim deb topdik. Tabiatan muruvvatli inson bo‘lgan Bobur Podshoh Mirzoxonga muloyim ohangda: “Afsus, ming afsuslar bo‘lsinki, mana shunday hurmatli podshohlarga shayton makkorligini qo‘llaydi” [4.5], dedi. Bobur muruvvat durlarini bag’rikenglik zumradiga shunchalik ishqaladiki, oxiri Mirzoxon bir so‘z demay rozi bo‘ldi. Xisravshoh, Podshoh va Mirzoxonning uni shohona rasm-qoida va izzat-ikrom bilan kutib olishganini ko‘rgach, g’addor manglayini uyat va xijolat teri bosa boshladi. Podshoh esa uning terini afv etagi va marhamat yengi bilan artdi. Qabul tugagach, Podshoh o‘z odamlariga Xisravshohning hamma narsasini - chodirlari, boyliklari, otlari va hokazolarni undan qanday olishgan bo‘lsa, o‘sha holatda qaytarib berishni buyurdi. Garchi Podshoh oilasida birgina ot bo‘lib, uni ham volidayi muhtaramasi minib kelayotgan, shunga ko‘ra unda narsalarga muhtojlik bo‘lsa-da, u Xisravshoh buyumlaridan hech narsa olmadi, Xisravshohning o‘zi unga sovg’a sifatida bir narsani o‘sha uchrashuv paytida, hali narsalarini qaytib olmay turib va’da qildi, butun qurol-aslahalari-yu xazinasi bekamu ko‘st qo‘liga tekkach, o‘sha va’da qilgan narsasini Podshohga berdi” [2. 257]. Haqiqatan ham Bobur Podshoh juda ham muruvvatli inson bo‘lgan. Podshoh bo‘lsa ham hech qachon boylikka uchmagan. Hech bir asar uning muallifi shaxsiyatidan ayro bo‘lmasligi ma’lum:

Beqaydmenu xarobu siym ermasmen,
Ham mol yig’ishtirur laim ermasmen.
Kobulda iqomat qildi Bobur dersiz,
Andoq demangizlarki, muqim ermasmen.

Bobur Mirzoning Haydar Mirzoga ko‘rsatgan muruvvatlari haqida muallif shunday yozadi: “Sening otang pochcham, mening tog’am - xon, aka-ukalaring, qarindosh urug’laring shahidlik sharbatini ichib, Allohga ming qadar shukrki, sen yonimga eson-omon kelding. Endi ulardan ayrilishingga hech g’am chekma, chunki ularning o‘rnini ortig’i bilan

bosaman. Ulardan qanchalik mehr-muhabbat va rahm-shafqat kutish mumkin bo‘lsa, shularning hammasini, hatto undan ham ko‘pini senga bera olaman” [4. 345]. Shu fikrlarni davomi sifatida muallif yana bir qancha ma’lumotlarni berib o‘tadi.

O‘zbekiston va jahon tarixchi olimlari “Markaziy Osiyo haqidagi yagona mukammal asar” deb bir ovozdan tasdiqlangan “Tarixi Rashidiy” asari nafaqat Mo‘g’uliston, ayni paytda O‘rta Osiyoning o‘sha davrdagi yirik shaharlari Andijon, Toshkent, Xo‘jand, Sayram, Turkiston, O‘ratepa, Samarqand, Buxoro, Qarshi, Hisor, Qunduz, Marv va boshqa mamlakatlar: Afg’oniston, Pokiston, Hindiston, Sharqiy Turkiston va Kashmirning XV-XVI asrlardagi tarixini o‘rganishda birlamchi manbalardan bo‘lib xizmat qiladi. Asar Bobur shaxsiyatini haqqoniy, to‘laqonli aks ettirganligi bilan katta ilmiy qimmatga ega. Buyuk tarixiy shaxslar nafaqat amallari, balki shaxsiyatlari bilan ham kelajak avlodlarni munosib tarbiya qila oladilar. Zero, “Bobur Mirzo o‘z davri va o‘z muhitidan baland turgan ma’rifatli siymo va haqiqat uchun kurashuvchi botir shaxs” sifatida alohida ehtiromga loyiq” [5. 211] dir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Jahon adiblari adabiyoti haqida. – T.: Ma’naviyat, 2010. – 216 b.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma.T.: 2002. – 336 b.
3. Лев Толстойнинг тафаккур жавҳарлари. Тўпловчи: И.Ғаниев. T.: 2019.
4. Muhammad Haydar Mirzo.Tarixi Rashidiy. / Tarjimonlar: Vahob Rahmonov, Yanglish Egamova, Mas’ul muharrir: akademik Aziz Qayumov// T.: “Sharq”, 2010, - 720 b.
5. P.Qodirov. Til va el.– T.: “Ma’naviyat”, 2010. – 295 b.

«БОБУР ДЕВОНИ»НИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ҳайитов Шуҳрат Мойлиевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
«O‘zbekiston tarixi» телеканали директори

Шу кунга қадар «Бобур девони»нинг 9 та қўлёзмаси топилган бўлиб, кейинги тадқиқотларга кўра шоирнинг ҳали илм аҳлига маълум бўлмаган яна бир қўлёзма нусхаси ҳам мавжудлиги

айтилади[1]. Бобур девонининг қўлёзма нусхалари бугунги кунда Англия[2], Франция[2], Ҳиндистон[3] ва Туркия[4] кутубхоналарида сақланиб келинмоқда. Бу нусхалар орасида энг ишончли ва тўлиқ матн эса Туркияда сақланаётган қўлёзмалардир. Мазкур қўлёзмалар асосида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг ҳам кўлами кенгдир.

Қўлёзма манбалар асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърларини нашр этиш жараёнини даставвал Д.Росс (1910) [5] бошлаган бўлса, сўнгра Ф.Кўпрулу (1915) [6], А.Самойлович (1917) [7], С.Азимжонова ва А.Қаюмов (1965) [8], С.Ҳасанов (1982) [9], Ш.Ёрқин (1983, 2008) [10], А.Абдуғафуров (1994) [11], Б.Южел (1995) [12], Ҳ. Муҳаммадхўжаев (1996) [13], Р.Куриенов (2005) [14], Э.Очилов (2007) [15], В.Раҳмонов (2008) [16], Р. Аскар (2011), А.Аъзамов (2014) [17] ҳамда М.Кенжабек (2022) [18] каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Бобуршуносликдаги кейинги тадқиқот ишларида шоир шеърларининг умумий ҳажми 400 дан ортиши ва саккизта шеърий жанрда ижод қилганлиги айтилади[15]. Шундан ғазаллар – 126 та (3 таси тугалланмаган), маснавий – 12 та, қитъа – 23 та, туюқ – 20 та, фард – 117 та, муаммо – 54 та, рубоий – 230 та ва бир нечта масну шеър. Бобур шеъриятининг ушбу келтирилган жанр кўрсаткичлари кўпгина адабиётларда 119 ғазал, 231 рубоий тарзида учрайди[15]. Бу борада «Бобур девони»нинг (1995) туркча таржимасида келтирилган маълумотлар ҳам фарқлидир[12]. Бундан ташқари, ўтган 2022 йилда Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси билан адабиётшунос олим Мирзо Кенжабек томонидан тайёрланиб, нашр этилган «Куллиёт» ҳам бу борада ўзига хос ҳисобланади. Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир илмий нашр маълум бир қўлёзма нусхага асосланганлиги кўринади.

«Бобур девони»нинг таржима нашрлари ҳақида сўз борганда эса туркиялик бобуршунос олим Южел Билол томонидан тайёрланган таржима нашри ўзининг бир қанча яхши хусусиятлари билан ажралиб туради. Икки кичик бўлимдан иборат «Кириш» (3-27), икки катта қисмдан ташкил топган «Грамматика» (31-91), «Рисолайи волидийя» таржимаси (95-118), «Девон» (119-326),

«Луғат» (327-447), «Адабиётлар рўйхати» (449-460), «Бобур девони»нинг Туркия нусхаси факсимелеси (461-566) ҳамда «Dizin» - шеър рақамлари кўрсатгичи (567-575) бўлимларини қамраб олган ушбу нашр шоир шеъриятининг тил, матн хусусиятларини ўрганишда муҳим ҳисобланади. Унда «Бобур девони» қўлёзмаларининг матни ва тилига доир ҳам тавсифий маълумотлар келтирилади. Умуман, бу асар Бобур шеърияти ҳақида китобхонга кенг маълумотлар беради. Аммо бу тадқиқот ишида ҳам Бобурнинг бадиий маҳорати масалалари адабиётшунослик нуқтаи назаридан очиб берилмайди.

Бобур шеъриятининг ўрганилиши ҳақида гап борганда, айниқса, туркий халқлар, жумладан, ўзбек, турк, озарбойжон адабиёти вакилларининг бу борадаги илмий изларишлари қаторида туркманистонлик олимларнинг ҳам муносиб ўрни бор эканлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, истеъдодли олим, моҳир таржимон Раҳиммамат Куренов илмий фаолияти фикримизга мисолдир. «Бобур девони» ва «Рисолаий волидийя» асарлари таржимони, туркман адабий жараёнининг фаол аъзоси, адабиётшунос олим Р.Куренов бугунги кунда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уларга дахлдор умумий маънавий меросни бир-бирига безавол етказиш, тарихий илдизларга эга муштарак нуқталарни уйғунлаштириш, айниқса, мумтоз адабиётимизнинг нодир манбаларини, жумладан, Алишер Навоий ва Бобур асарларини чуқур ўрганиш ва таржима қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш олимлардан биридир, десак хато бўлмайди. Р.Куреновнинг, айниқса, Туркманистоннинг энг нуфузли нашрларидан бири – «Мерос» илмий-оммабоп журналида ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, А.Навоий ва Бобур асарлари тадқиқига доир эълон қилган қатор мақолаларини илмий-адабий жамоатчилигимиз яхши билишади.

Олимнинг бобуршунослик илмига қўшган ҳиссаси, унинг «Бобур девони»ни туркман тилига қилган таржимаси билан ўлчанади. 2005 йилда Туркманистоннинг ўша пайтдаги Президенти – Сапармурат туркманбошининг бевосита ташаббуси билан

Туркманистон миллий маданияти «Мерос» маркази ва Туркманистон миллий қўлёзмалар институти кўмагида амалга оширилган «Бобур девони»нинг туркманча таржимасида туркманбошининг кириш сўзи, «Девон», «Рисолаи волидийя» ҳамда таржимоннинг Бобур адабий мероси ҳақидаги қисқача маълумотлари (сўнг сўзи) ва «Луғат» бўлими ўрин олган[14]. Олимнинг мумтоз адабиётга бўлган ботиний интилиши, ўзбек адабиётига бўлган ўзига хос қизиқиши туркман адабиётида бобуршунослик соҳасининг ривожланишига сабаб бўлди. Туркманистонда бобуршунослик илмий ривожига салмоқли ҳисса қўшган олим халқаро миқёсда ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширишга эришди.

Р.Куренов Бобурнинг адабий мероси ҳақида тўхталар экан, XIII-XV асрдаги сиёсий аҳвол, ижтимоий ҳаёт, Бобуршоҳ замонига оид муҳим тарихий воқеалар, Бобур ҳаёти ва ижоди, шажараси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир жиҳатлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтади. Бобур Мирзонинг сиёсий маҳорати, динга муносабати, тил ва адабиёт соҳасидаги юксак билимини эътироф этади. Буюк саркарданинг Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкаларидаги фаолияти ҳақида қисқача баён қилади. «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Мубаййан», «Рисолаи волидийя», «Бобур Девони» ва уларнинг нашри, туркий халқлар адабиётидаги ўрни, жумладан туркман адабиётига таъсири масалалари, асарларининг ўрганилиш тарихи, масалан, шоир «Девон»ининг ёзилиш тарихи ҳамда қўлёзма нусхалари, шунингдек, шоир куллиётининг Истанбул, Париж, Рампур, Теҳрон қўлёзма нусхалари ҳақида қисқа бўлса-да маълумотлар келтириб ўтади.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, туркий халқлар, хусусан, туркман адабиётида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган қизиқиш дунё бобуршунослик илмида муҳим ўринни эгалайди. Бобур асарларини, жумладан, «Бобур девони»ннинг айниқса туркий халқлар адабиётида ўрганилиш жараёнида тўпланган билим ва тажрибалар бобуршунослик соҳасидаги келгусидаги тадқиқотларнинг юзага келишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Бу ҳақда қаранг: Жўрабоев О. Бобурнинг нечта девони бор // Тил ва адабиёт таълими – Тошкент, 2018. №-2. -Б. 41-43.
2. Девони Бобур подшоҳ. Англия, Лондон, Британия музиейи кутубхонаси, D.P.1402 (london, The British Library D.P.1402, Turki ms 25).
3. Девони туркий Бобур подшоҳ. Франция, Париж Миллий кутубхонаси. (Paris, Bibliotheque Nationale Suppl, Turk, № 1230).
4. 1). Девони Бобур. Ҳиндистон, Рампур Наввоб кутубхонаси, №19. (India, Library of Highness Nawwab, №19) Қўлёзма факсимилесини Д.Росс (9010) сўнгра С.Азимжонова (1966) эълон қилган; 2) Девони Бобур подшоҳ. Ҳиндистон, Ҳайдаробод, Саларжанг музейи, №4 (India, Salar jung Estate Library, No:4); 3) Девони Бобур подшоҳ. Ҳиндистон Ҳайдаробод, Саларжанг музейи, №18. (India, Salar jung Estate Lebrary, No:18);
5. 1) Девони Бобуршоҳ чиғотойи. Туркия, Истанбул университети кутубхонаси. № 3743; 2) Девони Султонул-аъзам Бобур Мирзо. Туркия, Истанбул, Топқопи саройи Равон кутубхонаси №2314; 3) Девони Мирзо Бобур. Туркия, Истанбул шаҳар кутубхонаси, Муаллим Жавдат қўлёзмалар бўлими К. №332.
6. Э.Д.Росс. A Colliktion of Poems by the Emperor. Bobur. Divan-I Babür Padişah, Journal ind Proceedings of the Asiatik Society of Bengal, Vol.6, Extra No., Calkutta, 1910.
7. Köprülü, M.Fuad. Babür Şahin şiirleri // Millî Tetebbular Mecmuası (MTM), − İstanbul, 1915.
8. А.Самойлович. Собрание стихотворений императора Бабура. − Петроград, 1917.
9. С.Азимжонова, А.Қаюмов. Бобир лирикаси. − Тошкент, 1958. – Б. 119; Асарлар. 1-жилд. (уч жилдлик) Девон. Бадиий адабиёт нашриёти. − Тошкент, 1965. – Б. 236. Нашрга тайёрловчилар: С.Азимжонова, А.Қаюмов; С.Азимджанова. Индийский диван Бабура. − Тошкент, 1966.
10. С.Ҳасанов. Бобир шеъриятидан. − Тошкент, 1982. – Б.142; С.Ҳасанов. Маҳрами асрор топмадим (Париж девони нусхаси. Шеърлар). – Тошкент, 1993. – Б.80.

11. Ш.Ёрқин. Бобур девони. – Кабул, 1983; Ш.Ёрқин. Дарё дар гуҳар (Бобур девонининг тўлиқ танқидий нашри. Кобул нашрига такмила) − Тошкент, 2008, – Б. 112.

12. А.Абдуғафуров. Девон. – Тошкент, 1994, – Б. 142.

13. Bilâl. Babür Dîvânı. Atatürk Kültür Merkezi Yay. − Ankara.1995. S.s.575.

14. Ҳ.Муҳаммадхўжаев. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент, 1996, – Б.201.

15. Э.Очилов. Сочининг савдоси тушти. – Тошкент, Шарқ. НМАК, 2007. – Б.288.

16. В.Раҳмонов. Ғарибинг андижонийдур. – Тошкент, 2008. Шарқ НМАК.

17. А.Аъзамов Бобур девони. Назм маҳорати. – Тошкент, 2014. – Б. 234.

18. Бу ҳақда қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент, 2014. – Б. 122.

19. Бу ҳақда қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти. Шеърлар тўплами. (Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи: Э.Очилов). – Тошкент, 2007.Шарқ. НМАК. – Б.4.

20. Қаранг: Bilâl. Babür Dîvânı. Atatürk Kültür Merkezi Yay. − Ankara.1995. S.s. 575.

БОБУРИЙ ИЖОДКОРЛАРНИНГ НАЗМИЙ АСАРЛАРИ МАНБАЛАРИ

(ЎЗР ФА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)

Эшонова Салимахон Нишонбек қизи,
филология фанлари номзоди,
ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири

Кўҳна Андижон фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1430) нафақат ўзи, балки унинг сулоласига мансуб бир қанча авлоди аҳли назм бўлган.

Сулола вакилларининг айримлари қаламига мансуб назмий асарлар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. Шу ўринда эслатиш жоизки, Институтда Асосий фонд, Ҳамид Сулаймонов фонди ва Дублет фондлари саналди. Бинобарин, Бобурийлар сулоласига оид назмий асар нусхалари мазкур фондлар кесимидаги тасниф орқали ифодаланади.

Ҳозиргача жаҳоннинг турли фондларида сақланаётган Бобур девонининг 9 та қўлёзма нусхаси аниқланган [8: 123–125]. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида Бобур девони қўлёзмаси мавжуд эмас.

Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга бағишлаб ҳанафия мазҳабига оид мўътабар манбалар асосида диний-фалсафий, фиқҳий, дидактик мазмундаги “Мубаййин” асарини яратди. Унда ислом динининг беш асосий рукни беш китобда шарҳланган. Асар қўлёзмасининг ҳозиргача 8 та нусхаси аниқланган. Улар Германиядаги Статабиблиотека кутубхонасида 2212 ашё рақамида (121 варақ), Теҳрон миллий кутубхонасида №2249 рақамида (182 варақ), Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими фондида А -104 рақамида (98 варақ), шунингдек, Тошкентдаги ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида 103 рақамида (147 варақ) ва 5 нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида (12990, 8433, 2031, 103, 805) сақланади. Мазкур қўлёзмаларнинг энг кам ҳажмлиси 98 варағ – С.-Петербург нусхаси, энг кўп ҳажмлиси 182 варақ – Теҳрон нусхаси ҳисобланади. Энг қадимгиси эса Германия нусхаси бўлиб, у 1539–40 йилда кўчирилган [8: 348–350; 19].

Асар туркий тил ва назмда битилган бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 5 та қўлёзмасидан 2 иккитаси Асосий фондда 12990 (121 варақ; 1303/1889–1890 йилда кўчирилган.), 8433 (152 варақ; XIX аср) ашё рақамлари билан, 3 қўлёзма нусхаси Ҳ.Сулаймонов фондида 2031 (152 варақ; 1205/1791–1792 й.), 103 (147 варақ; XIX аср), 805 (117 варақ; XIX аср) ашё рақамлари билан сақланади. Улардан энг қадимгиси 2031 ашё рақамли бўлиб, у 1205/1791 йилда кўчирилган [8: 348–350].

Маълумки, саройда бобурийзодаларга шеър илмидан таҳсил берилган ва уларнинг аксарият аҳли қалам экани қатор тазкираларда ёзиб қолдирилган. Бироқ ҳаммаси ҳам соҳиби девон бўлмаган. Фахрий Ҳиротийнинг “Равзат ас-салотин” (“Султонлар боғи”) тазкирасида келтирилишича, Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн Мирзо (1508–1556) султон бўлиш билан бирга отаси каби туркий ва форсий тилда шеър битган. Истанбул шаҳридаги Сулаймония кутубхонасининг Ҳусайн пошшо фондида Ҳумоюн девонининг бир қўлёзма нусхаси 569 тартиб рақами билан сақланади [17: 69; 8: 69]. ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида ҳам девони Ҳумоюн қўлёзмаси мавжуд, лекин у айни шу тахаллусда ижод қилган Саййид Ҳумоюн Исфароини (ваф. 1079/1668–69 й.) қаламига мансуб [4] .

Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзо (1509–1557) ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, *Комрон* тахаллусида туркий ва форсий тилларда ижод қилган, Абдураҳмон Жомий ғазалига татаббуъ боғлаган [17: 70–71; 7: 294]. Девони нусхалари Ҳиндистондаги Худобахш кутубхонасида (1556 й. кўчирилган), Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида ва Калькуттадаги Осиё жамияти кўлёзмалар фондида сақланади [7: 294].

Бобурнинг учинчи ўғли Аскарий Мирзо (1512–1558) ҳам *Аскарий* тахаллусида, форсий туркий тилларда шеър битган [17: 73–74; 7: 56–57]. Кенжа ўғли Ҳиндол Мирзо (1518–1551) эса ҳуснихат ва китоблар жамлашга ихлосманд бўлиб, форс тилидаги рубоийси мавжуд [17: 73–74; 56–57]. Шеърларидан намуналар тазкира ва баёзларда учрайди, лекин девон тузгани ҳали аниқланмаган.

Бобурийлар давлатининг учинчи ҳукмдори Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1542 –1605) – Бобурнинг невараси, Ҳумоюннинг ўғли бўлиб, “Буюк Акбар” номи билан шуҳрат қозонган. Тазкираларда унинг форс тилида ғазал, рубоий битгани ҳақида маълумот ва шеърларидан намуналар сақланган [7: 28–29].

Бобурийлар давлатининг тўртинчи ҳукмдори Акбаршоҳнинг ўғли Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ (Шаҳзода Салим; 1569–1627) Бобур Мирзо ва Гулбадан Бегим анъаналарини давом эттириб, “Тузуки Жаҳонгирий” асарини ёзган. Асарда унинг шеърларидан

намуналар келтирилган. Тарих, мумтоз адабиёт, тасвирий санъатдан яхши хабардор бўлган. Саройида доим олимлар, шоирлар, мусаввирлар, муғаннийлар фаолият юритган. Мушоираларда Жаҳонгиршоҳ ўз ғазаллари билан қатнашган, туркий тилни мукаммал билган [7: 244].

Бобурийлар сулоласи бешинчи ҳукмдори Шоҳжаҳон Абулмузаффар Шиҳобиддин Хуррамнинг (1592–1666; Шоҳжаҳон ибн Жаҳонгир ибн Акбар ибн Ҳумоюн ибн Бобур) [7: 579] катта ўғли Султон Муҳаммад Доро Шукуҳ (1616–59) – валиаҳд шаҳзода, шоир, таржимон ва олим бўлган. У “Мажмаъ ал-баҳрайн” (“Икки денгизнинг қўшилиш жойи”), “Сафинат ал-авлиё” (“Валийлар кемаси”), “Ҳасанот ал-орифин” (“Орифларнинг солиҳ амаллари”), “Ҳақнома” номли насрий асарлар ёзган [7: 229]. Шунингдек, *Қодирий* тахаллусида форс тилида ёзган шеърларидан девон тузган. Унинг бир мунтахаб – сайланма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида Асосий фондида № 2295/I ашё рақами билан сақланади [2]. Девон 97 варақдан иборат бўлиб, қўлёзманинг 1*а*–97*а* саҳифасидан жой олган. Унга Доро Шукуҳнинг 184 та ғазали (вв. 1*а*–78*б*), 110 та рубоийси (78*б*–97*а*) киритилган. Ғазаллар араб алифбоси тартибида жойлаштирилган.

Шоҳжаҳоннинг учинчи ўғли Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгир подшоҳ (1618–1707) – саккиз ёшида Қуръони каримни ёд олган ҳофиз, ҳадис ва фиқҳ илмлари билимдони, моҳир хаттот бўлган. У форс, араб, ҳинд-урду, турк (чиғатой) тилларини пухта эгаллаб, катта бобоси Бобур каби ғазаллар битиб, саройида мушоиралар ўтказиб турган [1].

Бобур хонадонига мансуб маликаларнинг аксарияти шеър ёзгани ва уларнинг айрим намуналари турли тазкираларда сақланган. Бобурнинг кенжа қизи Гулбаданбегим (1522–1603) Ўрта аср Шарқида етишиб чиққан биринчи тарихнавис аёл. Жияни Акбаршоҳ ибн Ҳумоюн илтимоси билан “Ҳумоюннома” тарихий асарни яратган. Тазкираларда бир форсча шеъридан мисол сақланган [7: 213l; 12: 87; 15: 6]. Ҳамидабону бегим (1527–1604) – Ҳумоюннинг севимли хотини, Нуржаҳон бегим (1577–1645) – Жаҳонгиршоҳнинг хотини, Акбарнинг онаси ҳам шеър битганлар.

Нуржаҳон бегимнинг асл исми – Меҳринисо бўлиб, Жаҳонгиршоҳ уни Нури маҳал, кейинроқ Нури жаҳон деб атай бошлаган. У шоира бўлиш билан бирга аёллардан чиққан илк мусаввир, гуллардан гулоб ва хушбўй атир тайёрлаган ихтирочи малика. Яратган атрини "Атри Жаҳонгирий" деб номлаган [7: 401–402; 12: 93–94]. Салима бегим (1539–1613) й.) Бобурнинг набираси – Гулбаргбегимнинг қизи, Байрамхон, сўнг Акбаршоҳнинг хотини ҳам шеър битган [7: 443]. Жаҳоноро бегим (1614–1681) – Жаҳонгиршоҳнинг ўғли Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалбегим-Аржумандбонунинг катта қизи эса илм-фанга бағишланган "Рисолайи Соҳибия" ("Дўстлик ҳақида рисола") номли асар ёзган, ғазаллар битган [7: 245; 12: 114; 15: 96]. Аврангзеб ва Дилрасбону-Гулбадан бегим қизларидан Зебуннисо (1639–1721) ва Зайнабнисо бегимлар (ваф. 1710) ҳам шоира бўлганлар. Зайнабнисо бегим *Зийнат* тахаллусида ижод қилган, олима, шоира ва Қуръон ҳофизи бўлган [15: 11–12]. Опаси *Зебуннисо* ва *Махфий* тахаллусларида шеър ёзиш билан бирга моҳир хаттот ва уста танбур чертувчи созанда, туркий, форс, араб тиллари сарфу наҳви (морфология ва синтаксиси)ни, фиқҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта билган. Қуръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган. Катта бобоси Бобур каби олим, шоир ва санъаткорларга ҳомийлик қилиб, айримларига ўз ҳисобидан маош тайинлаган, соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Унинг "Мунис ал-арвоҳ" ("Руҳларнинг содиқ дўсти"), "Зеб ал-муншаот" ("Гўзал ёзишмалар") номли асарлар битгани маълум [7: 256–257]. Аксар тадқиқотларда "Зеб ат-тафосир" ("Гўзал тафсирлар") номли Қуръон тафсирининг муаллифи сифатида Зебуннисога нисбат берилган [16: 34; 18; 13; 7: 256]. Ваҳоланки бу асар Аврангзеб Оламгир аҳди ва Зебуннисобегимнинг хоҳишига кўра шоиранинг устози Муҳаммад Сафи ибн Валий Қазвиний Кашмирий томонидан ёзилган [5: 532].

Мазкур бобурий маликаларнинг турли жанрлардаги айрим шеърларидан намуналаргина тазкираларда сақланган холос [15: 6–15; 14: 11–47]. Уларнинг ичида ҳозирча фақат Зебуннисо тузган девонларгина маълум. Унинг асарлари қўлёзма нусхалари дунёнинг бир қатор йирик фондлари, жумладан, Париж миллий

кутубхонаси, Британия музейи кутубхонаси, Олмониядаги Тюбинген университети кутубхонаси, Ҳиндистондаги Мота кутубхонаси ва ЎзРФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади [7: 256–257]. Хусусан, Шарқшунослик институти фондида шоира кўрсатмасига кўра яратилган “Зеб ат-тафосир” асарининг 4-жилди, Зебуннисо қаламига мансуб “Махфий” тахаллусидаги девон қўлёзмаларининг 916/II, 944, 1036/VI, 1269 ашё рақамли 4 нусхаси мавжуд. Девон қўлёзма нусхаларининг 1269 (144 варақ (1б–144б); 1318/1900 йилда кўчирилган), 944 (128 варақ (1б–128б); 7 ражаб 1321/19 октябрь 1903 й.) ашё рақамлиси нисбатан тўлиқ, 916/II (128 варақ (167б–294а); зулқаъда 1319/феврал 1902 й.), 1036/VI (86 варақ (311б–3964б); 18 рабиъ ас-сани 1319/4 август 1901 й.) рақамлилари эса сайланма/мунтахаб ҳисобланади [3].

Шу ўринда, *Махфий* тахаллусида бир неча шоир ва шоиралар ижод қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аксарият тадқиқотчилар ҳали ҳануз, Зебуннисо мазкур тахаллусда ижод қилмаган, бу шеърлар бирон шоирга тегишли, деган фикрда тўхтаб қолишган [14: 52]. Ваҳоланки, айни шу тахаллусда Бобурий маликалардан Салима султон бегим ва Нуржаҳон бегимлар ҳам ижод қилганлар [7: 330–331].

Институт фондида сақланаётган 944 ва 916/11 рақамли қўлёзма девонлар колофонида ҳам назм, ҳам насрда унинг Зебуннисонинг *Махфий* тахаллусидаги девони экани котиб томонидан қайд этилган. Хусусан, қўлёзма девоннинг 916/II ашё рақамли нусхаси колофонида (в. 294*а*) қуйидаги маълумот келтирилган:

بعد شکر و ثنای بجناب کبریا و نعت سید الاتقیا والانبیا صلی الله علیه و سلم مخفی مباد که این دیوان زیب النسا بامر حضرت حلیفة الرحمان ظل السبحان باعث الامن و الامان و المستغنی عن التوصیف و البیان اعنی ... در دست این احقر الراقمین ملا خدای برکان بن دوستجان منقیت لی در سنه هزار و سه صد و نوزده در شهر خیوق در ماه ذیلقعده اتمام پذیرفت

Тангри таолога шукру ҳамдлар, тақволилар ва набийлар саййиди саллаллоҳу аълайҳи васалламга наътдан сўнг махфий қолмасинким, Аллоҳнинг ердаги сояси, дин, тинчлик, фаровонлик сабабчиси (Муҳаммад Раҳимхон Феруз) амри билан бу китоби

Зебуннисони энг гуноҳкор Мулла Худойберган Дўстжон ўғли Манқитли қўлида Хивақ шаҳрида бир минг уч юз ўт тўққизинчи йилининг зулқаъда ойида якун топди.

Қўлёзма девоннинг 944 ашё рақамли нусхаси колофонида (в. 128*б*) эса шундай матнлар мавжуд:

چو دیوان زیب النسا طبع کرد
مسیح الزمان همایون سرشت
سر کلک محرور تأریخ طبع
زهی طبع مخفی عیان شد نوشت

ظل السبحان حلیفة الرحمان اعنی که دام دولته و شوکته نینگ فرمان عالی لری بیله اوشبو مخفی کتاب کیم بو فقیر الحقیر ملا محمد شریف خواجه ابن محمد یوسف خواجه مرحوم نینگ دستیدا اتمامغه یتدی سنه 1321 ماه رجب المرجب نینگ یگرمه یتیلانجی کونی

Мазмуни: *Зебуннисо бу девонни ёзди*
Замонининг Масиҳи, ҳумоюнталъат,
Ёзиб тугаллаши таърихини
Махфий аён бўлди деб ёзди.

Тангрининг сояси ва халифаси, давлату шавкати зиёда бўлгайки, унинг олий фармони билан гуноҳкорлар гуноҳкори Мулла Муҳаммад Шарифхўжа Муҳаммад Юсуфхўжа марҳумнинг ўғли 1321 йил ражаб ойининг 27 кунида кўчиришини якунлади.

Колофон матнларидаги мазмундан кўриниб турганидек, мазкур девонларда Зебуннисонинг Махфий тахаллусидаги шеърлари жамлангани аниқ ёзилган. Махфий девонининг 914/II ва 944 ашё рақамли нусхалари матнларини 1269 ва 1036/VI ашё рақамли нусхалари қиёслаш орқали қолган 2 нусханинг ҳам Зебуннисо қаламига мансуб эканига аниқлик киритиш имконини берди ва шубҳага ўрин қолдирмади.

Энди Махфий девонлари таркибига эътибор қаратсак. 1269 рақамли қўлёзмага 472 та ғазал, 1 қитъа, 2 та рубоий, 15 та фард, 52 та таржиъбанд, 1 та мухаммас – жами 493 та шеър киритилган. 1036/VI рақамли нусхадан 445 та ғазал, 4 та фард, 13 та таржиъбанд, 1 та мухаммас жами 463 та шеър ўрин олган. Девоннинг 916/II рақамли девонда 449 та ғазал, 3 та фард, 11 та қасида, 7 та таржиъбанд, 1 та мухаммас – жами 471 та шеър мавжуд. 944

рақамли қўлёзма 455 та ғазал, 3 қитъа, 11 та қасида, 7 та таржиъбанд, 1 та мухаммас, 2 та хотима, 3 та таърих – жами 479 та шеърдан ташкил топган.

Бобурийлар ҳукмдорлиги даврида ёзилган тарихий, илмий ва адабий асарлар нафақат Ҳиндистонда, балки жаҳон маданияти тараққиётида ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, гарчи ўтган муддатда Бобур ва унинг сулоласи ҳаёти ижодига оид талайгина ишлар амалга оширилган бўлса-да, дунё фондларида сақланаётган Бобурийлар сулоласига мансуб асарлар ва муаллифларни идентификация қилиш, асарлари каталогини, йиғма-жилдларини тузиб, келажак авлодларга етказиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири экани яққол намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмад Муҳаммад. Аврангзеб Оламгир – ислом дини тарғиботчиси // https://e-tarix.uz/shaxslar/hukumdorlar/1068-avrangzeb-olamgir.html

2. Девони Қодирий. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв. № 2295/I.

3. Девони Махфий. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв. 916/II, 944, 1036/VI, 1269

4. Девони Ҳумоюн. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв.№ №№ 3564/II, 1037/VII.

5. Донишномаи забони форсийи дар шубаи Қоза. Жилди севвум.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. ЎзРФА Шарқшунослик институти Асосий фонди қўлёзмаси, инв. №№ 12990, 8433.

7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. ЎзРФА Шарқшунослик институти Ҳ. Сулаймонов фонди қўлёзмаси, инв.№№ 2031, 103, 805.

8. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент, 2014.

9. Исмоил Раҳматшо. Таҷумаву тафсирҳойи форси-точики Қуръони карим дар ҳинд ва арзиши адабии онҳо // Суханшиноси. 2019. № 2. 121–135.

10.Ризоуддин Фахриддин ўғли. Машҳур хотинлар. Тошкент, 2019.

11.Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври (Шарқ халқлари тарихидан лавҳалар). Тошкент, 2008.

12.Сатимова Ғ. Бобурийзодалар. Тошкент, 2016.

13.Содиқова М. Бобурий ижодкорлар // https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/bobur-mirzoning-ijodkor-avlodlari.html;

14.Тўйчиева О. Тазкираларда ижодкор аёллар. Тошкент, 2021.

15.Ўзбекистоннинг машҳур шоиралари. / Тузувчи М.Қодирова. Нашрга тайёрловчилар: Жал. Жўраев ва Жам. Жўраев. Тошкент, 2019.

16.Файзиев Т. Бобурий маликалар. Тошкент, 1994.

17.Фахрий Ҳиравий. Равсат ус-салотин Жавоҳир ул-ажойиб / Таржимонлар: С.Ғаниева, Ж.Жўраев. Тошкент, 2014.

18.Қосимов Б. Зебуннисо // https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/zebunnisodevon.html/

19.Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асари - муҳим адабий-диний манба. Тошкент, 2015.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ҲИНДИСТОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Авазбек Мирзаев,
Андижон давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, истеъдодли шоир, нозик таъб адиб, уйғониш давридаги ўз замонасининг улкан маданият арбобларидан бири эди. З. М. Бобур илм фаннинг турли соҳаларига оид қимматли асарлар яратди. Лекин Бобурни дунёга танитган китоби унинг энг йирик асари “Бобурнома”дир. Бу китобда география, этнография, тарих, адабиёт, тиббиёт, халқ табобати ва бошқа илмлар бўйича ҳам қимматли маълумотлар берилади. "Бобурнома" ўзбек адабий тилининг ва прозасининг ноёб

ёдгорлигидир. Бобурнинг бу йирик асари дунё халқларининг асосий тилларига таржима қилиниб, зўр қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Ушбу мақолада, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фаолияти ва у қолдирган маданий мероснинг баъзи жиҳатларини, атоқли давлат арбоби ва ҳарбий саркарданинг шахси ҳақида билдирилган айрим фикр ва мулоҳазаларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Бобурнинг отаси, Фарғона ҳукмдори Умаршайх Мирзо, олимлар ва шоирларга ҳомийлик қилиши билан ҳам машҳур бўлган. Бобурийлар сулоласининг асосчиси, Ҳиндистоннинг келгусидаги хукмдори Мирзо Бобур мана шундай даврада ўсиб-улғайди ва тарбияланди. 1526 йилда Ҳиндистонни эгаллаган З.М.Бобур, Деҳлидан жануби шарқда жойлашган унча катта бўлмаган Агра шаҳрини ўзига қароргоҳ этиб танлади[1. 148,150].

Бобур номидаги Халқаро жамоат фондининг раҳбари Зокиржон Машрабов “Бори элга яхшилиғ қилғил...” китобида Агра шаҳри ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Агра. Бу тарихий шаҳарнинг бобурийлар ҳаётида алоҳида ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда Самарқанду Бухоро, Хива каби қўҳна ёдгорликларга бой, машҳур зиёратгоҳ Агра шаҳрида Бобур Мирзонинг сўнгги тўрт йиллик умри кечган. Бобур подшоҳлик қароргоҳи учун айнан шу жойни танлаган, боғлар барпо қилган, уни Ҳиндистоннинг обод ва кўркам марказига айлантирган»[2. 54].

Бобур ўзининг Ҳиндистонда бошлаб юборган бунёдкорлик ишлари хусусида фахрланиб ёзган эди: «Нечукким «Зафарномада» Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ муболаға билан битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндустон ва ўзга мамолик сангтарошларидан ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Аградa ушбу Агранинг сангтарошларидан менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Аградa ва Секрийда ва Байанада ва Дўлпурда ва Гвалиорда ва Куйилда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатларимда иш қилурлар эди»[3. 361].

Бобур Ҳиндистонда кам яшаган бўлишига қарамай, бир қанча боғ, кўприк ва иморатлар қурдириб қолдиришга улгурди. Агра шаҳридаги боғ ва Карнал туманидаги Панипат деган жойда бунёд этилган боғ Мирзо Бобурдан ёдгорлик ҳисобланади. Унинг ёнига Жомеъ масжиди қурдирилган.

Маълумки, Бобурнинг шахсан ўзи ободончилик ишларига катта эътибор берган. Унинг бошчилигида Агра, Секри, Дхалпур, Гвалйор шаҳарларида сарой ва бошқа иншоотлар қурилишида ҳар куни икки минг киши қатнашган. Уларда Мовароуннаҳрдан келган уста меъморлар ҳам бошчилик қилишган. Бобур қурдирган кўп иморатлар бизнинг давримизгача етиб келмаган, аммо учта масжид ханузгача сақланиб қолган[4.158].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 - 1530) Аграда саройлар қурдираётган вақтларда Истанбулдан машҳур бир меъморни юборишни сўраб, Усмонийлар султонига элчи йўллайди. Бу таклиф Усмонийлар султони Сулаймон Қонуний (1520 - 1566) Истанбулни қураётган пайтга тўғри келгани учун Усмонийларнинг машҳур меъмори Синон Ҳиндистонга шогирди Юсуфни жўнатади[5. 181].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. Зоҳидов «Бобурнома» асарининг 1960 йилда ўзбек тилида чоп этилган нашрига Бобурнинг фаолияти ва адабий илмий мероси ҳақида ёзган сўзбошисида З.М.Бобур фаолиятига холисона ва ижобий баҳо беришга харакат қилган. У шундай ёзади: «Ҳа, Бобур томонидан барпо қилинган, унинг авлодлари томонидан мустаҳкамланган империя, феодал империяси бўлса ҳам... ўша давр шароити учун муҳим воқеа ҳисобланган. У империя мамлакатда экономикани, савдони, маданиятни ривожлантиришга, кишиларнинг ақлий доирасини кенгайтиришга, бир қатор халқ ва мамлакатлар ўртасидаги иқисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга маълум даражада имконият очди. Масалан, Бобур Москва шаҳрига ўзининг элчиси Хўжа Ҳусайнни Россия билан Ҳиндистон орасида дўстлик ва қардошлик ҳақида битим тузиб келишга юборади »[6. 13].

XIV-XV асрларда Ҳиндистоннинг Эрон ва Ўрта Осиё билан бўлган савдо муносабатларида Хўрмуз порт шаҳрининг аҳамияти катта бўлган.

Бобур ҳам Конибодомнинг бодоми ниҳоятда аъло навли эканини сўзлаб, «Хўрмуз ва Ҳиндистонга тамом унинг бодоми борур» деб таъкидлайди[7. 62].

Айни бир вақтда Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан иқтисодий муносабатида Кобул ва Қандаҳор шаҳарлари муҳим савдо йўли бўлиб хизмат қилган. Бобур қуйидагиларни ёзади: «Ҳиндистоний ғайри Ҳиндистонни Хуросон дер. Нечукким араб ғайри арабни Ажам дер. Ҳиндистон билан Хуросон орасида хушки йўлдин икки бандардур, бири Кобул ва бири Қандаҳор. Кошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондан карвон Кобулға келурлар. Хуросондин карвон Қандаҳорга келур. Бисёр яхши савдохонадур. Савдогарлар Хитой ё Румга борсалар, ушмунча – ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил етти-саккиз-ўн минг от Қобилға келур. Ҳиндистондин оқ рахт ва қанд ва набот ва шакар ақоқир келтирурлар...Хуросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матои Кобулда топилур. Ҳиндистоннинг худ бандаридур»[8. 186-187].

Шарқшунос-тарихчи олим Илёс Ғуломович Низомиддинов “XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари” асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати тарихда «Мўғуллар империяси» номи билан машҳурдир деб таъкидлаб, собиқ совет тузуми давридаёқ Бобурийлар атамасини амалда қўллаган[9. 7].

Академик Иброҳим Мўминов ва бобуршунос олима Сабоҳат Азимжоновалар томонидан ҳам “бобурийлар” атамаси тўғри эканлиги таъкидланиб, XX-асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб ушбу ибора кенг қўлланила бошланган.

Академик Бўрибой Аҳмедов «Буюк мўғуллар» ва «Бобурийлар» атамалари хусусида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирган: Бобурийлар 1526-1858 йилларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган

сулола. Унга темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган. «Буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги мўғул хоқонларига тааллуқли бўлиб, бобурийлар аслида юртдошимиз темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодларидир. Улар тарихий ҳужжатларда ўзларини «Бобурий мирзолар» деб юритишган. Академик В.В. Бартольд дунёда тарқалган «буюк мўғуллар» иборасининг хато эканлигини кўрсатиб, «Европаликлар Темур ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун «Буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар» деб ёзади. Сўнгги йилларда «Буюк мўғуллар» деб аталган хато ибора ўрнига «Бобурийлар» ибораси қўлланила бошландики, бу ибора тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради[10. 404].

Шарқшунос олим В.В. Бартольд ўзининг асарларида Бобурийлар давлати Ҳиндистонда ҳукмронлик қилгани ҳақида таъкидлаб ўтади[11. 501].

З.М.Бобурнинг фаолияти ва маданий мероси ҳақида сўз борганда, Андижон Давлат университетининг фахрий профессори, бобуршунос тарихчи олим Сайфиддин Жалилов томонидан Бобурнинг меросини ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим бўлади. С. Жалиловнинг “Бобур ва Андижон” (1993), “Бобурнинг Фарғона давлати” (1995), “Бобур ва Юлий Цезар” (2001), “Бобур ҳақида ўйлар” (2006) каби бир қатор китоблари ва юзлаб мақолалари чоп этилган. Шунингдек, “Бобур ва Юлий Цезар” йирик асари учун эса 2004 йили халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлди.

Бобуршунос олим Сайфиддин Жалилов Бобур шахсига қуйидаги таърифни беради: Бобур фаолиятига принципиал баҳо берилганда, барча тадқиқотчилар қуйидаги объектив ҳақиқатга эътибор қаратадилар: яъни, у буюк давлат арбоби бўлиш билан бирга талантли шоир, санъат ва адабиёт ошиғи, ўта қобилиятли олим, сўнгра ажойиб ҳарбий саркарда ҳам эди[12. 43].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, З.М. Бобур Ўзбекистон ва бизнинг буюк қўшнимиз Ҳиндистон халқлари ўртасидаги тарихий ва маданий алоқаларни, дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда сезиларли ўрин эгаллаган инсондир. З.М.Бобурнинг фаолияти ва ёзма меросини жаҳон тарихида, хусусан Ҳиндистон тарихида тутган ўрнини ўрганиш, келгусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун янги мавзуларни очиб беради.

Фойдаланилган
адабиётлар рўйхати:

1. История Востока. В шести томах. Том III. – Москва, издательство «Восточная литература» РАН, 2000.

2. Машрабов З. Бори элга яхшилиғ қилғил..: мақола ва суҳбатлар, ёзишмалардан намуналар. – Тошкент: «Ғафур Ғулом» НМИУ, 2013.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. – Тошкент, ЎзР ФА нашриёти, 1960.

4. Абидов Б. Бобурийлар салтанатида Ҳиндистон меъморчилик санъатига Мовароуннаҳр анъаналарининг таъсири. Темурийлар даври: Тадқиқотлар ва муаммолар. – Тошкент: Наврўз, 2014.

5. Жавоҳарлаъл Неру. Дунё тарихига назар//Жаҳон адабиёти. 1997. №4.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. – Тошкент, ЎзР ФА нашриёти, 1960.

7. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. – Тошкент, ЎзР ФА нашриёти, 1960.

8. Низомиддинов И.Ғ. XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. – Т., «Фан», 1966.

9. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

10. В.В. Бартольд. Сочинения в 9-ти томах. Том V. – Москва, «Наука», 1968.

11. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. – Т.: «Шарқ», 2006.

ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ТРАНСЛЯЦИИ ИСЛАМСКОЙ ЛЕКСИКИ В РУССКИХ ПЕРЕВОДАХ «БАБУРНАМЕ»

Алтмишева Ё.М.
Андижанский государственный институт иностранных языков
Д.ф.ф.н., старший преподаватель

Аннотация: в данной статье затрагиваются проблемы адекватности в передаче исламской лексики на русский язык в переводе «Бабурнаме».

Ключевые слова: исламская лексика, приемы перевода, узбекский язык, русский язык, Куръан.

Аннотация: Маколада «Бобурнома»нинг рус тилига таржимасида исломий лексиканинг ўгирилишида адекватлик муаммолари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: исломий лексика,таржима услублари, ўзбек тили, рус тили, Қуръон.

Признанный во всём мире великий представитель узбекского народа, поэт и мыслитель, известный своими знаниями в сфере государственного управления, экономики, естественных и гуманитарных наук, переводчик «Родительского трактата» Ходжа Убайдаллаха Ахрара, автор выдающихся сочинений «Бабурнаме», «Мубайян» Захириддин Мухаммад Бабур достиг совершенства не только в «земных» науках, но и в познании основ и тонкостей ислама.

Изучение взглядов Бабура даёт возможность более ярко представить формирование его религиозно-философского мировоззрения как синтеза исламских и суфийских учений. Неслучайно В.Рахмонов отзывается о нём: «Бабур – учёный по фикху. Фикх – основная научная практика об обязательных правилах и положениях сунны у мусульман» [3; с. 5].

Передача религиозно-специфической, в том числе исламской лексики в переводе, всегда вызывает особую трудность, поскольку часто в переводящем языке не всегда можно найти соответствующие религиозные термины и реалии. В таких случаях

переводчик прибегает к разным приемам для передачи различия между одним и другим языками.

В современной транслатологии актуальными остаются аутентичность и эквивалентность перевода произведений с религиозным контентом (религиозная литература в общем, в частности, национальная литература Востока, исповедующих ислам на языки народов с неисламским вероисповеданием) в разные эпохи, включая атеистический скепсис.

В нашем случае в качестве таковых выступают фрагменты с религиозным контентом из сочинения «Бабурнаме». Он реализует актуальные коммуникативно-прагматические установки.

Транслатолог должен стремиться к адекватной передаче специфических свойств оригинала, так как она является главной проблемой при переводе. В целях достижения смысловой адекватности при передаче сочинения Бабура, является необходимым учет лингвистических и экстралингвистических факторов, параметров языковой личности автора, учет вертикального контекста и др. (сравним: «гробница-усыпальница», опущение «*тангри таолонинг иноят ва коинот сарвари бўлган ҳазрат Расули акрамнинг шафоати, поккўнгил чаҳорёрларнинг ҳиммати билан»* [2; с. 61]*/ «**С милости Всевышнего Аллаха и заступничества господина Пророка и стремления его сподвижников**»* [1; с. 11], перестановка и пр.).

Транслатологи для передачи содержания религиозных текстов на другом языке следуют традициям воссоздания теологических сочинений, в которых использована религиозная терминология, устоявшиеся обороты и штампы, буквализмы из-за страха исказить религиозный контент.

Эти факторы наносят ущерб смысловой ткани перевода и приводят к относительной эквивалентности религиозных и иных реалий.

Таким образом, остро стоит вопрос о корректности употребления религиозного терминологического аппарата. Особое место при переводе религиозного контента занимает специфика перевода религиозных терминов. К религиозной терминологии в

тексте «Бабурнаме» можно отнести понятия типа «религия» – *дин*, «вероисповедание» – *эътиқод*, «молиться» – *ибодат қилмоқ*, «поститься» – *рўза тутмоқ*, «столп» – *фарз*, «молитва» – *дуо, оят*, «молитва» – *намоз*, молитва – *вирд,* «жертвоприношение» – *қурбонлик қилмоқ,* «малое омовение» – *таҳорат,* «полное омовение» – *ғусл* и т.д.

Религиозные термины трудно поддаются переводу, так как наличие реалий одной конфессии не наблюдается в других: *мечеть, храм, собор, ханака, синагога, намаз, обедня, литургия, кумирня* и т.д.

Религиозные термины по обыкновению переводятся с помощью методов транслитерации и калькирования. Для более аутентичной передачи значения религиозных реалий используется приём транслитерации, т.е. заимствование слова иной религии, изображаемое на письме буквами языка перевода, а в устной речи произносится согласно его произносительным правилам, например: *имам, шейх, медресе, ханака, дервиш*. В калькировании безэквивалентного слова или словосочетания заменяются буквальными соответствиями на языке перевода, например: *дуо* – молитва; *ийд* – праздник.

Итак, для перевода литературы, относящейся к различным конфессиям, необходимо следующее: хорошее владение переводимым языком, знание терминологии и фоновые знания об обрядах, религиозных традициях, культуре. Эти составляющие способствуют достижению наибольшей степени адекватности в передаче содержания текста.

Нами отмечено следующее. В переводе, религиозного контента, допущены явные неточности, которые незаметны для русскоязычного читателя, исповедующего другую религию. Например, искажён смысл в передаче следующего дискурса: «*таҳорат қилмоқ баҳонаси билан»* [2; с. 96]*/ «под предлогом естественных потребностей (совершения малого омовения)*» [1; с. 50]; «*таҳоратга кирган»* [2; с. 96] */ «вошел за нуждой (для совершения малого омовения)*» [1; с. 50].

Считается, что при переводе понятий религиозного дискурса необходимо исключение неологизмов, т.к. религиозные концепты и термины возникли с появлением религий. Например, в переводе «Бабурнаме» на русский язык слово «тахарат» (реалия впервые упоминается в VI веке и обозначает ритуальное малое омовение по определенным правилам, очередности действий и произнесением специальных молитв, соблюдение которых требуется для чтения Куръана и совершения намаза [4; с. 163]) было передано как «омовение». К сожалению, современный русскоязычный читатель слово «омовение» примет в значении умывания, что приводит к искажению смысла данного религиозного ритуала.

Следует заметить, что в текстах, относящихся к определенной конфессии, используются термины религиозной тематики, которые не имеют эквивалентов в других религиях, соответственно, и на других языках, создающие трудности переводчику.

С целью преодоления трудностей понимания смысла реалий иного вероисповедания переводчик должен найти «существующий аналог исходного слова, фразы или фигуры речи в языке перевода, сохранив при этом содержательные и действенные качества. В духовном складе любого автора-переводчика можно найти первоэлементы национального менталитета и дух вероисповедания. В случае отсутствия соответствующей единицы он должен искать пути их передачи. Попытка подбора эквивалента слова в иной культуре или религии приводит к «семантическому смещению или сдвигу» контента» [5; с. 145], т. е. к полному несоответствию значений, заключающихся в оригинале и переводе.

Приведем примеры переводов М. Салье, подтверждающих вышесказанное: «*Менда ғуслга эҳтиёж бор эди. .... музламаган бир ариқдаги сувга кириб ғусл қилдим»* [3; с. 89]*/ «Мне понадобилось совершить омовение (полное). .... Я вошел в арык, совершил омовение (полное) и окунулся шестнадцать раз»* [1; с. 114]*; «Қурбон ҳайити Шоҳрухияда ўтди* [3; с. 90]» - *«Праздник жертвы (жертвоприношения) нам довелось провести в Шахрухии»* [1; с. 116].

Мы считаем, что для перевода данного религионима не подходят ни метод транскрипции, ни метод эквивалентной передачи смысла. Эти способы бессильны передать семантику религиозного термина. Для передачи данных смыслов следовало бы оставить исламские реалии без перевода и дать комментарий.

Выделяются следующие случаи, возникающие при переводах возможных слов и дискурсов в тексте «Бабурнаме».

1) неимение словарного соответствия или отсутствие соответствующего понятия для использованного слова: *вирд, идда, аят, хатм, хутба, муджахид, ханака*;

2) неполное соответствие: *намаз, дуо, вирд- молитва; тахарат, гусл - омовение*;

3) соответствие слов языка перевода семантике лексических единиц исходного текста: *мазар – мазар, усыпальница, гробница (?), мавзолей*.

Общеизвестно, что в настоящее время ислам и вместе с ним концепты и термины вошли в культуру русскоязычного населения. В переводоведческой практике XVII-XIX вв., в начале XX в. допущена была ошибочная передача исламской лексики. Например, мусульманин – «басурман» или «магометанин», а имя Пророка (С.А.В.) Мухаммад – «Магомет», «Мухаммед», «Мохамед». Однако целесообразно было бы произносить имя пророка правильно – Мухаммад (С.А.В.), главной книги мусульман - «Куръан», пятикратную молитву– намаз, ритуальное омовение – тахарат или гусл и т.д.

Об орфографии слова «Куръан» Али Полосин пишет: «В русском словоупотреблении прижилось французское произношение Коран. В то же время в ряде российских изданий прошлого встречается написание Алкуран, и мы полагаем, что лучше перейти на более точную транслитерацию этого священного для мусульман слова» [6]. Сложнейшие задачи стоят перед переводчиком в использовании слов, обозначающих исламские реалии, традиции и обычаи, требующих больших когнитивных затрат при восприятии его труда от реципиента.

Использованная литература:

1. Бабур Захириддин Мухаммад. Бабурнаме. Записки Бабура. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1958. –528 с.
2. Бобир З.М. Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев. В. Зоҳидовнинг сўзбошиси ва таҳрири билан. – Тошкент:Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960. – 514 б.
3. Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2002. – 336 б.
4. Осикова Л.Н.,Белозерцева Н.А., Кулакова А.А. Особенности перевода на английский язык реалий религиозного дискурса в книге Архимандрита Тихона (Шевкунова) «Несвятые святые» и другие рассказы»// Сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание/ Филологический аспект, – №4 (48), – Апрель, 2019.
5. Приказчикова Е.Вл., Савченко Е.П. Особенности воссоздания национальной картины мира при переводе современной российской прозы на английский язык (лингвокогнитивный аспект) /Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2015. – № 11(53): в 3-х ч. Ч. II. – с. 145-148.
6. **Шейх Мухаммад Садык Мухаммад Юсуф.** О переводе наших книг на русский язык. islam.uz.statya/3544

“БОБУРНОМА”ГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАРДА АЁЛЛАР ОБРАЗИ

Зилолахон АСҚАРОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
“Санъат тарихи ва назарияси” кафедраси
катта ўқитувчиси, с.ф.ф.д. (PhD)

Ҳинд миниатюра рассомлиги XVI асрнинг иккинчи ярмида Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556 – 1605) даври санъат воқелиги сифатида маълум бўлиб, аслида бу рассомлик мактабига Бобур ва

Ҳумоюн асос солган. Ҳиндистондаги янги сулола асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1525 – 1530) ўз даврининг баркамол ва қомусий ақлга эга шахс бўлган. У ўзининг ғайрат-шижоати, ўткир ақли, нозик таъби, юмшоқ қалби, фаолиятининг кўп қирралилиги билан кишини ҳайратда қолдиради. У йирик давлат арбоби, саркарда, истеъдодли олим, дилбар шоир, санъат шайдоси ва соҳиби эди.

Шоир, хаттот, олим бўлиши билан бир қаторда рассомликка жуда қизиққан. Унинг шоҳ асари “Бобурнома” (асли номи “Вақоеъ”) дан маълумки, у табиат манзараларини, одамлар қиёфасини уста рассомлардек шундай тасвирлаган. Мана шу хусусият учун бўлса керак, ҳинд рассомлари бу китобнинг форсча таржима қўлёзма нусхаларини бир неча марта кўплаб нафис расмлар билан зийнатлаганлар.

Бундан ташқари “Бобурнома”да тўртта ҳиротлик ва самарқандлик рассомлар – машҳур устод Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, Бойсунқур (Султон Маҳмуд мирзо ўғли), Ҳайдар мирзоларнинг номлари тилга олинган. Мирзо Бобурнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, унинг эстетик таъби ва қизиқувчанлиги Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий ва бошқа Шарқ классикларининг гениал асарлари таъсирида шаклланади. Бобур ўзининг қисқа ҳаёти давомида жуда катта адабий ва илмий мерос қолдириб кетди. У она тилиси бўлган ўзбек тилида ҳамда форс-тожик тилида ижод этди. Булар орасида унинг машҳур шоҳ асари “Бобурнома” алоҳида аҳамиятга эга. “Бобурнома” – Темурийлар даври ўзбек классик прозасининг манзур намунаси ва XVI аср бошидаги ўзбек адабий тилининг нодир ёдгорлигидир.

“Бобурноманинг” бизга маълум бўлган миниатюрали икки нодир қўлёзмаларидан энг тўлиғи ва миниатюралари ниҳоятда юксак маҳорат билан ишланган тенги йўқ нусхаси - Британия музейиникидир. Бу қўлёзмадаги миниатюралардан айрим намуналар миниатюра санъати мутахассислари томонидан нашр этилган.

Бобурийлар даври ҳинд миниатюралари темурийлар ва Сафавийларникидан ўз бадиий услуби, эстетик нормалари билан аниқ ажралиб туради. Шарқ миниатюраларининг шартлилигидан – кичик бир сатҳда бутун бир воқеани ёки эпизотлар туркумини тасвирлаш заруриятидан – “Бобурнома” рассомлари моҳирлик билан фойдаланганлар. Айни вақтда ҳар бир композиция ўз мустақиллигини сақлагани ҳолда бир-бири билан матиқий боғланиб, асар мазмунини очиб берувчи бир бутун полотнони ташкил қилади.

Тасвирий санъатнинг ривожланишида тирик жонзодни тасвирлашни ман этган ислом дини маълум даражада тўсқинлик қилади. Аммо бу қаршиликлар, тасвирий санъатнинг умумий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатмади. Мана шу таъқиқланишлар натижасида Шарқ мамлакатларида дастгоҳли тасвирий санъатнинг ривожланиши бир мунча қийин бўлади, унинг ўрнини эса қўлёзма китобларга ишланган безаклар миниатюра санъати эгаллайди. Миниатюра тасвирларида асосан шарқона безак ва шеъриятга хос тасвирлар умумлашган бўлиб, буларда аёллар тимсоли ҳам шартли равишда атрибутик белгилар билан умумлаштирилган. Миниатюраларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тасвирнинг сатҳи юзидалигидир.

Масалан: Бобурнинг ўз опаси Хонзода бегим билан учрашуви тўрт планда берилган. Биринчи планда – Бобур ва унинг кузатувчиси Муҳаммад кўкалдошларнинг отини хизматкор ушлаб тургани; иккинчисида – Бобур ва Муҳаммад кўкалдошнинг Хонзодабегим билан суҳбати; учинчисида – юқорида ўнг томонда, саройнинг кўриниши; тўртинчи планда эса Ҳиндистон табиати берилган.

Шарқ миниатюрасида аёллар образини талқин қилишда “Бобурнома”ни аҳамияти қай даражада юқори эканлигини четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Ўша даврларда ижтимоий нуқтаи назардан қараганда реакцион урф-одатлар, дунёқарашлар ҳукмронлик қилаётган бўлса-да, Бобурнинг ватанпарварлик ижодидек юқори эмас, буни эса Хонзода бегим образи орқали мукаммал очиб берган.

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зеҳнли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган.

Бобур Мирзо Бобурнома асарида тасвирлайдики, Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у ҳолда ўз ҳарамини Самарқанддан саломат олиб чиқиб кетишига имконият яратиб беражагини айттан. Хонзода бегимнинг ана шу сулҳга розилик бериши ҳам унинг ақл заковатининг буюклигидан далолат беради. Бобур опаси Хонзода бегим образи орқали ўша давр аёлининг ҳусусиятларини, юқори даражадаги хулқ-атвори ва эстетикасини, ички юмшоқлигини, эркак кишига бўлган муносабатини, яъни сўзсиз итоаткорлик, бўйсунишини кўрсатиб берган. Бу эса ўз аксини миниатюрада ҳам топган. Ушбу миниатюра асарларида аёллар образининг талқини кўп қиррали ва кенг қамровли бўлган, илоҳийликдан дунёвийликкача... Миниатюрага қараган ҳар бир инсон аёллар образида ниманидир топа олган. Ўзини шунга бағишлаганлар аёллар образида сўфизм маъносини, бағишламаганлар эса миниатюрада реал ҳаётдаги образлар ва воқеаларни ҳис қилган.

Шарқ миниатюра санъати бошқалар учун ёпиқ бўлса-да, лекин тўлиқлигича яшаган ва миниатюра каби юқори даражадаги санъат турида ўз аксини топган аёллар, уларнинг ҳаёт тарзи ва маънавий қадриятлари, унинг вазифалари ва ҳуқуқлари, унинг жамиятдаги мавқеи ва бой ички дунёси ҳақидаги ўрта аср мусулмон маданияти тушунчаси кузатилган. Ушбу асарларда кўзга ташланадиган нарса бу – аёлларнинг қонунларга бўйсунган тарзда ишланган гўзаллиги. Ўрта аср миниатюраларида рассомлар аёлларнинг терисини ёрқин, юзини думалоқ овал, бодомқовоқ, тўғри бурун ва кичик оғиз қилиб тасвирланган. Шарқ маданиятида гўзаллик тушунчаси билан яқин уйғунликда бўлган идеал аёл образи айнан шундай бўлган. Элита санъат сифатида миниатюра шу тушунчаларга эътибор қаратган. Ислом маданияти изланувчиларидан бири Фарид Алекперлининг ёзишича: “Гўзаллик, гўзаллик ва яна бир бор гўзаллик!” – қадимий ва ўрта аср Шарқ маданиятининг шиори шундай бўлганди. Ташқи гўзаллик билан ички гўзаллик бир-бири билан боғлиқ бўлган.

Миниатюралардаги аёллар образи нафақат ўзининг ёқимлилиги, балки ички юмшоқлиги, ўзига хос назокати, садоқатлилиги билан ўзига жалб қилади.

Ҳамда исломда аёлларнинг ички маънавий бой дунёсини айтмасликни иложи йўқ. Миниатюраларга ишланган иллюстрациялардаги севги лирикаси асарларида аёллар образи кўпқиррали, ички маънодорлиги билан намоён бўлади. Шарқ миниатюраси санъатида аёллар образи ушбу нодир санъат туринг маъноли дунёқарашига эга бўлган асосий образ ҳисобланади. Шарқ миниатюра санъатида аёллар образи ўрта аср ислом маданиятининг ўзига яраша кичик модели бўлиб, ўрта аср шоирлари ва рассомларининг диний, фалсафий, эстетик ва бошқа кенг миқёсдаги қарашларини намойиш этади. Аёллар образи талқини илоҳий тушунчадан кундалик, дунёвий, реал тушунчага қадар ишланган. Шарқ миниатюраси ўзида икки дунёни акс эттирган: беркинган ва мавжуд. Бу эса ўз аксини аёллар талқинида топади.

Шарқ миниатюраларида аёллар тасвири шартли равишда ифодаланишига қарамай, этник қиёфа, ҳарактерни, шарқона романтикани, лирикани портретларга примитив равишда жо эта олинган. Шунингдек ушбу миниатюра тасвирларида аёллар образида уларнинг психологик кайфиятлари ҳам қисман очиб берилган. Тасвирланувчилар бир образда гарчи улар шартли тарзда ифодаланишига қарамай, ҳаракатлар бирлиги орқали ҳарактерлар барқарорлиги, маънавий юксак тимсоллар умумлашмасини кўриш мумкин. Рангларнинг жонли, ҳаракатларга тўла бетартиблик билан берилиши, мусаввирнинг колоритни ва шарқона шакл пластикасини чуқур ҳис этиши натижасида ифодавий таъсирчан қиёфалар акс эттирилган.

Шарқ миниатюраси санъати ўз даврининг тасаввури ва маънавий изланишларини намоён қилади. Унинг ажойиб намуналарида аёллар тасаввури ҳам ўз аксини топади. Уларни шартли равишда икки дунёқарашли қатламга ажратиш мумкин: муқаддас (анъанавий) ва реал. Муқаддас қатламда шоир ва рассомлар айнан гўзал аёлларнинг образи орқали бутун коинотнинг уйғунлиги ва чиройини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Сўфизмда

айнан аёллар образи реал ҳаётда илоҳийликни намоён қилишнинг рамзига айланди. Ибн аль-Араби ўзининг “Донишмандликнинг чегараси” номли ишида айтиб ўтадики, Аллоҳни қайсидир номоддий шаклда кўришга интилиш шарт эмас. “Аллоҳни аёлда кўриш энг мукаммалидир” дейди буюк шайх. Худонинг атрибути сифатида юзага чиқувчи севги-муҳаббатни тушуниш билан гўзаллик тушунчасининг уйғунлашувидир. Сўфизм тушунчасида Аллоҳ томонидан яратилган дунё юксак даражада ажойиб ва гармониядадир. Аллоҳ гўзал ва гўзалликни яхши кўради. Гўзалликни севувчи Аллоҳни севади. Дунёда гўзалликнинг юқори даражадаги намоёни аёллардир. Айнан ана шундай кўринишида аёллар Бобурнинг шеъриятида ҳам гавдаланади.

Сочининг савдоси туши бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.
Тош урар атфол мани, уйида фориғ ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.
Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна.

Бобур шеърияти бошдан охиригача ёр ва диёр ҳижрони шарҳидан иборатдир. Унинг ҳар бир байтида айрилиқ дарди, фироқ азоби ошкор бўлиб туради. У бераҳм ёр сиймосида намоён бўлгувчи тақдири азалга мурожаат қилади. Ким билсин балки шоир ҳаёлида гулюз, лоларух ёр тимсолида олисдаги гўзал Фарғона водийси намоён бўлгандир, ахир шоир учун ёр ва диёр тушунчалари доимо эгиз.

Хулоса шуки, санъатнинг минг йиллик анъанасида аёл образи – инсон қалбининг гўзалликка бўлган ташналигини, соҳир қудратга эга бўлган табиат олдидаги ҳайратини ифода этиб келади. Шунинг учун аёл – гўзаллик тимсоли, бераҳмлик тимсоли, бевафолик тимсоли бамисоли дунё, тириклик, умр, жон кабидир.

Адабиётлар рўйхати

1. “Бобурнома” расмлари. Сўз боши муаллифи ва тузувчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1970.

2. С.Мирзаев, П.Шамсиева. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1960.

3. А.Мадраимов, Н.Норматов. Шарқ миниатюра мактаблари. Мақолалар тўплами. Тошкент, 1989.
4. Э.Воҳидов. “Шоиру шеъру шуур”. Тошкент, 1987.

ЖАҲОН МУЗЕЙЛАРИ ВА КУТУБХОНАЛАРИДА БОБУРИЙЛАР МЕРОСИ

Аҳмедов Жасурбек Зокиржонович
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Музейшунослик” кафедраси мудири т.ф.ф.д. (PhD)

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий, маърифий ва фалсафий меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ҳамда йирик давлат арбоби ҳамдир. Угўзал шеърияти, “Бобурнома” ва бошқа бадиий-илмий асарлари билан жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Унинг бой маънавий мероси дунё маданиятида беқиёс ўрин тутади.

Бу ҳақда гапирганда, 1993 йилда буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги юртимизда кенг нишонланганини эслаб ўтиш ўринлидир. Бу қутлуғ сана муносабати билан Андижон шаҳрида салмоқли ишлар амалга оширилди. Чунончи, шаҳар марказида Бобур Мирзо ҳайкали ўрнатилди. Боғишамол тепалигида эса улуғ аждодимизнинг Ҳиндистоннинг Тожмаҳал атрофидаги Ором боғидан ҳамда Кобулдаги қабридан олиб келинган муборак хоки қўйилган рамзий мақбара бунёд этилди[1, 58]. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов 1994 йил 4-октябрда Андижон вилоятига қилган сафари чоғида Боғишамолдаги Бобур боғининг «Хотира дафтари»га ёзиб қолдирган эсдалик сўзларида шундай деган эди: «Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда “Бобур ва жаҳон маданияти”

музейининг барпо этилиши – халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир»[2, 100].

Бобур номидаги ҳалқаро жамғарма ташаббуси билан буюк зотнинг қадамжолари бўйлаб бир неча бор илмий экспедициялар амалга оширилди. Экспедиция аъзолари Жануби-Шарқий Осиё, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ минтақасидаги қатор мамлакатларда бўлиб, улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб ёдгорликлар, илмий далил ва материалларни тўплашга эришдилар. Жамғарманинг Боғишамолдаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида Осиё, Европа, Африка ва Америка қитъаларининг ўнлаб мамлакатларидан келтирилган нодир қўлёзма ва нашрлар (айримларининг фото-ксеронусхалари) ҳамда даврий матбуот материаллари сақланади ва ўз навбатида, улар кенг жамоатчилик оммасига, шунингдек чет эллик сайёҳларга беминнат намойиш этиб келинмоқда[3, 3]. Бобурнинг дунё маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маълумот берувчи бу музей хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда.

Бобур мероси акс эттирилган яна бир музей Бобур ёдгорлик музейидир. Мазкур музей 1993 йил буюк аллома, саркарда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан Адабиёт ва санъат музейи бўлими сифатида ташкил этилган. Музейда Бобур ва Бобурийларнинг умумжаҳон маданий меросига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи қимматли маълумотлар, фотосуратлар, тарихий адабиётлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари ўрин олган. Музейнинг Бобур даврида қурилган Ҳожар Нойиб (Арк ичи) ёдгорлигида жойлашган ҳам ўзига хос мазмунга эгадир.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Бобур ҳаётига бағишланган экспозициядаги ҳар бир ашё, ҳатто кичик ҳунармандчилик буюмлари ҳам даврнинг оғир синовларидан дарак беради. Кўргазма марказидаги картинада қўлида шамшир тутганча лашкарни жангга бошлаётган Бобур қиёфаси акс этган. У аскарлари билан елкама-елка туриб душманни қарши олмоқда. Давр суронлари улуғ аждодимизни не-не синовларга дучор этганини англаймиз. Рангдор миниатюраларнинг бирида Бобур Андижон

қалъасини ишғол этаётган бўлса, бошқасида Самарқандга тантана билан кириб келмоқда. “Бобур Ҳиндистонда” картинаси уларнинг энг таъсирлисидир. Кенг соҳил бўйида ёлғиз турган ҳукмдор олис уфқ сари маъюс боқади. Яқинроқда амиру бекларнинг сояси кўринса-да, буюк шоир учун Ҳинд уммони тўлқинлари бегона экани, она-юрт соғинчи юрагини ўртаётгани сезилади[4].

Сўнгги йилларда Бобур қўлёзмаларини излаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўпқопи саройи Ревандкутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур навоби кутубхонасида сақланиб келаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукаммал матни яратилди. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, илмий истифодага киритилмоқда.

Бобурийларга тегишли ноёб осори-атиқалар турли сабабларга кўра дунёнинг турли музей ва кутубхоналарида сақланмоқда. Жумладан, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида Бобурнинг қиличи, Британия музейида Бобурнинг портрети, №1911,0709.7 рақам остида сақланаётган Бобур тангаси. Танганинг бир томонига “Подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, иккинчи томонига “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ” жумлалари ва уларнинг атрофига айлана бўйлаб, Ҳазрати Абубакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Алининг номлари ёзилган (кумушдан ясалган, оғирлиги 4,39 грамм, диаметри 23 миллиметр)[5].

Виктория ва Альберт музейида Бобур сулоласига тегишли Арбидол гилам (518x1037 см), 1656-1657 йилларда Шоҳжаҳон учун оппоқ нефритдан нафис ўйиб ишланган пиёла, Ҳумоюн қўлга киритган кўҳинур олмосишулар жумласидандир[6]. Дунё музейлари ва кутубхоналарида сақланиб келаётган, юртимизга тааллуқли бўлган ранг-баранг маънавий ва моддий қадриятларнинг ҳар бирини фундаментал илмий тадқиқотларда атрофлича ўрганилишига катта эҳтиёж бор.

Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган Қуръони карим қўлёзма нусхаси, Бобур асарлари тўплами қўлёзмасининг Теҳрон Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхаларининг ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. “Бобурнома”нинг асл эски ўзбек тилидаги нодир нусхаси Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида, Буюк Британиянинг Оксфорд университети кутубхонасида ва Бобур ва жаҳон маданияти музейларида сақланмоқда[7].

Мухтасар қилиб айтганда Бобурва бобурийлар мероси мамлакатимиз ва жаҳон музейларидасақланмоқда ҳамда ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.Фикримизча ҳориж музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган Бобурийлар меросини ўрганиш, уларга илмий тавсифлар ёзиш ва улар асосида кўргазмалар ташкил қилиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Андижон ва Наманган вилоятлари. Тошкент, “Turon Zamin Ziyo”. 2014. 58-б.

2. Mustaqillik davri o`zbek me’morchilik va monumental haykaltaroshlik san’ati. Toshkent, 2011. 100-б.

3. Рустамхўжаев Ш. “Жаҳон маданияти ва Бобур” музейидаги адабиётлар библиографияси. (2012 йил 31 март ҳолатига кўра). Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри. Андижон, 2012. 3-б.

4. Адабиёт кўзгусидаги тарих // O‘zbekiston adabiyoti va san’ati, 2015 йил 6 февраль.

5. Ноёб буюмлар // O‘zbekiston adabiyoti va san’ati, 2015 йил 13 февраль.

6. Британия музейлари ва кутубхоналаридаги ўйлар // HURRIYAT, 2015 йил 11 март.

7. Илмий хақиқатларга содиқ бўлайлик // Андижоннома, 2014 йил 12 февраль.

БОБУРШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ: ВАЗИФАЛАР ВА ЕЧИМ БАҲСИ

Ҳазратқулова Эльмира Бозарбоевна
Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Жорий йилнинг 26 январь куни эълон қилинган буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори соҳада фаолият олиб бораётган барча олимларни, Бобур ихлосмандларини бирдек қувонтирди. Қарорда мустақиллик йилларида қўлга киритилган тадқиқот натижалари таъкидланган ҳолда келгуси илмий режалар учун ҳам замин ҳозирланган.

Қарорнинг белгиланган вазифалари салмоғи ва мазмунидан илҳомланган ҳолда соҳанинг маълум бир жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда ўз таклифларимизни бериб ўтмоқчимиз.

1. Қарорнинг ҳар бир бандида таъкидланган вазифа ва топшириқлар ўзининг долзарблиги билан бугунги кун бобуршуносларини ўйлантириб келаётган муаммолардан эди. Галдаги вазифаларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳар бир тадқиқотчи зиммасига масъулият юклайди. Жумладан, қарорнинг 10-бандида таъкидланган 2023 йил 1 августга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўзбек, рус, инглиз тилларида фаолият юритадиган халқаро илмий бобуршунослик электрон платформаси ва унинг мобиль иловасинини яратиш тўғрисидаги топшириқ ҳам соҳа вакилларининг бирлашиб, якдил меҳнат қилишларига даъват қилади. Яъни яратилажак платформага киритилиши керак бўлган манбаларни таснифлаш, уларни яхлит бир тизимга солинган ҳолда ишлаш керак бўлади.

Дарҳақиқат, республикамиз миқёсида соҳада амалга оширилган ишларни хронологик жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) Мустақиллик давригача амалга оширилган илмий изланишлар ва натижалар

б) Мустақилликдан кейинги илмий тадқиқотлар ва қўлга киритилган натижалар

Шу билан бирга хорижда олиб борилган тадқиқотларни ҳам географик ҳудуд ва ҳам давр нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратиш мумкин:

а)Евроосиё мамлакатларида бобуршунослик соҳасининг ривожланиши масалалари.

б)Ҳиндистон ва Эрон, Японияда бобуршунослик соҳасининг ривожланиши масалалари.

в)Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида бобуршунослик соҳасининг ривожланиши масалалари.

д)Америка Қўшма Штатларида бобуршунослик соҳасининг ривожланиши масалалари.

Шу билан бирга "Бобурнома" асарининг 1960, 2002 йилдаги нашрлари ва япониялик олим Эйже Мано нашрларидан кейин мана йигирма йилдан ошдики, асарнинг эски ўзбек алифбосидаги илмий-танқидий матнини тайёрлашга бўлган уринишлар деярли сезилмаяпти. Ваҳоланки, бу асарнинг жаҳондаги асосий қўлёзма нусхалари билан ишлашни жадаллаштириш зарур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур девонининг илмий-танқидий матнини тайёрлаш борасидаги барча уринишларни, шу пайтгача бўлган нашрларни ҳам платформага киритиш лозим бўлади.

1. Муҳаммад Бобур адабий меросини ўзга тилларга таржима қилиш масаласини ҳам тизимли ҳолатда йўлга қўйиш керак. Маълумки, "Бобурнома" асари ўттизга яқин тилларга таржима қилиниб турли миллат вакиллари томонидан севиб ўқилмоқда. Лекин асар матни учун Акбаршоҳ ҳомийлигида ишланган беш юздан ортиқ миниатюраларни тўплам ҳолида чоп этиш масаласи ҳам долзарб саналади.

2. Бизнинг авлод Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ташқи қиёфасини узоқ йиллар давомида Малик Набиев томонидан яратилган портрет воситасида тасаввур қилиб келишди. Бугунги кун учун профессионал ва ҳаваскор рассомлар ўртасида бу улуғ сиймонинг портретини яратиш юзасидан танловлар эълон қилиш ва иштирокчиларни муносиб тақдирлаш масаласи ҳам жамоатчиликнинг эҳтиёжларига мос вазифа бўлар бўлар эди.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий адабий меросини хорижда тарғиб қилиш мақсадида масъул ташкилотлар томонидан хорижлик тадқиқотчилар учун Халқаро стипендия дастурларини эълон қилиш ҳам соҳанинг ривожига кўп туртки беради, деб ўйлаймиз.

Шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган барча бобуршуносларнинг тадқиқот ва изланишларига ривож тилаб қоламиз.

“БОБУРНОМА” – САФАРНОМА ЖАНРИДА ЯРАТИЛГАН АСАРЛАРНИНГ ЭНГ САРАСИ

Неъматова Ҳулкар Абдулбакиевна
Абдулла Қодирий номидаги ЖДПУ Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

Жаҳон айвонида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган, миллатимизнинг фахр-у ифтихори бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз кетганда, аввало, буюк шоҳ ва шоир тимсоли кўз ўнгимизда гавдаланади. Дарҳақиқат, ҳам жисми, ҳам дили, ҳам амали комилликдан дарак бериб турган бу улуғ зот қиличи ила дунёга, қалами ила кўнгилларга кириб борди ва уларни забт этди. Тақдир уни ёшлигиданоқ турли кўргиликлар билан синади. Бобур доимо комиллик сари интиларди. Хавф-хатарга, жанг-у жадалларга тўла ҳаётини нурафшон чизгилар ила жилолантира олди. Моҳир саркарда, соҳир шоир номини олди. Эсдалик хотираларини маҳорат билан қаламга олиб, уни мўжазгина “Вақоеъ” (“Воқеалар”) деб атади. Инсоният тарихида яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳоси (Анетта Бевериж) дея тан олинган “Бобурнома” айни пайтда ўрта асрлар туркий халқлар мумтоз адабиётидаги сафарнома жанрида яратилган асарларнинг энг сарасидир. “Бобурнома”нинг 1502 йил воқеалари тасвиридаги Бобур Мирзонинг қуйидаги фикрлари сафарноманинг тузилиши учун асос бўладиган икки назарий омил: йўл мотиви ва саёҳатчи образининг мазкур асарда ҳам мавжудлигини тасдиқлайди: Тожу тахт қўлидан кетган, ягона

марказлашган давлат барпо этишдек орзуси йўққа чиққан Бобур Мирзо шундай ёзади: “Охири бундай саргардонлик ва бу хил қўнимсизлик жонга тегди... бу хил хорлик ва зорлик билан элга кўрингунча оёғим етганча кетсам яхши. Хитойга бормоқни ният қилиб, бош олиб кетиш ҳаракатига тушдим. Кичикликдан бери Хитой тарафларга ҳавасим бор эди. Бироқ салтанат ва бошқа боғланишлар туфайли бу ният муяссар бўлмасди. Салтанат ҳам кетди... Сафар монеликлари бартараф бўлди...” [1,88].

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо сафарни Хитой эмас, Кобул азиматидан бошлади. Бобур Мирзо сафар харитасини Мовароуннаҳр, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон мамлакатлари ҳудудлари доирасида кузатиш мумкин. “Бобурнома”да бу мамлакатларнинг тарихи, халқи, уларнинг урф-одатлари, табиати, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида қимматли, ишончли маълумотлар берилган. “Асарда мингтача географик ном-мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўприк, кечик, кўл, чашма, боғ, яйлов, ўтлоқ ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинган. Юзлаб географик номлар тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳланган”[2,114]. Энг эътиборлиси, муаллиф-сайёҳ мингларча маълумотлар, фактлар ичида йўқолиб қолмайди. У қуруқ репортёр ёки воқеанавис эмас. Муаллиф–сайёҳ Бобур Мирзо ўзининг ўй-кечинмалари, ҳайрату қувончлари, аламу изтироблари билан ҳар ерда ҳозиру нозир. Сафари давомида ўқувчисини унга нотаниш, номаълум жойлар, элу элатлар, уларнинг урф-одати, анъаналари, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар дунёси билан таништирар экан, ўз навбатида уларга шахсий муносабатини, баҳосини ҳам беради: “Доим хотирға етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур... Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин...” (Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқеалари) [1.275] каби таассуротларини ўқиб туриб, инглиз шарқшуноси Монстюарт Элфинстоннинг “... муаллифнинг (Буюк Бобур Мирзонинг – Н.Ҳ.) ёрқин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди” деган фикрига қўшиламиз. Чунки, сайёҳ-муаллиф образи сафарнома жанрининг марказий масалаларидан бири эканини назарий манбалардан яхши

биламиз. Бобур Мирзонинг синчков сайёҳларга хос нигоҳини Ҳиндистон ўлкасининг таърифида янада теранроқ кузатишимиз мумкин. “Ҳиндустон мамолики васе ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқе бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндикуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқе бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш” [1.248], – деб ёзади Бобур Мирзо Ҳиндистон кенгликларини таърифлаб.

“Бобурнома”да Ҳиндистон набототи, ҳайвонот дунёси билан боғлиқ маълумотларда муаллиф қиёслаш йўлидан борганлигини кўрамиз: “Агарчи бўдана Ҳиндустон махсуси эмасдур, вале тўрт-беш жинс бўданадурким, Ҳиндустон махсусидур. Бир бўданадурким, бизнинг вилоятларға борур бўданадин улуғроқдур. Яна бир бўданадурким, ул вилоятқа борур бўданалардин қисқароқдур, қанот-қуйруғининг қизилроқ ранги бор”[1.257], – дея аниқ маълумотлар беради. Бобур Мирзо шу тахлит зумаж, ола қарға, ҳакка, майнак, бағриқора, сандуғоч, чарз, лўча, чалсий каби 30 га яқин қушлар ҳақида маълумот беради.

Бобур Мирзонинг Ҳиндистон балиқлари ҳақидаги маълумотлари ҳам ўзига хос: “Ҳиндустон балиқларининг гўшти лазиз бўлур эди ва қилтиғи бўлмас. Ажаб чуст балиқдирлар. Бир қатла бир сувнинг икки тарафидин тўр солиб келдилар, тўрнинг бир тарафи сувдин ярим қаридин кўпрак юқори эди, балиқларнинг кўпраги тўрдин бир қари юқорроқ сачраб ўттилар” [1.259], деб ёзади муаллиф Ҳиндистон балиқларининг ҳушёрлигидан завқланиб. Сайёҳ-муаллифнинг синчков нигоҳидан Ҳиндистоннинг қуруқликда яшовчи, сувда ҳаёт кечирувчи ҳайвонот олами, бетакрор ўсимликлар дунёси четда қолмайди. Муаллиф пашкал – ёмғир мавсумига тегишли: “Сован, бодун, кувор, котик” деб номланувчи ойлар ҳақида маълумот бериш орқали китобхонни Ҳиндистоннинг ўзига хос иқлими билан таништиради. “Бобурнома”да ерли аҳоли ҳақида: “Яна бир латофати будурким, ҳар синфдан ва ҳар ҳирфагардин беҳад ва бениҳоят кўптўр. Ҳар иш учун ва ҳар нима

учун жами муқаррар ва муайяндурким, ота-оналаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар” [1.268], – дейди.

Агарда сафарнома жанри “энг қадимги ва ўзгарувчан жанрлардан бири... Барча имкониятларга эга бўлган жанр” [3,8] эканлиги ҳисобга олсак, Бобур мирзонинг “Бобурнома”си сафарнома жанри имкониятлари доирасида ёзилган, дея оламиз. Шу нуқтаи назардан ҳам айтиш мумкинки, сафарномаларга хос бўлган жиҳатларни бир қарашда маълум шаклга мос тушмаслиги ушбу жанр имкониятлари чекланмаганлигидандир.

Нафақат ўзбек адабиётининг, балки жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналаридан бирига айланган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари ҳам йўл очеркларининг бир туридир. «Бобурнома» ўрта асрлар туркий халқлар мумтоз адабиётидаги йўл хотиралари жанрида яратилган асарларнинг энг сарасидир. «Бобурнома»да йўл хотиралари жанрига хос нафақат айрим параграфлар, балки бутун-бутун боблар мавжуд. Шунинг учун ҳам «Бобурнома» йўл хотираларининг асоси, классик намунаси ҳисобланади»[4]**.** Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Бобурнома – бу сафарнома. Асар энг мукаммал сафарномаларга хос бўлган жамики хусусиятларни ўзида намоён эта олган. Мирзо Бобур талқинидаги маълумотларнинг янгилиги, қизиқарлилиги, қиёсийлиги, энг муҳими, уларнинг тақдим этилишида шоир, ижодкор, олим нигоҳининг сезилиб туриши “Бобурнома” муваффақиятини таъминлаган омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.

2. Гадоев К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 272 б.

3. Иванова Н. Жертва географии: русский писатель открывает (и закрывает) мир. // Дружба народов, 2003. № 8.

4. Тойбаев Э.М. Эволюция развития казахских путевых очерков// доклад сделанный на международной конференции «Массовая коммуникация Казахстана в XXI веке: реалии и прогнозы развития», 18 марта 2005 г. http://www.conf. freenet.kz

BOBUR VA HUVAYDO IJODIDA YAXSHILIK MAVZUSI

Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna;
TIQXMMIMTU Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish instituti o‘qituvchisi, Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

O‘zbek adabiyotining yirik namoyandasi shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur umrining ko‘p qismini ot ustida, jang-u jadallarda kechirgan bo‘lsa-da, insoniyat uchun boy manba yozib qoldirdi. U avvalo, hassos shoirdir. Lirikasi markazida hasbi hol, Vatan sog‘inchi, muhabbat va hijron, insonning pok sevgisini ulug‘lash, visol orzusi, vafodorlik mavzulari turadi. Uning “Yaxshilik” radifli g’azali necha asr o‘tsa hamki, o‘zining qimmatini yo‘qotmaydi. Bobur ifodalagan g’oyalar adabiyotimiz xazinasida o‘lmas durdona yang’lig mavjud.

Kim ko‘rubdur, ey ko‘ngul, ahli jahondin yaxshilig‘,
Kimki ondin yaxshi yo‘q, ko‘z tutma ondin yaxshilig‘ [1.73]

Bu misralarda Bobur ko‘ngilga murojaat qilib, o‘zida yaxshilik qilish istagi bo‘lmagan kishidan yaxshilik kutma, ya’ni og’rinma,– deydi. Ey ko‘ngil, murojaati- nido san’atini yuzaga keltirgan. Bundan tashqari, g’azalda ey rafiq, so‘zining ishlatilishida ham nido san’atini ko‘rish mumkin. “Yaxshilik” radifli g’azal yakpora g’azal hisoblanib, baytlardagi fikrlar izchil bog’lanib, asosiy g’oyani ifodalagan. “Yaxshilik” so‘zi radif vazifasini bajargan.

Bu zamonni naf’u qilsam ayb qilma, ey rafiq,
Ko‘rmadim hargiz, netayin, bu zamondin yaxshilig‘. [1.73]

Shoir, ey do‘st, bu zamondan shikoyat qilsam meni ayb qilma, men bu zamonda biron kishidan yaxshilik ko‘rmadim,- deydi.

Dilrabolardin yomonliq keldi mahzun ko‘ngluma,
Kelmadi jonimg‘a hech oromi jondin yaxshilig‘. [1.73]

Hatto o‘z sevgan yorimdan ham menga yomonlik keldi. Bu misralarda shoir umr yo‘ldoshi Oyshabegimning bevafoligiga urg’u bergan. ”Keldi” va “kelmadi”, “yomonlik” va “yaxshilik” so‘zlari tazod san’atini yuzaga keltirgan.

Ey ko‘ngul, chun yaxshidin ko‘rdung yomonlig‘ asru ko‘p,
Emdi ko‘z tutmoq ne ya’ni har yomondin yaxshilig‘. [1.73]

Ey ko‘ngul, sen yaxshilardan ko‘p yomonlik ko‘rding, endi yomonlardan yaxshilik kutma. Misralardagi “yaxshi”va “yomon” so‘zlari tazod,”ey ko‘ngil” so‘zi nido san’atlarini yuzaga keltirgan.

Bori elga yaxshilig‘ qilg‘ilki, mundin yaxshi yo‘q

Kim, degaylar dahr aro qoldi falondin yaxshilig‘?!. [1.73]

Bobur, sen hammaga yaxshilik qil, o‘zingdan yaxshi nom qoldirib yasha, seni ortingdan yaxshi nom qolsin demoqchi.Bu misralarda “yaxshi” so‘zining takroridan takrir san’ati yuzaga kelgan.

Yaxshilig‘ ahli jahonda istama Bobur kibi,

Kim ko‘rubtur, ey ko‘ngul, ahli jahondin yaxshilig‘. [1.73]

Shoir bu misralarda hech kimdan yaxshilik kutib yashamaslik kerakligini uqtiradi. Oxirgi misrada esa **raddi matla’** san’ati yuzaga kelgan, matla’dagi misra maqta’da takrorlanib yanada shoir ifodalamoqchi bo‘lgan g’oyani ochib berishga xizmat qilgan. Bobur ushbu g’azalida **nido, takrir, raddi matla’**, **tazod** badiiy san’atlarini qo‘llagan. Bu she’ry san’atlar shoir ifodalamoqchi bo‘lgan g’oyani ifodalashga xizmat qilgan.

Huvaydo ijodi har jihatdan rang-barang va takrorlanmasdir. Shoir ijodiy merosi keng ko‘lamlikni, uni bir qarashda anglab olish mushkul. Shoir ,,Devon”idan g’azal, mustazod, muxammas, murabba’, ruboiy kabilar o‘rin olgan.

“Huvaydo she’riyatning Sharqda an’ana holiga kirib qolgan deyarli hamma asosiy shakllarida ijod etdi: g’azal, masnaviy, ruboiy va hokazo. Huvaydoning qator asarlarining tili juda sodda, mazmundordir, iboralari va fikrlari o‘ynoqi hamda jo‘shqindir”[9.1]

Huvaydoning **“Xoki poyi yaxshilar bo’l…”**g’azalining ruhi, uslubi yengil. Bu g’azalning badiiy qiymati, shoir Huvaydoning mahorati shundaki, u mo‘jaz bu g’azalda komil inson axloqi uchun zarur bo‘lgan 6 fazilatni qamrab olib talqin etgan.

Huvaydoning bu g’azali didaktik yo‘nalishda bo‘lib, uning har bir misrasida insonni komillikka chorlovchi nasihatlarni uchratish mumkin:

Xoki poyi yaxshilar bo‘l, xok bo‘lmasdin burun,

Bu qaro yer qo‘yni senga chok bo‘lmasdan burun.

Mo‘mineni g’iybatidin munda og’zing pok qil,

Anda do‘zaxni o‘ti misvok bo‘lmasdin burun.[2.189]

Bunda shoir aytmoqchi, sening tanang tuproqqa qorishib ketguniga qadar yaxshilik qil, yaxshilarning oyog'i ostidagi tuproq bo‘lgin, ya'ni barchaga yaxshilik qil, birovni g'iybat qilishdan tiyil, umring poyoniga yetganda g'iybat qilganing uchun do‘zaxning o‘tini misvok [10] (tish tozalagich) qilishlari mumkin,-deydi.

G'azalning birinchi baytida xokisorlik, ikkinchi baytda g'iybat qilmaslik, uchinchi baytda qanoatpeshalik, to‘rtinchi baytda ta'masizlik, beshinchi baytda beozorlik, oltinchi baytda obidlik, ya'ni toat-ibodat bilan mashg'ullik amallari mo‘min-musulmonlarga hayotiy dasturulamal sifatida uqtiriladi. G'azal bir-birini uzviy quvvatlab turuvchi mustaqil baytlardan tuzilgan. "Xoki poyi yaxshilar bo‘l" g'azalida "burun" so‘zi radif bo‘lib kelgan. Umuminsoniy ma'rifiy mazmuni yoritilishi nuqtayi nazaridan, asar orifona g'azalning ko‘rkam namunasidir.

Ko‘rsatib kunji qanoat, och ko‘zingni ser qil,
Ko‘zlaringni kosasig'a xok to‘lmasdin burun. .[2.189]

Shoir bu dunyodan o‘tib, ko‘zing tuproqqa to‘lgunga qadar qanoatli bo‘lib yashash kerakligini uqtiradi.

Xor-u xasni yastanib, qilma tama'din bir xase,
Qabring uzra to‘dayi xoshok unmasdin burun.
Qilma g'amgin mo‘mineni, ko‘nglini shod aylagil,
Tongla mahshar dashtida g'amnok bo‘lmasdin burun.[2.189]

Bu misralarda ham Huvaydo qilgan yaxshiliging uchun birovdan tama' qilmay yashash kerakligini, insonning bu dunyodan o‘tgunga qadar, qabrida maysalar unmasdan oldin har bir mo‘minning ko‘ngilni shod aylash kerak, degan didaktik o‘gitini keltiradi.

Ey, Huvaydo, kechalar yig'lab yaqongni chok qil,
Domani subhi qiyomat chok bo‘lmasdin burun.[2.190]

Bu misralarda shoir kechalari yig'lab tavba qilib gunohlaringni so'rab yoqangni yirtgin, qiyomat tongi "etagi" chok bo‘lmasdan oldin, ya'ni umring poyoniga yetguncha tavba qilishga ulgurib qol, deydi. Huvaydo "kecha" va "subh" so‘zlarini qo‘llab **tazod**, "chok" so‘zining takroridan **takrir** san'ati qo‘llagan.

Umuman olganda, Huvaydo didaktik maqsadini amalga oshirishda **tazod, takrir** badiiy san'atlaridan unumli foydalanadi.

Ma’lumki, didaktik g’oyalar talqin etilgan g’azallarda insonning axloqiy, ruhiy va aqliy kamoloti muammosi yetakchilik qiladi. Jamiyatning ma’naviy qiyofasi uning hayot darajasini tayin etgani uchun ham barcha davrlarda ta’limiy-axloqiy g’oyalar aks etgan asarlarga ehtiyoj katta bo‘lgan. Shu jihatdan turkiy adabiyotda didaktik g’oyalar talqinida ham tipologik o‘xshashlik yuzaga keldi. Shu sababli Bobur va Huvaydo ijodida izdoshlik an’anasining guvohi bo‘ldik.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur. −T.: ”Sharq” nashriyot-matbaa konserni bosh tahririyati. 1996. 200-b.
2. Kamolov I.N. Tarixiy-badiiy manbalarda Bobur obrazi talqiniga biografik yondashuv. Fil.fan.b.f.doktori avtoref. Qarshi. 2022.
3. Xo‘janazar Huvaydo. Devon. −T.:Yangi asr avlodi. 2007. 303-b.
4. Jumaxo‘ja N. Milliy mustaqillik mafkurasi va adabiy meros (XVII-XIX asrlar o‘zbek sheriyati asosida) F.f.dok.dis…Toshkent, 1999. –B.220.
5. Zohidov V. Hayotbaxsh badiiyat taronalari. −T.:1975.
6. G’aniyeva S, Zohidov V. Huvaydo xalq dilida. ”Qizil O‘zbekiston” gazetasi.1961,15-sentabr
7. Zohidov V. Xalq dilida Huvaydo Chimyoni. ”Toshkent oqshomi” gazetasi, 1968, 4-mart.
8. Zaripova D.B. Didaktik asarlarning qiyosiy-tipologik tahlili. Monografiya. –Buxoro. Durdona. 2022. –B.76
9. Sovet fozillari Huvaydo haqida.Akademik Vohid Zohidov. “Toshkent oqshomi” gazetasi, 1968, 4-mart.
10. www.ziyouz.com.

ҲИНД МИНИАТЮРА МАКТАБИ РИВОЖИДА “БОБУРНОМА” МИНИАТЮРАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахматуллаева Асалхон Гайратовна
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳиндистон миниатюра мактаби XVI-XVIII асрларда Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарлари Агра, Деҳли ва Лоҳурда ривож топган ва кўп асрлик бой анъаналарга эга. Ҳинд миниатюра

рассомлиги ўзига хос мактаб сифатида XVI асрнинг иккинчи ярмида шаклланган, асосан нодир қўлёзмаларга расм ишлаш даври бўлиб кирди. Айнан шу даврда Бобурийлар саройи қошида махсус рассомлик устахонаси очилади. Мазкур рассомлик мактабига Заҳириддин Бобур ва Ҳумоюн асос соладилар. Бобур ўзининг ота-боболари, Темурийлар кутубхоналаридан қолган нодир қўлёзмаларни, ҳатто унинг варақларини йиғиб, жамлаб, кейинчалик ҳаммасини Ҳиндистонга олиб кетган. “Бу нодир қўлёзмалар ҳинд миниатюра мактабининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаган”. [3]

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари “Бобурнома”нинг ўндан ортиқ миниатюрали қўлёзмаси ҳозирги кунда жаҳон қўлёзма фондларида мавжуд. Баъзи қўлёзмалар тўлалигича, баъзиларининг эса айрим пароканда суратли варақлари етиб келган. Бу қўлёзмалардаги миниатюраларнинг яратилиш санаси Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Шоҳ Бобурнинг набираси Акбар даврида яратилган “Бобурнома”нинг тўртта қўлёзмаси умумий ҳисобда 500 та миниатюра билан безатилгани маълум. Улар дунёнинг йирик тўпламлари – Лондондаги Британия кутубхонаси ва музейи, Деҳли Миллий музейи, Балтимор санъат музейи ва Москвадаги Шарқ Давлат музейида сақланади.

“Бобурнома” расмларини хронологик жиҳатдан, асосан, уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмдан Фарғона ва Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеаларга ишланган миниатюралар жой олган. Уларда Бобур Мирзонинг ўн икки ёшданоқ подшоҳ бўлиб, ҳокимият учун олиб борган курашлари, унинг она-Ватанидаги шаҳарлар тасвирланган. Шулардан бирида, яъни “Бобурнома”нинг Британия музейида сақланаётган мўътабар қўлёзмасига ишланган миниатюрада ёш Бобур Мирзонинг Фарғона вилояти подшоҳи қилиб тайинланиши акс эттирилган. Шунингдек, “Кандибодомдаги бодом терими”, “Ҳодарвиш даштидаги бўрон”, Лувр музейи қўлёзмасидаги “Кандибодом шаҳри тавсифи” миниатюралари аҳамиятга эга. Ушбу асарларда рассомлар деҳқон, боғбонлар ҳаётини жуда жонли ва ишонарли тарзда намоён қилганлар. Ўша даврда бодомлар қўшни мамлакатга жўнатилиб турганлиги “Бобурнома”да қайд этилган ва айнан ушбу сюжетлар мусаввирлар эътиборини тортган.

Кобул даври миниатюраларида Кобул, Хуросон ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган воқеалар тасвирланган. Иллюстрацияларда мавзулар хилма хиллиги мавжуд бўлиб, улар китоб мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Тасвирларда саройдаги қабул, зиёфатлар, Бобурнинг ҳаётидан лавҳалар, унинг Ҳирот шаҳрида бўлиши, расмий қабуллар ва сайрлар каби сюжетларга кенг ўрин берилган. 1506 йили Мирзо Бобурнинг Ҳиротга бориши кўплаб рассомларга янги мавзу устида ишлашга имкон берган. Улар орасида Шанкар Гужаротий миниатюралари бадиий савиясининг юксаклиги билан ажралиб туради.

Кобул даври расмларида Бобурнинг Ҳиндистон томонга уюштирган ҳарбий юришлари ҳам ўз аксини топган. Мана шундай юришлари вақтида у Бажавр қалъасини забт этишда милтиқлар ва тўплардан фойдаланганлигини ёзиб қолдирган. Бажавр қалъасини забт этилиши Москва музейидаги расмда акс эттирилган бўлиб, унда Бобур йигитларидан Дўстбек ўз кишилари билан қалъа буржини тешиб, душманни қувиб бораётгани тасвирланган.

Бобур Мирзонинг марҳум Султон Ҳусайн Мирзо ўғиллари билан учрашуви тасвирланган миниатюраларнинг машҳур рассом, устод Камолиддин Беҳзод миниатюралари билан айрим умумий томонлари бор. Масалан, Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейида сақланаётган “Бобурнома”га ишланган “Бобур ва Бадиуззамон учрашуви” миниатюрасида таниш сарв дарахтларни кузатамиз.

“Бобурнома”нинг учинчи қисмида Ҳиндистон даври воқелари тасвирланган. Бобур Мирзо ҳаётининг бу даврига оид миниатюраларни рассомлар алоҳида маҳорат билан яратганлар. Уларда, жумладан, Мирзо Бобурнинг Ҳиндистонга бешинчи юриши, мамлакат ободлиги борасида олиб борган ишлари ўз аксини топган. Асарларда Бобурнинг ҳиндистонликлар маданияти ва урф одатларига қизиқишига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, жанглар, дам олиш, ов ҳамда маҳаллий ҳукмдорлар билан муносабатларни кузатиш мумкин.

1526 йил воқеаларини баён этар экан, Бобур Мирзо Ҳиндистон ҳайвоноти ва набототи тавсифига алоҳида тўхталади. Матнни суратларда ифодалаган ҳиндистонлик рассомлар “Бобурнома” қўлёзмалари саҳифаларини ўз юртларининг гўзал ва ранго-ранг

манзараси билан зийнатлаганлар. “Бобурнома” қўлёзмаларига ишланган миниатюраларда Ҳиндистоннинг улкан ҳайвони филдан тортиб, олмахонгача тасвирланганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур расмлар орасида устод Мансур миниатюра асарлари алоҳида ажралиб туради. У истеъдодли мусаввир сифатида улуғланиб, унга “Нодирул аср” нисбаси берилган. [121, 1]

Миниатюраларда Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаётига оид барча расмларда гўзал табиат манзараси билан ажойиб меъморлик намуналари тасвирланган. Жумладан, икки расмда Бобур ободонлаштирган Сункар яқинидаги Фирузпур чашмасига қурилган супа акс эттирилган. Рассом Падорат яратган миниатюрада супа устида кузатиш маросими муносабати билан ободонлаштирилган чашма тасвирланса, Москва музейидаги расмда фақатгина янги қурилган олтибурчак супа тасвирига алоҳида эътибор берилган. [122, 1]

Бобур ҳаётининг сўнги даврига оид миниатюраларда у гоҳ улкан мамлакатни бошқараётганидан мамнун ҳолда, гоҳо она Ватан соғинчида маҳзун ҳолда тасвирланган. “Бобурнома”нинг қўлёзмаларини тасвирлар билан зийнатлашда 100 дан ортиқ рассомлар иштирок этганлар. Ушбу мусаввирлар орасида Басован исмли ҳинд рассоми XVI аср йирик тарихчиси Абулфайз Алломийнинг “Ойини Акбарий” китобида алоҳида таърифланади. Ўша муаллиф қайд этган ўн еттита машҳур рассомдан олтитаси: Кесу, Мискина, Мадҳу, Ромдас, Фаррухбек ва Сонвала ҳам “Бобурнома”га миниатюралар ишлаган. Мусаввир Фаррухбек, шунингдек, Бобурнинг портрет миниатюраларини ҳам ишлаган.

“Бобурнома” қаҳрамонлари орасида кўпчиликни тарихий шахслар, айниқса, асосий ўринни ҳукмдор Бобурнинг образи эгаллайди. Бобур Мирзо турли ҳолатларда тасвирланган. Бобурнинг тахтда ўтиргани, жанг майдонларида, овда, зиёфатда, кишилар билан бўлган суҳбатларда, Ҳиндистон бўйлаб саёҳатда ва бошқа тасвирлардаги қиёфаси ифодаланади. Бошқа миниатюраларнинг марказида буюк куч ва қудратга тўла, иродали, жасур, довюрак, шу билан бир вақтда руҳий дунёси бой, меҳрибон қалбли ва юмшоқ нигоҳли киши сиймосини кўриш мумкин.[16, 2]

Ҳиндистон миниатюрачи рассомлари Бобур подшоҳнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини усталик билан очиб бера олганлар.

Бунга рассом Ромдас яратган “Бенгалия элчиси қабули” асари далил бўла олади. Унда тажрибали давлат арбобининг ўз саройида элчиларни ҳиндистонликлар одатига биноан қабул қилиш маросимини кўриш мумкин. Маҳаллий ҳиндистонлик ҳокимлар билан бўлган муносабатда Бобурнинг шу мамлакат урф одатларига риоя этишга ҳаракат қилиши муҳимдир.

“Бобурнома”нинг мўътабар қўлёзмаларини расмлар билан зийнатлаган ҳиндистонлик мусаввирлар Бобур ҳаётининг қарийб ўттиз беш йиллик даврини ранглар воситасида ҳаққоний тасвирлаб берганлар. Ҳиндистонда Марказий Осиё маданий ҳаётини акс эттирувчи кўплаб расмлар яратилиши маҳаллий рассомларнинг Бобурнинг Ватанига нисбатан ҳурмати чексизлигининг далилидир. Миниатюраларни илмий ўрганиш ва уларни илмий муомалага киритиш халқлар ўртасидаги маданий алоқалардан воқиф бўлиш ва уларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мадраимов А. Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар. “San’at”.2015.121 б.
2. Сулаймон Ҳ. Бобирнома расмлари. Альбом. “Фан”. 1970. 16 б.
3. Грек Т. В. Индийские миниатюры XVI-XVIII вв. “Наука”. Москва, 1971.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ПУЛ ИСЛОҲОТИ ХУСУСИДА
(нумизматик материаллар асосида)

Шарипов Азизжон Азимович
ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи
“Маънавият ва маърифат” бўлими мудири

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона вилояти (1494–1504), Кобул (1504-1526), Мовароуннаҳр (1497–1498 ва 1511-1512) ва Ҳиндистон (1526-1530)дан иборат ҳудудларда ўз салтанатини барпо қилди. Бу ўз навбатида Бобурийлар буюк империясининг дебочаси сифатида тарихдан ўрин олган. Ушбу йилларда Заҳириддин Бобур қўл остидаги йирик шаҳарларда ўз ҳукмронлигининг сиёсий ва иқтисодий белгиси сифатида тангалар зарб қилдирган. Улардан

айримлари бизнинг кунгача етиб келган ва қуйидаги мақолада улардан мисоллар келтирилди.





Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандни икки марта эгаллади (Кобул сафаридан олдин) ва бу ерда қисқа муддатдаги ҳукмронлиги чоғида ўз тангаларини зарб эта бошлайди. Мазкур тангалар жаҳон коллекцияларида кўплаб нусхаларда мавжуд. Жумладан қуйида келтирилаётган Даниядаги Дэвид колекциясидаги танганинг тафсифини келтирамиз:

Танга. Кумуш. Самарқанд. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 906 / 1500–1501 й.). В=4.76 гр. Д= 27.0 мм. Инв.№ С 342.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси *(Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулаллоҳ)* дан сўнг айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, картуш ичида зарб қилинган жой ва сана “Зарб фий Самарқанд сана 906 (1500–1501)”, – “Самарқандда 906 йили зарб қилинди” (Охирги 6 рақами деярли ўчиб кетган, тахминан ўқилди). Қуёшсимон кичик айлана ичида эса танганинг Султон Ҳусайн томонидан қайта зарб қилинган муҳри жойлаштирилган – *беҳбуд Ҳирот”* (гуллаб яшнагувчи Ҳирот). Бу тарихда ҳукмдорлар томонидан одатий ҳол сифатида қўлланилган. Айлана бўйлаб ҳукмдор исми келтирилган: *“Ал-Султон ал-аъзам Заҳириддин султон Муҳаммад Бобур баҳодур”,* яъни Бобурнинг ҳумдорлиги ва расмий исми қайд этилган.

Шунинггдек, тадқиқотчи А.М.Камишевнинг маълумотига кўра, Бобурнинг Самарқандда 1511-1512 йилларда зарб қилинган танганларида қанотларини қоқаётган қуш тимсоли туширилгани қайд этилган[54].

Шайбонийларнинг тазйиқи ва таъқиби остида 1503 йилда Бобур темурийларнинг Кобулдаги ерларини эгаллайди ва кейинроқ бу ерда ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, янги давлатга асос солади. Шу даврда у ўз номидан кумуш ва тилла тангалар зарб этади. Эндиликда унинг тангаларида “ас-Султан ал-аъзам ва-л-ҳоқон ул-мукаррам Заҳириддин Муҳаммад Бобур Жалолуддин Подшоҳи-Ғозий” эпитети қўшилишини кузатишимиз мумкин.

Бобур ундан кейинги йилларда ҳам Кобулда мазкур услубда тангалар зарб этиб борди. Мазкур тангалардан айримлари бизгача етиб келган.



Танга. Кумуш. Кобул. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 913 / 1507–1508 й.). В=4.60 гр. Д= 25.0 мм.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси *(Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ)* дан сўнг айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, картуш ичида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий” ва айланасига “Султон ал-аъзам халадаллоҳу мулкаҳу”, зарб қилинган жой ва сана “Зарб фий Кобул сана 913 (1500–1501)” қайд этилган. Бобур ундан кейинги йилларда ҳам Кобулда мазкур услубда тангалар зарб этиб борди.

[54] Камышев А.М. Клады медных монет Тимуридов и Шейбанидов. Самарканд: МИЦАИ, 2013, с.4.



Танга. Олтин. Кобул. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 930 / 1523–1524 й.). B=4.76 гр. Британия музейи. NGSA 8 (2014) 294 = Fr. 700.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда картуш ичида шаҳодат калимаси *(Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ)* дан сўнг айланасига тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: “Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий халадаллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу” ҳамда зарб қилинган жой ва санаси “Зарб Кобул, 930 (1523–1524)” қайд этилган.

Шу йилларда Бобур Балх ва Қандаҳорда ҳам ўз тангаларини зарб қилган. Улардан айримлари ҳозирги вақтгача турли коллекцияларда сақланмоқда.



Танга. Кумуш. Балх. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** B=4.59 гр. Зарб қилинган йили ўчган.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда айлана ичида шаҳодат калимаси *(Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммаду расулаллоҳ)* дан сўнг айлана бўйлаб картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари зарб этилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: Марказда, сатрларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур эпитети келтирилган" ва зарб қилинган жойи – "Зарб Балх" ёзуви қайд этилган. Бобурнинг мазкур тангаси ноёб саналади.

Бобурнинг Балхни эгаллаган йили унинг охирги марта Мовароуннаҳрга юриши вақтига яъни 1511-1512 йилларга тўғри келади. Демак мазкур танга афтидан шу йилларга тўғри келади.

Султон Ҳусайн Бойқаро вафотдан сўнг (1506), унинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо шерикликда Ҳирот тахтига ўтиришган. Бироқ улар шайбонийларнинг босими остида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади. Ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтади.

1510 йилдан бошлаб Бухоро ва Самарқандни қайта эгаллаш мақсадида Бобур сафавийлар давлатининг ҳумкдори Шоҳ Исмоил I билан шайбонийларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишга эришади. Бу орада Самарқанд тахтини учинчи бор эгаллашга муваффақ бўлади, бироқ ҳокимиятни қўлда сақлай олмасдан Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи манбаларда Бобурни гўёки Шоҳ Исмоил Сафавийга ҳурмат юзасидан шиалик мазхабини қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Бироқ Бобурнинг бу даврдаги зарб қилинган тангаларида тўрт халифа исмлари келтирилиши юқоридаги маълумотни асоссиз эканлигини кўрсатади. Шоҳ Исмоил ва Эроннинг бошқа шиа ҳукмдорлари тангаларида эса фақатгина халифа Али ибн Абу Толибнинг номи келтирилган холос.

Заҳириддин Бобур салтанатининг охирги йилларида Ҳиндистоннинг бир қанча йирик шаҳарлари – Агра, Деҳли, Ужайн, Лоҳур, Мўлтон, Жўнпур ва бошқа жойларда унинг номи билан зарб этилган тангалар сақланган. Қуйида Агра ва Жўнпур шаҳрида зарб этилган тангадаги маълумотларни келтирамиз.



Танга. Олтин. Агра. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 935 / 1528-1529 й. В=4.72 гр. Д= 25.0 мм. Инв.№ 562.

Танганинг олд қисми (аверс): *“Ал-Султон ал-аъзам вал хоқон ул-мукаррам Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султони ғозий, Агра, 935;халадиллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу”* ёзувлари билан ҳукмдор исми зарб қилинган жойи ва санаси берилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: марказда шаҳодат калимаси, айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари келтирилган.



Танга. Кумуш. Жўнпур. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** 935 / 1528-1529 й. В=4.54 гр. Д= 25.0 мм. Дэвид коллекцияси, Инв.№ 562.

Танганинг олд қисми (аверс): марказда шаҳодат калимаси, айланасига картушларда тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номлари келтирилган.

Танганинг орқа томони (реверс)да: юқорида, чизиқ тепасида *“Ал-Султон ал-аъзам вал хоқон ул-мукаррам”*. Марказда *“Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий, 935-сана – халадиллоҳу мулкаҳу ва салтанаҳу, зарб Жўнпур”* ёзувлари билан ҳукмдор исми зарб қилинган жойи ва санаси берилган.

Юқорида келтирилган мисолларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннаҳр, Кобул ва Ҳиндистонда ҳукмронлиги йилларида ўз номидан тангалар зарб қилинганлиги ҳозирги вақтгача сақланиб келинган тангалардан маълум бўлади. Мазкур тангалар Бобур давлатининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва халқаро муносабатлари, савдо ва молия-пул сиёсатидан дарак берувчи тарихий материаллар ҳисобланади.

БОБУР МЕРОСИНИНГ ГУЛТОЖИ

Йўлдошхон ИСАЕВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда туғилиб, жаҳон илм-фани, маданияти, башар цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган алломалар минглаб ноёб дурдона асарлар яратган. Уларни мутолаа қилган киши, албатта, илм-фан ва маданият бешиги бўлган бу заминда ижод қилган олимлар нақадар буюк зотлар бўлганини қалбан ҳис этади.

XV аср охири-XVI аср бошларида Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўчмас из қолдирган аллома мутафаккирлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо бўлиб, Бобур – тахаллуси. Баъзи манбаларда келтирилишича, у болалигидаёқ довюрак ва жасурлиги учун “Бобур” (“Йўлбарс”) лақабини олган [5, 83]. Бошқа бир манбада Умаршайх Мирзонинг қайнотаси Юнусхон хурсанд бўлиб: “Насиб этса, иншоаллоҳ, йўлбарсдай баҳодир бўлғусидир. Инчунин, “Бобур – йўлбарс” деб чақирсак ҳам бўлур экан” [4, 17], дегани қайд қилинган. Мирзолар сулоласидан бўлгани учун Бобур Мирзо ҳам дейилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 888/1483 йил (6 муҳаррам/14 февраль куни)да Андижон шаҳрида Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида таваллуд топган. У, барча темурий шаҳзодалар каби, болалигидан махсус тарбиячилар ва йирик фозилу уламолар устозлигида араб ва форс тиллари, фиқҳ ва бошқа

илмларни ўрганган, ҳарбий таълим сирларини ўзлаштирган. 1494 йили Умаршайх Мирзонинг фожеали вафотидан сўнг валиаҳд 12 ёшида Андижон тахтига ўтиради. Лекин бу вақтда Мовароуннаҳрда сиёсий вазият кескинлашиб, темурийзодалар ўртасида тож-тахт учун курашлар, ўзаро феодал урушлар авж олган эди. Бобур бу курашларда бевосита иштирок этади. Ёш бўлишига қарамай, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, тартибни қарор топтириш учун бор куч-қувватини ишга солади.

Мутафаккир, шубҳасиз, туғма истеъдод соҳиби эди. Шу боис нафақат ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили ва давлат арбоби, балки адабиётшунос, тилшунос, шоир, тарихчи, этнограф, географ, моҳир саркарда, бобурийлар сулоласининг асосчиси сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олган. Кўп вақти жангу жадалларда ўтганига қарамай, самарали ижод қилган. Асарлари бир неча асрлардан буён илмий аҳамиятини йўқотмай, китобхонлар ва тадқиқотчилар томонидан севиб мутолаа қилиб келинади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 16-17 ёшларидан ижод билан шуғулланиб, 18-19 га етганида рубоий ва ғазаллар ёза бошлаган. Жумладан, ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти 1498 йили Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган. Мутафаккир: “Ул фурсатларда бирор-иккирар байт айтур эдим”, деб ёзади [5, 86].

Унинг “Топмадим” радифли ғазали эса тахминан 1500-1501 йилларда ёзилган.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши.

Кўнглум ғарибликда шод ўлмади, оҳ,

Ғурбатта севинмас эрмиш албатта киши.

мисралари билан бошланувчи рубоийси ҳам ўша йиллардаги ҳаётий изтироблари билан боғлиқ.

Кейинчалик туркий ва форсийда шеърлар бита бошлаган. Туркийдаги шеърларини тўплаб, 1519 йилда Кобулда “Кобул девони”ни, 1528-1529 йилларда Ҳиндистонда “Ҳинд девони”ни тузади. Бобур лирикасининг асосий жанрлари ғазал, рубоий ва

туюқлар ҳисобланса-да, у қитъа, фард каби йўналишларда ҳам ижод қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарих ва этнографияга оид “Бобурнома”, ҳуқуқшуносликка оид “Мубаййан”, араб алифбосини соддалаштирган ва туркийга бирмунча мослаштирган “Хатти Бобурий” хати, аруз қоидаларига оид “Рисолаи аруз” (“Муфассал”), мусиқа бўйича “Илми мусиқий”, ҳарбий илми тўғрисида “Ҳарб иши” каби бир қанча асарлари билан ўзбек адабиёти, тарихи, илм-фани, маданияти ва санъатининг равнақига улкан ҳисса қўшган.

Мутафаккир моҳир таржимон ҳам бўлиб, 1528 йилда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг “Волидия” рисоласини форсийдан туркийга назмий усулда таржима қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий меросининг гултожи бўлган “Бобурнома” асари Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи, географияси ва бу ерлада яшовчи халқлар этнографиясига оид нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган. Асар ўша давр ўзбек классик адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намунаси бўлиб, мазмунининг серқирралиги, ранг-баранглиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Асл номи “Вақоеъ” бўлса-да, у “Воқеанома”,“Тузуки Бобурий”, “Воқеоти Бобурий”, “Бобурия” деб ҳам аталган. Кейинчалик “Бобурнома” деб номланиб, шу ном билан машҳур бўлган [1, 5].

Муаллиф бу асарни Ҳиндистонда ёзган. У баён қилинган воқеалар жараёнига кўра 3 қисмга – Мовароуннаҳр (1494-1504), Афғонистон (1504-24), Ҳиндистон (1524-30)даги ҳукмдорлик даврига бўлинади. Асарда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг 1494-1529 ва 1529-1530 йиллардаги тарихи, ижтимоий ҳолати, иқтисодиёти, бу салтанатлардаги халқлар, қабилалар, уларнинг тиллари, маданияти, касб-ҳунар ва урф-одатлари, расм-русумлари, анъанавий тадбир-маросимлари, ўша давр жамиятига хос ижтимоий табақаларга тегишли маълумотлар, тож-тахт учун курашлар ва содир бўлган тарихий-сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган. Буларнинг барчаси бевосита Бобурнинг ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан боғликдир.

Муаллиф “Бобурнома”да фақат тарихий воқеа ва ҳодисалар билан чекланмай, балки уларнинг иштирокчилари ва асосий қаҳрамонларига, яъни тафсилотларга алоҳида эътибор қаратган. Ўша даврда яшаган ва муҳим мавқелар иштирокчиси бўлган 1500дан зиёд давлат ва маданият арбоби, турли табақадаги шахслар ҳақида сўз юритган. Асарда тасвирланган ҳар бир образ, персонаж, шахс ўзининг жозибаси, характери билан алоҳида ажралиб туради [3, 237].

Айни пайтда “Бобурнома”да ижтимоий-табиий фанлар, тарих, фиқҳ, диний таълимот, тилшунослик, жуғрофия, табиатшунослик, маъданшунослик, деҳқончилик, боғдорчилик соҳалари билан бирга, ижтимоий масалалар, сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатларда олиб борилган ободонлаштириш ишлари, бунёд этилган муҳим тарихий иншоот, масжид, мадраса, зиёратгоҳ ва ибодатхоналарнинг таърифу тавсифлари ҳам баён қилинган.

Бундан ташқари, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфий Бухорий, Оҳий, Муҳаммад Солиҳ, Хожа Абдулло Марварий, Қул Муҳаммад Удий, Шайх Нойий, Юсуф Али, Мулло Ёрак, Шоҳқули Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби кўплаб шоир, адиб ва санъаткорлар тавсиф этилиб, уларнинг ижодий фаолиятларига холис баҳо берилган. Жумладан, Алишер Навоий ҳақида шундай дейилган: “Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хтуб айтқон эмас...” [2, 153].

Шу боис ҳам “Бобурнома” ҳанузгача тарихий, географик, этнографик ва адабий асар сифатида илмий аҳамиятини йўқотмай келяпти. У XVI асрдан ҳозирги кунгача бир неча марта инглиз, голланд, француз, форс, немис, италян, рус, ҳинд, урду ва бошқа тилларга таржима қилиниб, шарҳ-изоҳлар билан нашр этилган.

“Бобурнома” инглиз тилининг ўзига уч марта – 1922 йилда шарқшунос олима Анета Бевериж, 1826 йилда Уильям Эрскин ва Жон Лейден томонидан ва 1996 йилда Уиллер Такстон томонидан таржима қилиниб, Англия ва АҚШда бир неча бор қайта-қайта чоп қилинган.

Бобур ҳаёти ва “Бобурнома” асари ҳамда латофатли шеърлари ўша даврдан ҳозиргача жаҳон олимлари ва жамоат арбобларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, Ҳиндистоннинг буюк сиёсат ва жамоат арбоби Жавоҳарлаъл Неру: “Бобур – дилбар шахс. У Уйғониш даврининг моҳир ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, санъатга, адабиётга меҳр қўйган, ҳаётнинг ҳар тотли лаҳзасидан баҳра олишни яхши кўрган...”, деган. Инглиз тарихчиси Эдуард Холден: “Бобур – феъли сажиясига кўра, Цезарга қараганда, ардоққа кўпроқ арзигуликдир.” деб таърифлайди. “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилган машҳур шарқшунос олим Анета Бевериж: “Ушбу асарни ҳамма даврларда ёзилган энг жозибали адабиётлар қаторига қўйиш лозим”, деб эътироф этган. Англия, АҚШ, Франция, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Япония каби кўплаб мамлакатлар олимларининг илмий тадқиқотларида “Бобурнома” асари инсоният томонидан барпо қилинган ўлмас обидалардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга сазовор экани таъкидланган. Кўриниб турибдики, Бобурнинг ҳаёти ва ижоди турли мамлакатларда ўрганилмоқда ва халқаро илмий ҳамкорлик воситасига айланиб бормоқда. Бу ҳам ўзбек халқининг улуғ ифтихоридан нишонадир.

Бобурнинг жаҳон халқлари маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган илмий-адабий мероси, жумладан, “Бобурнома” асарининг илмий аҳамияти жуда юқори бўлиб, ёшларимизни имон-эътиқодли, Ватанга садоқатли, билимли, доно ва зукко этиб вояга етказишда, уларда аждодларимиз илмий меросига қизиқишни кучайтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобур. Бобурнома. 1-қисм, Сўзбоши. – Т. 1948.
2. Бобур. Бобурнома. Юлдузча. – Т.: 1990.
3. Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони, – Т.: Шарқ. 2005.
4. Султонов Х. Бобурийнома, Маърифий роман “ШАРҚ” Нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. –Т.: 1997.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2-том. – Т.: 2001.

БОБУРШОҲНИНГ МАХФИЙ ВАСИЯТНОМАСИ

Шаҳло НУР,
журналист, ЮНЕСКО нинг Халқаро “Антик Дунё” Илмий Академияси профессори.
Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон давлатчилиги ва маданияти тарихида машҳур ҳукмдор, атоқли давлат арбоби, моҳир саркарда, жумладан истеъдодли шоир, адиб, таржимон, тарихнавис ва иқтисодчи олим сифатида ҳам ўрин олган. Асл насл-насаби барлослардан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур соҳибқирон Амир Темурнинг учинчи ўғли Жалолиддин Мироншоҳнинг оилавий шажарасига бориб тақалади. “Яъни Мироншоҳга невара, Амир Темурга эвара бўлади. Демак, ота шажараси бўйича Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳонгир Амир Темурнинг кавораси, Жалолиддин Мироншоҳнинг эвараси, Султон Муҳаммаднинг чевараси, Султон Абусаиднинг невараси, Умаршайхнинг тўнғич ўғли ҳисобланади.”[55]

“Бобурнинг онаси Нигорхоним мўғул хонларидан Юнусхоннинг қизидир.”[56]

Тарихий манба “Бобурнома”да қайд этилишича, Бобур ўз фарзандларининг таълим ва тарбиясига ниҳоятда катта аҳамият қаратган. Бобурнинг тўнғич фарзанди Носируддин Муҳаммад Ҳумоюн 913 (1507) йили зулъқада ойининг тўртинчи кечаси Кобулда туғилган. Онаси Моҳим бегим Султон Ҳусайн Бойқаро хонадонига яқин бир бекнинг қизи бўлган. Ҳумоюн Мирзо отаси каби зеҳнли ва истеъдодли шоир бўлган.

“Бобурнома”нинг “Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқеалари” бобида ўғли Ҳумоюн каттиқ касал бўлиб қолганида, бўлиб ўтган бир воқеа баён қилинади: “Муҳаммад Ҳумоюнга...ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур...Табиблар ҳар неча дори дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимки, улуғ киши эрди, арзга еткурдиким, ушмундоқ дардларга дармон будурким, яхши нимарсалардан тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки Тенгри таоло сиҳат бергай. Менинг кўнглимга келдики, Муҳаммад

[55] Темур тузуклари.Т.: “Ғафур Ғулом”, 1991, 108-б.
[56] Ҳолиқов А. “Бобурга жаҳоний шуҳрат келтирган асар:// “Samarqand” газетаси, 2014, 16 январь.

Ҳумоюннинг мендин ўзга яхши нимарсаси йўқ. Мен ўзим тасаддуқ бўлайин, ҳудой қабул қилсун...Уч қатла бошидин ўргулиб, дедимки, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен нохуш бўлиб йиқилдим, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъати қўлларини Ҳумоюнни (нг) қўлига бериб, жойнишинлигига ва валиаҳдлигига насб қилдим. Ва тахтни анга топширдум. Ва Хожа Халифа ва Қанбар Алибек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойиҳда бор эдилар, бориси қабул қилиб, банд бўлдилар".

Бобур Мирзо вафотига тарих айтувчилар кўп бўлган. Мавлоно Шиҳоб келтирган тарих сақланиб қолган: "Ҳумоюн буд вориси мулки вай" (Ҳумоюн унинг мулки меросхўридир").

"Ўз ҳаётини ҳам фарзанди Ҳумоюнга беришга тайёр бўлган ота бирор ёзма васият қолдирмаганмикан?"–деган саволга ўзимиз мантиқдан келиб чиқиб, "Албатта, бирор ёзма васият қолдирган бўлиши керак" деган тахминни келтирардиг-у, бу тахминимизни бирор далил билан исботлай олмас эдик. Шўролар тузуми даври тарихни борича ёритиш, уни аниқ манбалар асосида тадқиқ этиш борасида ҳам бир қатор тўсиқлар қўйган эди. Тадқиқотчи олим Хайрулло Исматуллаев бу борада Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа шарқ мамлакатларида бўлиб, Бобур ҳақида ёзилган асарлар нусхаларини тўплашга ҳаракат қилган. Тадқиқот давомида у Ҳиндистонда Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзма равишда қолдирган "Махфий Васиятнома"си сақланаётганлигини гувоҳи бўлади. Ҳўш, бу "Махфий Васиятнома" қандай эди? Мазкур "Махфий Васиятнома" 935-ҳижрий йили жумодил-аввал ойининг биринчи куни (милодий 1529 йил 11 январда) Бобур Агра яқинидаги Нилуфар Боғида турганида ёзилган экан. Ҳозир бу жой Ҳиндистоннинг Ражастон штатига қарайди. "Махфий Васиятнома" ўнг томонида доира ичида Бобурнинг 933. Подшоҳ Баҳодир ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур" деб нақшланган муҳри ҳам берилган. Бобуршоҳнинг ўғли шаҳзода Ҳумоюнга қолдирган бу васияти Ҳиндистонни бошқаришга оид ўгит-маслаҳат, йўл-йўриқлардан иборат бўлгани учун ҳам у махфий саналган ва "Махфий Васиятнома" деб юритилган. Бир қатор Бобуршунос олимлар

Бобурнинг ёзма васиятнома бўлганлиги боис бу ҳақда манбаларда келтирмаганлар. Мазкур манба билан ҳинд профессорлари Саййид Росс Маъсуд, Ҳ.К.Шерваний ҳамда Жайпурдаги Ражастон университети профессори, тарихчи олим Р.Е.Натҳ таниш бўлганлар. Бобурнинг "Махфий Васиятнома"си ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, келажакда бу манба ўзбек халқининг тарихий мулкларидан бирига айланиши шубҳасиз.

"Махфий Васиятнома"нинг таржимасиз вариантида Бобуршоҳ томонидан қуйидагича сўзлар баён қилинган:

"***933 хижрий йил Подшоҳи Баҳодир ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алҳамдиллиллаҳ***

Васият номаи махфие Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи ғозий ба шаҳзода Насириддин Муҳаммад Ҳумоюн тула омра

Ба истеҳкоме султонат навешта шуд. Ай фарзанд, мамлакати Ҳиндустон аз мазоҳиби мухталифа маъмур аст..."

Таржима эса қуйидагича: "***933 ҳижрий йил Подшоҳи Баҳодир ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алҳамдиллиллаҳ***

Салтонатнинг маҳкам бўлиши учун бу махфий васиятнома тузилди. Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан маъмур бўлган. Аллоҳ таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига (йўлига) адолат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қалбини қўлга киритаман десангиз, сигир сўймоқликдан ўзингизни тийинг. Бу яхшилигингиз эвазига шу вилоят халқининг қалби сизга яқин бўлади. Қўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларни хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подшоҳ раъйатдан ва раъйат подшоҳдан осуда бўлсин. Исломнинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тиғидан эмас. Сунний ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўзингизни юминг. Агар бундан кўз юммасангиз, ислом заифлашиши мумкин. Раъйатдаги турли қалбларни арбаии аносир (тўрт унсур) билан маҳкам тутинг. Салтанатнинг жисми турли маразлардан тинч бўлсин. Подшоҳлик ишларини пухта қилиш

учун ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг.

Ва мо аллайно иллал балағ (“ва бизнинг бурчимиз фақат аниқ аён этишдир”. Сураи Ёсин).

Биринчи жумоди ул аввал 935 (ҳижрий йили)”.

Мазкур васиятнома настаълиқ хатида ёзилган. Мутахассисларнинг фикрича, қоғозига олтин суви пуркалган ҳамда қоғозининг ҳошияларига гулли безаклар ишланган.

Ҳозирги кунда Бобурнинг “Махфий Васиятнома”си Бҳопал Давлат кутубхонасида сақланади. Васиятнома фотонусхасини биринчи бўлиб кутубхона мудири Б.Гошал олиб, жаноб Саид Росс Маъсудга юборган. Айни васиятномадан ҳам Бобур Мирзонинг аслида қандай шахс бўлганлиги ўғлига қарата васиятномасида ёзилган мурожаатидан очиқ кўриниб турибди.

Бобуршоҳ фаолиятига доир бир қатор тадқиқотларни яратган ҳинд тарихчиси, Жайпурдаги Ражастон университетининг тарих фани профессори Р.Натҳнинг фикрига кўра, ўзининг 47 йиллик умрининг 36 йилини жангу жадалларда ўтказган Бобур аслида осойишталик, тинчлик ва ижод одами эди. У тўғрисўз, ҳақиқатгўй солномачи, “Бобурнома” муаллифи, бизнинг давримизгача икки девони етиб келган шоир, табиат ошиғи, гўзал боғ-роғлар яратувчиси ва ҳаммасидан ҳам муҳимроғи гуманист эди. Ўзи сунний мазҳабидаги мусулмон бўлса-да, диний ақидаларга ёпишиб олмаган. Шу боис ҳиндлар унга “Қаландар” номини беришган. Бутун ҳаёти мобайнида у санъат, маданият, шеърият, мусиқа ва рассомчиликка нисбатан ҳурфикрлиликни сақлаб келган. Унда ҳеч вақт ман этишлар бўлмаган. Бобур бошқа диндагиларга нисбатан тинч-тотув яшаш, осойишталик, сабр-бардошли бўлиш, диний ишларига аралашмаслик сиёсатини қўллаган.У ерли халқнинг диний эътиқодларини ҳурмат қилган. Унинг 1529 йил 11 январда Дҳолпур яқинидаги “Боғи Нилуфар”да турганида ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган махфий васиятномаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

“Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилган Вильям Эрскин, унинг муаллифига хос характерни қуйидагича ифодалайди: “Бобур характерининг мислсиз белгиси унинг бошқа

мулкдорларникига ўхшамаслигидир. Осиё ижодларидаги дабдаба, сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизга Бобурнинг характери табиий, ҳаётий, сезувчи, самимий гавдаланади. Бобур тахтга ўтиришига қарамай, оддий турмушининг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолади. Осиё ҳукмдорлари орасида Бобур сингари гениал ва истеъдодли кишилар камдан-кам учрайди. Унинг фаол ақлий қобилияти...ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги...саховатлиги, мардлиги, талантлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан кишини лол қолдиради. Осиёдаги подшолар ичида Бобурга тенг келадиган бирон та ҳам подшоҳ топа олмаймиз”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз фарзандларини диёнатли, илм-фазилатли бўлиб ўсиши учун уларга китоб танлаб юбориш, уларнинг ўрганишлари учун китоблар ёзишни оталик ва подшоҳлик бурчи деб ҳисоблаган. Фарзандларини ўқиш-ўрганишга тарғиб қилиб, имло ва иншо хатоларини тўғрилаб, бехато, содда, равон ва бетакаллуф ёзишга чорлаган. Албатта, бу каби хатти-ҳаракатлар зое кетмаган.Унинг тўрт ўғли, қизи, набиралари ва уларнинг фарзандлари илму санъат, шеъру адабиётда ном қозондилар. Кўрагонийлар ва Бобурийлар сулоласидан кўп соҳибдевон шоирлар, тарихчилар, фақиҳлар, диний ва дунёвий олимларнинг исмини тазкиралардан келтириш мумкин.

Бобуршоҳ улғайтирган фарзандлари орасида Ҳумоюн Мирзога меҳри ва уни келажакда адолатпарвар ҳукмдор бўлишидан умиди катта бўлган. Ҳумоюн Мирзонинг саломатлиги, билим олиши ва мамлакат бошқарувига тайёргарлик борасида ишлари Бобур учун ҳамиша аҳамиятли бўлган.

Буюк шоҳ ва шоир Бобур Мирзо “Махфий Васиятнома”синининг ўз халқига қайтиб келгани ҳам шунчаки бир тасодифий ҳол бўлмаса керак. Бобуршоҳнинг васиятномада “подшоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг” деган сўзлари фақатгина ўғли Ҳумоюнга нисбатан эмас, балки бугунги кунда ўз тараққиёт йўлидан

одимлаётган халқига қарата айтилган васиятдек бўлиб ҳам янграмоқда.

Адабиётлар:

1. Темур тузуклари.Т.: “Ғафур Ғулом”, 1991, 108-б.
2. Холиқов А. “Бобурга жаҳоний шуҳрат келтирган асар:// “Samarqand” газетаси, 2014, 16 январь.

БОБУР ВА МИР САЙЙИД АЛИ ҲАМАДОНИЙ

Наргис Хушиева, Тожикистон Республикаси,
Шаҳринав тумани 14-мактаб директори.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадами етган минтақаларни кўз олдимизга келтирсак, деярли дунёнинг ярмига тенг келиб қолади. Хусусан, Тожикистон Республикаси вилоят, туман ва қишлоқларида Бобурнинг муборак қадамжолари жуда кўп бўлганидек, унинг тарихий ва адабий қимматга молик тош битикларининг аксарияти Тожикистон давлат музейларида сақланади. Айний районининг Шамтуч қишлоғидаги “Дуруст” қабристонида Бобурнинг қуйидаги мазмундаги тошбитиги бор:

Кофиро, мардумшикоро, як замон оҳистатар,
К-оҳуи бечораро тоби тири туркон нест.
Таржимаси:
Эй кофир, эй одам овчиси! Бир лаҳза шошма,
Шўрлик кийик турк ўқига бардош беролмайди.

Халқаро Бобур экспедицияси аъзолари 2022 йилнинг июл ойида бу тошбитикни иккинчи марта келиб кўрдилар. Биринчи маротаба 2009 йил октябрида келиб, бу тошбитикни топган эдилар.

Тошбитикда 907 ҳижрий йил санаси берилган бўлиб, бу 1502 милодий йилга тўғри келади. Халқаро Бобур экспедицияси вакиллари билан тожикистонлик тарихчи-академик Аҳрор Мухторов тошбитикдаги тарих санасига аҳамият бериб, ўз асарларида қуйидагича маълумотлар берганлар:

Бу вақтда Бобур Самарқанд қамалидан чиқиб келиб, Оббурдон қишлоқларида яшаётган эди. Тошбитик матни мазмунига қараганда Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Темурийларни ўришга

келган ўроқман”, деб шеър ёзган Муҳаммад Шайбонийхонни “Одам овчиси” деяётган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бу мулоҳазаларимиз шунчаки тахмин холос.

Чунки, байт муаллифлиги Бобурга тегишлилиги ёки Бобур буни бирор ўзи севган форс шоири ижодидан олган эканлиги ҳали ҳозирча аниқланган эмасдир.

Расмда: Шамтуч қишлоғи оқсоқоллари ва экспедиция вакиллари: Зокиржон Машрабов, Янгибой Қўчқоров, Ваҳоб Раҳмонов.

Экспедициянинг бу галги мақсади Бобур тошбитиги сақланиши аҳволини ўрганиш ва уни консервация қилиш режасини амалга ошириш эди. Янгибой Қўчқоров эса, ёзаётган “Буюк Бобур” романига синчиклаб материал йиғмоқда.

Бобур ҳаёти ва ижоди мутаффаккир ва мутассаввуф Мир Саййид Али Ҳамадоний билан ҳам боғлиқдир. Сир эмаски, буюк соҳибқирон Амир Темур Мир Саййид Али Ҳамадоний билан суҳбатлашган. Бу ҳақда миниатюра ҳам сақланган. Қизиғи шундаки, Соҳибқирон баҳсда мутафаккир олимдан устун чиққан.

“Бобурнома” қомусий асарида Бобурнинг Кунар шаҳри (собиқ Ҳиндистон, ҳозирги Покистоннинг Асадобод шаҳри)да бўлганида Мир Саййид Али Ҳамадоний қадамжосини зиёрат қилгани ҳақида қуйидагича маълумот бор:

“Мир Саййид Али Ҳамадоний Раҳматуллоҳ саёҳат қилиб келиб, Кунардан бир шаръий (1,5 км) юқорироқда вафот этганлар. Муридлари бу ердан Хатлонга элтибдилар. Оламдан кўз юмган ерлари ҳозир бир мозор бўлиб қолган. 925 (1519) йили келиб Чағонсаройни олганимда, бу жойни тавоф қилиб эдим”.

Аввало муаллифнинг бу мутафаккирни “сиз”лагани диққатимизни тортади. Нега энди Бобурдай шаҳаншоҳ бу кишини бунчалар азиз билиб, қадамжойини тавоф қилмоқда?

Бугина эмас, Бобур Мир Саййид Али Ҳамадонийга бағишлаб, форс тилида шеър ҳам ёзган:

Ту соҳиби ин мақбара пири ҳама дон

Дар ҳама ғаму ғусса дастгири, ҳамадон
Хонам ба ту аз ман бишунав, то дони,
Фарзанди Али бихону мири Ҳамадон.

Мазмуни: *Эй ҳаммага таниқли устоз, сен шу мақбара эгасисан.*

Сен ҳамма нарсани билувчи олим, ҳаммани ғаму ғуссасида қўлловчисан.

Мен айтай, сен тингла, билгилки, бу киши Ҳамадон амирининг фарзанди Алидир.

Мир Саййид Али Ҳамадоний ҳақидаги бир рисолада унинг 76 та китоб муаллифи эканлиги қайд этилган. Олимнинг "Захиратул-мулук" номли йирик асари Тожикистонда нашр этилган.

Мир Саййид Али Ҳамадоний хоки Хатлон вилоятининг Кўлоб шаҳрига келтирилгач, фидойи шогирдлари устоз шаънига муносиб қабр ва мақбара бунёд этганлар. Ҳиндистондан келтирилган йирик мармар тошлари ҳали ҳам зиёратчиларни ҳайратга солади.

Яна бир ажойиб ҳолат: Ҳозирги Тожикистон Республикада амал қилаётган ўн сомонлик пулда Мир Саййид Али Ҳамадонийнинг бир тасаввуфона-халқни эзгуликка чорловчи шеъри берилган:

Ҳар ки моро ёд кард Эзид мар ўро ёр бод,
Ҳар ки моро хор кард, аз умр бархурдор бод.
Ҳар ки андар роҳи мо хоре фиканд аз душмани,
Ҳар гуле, к-аз боғи васлаш бишкуфад, бехор бод.
Дар ду олам нест моро бо касе гарди ғубор,
Ҳар ки моро ранжа дорад, роҳаташ бисёр бод.

Мазмуни: Ҳар ким бизни эсга олса, Худо унинг ёри бўлсин!

Кимки бизни хўрласа, умридан барака топсин. Бизнинг йўлимизга ғанимликдан тикан ташлаган кишининг висоли боғидаги гуллари тикансиз унсин. Икки оламда бизнинг кўнглимизда ўзгалардан гард-ғубор йўқ. Кимки бизга азоб берса, унинг роҳати кўпаяверсин.

Z.M.BOBUR ASARLARINING TARBIYA ILMIDAGI AHAMIYATI

I.M.Sattarova
ADU, Umumiy pedagogika kafedrasi katta o'qituvchisi

"…Biz ajdodlarimizning yorqin xotirasini asrab-avaylab, qalbimizda, yuragimizda abadiy saqlaymiz…" [1. 5-bet.]

Zahiriddin Muhammad Bobur O'rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she'riyatida o'ziga xos o'rin egallagan adib, shoir, olim bo'lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo'lsa, serjilo o'zbek tilida yozilgan «Boburnoma» asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Bobur mirzoning turli davrlarda chizilgan portret va minniatyuralari: Mirzo Boburga bag'ishlangan pochta markalari mirzo Bobur haykali. Uning nafis g'azal va ruboiylari turkiy she'riyatining eng nodir durdonalari bo'lib, «Mubayyan» («Bayon etilgan»), «Xatti Boburiy», «Harb ishi», Aruz haqidagi risolalari islom qonunshunosligi, she'riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo'lib qo'shildi.

Adabiyot, nafis san'at, tabiat go'zalligiga yoshligidan mehr qo'ygan Zahiriddin, barcha Temuriy shahzodalar kabi bu ilmlarning asosini otasi saroyida, yetuk ustozlar rahbarligida egalladi. Biroq uning sertashvish yoshligi uzoqqa cho'zilmadi. 1494 yili otadan yetim qoldi. 12 yoshida otasi o'rniga Farg'ona ulusining hokimi etib ko'tarildi.

Boburning butun jahon ommasiga mashhur bo'lgan shoh asari «Boburnoma»dir. Ma'lumki, unda Bobur yashagan davr oralig'ida Movarounnahr, Xuroson, Eron va Hindiston xalqlari tarixi yoritilgan. Asar asosan uch qismdan iborat bo'lib, uning:

- birinchi qismi — XV asrning ikkinchi yarmida Markaziy Osiyoda ro'y bergan voqealarni;
- ikkinchi qismi — XV asrning oxiri va XVI asrning birinchi yarmida Kobul ulusi, ya'ni Afg'onistonda ro'y bergan voqealarni;
- uchinchi qismi — XVI asrning birinchi choragidagi Shimoliy Hindiston xalqlari tarixiga bag'ishlangan. «Boburnoma»da o'sha

davrning siyosiy voqealari mukammal bayon qilinar ekan, o’z yurti Farg’ona viloyatining siyosiy-iqtisodiy ahvoli, uning poytaxti Andijon shahri, Markaziy Osiyoning yirik shaharlari: Samarqand, Buxoro, Qarshi, Shahrisabz, O’sh, Urganch, O’ratepa, Termiz va boshqa shaharlar haqida nihoyatda nodir ma’lumotlar keltirilgan. Unda Kobul ulusining yirik shaharlari Kobul, G’azna va ular ixtiyoridagi ko’pdan-ko’p tumanlar, viloyatlar, Shimoliy Hindiston haqida ma’lumotlarni uchratish mumkin. «Boburnoma»ni varaqlar ekanmiz, ko’z oldimizdan Markaziy Osiyo, Afg’oniston va Hindiston xalqlariga xos bo’lgan fazilat va nuqsonlar, ularning tafakkur olamini kengligi va murakkabligi bilan birga, o’sha davrdagi hayot muammolari, Bobur davlatidagi siyosiy va ijtimoiy hayotning to’liq manzarasi namoyon bo’ladi. «Boburnoma»da keltirilgan bu tarzdagi ma’lumotlar Bobur davrida yozilgan boshqa tarixiy manbalar: Mirxond, Xondamir, Muhammad Solih, Binoiy, Muhammad Haydar, Farishta, Abul-Fazl Allomiy va boshqa tarixchilarning asarlarida bu darajada aniq va mukammal yoritilgan emas. Muallif «Boburnoma»da Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Behzod, Mirzo Ulug’bek va boshqa allomalar haqida o’zining eng yuqori fikr va mulohazalarini bildiradi. «Boburnoma» — Movarounnahr, Xuroson, Hindiston, Eron xalqlarining XV asr oxiri — XVI asrning birinchi yarmidagi tarixini o’zida aks ettirgan bo’lsa ham, shu bilan birga juda ko’p dolzarb iqtisodiy, ijtimoiy masalalar, yuqorida nomlari keltirilgan viloyatlarning o’zaro siyosiy-iqtisodiy va savdo munosabatlari, jug’rofiy mavqei, iqlimi, o’simlik va hayvonot dunyosi, tog’lari, daryolari, xalqlari, qabila va elatlari va ularning yashash sharoitlari, urf-odatlari, muhim tarixiy inshootlari — hindular va musulmonlarning ibodatxonalari, to’y va dafn marosimlari haqida nihoyatda nodir ma’lumotlarni o’zida qamrab olgan shoh asardir. Shu bois «Boburnoma» tarixiy va adabiy meros sifatida dunyo olimlarini hayratda qoldirib kelmoqda. Uzoq yillar davomida G’arb va Sharqning mashhur sharqshunos olimlari «Boburnoma» mazmunini jahon jamoatchiligiga yetkazish borasida katta faoliyat ko’rsatdilar. Masalan, gollandiyalik olim Vitsen, angliyalik olimlar J. Leyden, V. Erskin, R. Koldekot, A. Beverej, germaniyalik Yu. Klaynrat va A.

Keyzer, frantsiyalik Pave de Kurteyl, hindistonlik Mirzo Nasriddin Haydar, turkiyalik R. R. Arat va N. I. Bayur va bizning davrimizdagi frantsiyalik olim Bakye Gramon, afg'onistonlik olim Abdulhay Habibiy, pokistonlik olimlar Rashid Axtar, Nadvi va Shoh Olam Mavniyot shular jumlasidandir. «Boburnoma»ni o'rganish sohasida jahonning mashhur sharqshunoslari qatoridan yaponiyalik olimlar ham joy olmoqdalar. Ma'lumki, Boburning tarixiy, ilmiy va adabiy merosini o'rganish va ommalashtirishda O'zbekiston, Tojikiston, Rossiya olimLarining faoliyatlari ham diqqatga sazovordir. XIX-XX asrlar davomida Georg Ker, N. Ilminskiy, O. Senkovskiy, M. Sal'e, Porso Shamsiev, Sodiq Mirzaev, V. Zohidov, Ya. G'ulomov, R. Nabiev, S. Azimjonova, A. Qayumov kabi olimlarning sa'y-harakatlari bilan «Boburnoma» bir necha bor rus va uzbek tillarida chop etildi. Ularga so'zboshi yozildi va keng kitobxonlar ommasining ma'naviy mulkiga aylantirildi. Uning she'rlari ham bir necha bor nashr etildi. Bobur o'zbek adabiyotida o'zining nozik lirik asarlari bilan ham mashhurdir. Uning hayoti va adabiy faoliyati Movarounnahrda siyosiy hayot nihoyat murakkablashgan, feodal guruhlarning boshboshdoqlik harakatlari avjiga chiqqan va Temuriylar davlatining inqirozi davom etayotgan bir davrga to'g'ri kelgan edi. Bunday murakkabliklar in'ikosini «Boburnoma»da ko'rgan bo'lsak, shoir ruhiyatida qanday aks etgani esa, uning she'rlarida namoyon bo'ladi. Movarounnahrni birlashtirishga urinishlari natija bermagach, Bobur ruhiy qiynalgan, amaldorlarning xiyonatlari ta'sirida umidsizlikka tushgan kezlardagi kayfiyati she'rlarida aks etgan. Keyinchalik o'z yurtini tark etib, Afg'oniston va Hindistonga yuz tutganda Bobur she'riyatida Vatan tuyg'usi, Vatan sog'inchi, unga qaytish umidi mavj ura boshladi:

Tole' yo'qki jonimg'a balolig' bo'ldi,
Har ishnikim, ayladim xatolig' bo'ldi,
O'z yerni qo'yib Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi?!

"Boburnoma" asarida tarixiy shaxslarga berilgan tavsiflar ularning axloqiy, ruhiy holatlari haqida ma'lumot beradi. Bobur tomonidan berilgan tavsiflar tarixiy shaxsning xulq atvori, fe'li xulqi, odobi, insoniylik xususiyatlarini ochib beradi.

Qisqa va tushunarli bo’lgan bunday tavsif orqali bu tarixiy shaxsning Bobur mirzo tomonidan qay darajada qadrlanishlarini chuqur anglash mumkin bo’ladi.U hokimiyatni boshqarish davomida qo’l ostidagi beklar, amirzodalardan insoniylik, adolatparvarlik, do’stga vafodorlik tuyg’ularini talab qilgan.

Zahiriddin Muhammad Bobur shaxslar haqida so’zlar ekan ularning avvalo insoniylik, do’stni ulug’lash, do’stga va yorga vafodorlik tomonlariga chuqur e’tibor qaratadi. Sotqin, badbin, maishatparast, kalondimog’ shaxslarga o’z nafratini ochiq bayon etadi.

Beklardan biri Hasan Ya’qubbek xususida to’xtalar ekan qo’yidagicha tavsif beradi: “Yana biri Hasan Ya’qubbek edi. Kichik ko’ngilluk, yaxshi tab’lik, chust va chapson kishi erdi. Bu bayt aningdur:

Boz oy, ey humoy ki, beto’tii xatat

Nazdik shud ki zog’ barad ustuxoni man.

Mardona kishi edi. O’qni yaxshi otar edi. Chavgonni yaxshi o’ynar edi.”

Yoki: YAna bir Ali Mazidbek qavchin edi, ikki qatli yozg’iy bo’ldi: bir marta Axsida, yana bir martaba Toshkandda. Munofiq va fosiq va haromnamak va yaramas kishi erdi.[3. 26-bet.]

Zahiriddin Muhammad Bobur shaxslarga tavsif berar ekan ularning umuminsoniy xislatlarini ulug’laydi. Insonni ulug’lash, hurmat qilish va e’zozlashlariga hayrihohlik bilan qaraydi.

Biroq do’stlikni, yaxshilikni, insoniylik xislatlarini toptagan, xudbin shaxslarning qilmishlari halokatli ekanligini quyidagicha ta’riflaydi.

“Muhammad Husayn Mirzoni ozod qildim. Xuroson sari ruxsat berildi, bu bemuruvvat va haqnoshunos kishi mening mundoq yaxshilig’imnikim, jonini bag’ishladim, bilkul unutib, Shayboniyxon qoshida mendin g’iybatlar va shikoyatlar qilibtur. Oz fursat o’tmadikim, Shayboniyxon o’q o’lturib, jazosiga etkurdi.[3.26-bet]

Xalqimizda yaxshilikni bilmagan hamda senga yomonlik qilganning Olloh ixtiyoriga topshir. U jazosini o’zi bergay degan hikmatli naql bor.

Anglashiladiki, Zahiriddin Muhammad Bobur ham yaxshilik, insoniylik, do’stni ulug’lash xislatlaridan mosuvo bo’lganlarning taqdiri YAratganning izmida ekanligini ta’kidlaydi.

“Boburnoma”da Zahiriddin Muhammad Boburning ilmni ulug’lashini, tarix, etnografiya, geografiya hamda tilga bo’lgan e’tiborida ko’rishimiz mumkin. Bobur nutq odobi, millat husni, insonning tuganmas boyligi, shaxsning boshqalarga nisbatan hurmati ekanligini uqtiradi.

Boburning nutq madaniyatiga alohida ahamiyat berishi bejiz emas edi. Boburning o’zi ham jangda tahlikaga tushgan askarlarni bir necha bor jangovar va ta’sirchan nutqi orqali dadillashtirgan, g’alabaga ishonch ruhini uyg’otgan va shu tufayli muvafaqqiyat qozongan.

Shuning uchun ham u o’z farzandlarining ham bu san’atni egallashini eng muhim vazifa deb bilgan. Faqat og’zaki nutqning emas, balki yozma nutqning ham sodda, ravon va savodli bo’lishiga erishish har bir ziyolining vazifasi hisoblangan.[4.95-bet]

Demak, Zahiriddin Muhammad Bobur insonparvar, adolatparvar, diniy bag’ri kenglik xislatlarini o’zida jamlay olgan ulug’ shox va davlat arbobi, inson his-tuyg’ularini teran anglay bilgan shoir va pedagog sifatida umrboqiydir.

Prezidentimiz ta’biri bilan aytganda: “Biz o‘z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug‘ maqsadni qo‘ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug‘beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak.” [2.5-6 bet.]

Adabiyotlar

1. Mirziyoyev.Sh.M. “Erkin va farovon, demokratik o’zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz” O’zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag’ishlangan Oliy majlis palatalarining qo’shma majlisidagi nutq.T.”O’zbekiston” NMIU. 2016 y.5-bet

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 29 dekabr 5-6 bet

3. Boburnoma 2-jild, T. 1965.26-b

4. Nurmonov A.O’zbek tilshunosligi tarixi. T., “O’zbekiston”. 2002 y. 95-b

«BOBURNOMA»DA SARKARDALIKKA XOS SIFATLAR TASVIRLARI

Sayipova Dilafruz Rahimovna.
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti Kattaqo'rg'on filiali Gumanitar fanlar kafedrasi o'qituvchisi,

Annotatsiya

Maqolada Boburning sarkardalik faoliyati, lashkarni boshqarishi, janglari, siyosati, muvaffaqiyatlarining sabablari va bularning «Boburnoma»da tasvirlanishi haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: navkar, lashkar, valiy, hukmdor, bek, shijoat, viloyat, darvesh.

Abstract

The article talks about Babur's leadership, army management, battles, politics, reasons for his success and how these are described in «Boburnoma».

Key words: navkar, lashkar, valy, ruler, bek, shijaat, province, dervish.

Аннотация

В статье рассказывается о полководческой деятельности Бабура, его управлении армией, его битвах, его политике, причинах его успехов и их описании в «Бабурнаме».

Ключевые слова: навкар, Лашкар, Вали, правитель, Бек, мужество, провинция, Дервиш.

Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsi va ijodi bugungi kunda ham butun dunyoda qiziqib o’rganiladi. Buning asaosiy sabablaridan biri Boburning ko'p qirrali faoliyati va buning «Boburnoma»da sodda va haqqoniy ifoda etilishidir.

Darhaqiqat, «Boburnoma»da yigirmadan ortiq soha qamrab olingan bo'lib, asarning katta qismini jang tasvirlari, Boburning jangovar faoliyati tasvirlari tashkil etadi. Bu tasvirlar orqali Boburni nafaqqat shoh va shoir sifatida, balki adolatli hukmdor va salohiyatli sarkarda sifatida yaqindan taniymiz.

Bobur insonlar, ayniqsa hukmdorlardagi shijoatlilik va mardonalik sifatlarini hurmat qiladi. Bu boradagi fikrlari asarning boshlang'ich qismlaridanoq otasi Umarshayx haqidagi ta'riflaridan boshlanadi:

«Umarshayx mirzo… Bisyor saxovati bor erdi. Xulqi dag'i saxovaticha bor edi… shujo' va mardona kishi edi… uch masof urush qilib edi…». [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-37]

Bobur Xoja Mavlono Qoziga bo'lgan e'tiqodi haqida gapirar ekan, undagi dovyuraklik sifatiga alohida to'xtalib o'tadi: “Xoja Qozi ajab kishi edi. Qo'rqmoq anda aslo yo'q edi. Oncha daler kishi ko'rulgan emas. Bu sifat ham valoyat dalilidur. Soyir el har qancha bahodur bo'lsa, andak dag'dag'asi va tavahhumi bo'lur. Xojada aslo dag'dag'a va tavahhum yo’q edi». [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-64]

Sulton Ahmad mirzoning fe'l-atvori, siyosatini yoqlamasa-da, undagi jasurlik, shijoatlilik sifatlarini e'tirof etadi: «…Shijoati bor edi. Agarchi, hech andoq bo'lmadikim, o'zining iligi ishga yetmish bo'lg'ay, vale derlarkim, ba'zi ma'rakalarda andin asari shijoat zohir bo'lur ekandur. O'qni bisyor yaxshi otar erdi…» Sulton Ahmad mirzo haqidagi fikrlarini davom ettirar ekan, Bobur uning siyosati haqida ochiq-oydin: «ixtiyori beklari ilgida edi» deb yozadi. [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-44]

Asarda nafaqat hukmdorlar, balki Xudoyberdi Temurtosh, Hofiz Muhammadbek- do'ldoy, Qosimbek. Boboquli Bobo Alibek, Xoja Husaynbek, Shayx Mazidbek, Ali Mazidbek, Hasan Ya'qubbek, Ali Darvesh, Qambarali, Hasanali jaloyir, Badriddinbek, Mirali miroxur, Sayyid Hasan o'g'loqchi kabi ko'plab amir-umarolar ham ta’riflanadi, ulardan ayrimlarining mardonalik sifatlarini alohida ta'kidlanadi: «Yana biri Hasan Ya'qubbek edi. Kichik ko'ngullik, yaxshi tabliq, chust va chaspon kishi edi. Mardona kishi edi. O'qni yaxshi otar edi…». [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-41]

Bobur uchun mardonalik sifati insonlarga xos asosiy fazilatlardan sanalsa, bunga qarama-qarshi ravishda u qo’rqoqlik va shijoatsizlikdan hazar qiladi. Xisravshohning adolatsiz siyosatini, fe'l-atvorini, taxt orzusida qilgan qabih ishlarini qoralar ekan, uning mardonalaik, jasurlik sifatlaridan butunlay yiroq ekanligini shunday yozadi: «Xisravshoh… Sulton Mahmud mirzodin so'ng o'g'lonlarining zamonida xud asru ko'p ulg'oyib edi. Navkari yigirma mingga yovushib edi… Mundoq bisyor ma'mur viloyat va muncha qalin

yaroqliq navkar bila bir mokiyon bila ham tutushmadi…» [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-50]

Sulton Mahmud mirzoning navkar saqlashi, lashkarga saxovat haqida xolis yondashib yaxshi fikr bildirsa-da, uning qo'rqoqligini yoqlamaydi: «…navkarining ulufasi aslo munkasir bo'lmas edi. Majlis va baxshish va shilon va devoni bisyor yaxshi edi. Barchasi qoida va tuzuki bila edi… Yuraksiz kishi edi.» [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-50]

Bobur Amir Temurdan meros Samarqand taxtini qo'lga kiritishni orzu qiladi va bunga muvaffaq bo'ladi. Shayboniyxondek tajribali dushman qo'lidan Samarqandni tortib olishi va jang tafsilotlari, tahlillarini batafsil bayon etadi.

Samarqandni egallagan Bobur bu jangni Husayn Boyqaroning Hirotni egallsh uchin olib borgan kurashi bilan qiyoslaydi. Husayn Boyqaro tajribali, yoshi ulug' podshoh bo'lib, dushmani Yodgor mirzo o'n yrtti-o'n sakkiz yoshdagi betajriba yigit ekanligi, g'anim ichidagi kayfiyatni bilib ularning g'ofilligida hujum qilinishi, g'animing qo'rg'onda emasligi, Yodgor Muhammad mirzo va odamlari Bog'i Zog'onda mast holatda bo'lganlari va Husayn Boyqaro ularning g'ofilligidan foydalanib yengishi aytiladi va Bobur o'n to'qqiz yoshlik tajribasiz va g'animi Shayboniyxon ko'p yurishlarni ko'rgan tajribali ekanligi, Samarqand xalqi Boburni yoqlasa-da, Shayboniyxon zulmidan qo'rqib yordamga kelmasligi, g'anim qo'rg'on ichida ekanligi, ham qo'rg'onni olib ham g'anim bartaraf etilgani kabi farqlar sanab o’tiladi. «…ikkinchi martaba kelganda Tengri rost kelturdi, Samarqand fath bo'ldi…» [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-80]

Bobur barcha temuriy hukmdorlardan Amir Temurga xos bo'lgan mardonalik, jasurlik, qat'iylik sifatlarini kutadi. Husayn Boyqarodek taxt egasidan Shayboniyxonga qarshi hujumni kutadi, birgalikda Shayboniyni yengishga da’vat qiladi. Lekin Boyqaro va o'g'illaridan bunday javob qaytmaydi.

Shayboniyxon Balxni egallab Samarqandga yuzlanadi. Bundan tashvishga tushgan Bobur temuriy hukmdorlar birlashib g'animni bartaraf qilish taklifini beradi. Ayniqsa, Husayn Boyqaro va uning o'g'illaridan munosib javob kutadi. Lekin mirzolar Shayboniyxondek dahshatli

dushmanni yengish o’rniga, bir-birlari bilan arzimas bahonalar ustida kelishmovchilikka boradilar. Shunday xavfli dushmanga qarshi hujum qilishni asossiz kechiktiradilar, qishni o'tkazib bahorda hujum qilishni rejalashtiradialr, Boburga ham ruxsat bermaydilar. Bobur Husayn Boyqaro o'g'illarining bunday xatti-harakatlarini qattiq qoralaydi: «…Bu mirzolar agarchi suhbat va suhbatoroyliqda va ixtilot va omizishga tavre edilar. Vale sipohiylik rev va rangidin yiroq va mardonaliq va jangu jadaldin qiroq edilar…» [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-143]

Bobur toj-taxtni boshqarishda, saltanat tutishda, siyosatda o'zining mustahkam qarashlariga ega, hukmdor sifatida o’zining va saltanatining obro'-e'tiborini saqlashni biladi. U Badiuzzamon huzuriga borganda bir-birlariga tomon yura boshlaydilar. Badiuzzamon sekinroq, Bobur ildamroq qadam tashlaydilar. Qosimbek Boburning belbog'idan tortadi, Bobur ogoh bo'lib sekinroq yurib boradi. Badiuzzamon bilan ko'rishadilar. «Ikkinchi navbat kelganda Badi'uzzamon mirzo burungidek ta'zim qilmadi. Muhammad Burunduqbekka va Zunnunbekka aytturdimkim, agarchi yoshim kichiktur, vale to'rum ulug'dur. Ota taxtidakim, Samarqand bo'lg'ay, ikki navbat zarbi rost olib o'lturubdurmen. Bu xonavoda uchun yot-yog'i bilakim muncha jang va jadal qilibturmen, mening ta'zimimda ta'xir bevajhdur. Bu so'z mazkur bo'lg'och, chun ma'qul edi, mu'tarif bo'lub, ta'zimni xotirxoh qildilar» [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-143]

U Badiuzzamon va Muzaffar mirzoning mamlakatni birgalikda idora qil kishlarini ham haqli ravishda yoqlamaydi: «Badiuzzamon mirzo va Muzaffar mirzokim, shariklik podshoh bo’ldilar… Bu g'arib amre edi. Hargiz podsholiqta shirkat eshitilgan emas. Shayx Sa'diy so'zining mazmunining xilofi voqi' bo'ldi: Nechukkim «Guliston»da kelturubdur: «Dah darvesh dar yak gileme bixusband va du podshoh dar iqlime nagunjand» [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-140] Ya'ni o'nta darvesh bir gilamda yotadilar va lekin ikki podshoh bir iqlimga sig'maydi.

Boburning sarkardalik salohiyati uning insoniyligi bilan yuksalganini Kobulga tog' yo'lidan o'tish tasvirlarida ko’ramiz. Qalin qor yog'gan, otning uzangisidan yuqoriroq bo’lgan vaziyatda buyruq berib

bo'lmasligi, Boburning o'zi ham lashkar oldiga tushib qor tepishi, ko'pchilik bilan sovuqda qolishi tasvirlangan. «Men havolning og'zida kurak olib, qor kurab, o'zumg'a bir takiya miqdori yer yasadim. Qorni ko'kusgacha qozdim. Hanuz yerga yetmaydur edi. Bir nima yelga panoh bo'ldi. O'shanda-o'q o'lturdim. Har necha dedilarkim, havolga boring, bormadim. Ko'ngulga kechtikim, borcha el qorda va chopqunda, men issiq uyda va istirohat bila, munda borcha ulus tashvish bila mashaqqatta, men munda uyqu bila farog'atta. Muruvvattin yiroq va hamjihatlikdin qiroq ishdur…»[Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-147]

Boburning sarkardalik salohiyati nafaqat muzaffar g'alabalaridan, balki dushmanlarning jangda yo'l qo'ygan xatolaridan ham kerakli xulosalarni chiqarishida yaqqol bo'y ko'rsatadi. Muallif Panipatda Ibrohim Lo'di qo'shini bilan bo'lgan jangda Amir Temur qo'llagan to'lg'ama usulidan foydalanganini, Ibrohim Lo'dining sarkardalik salohiyati yo'qligi, yuz ming kishilik katta qo'shin, jangovar ikki mingga yaqin fillari, otalaridan qolgan katta xazinasi bo'la turib, xazinadan sarflab yana qo'shin yig'magani kabi yo'l qo'ygan katta xatolarini aytadi: «…tabiatida imsok ko'p g'olib edi. O'zi yarmoq yig'ishturmoqqa behad tolib, betajriba yigit edi. Ne kelishi saranjomliq edi, ne turushi, ne yurushi ehtimomliq edi, ne urushi»[Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-102]

Bobur kerakli paytlarda lashkarni ruhlantirishni biladi, o'z lashkarini qo'rqmaslikka, mardona bo'lishga va, albatta, g'alaba qozonishga da'vat etadi: «…elning mundoq bedilliqlarini so'rub va bu nav' sustluqlarini ko'rub bir tadbir xotirimg'a yetti. Jam'i beklarni va yigitlarni chorlab dedimkim: «Beklar va yigitlar!

Harki omad ba jahon ahli fano xohad bud,

On ki poyandavu boqist, Xudo xohad bud.

Har kimki hayot majlisig'a kiribtur, oqibat ajal paymonasidin ichgusidur va har kishikim, tiriklik manzilig'a kelibtur, oxir dunyo g'amxonasidin kechgusidur. Yomon ot bila tirilgandin, yaxshi ot bila o'lgan yaxshiroq…O'lgan - shahid, o'lturgan - g'ozi. Barcha Tengrining kalomi oti-la ont ichmak kerakkim, hech kim bu qitoldin yuz yondirur xayol qilmag'ay. To badandin joni ayrilmag'uncha, bu

muhoraba va muqotaladin ayrilmag'ay»[Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-223]

Bobur faoliyatini o'rganar ekanmiz, uning mardonalik, lashkarni boshqara olish sifatlari bilan tengsiz kurashlarda golib chiqishiga guvoh bo'lamiiz. Bobur bunday g'oliblikni faqat o'zining sarkardalik salohiyatidan emas, balki Ollohning inoyatidan deb bilishi ham uning naqadar odil va e'tiqodli hukmdor ekanligidan dalolat beradi. «Tavakkulimizga yarasha Tengri taolo ranj va mashaqqatimizni zoyi' qilmay, mundoq zo'r g'animni mag'lub qilib, Hindustondek keng mamlakatni maftuh ayladi. Bu davlatni o'zumizning sa'y va himmatidin bilmasbiz, balki Tengrining ayni karam va inoyatidindur». [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-195]

Bu satrlar Bobur muvaffaqiyatlari, zafarli natijalarining qisqa va lo'nda ifodasi bo'lib, quyidagi jumlalar esa Hindistonda ulkan saltanat barpo etgan ajdodimiz erishgan jamiki ne'matlarning kalitidir: «Tangri ne'matlarining ketma-ket kelib turishi unga shukr va sano aytishning ko'payishiga boisdir». [Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma. 2002-270]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Valixo'jayev B. 2004. Buyuk ma'naviy murshid. Toshkent, 86 b.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. 1960. Bobirnoma. Toshkent, 509 b.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. 2008. Boburnoma. Toshkent, 288 b.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur. 2002. Boburnoma.Toshkent, 336 b.
5. Qayumov A. 2008. Zahiriddin Muhammad Bobur. Toshkent, 52 b.
6. Qudratullayev H. 2009. Bobur armoni. Toshkent, 384 b.

Z.M.BOBUR ASARLARI TARBIYA ILMINING NOYOB DURDONASI

Abdulmadjidova Mahdiyona
Andijon davlat pedagogika instituti
"Pedagogika va psixologiya " kafedrasi o'qituvchisi

"…Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar, Navoiy

va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta’lim va tarbiyani rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm- fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g‘oyamizning asosiy ustunlari bo‘lib xizmat qilishi lozim.

Ushbu maqsad yo‘lida yoshlarimiz o‘z oldiga katta marralarni qo‘yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlar yaratish va har tomonlama ko‘mak berish - barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo‘lishi zarur. SHundagina farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro‘yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi…”[1.5-6 bet.]-degan fikrlarni bildirganda Prezidentimiz Respublikamiz yoshlarining butun jahon yoshlari bilan har tomonlama bellasha oladigan bo’lishlarini niyat qilgandi.

Andijon farzandi Zahiriddin Muhammad Bobur o’zining zukkoligi, bilimliligi, aql-zakovati bilan Andijon yoshlarini lol qoldirgan va shunday bobokaloni borligidan, unig o’lmas asarlaridan fahrlanadilar.

Zahiriddin Muhammad Bobur (1483-1530) o’zbek xalqining ilm va madaniyat xazinasiga o’lmas hissa qo’shgan mutafakkir olim, tarixchi, qonunshunos va lirik shoirdir.

Bobur ilm – fan, san’at, madaniyat va ularning sohalari bilan yaqindan tanishgan, uning ijodi asosan lirik she’rlar va adabiy - tarixiy asari – “Boburnoma” bilan ko’zga tashlanadi. U fan va ma’rifatni yuqori darajada qadrlaydi. Ilm, adabiyot, san’at ahllari bilan yaqin aloqada bo’ladi. Ularga homiylik qiladi. Ilm va bilimdonlikni ulug’laydi. U kamtarlik, o’zini tuta bilish, ezgulik, vafodorlik, boshqalarga yaxshilik qilish sifatlarini ulug’lab, yovuzlik, zulm, qabihlikni qoralaydi. Boburning pedagogik qarashlaridagi bosh masala vatanga cheksiz muhabbatdir.

Boburning hozirgacha ilm xazinasiga kelib qo’shilgan asarlari-uncha to’liq bo’lmagan bir devoni, islom dini asoslarini bayon etuvchi “Mubayyin” nomli she’riy risolasi, “Volidiya” atalgan tasavvufga oid bir kitobchaning nazm bilan tarjimasi, Bobur ixtiro etgan va “Xatti Boburiy” nomi bilan mashhur bo’lgan alfavit jadvali hamda qomusiy “Boburnoma” asaridan iboratdir.

“Boburnoma” qomusiy asar sifatida Markaziy Osiyo, Afg’oniston, Hindiston va Eron xalqlari tarixi, geografiyasi, etnografiyasi,

pedagogikasi, psixologiyasiga oid juda nodir va qimmatli ma’lumotlarni o’z ichiga olgan va o’sha davr o’zbek mumtoz adabiyoti va adabiy tilining yorqin namunasi sanalgan.

Zahiriddin Muhammad Bobur tarixchi sifatida o’z yashagan davrdagi voqealarni imkon darajasida ro’y rost tasvirlashga harakat qiladi.

Bu haqda u shunday deydi: “Bu bitilganlardin g’araz shikoyat emas, rost hikoyatturkim, bitiyturmen. Bu mastur bo’lg’onlardin maqsud o’zining ta’rifi emas, bayoni voqei bu edikim, tahrir etibturmen. Chun bu tarixda andoq iltizom qilub tururkim, har so’zning rostini bitilgay va har ishning bayoni voqeini tahrir etilgay”. [3.292-bet]

“Boburnoma” asarida tarixiy shaxslarga berilgan tavsiflar ularning axloqiy, ruhiy holatlari haqida ma’lumot beradi. Bobur tomonidan berilgan tavsiflar tarixiy shaxsning xulq atvori, fe’li xulqi, odobi, insoniylik xususiyatlarini ochib beradi.

Qisqa va tushunarli bo’lgan bunday tavsif orqali bu tarixiy shaxsning Bobur mirzo tomonidan qay darajada qadrlanishlarini chuqur anglash mumkin bo’ladi.

Zahiriddin Muhammad Bobur qo’l ostidagi beklar, amirzodalardan insoniylik, adolatparvarlik, do’stga vafodorlik tuyg’ulari bilan hokimiyatni boshqarishni talab qilgan.

Bobur shaxslar haqida so’zlar ekan ularning avvalo insoniylik, do’stni ulug’lash, do’stga va yorga vafodorlik tomonlariga chuqur e’tibor qaratadi. Sotqin, badbin, maishatparast, kalondimog’ shaxslarga o’z nafratini ochiq bayon etadi.

Bobur Qosimbekdan avvalgi bek atkasi Shayx Mazidbek haqida shunday tavsif beradi: “Yana biri Shayx Mazidbek edi. Manga avval bek atka ani qilib edilar. Zabti va tuzuki xeyli yaxshi edi. Bobur Mirzoga xizmat qilgandur. Umarshayx Mirzo qoshida andin ulug’roq bek yo’q edi. Fosiq kishi erdi. Chuhra saxlar edi.”

Beklardan biri Hasan Ya’qubbek xususida to’xtalar ekan uni quyidagicha tavsiflaydi: “ Yana biri Hasan Ya’qubbek edi. Kichik ko’ngilluk, yaxshi tab’lik, chust va chaspon kishi erdi. Bu bayt aningdur:

Boz oy, ey humoy ki, beto’tii xatat

Nazdik shud ki zog‘ barad ustuxoni man.

Mardona kishi edi. O’qni yaxshi otar edi. Chavgonni yaxshi o’ynar edi.

Yoki: Yana bir Ali Mazidbek qavchin edi, ikki qatli yog’iy bo’ldi: bir marta Axsida, yana bir martaba Toshkentda. Munofiq va fosiq va haromnamak va yaramas kishi erdi. [3.26-bet]

Bobur shaxslarga tavsif berar ekan ularning umuminsoniy xislatlarini ulug’laydi. Insonni ulug’lash, hurmat qilish va e’zozlashlariga xayrihoxlik bilan qaraydi.

Biroq do’stlikni, yaxshilikni, insoniylik xislatlarini toptagan, xudbin shaxslarning qilmishlari halokatli ekanligini quyidagicha ta’riflaydi:

“ Muhammad Husayn Mirzoni ozod qildim. Xuroson sari ruxsat berildi, bu bemuruvvat va haqnoshunos kishi mening mundoq yaxshilig’imnikim, jonini bag’ishladim, bilkul unutib, Shayboniyxon qoshida mendin g’iybatlar va shikoyatlar qilibtur. Oz fursat o’tmadikim, Shayboniyxon-o’q o’lturib, jazosiga yetkurdi. [3.26-bet]

Xalqimizda yaxshilikni bilmagan hamda senga yomonlik qilganning Olloh ixtiyoriga topshir, u jazosini o’zi bergay, degan hikmatli naql bor.

Anglashiladiki, Zahiriddin Muhammad Bobur ham yaxshilik, insoniylik, do’stni ulug’lash xislatlaridan mosuvo bo’lganlarning taqdiri Yaratganning izmida ekanligini ta’kidlaydi.

“Boburnoma”da Boburning ilmni ulug’lashini, tarix, etnografiya, geografiya hamda tilga bo’lgan e’tiborida ko’rish mumkin. U nutq odobi, millat husni, insonning tuganmas boyligi, shaxsning boshqalarga nisbatan hurmati ekanligini ta’kidlaydi.

Shu o’rinda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning , “…Dunyo tajribasi shuni ko‘rsatadiki, yosh avlodni har tomonlama barkamol etib voyaga yetkazish uchun sarflangan sarmoya jamiyatga o‘n, yuz barobar ko‘p foyda keltiradi…” [1.5-6 betlar]-degan fikrlari har bir Vatan kelajagi, yurt ravnaqini o’ylagan insonni ruhlantiradi.

“…Boburning nutq madaniyatiga alohida ahamiyat berishi bejiz emas edi. Boburning o’zi ham jangda tahlikaga tushgan askarlarni bir necha bor jangovar va ta’sirchan nutqi orqali dadillashtirgan, g’alabaga ishonch ruhini uyg’otgan va shu tufayli muvaffaqiyat qozongan.

Shuning uchun ham u o’z farzandlarining ham bu san’atni egallashini eng muhim vazifa deb bilgan. Faqat og’zaki nutqning emas,

balki yozma nutqning ham sodda, ravon va savodli bo'lishiga erishish har bir ziyolining vazifasi hisoblangan…" [2. 95-bet]

Buyuk shoir, adib, tarixchi va olim Boburning ilmiy-adabiy merosi hozir o'zining ma'lum tarixiy-ma'rifiy, ilmiy va estetik qimmatini saqlab kelmoqda. Uning ko'p qirrali merosida hayotga va vatanga muhabbat xislatlarining yaqqol ifodasini, insonning yuksak burchi va kishilarning ma'naviy qiyofasi haqidagi teran fikr-mulohazalarni, fan va dinga munosabat masalalarini, yaxshi xulqli va odobli bo'lishga da'vatni, ilm-fan va ma'rifatni egallashgacha chaqiriqni, axloqiy va estetik g'oyalarni, jo'shqin va mazmundor hayot kechirishga targ'ib qilishni va hokazolarni ko'rish mumkin.

Demak, Zahiriddin Muhammad Bobur insonparvar, adolatparvar, diniy bag'ri kenglik xislatlarini o'zida jamlay olgan ulug' shoh va davlat arbobi, inson his-tuyg'ularini teran anglay bilgan shoir va pedagog sifatida umrboqiydir.

Adabiyotlar

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil 29 dekabr 5-6 bet

2.Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т., "Ўзбекистон". 2002 й. 95-бет

3.Bobur.Asarlar.Boburnoma. 2-jild. T. 1965.26-bet, 292-bet

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR – VATANPARVAR SHOIR

Ahmedov Anvarali Safarovich
Buxoro shahar 38-umumiy o`rta ta 'lim maktabi
tarbiya fani o'qituvchisi

O'rta asr Sharq madaniyati va adabiyotining buyuk namoyandasi Zahiriddin Muhammad Bobur 1483-yil 14-fevralda Andijonda tug'ildi. Otasi Umarshayx Mirzo temuriy avlodidan bo'lib, Farg'ona viloyatining hokimi bo'lgan. Zahiriddin Muhammad Bobur o'z davrining taniqli muallim va murabbiylari rahbarligida ta'lim va tarbiya olgan. Otasi Umarshayx Mirzo 1495-yilda vafot etgach,12 yoshida uning o'rniga taxtga

o‘tirdi. Andijonni Shayboniyxon egallagach, Zahiriddin Muhammad Bobur Afg’onistonga ketishga majbur bo‘ladi.Bu mamlakatda Kobul va Badahshonda o‘z hokimiyatini barpo etdi. So‘ngra Hindistonga yurish boshlab, u yerda buyuk davlatga asos soldi.

Bobur jahonga mashhur “Boburnoma” asarini yaratdi. Unda Movarounnahr, Xuroson, Hindiston xalqlari tarixi, urf-odat va an’analarini, tarixiy shaxslarini, mamlakat tabiiy lavhalarini aks ettirdi. Bobur Xoja Ubaydullo Ahrorning “Volidiya” risolasini fors tilidan o‘zbek tiliga tarjima qildi, aruz vazni va qofiya masalalarida “Mufassal” asarini yozdi.

Zahiriddin Muhammad Bobur adabiyotshunos, tarixshunos olim va shoir sifatida xalqimiz ma’naviy madaniyati tarixida muunosib o’rin egalladi.

Bobur 1530-yilning 26-dekabrida Hindistonnig Agra shahrida o’zi bunyod etgan go’zal maskan Zarafshon chorbog’ida vafot etdi.

Boburning ilm-ma‘rifat haqidagi g‘oyalari

Bobur o’z ma’rifiy,madaniy,ijtimoiy faoliyatida ilmli kishi (ustoz),ilmni o‘rganish uchun ilm talabgori bo’lish g’oyasini oldinga surdi.

Bobur deydi:

Kim yor anga ilm tolibi ilm kerak,
O’rgangali ilm tolibi ilm kerak.
Men tolibi ilmu tolibi ilme yo‘q,
Men bormen ilm tolibi, ilm kerak.

Bobur ilmli bo ‘lishni istaganlarni ilmni zo’r havas, ishtiyoq bilan egallashga da‘vat etdi.

Bobur axloq-odob va insonparvarlik haqida

Bobur axloq-odob haqidagi qarashlariga yaxshilik, vafodorlikni eng go‘zal fazilat sifatida ulug‘laydi**,** yomonlikni jafo keltiruvchi illat sifatida qaraydi:

Har kimki vafo qilsa, vafo topqusidur,
Har kimki jafo qilsa, jafo topqusidur.
Yaxshi kishi ko‘rmagay yomonlig‘ hargiz,
Har kimki yomon bo‘lsa, jazo topqusidur.

Bobur odamlarni elga yaxshilik qilib, o‘zidan yaxshi nom qoldirishga chorlaydi:

Bori elga yaxshilik qilg’ilki, mundin yaxshi yo‘q.
Kim degaylar: dahr aro qoldi falondin yaxshilig’

Bobur yaxshi xulqlikni, kishilarga yaxshilik qilishni insonning oliyjanobligini hisoblaydi. Bobur mehnat ahlini qadrladi va davlat ahlini tasvirida “mehnat elini” unutmaslikka da’vat etdi.

Davlatga yetib mehnat elin unutma,
Bu besh kun uchun o‘zingni asru tutma,

deydi Bobur.

Boburning bu insonparvarlik qarashlari “Boburnoma” asarida dehqon xo‘jaliklarida ishlayotgan qullar, asirlarning achinarli ahvoli tasvirida ham o‘z ifodasini topgan.

Bobur vatanparvarlik haqida

Boburning ma‘naviy-ma‘rifiy qarashlarida Vatan tuyg‘usi salmoqli o‘rinda turadi.

Bobur Afg‘oniston va Hindistonda davlatni boshqarib turgan holda umrining oxiriga qadar kindik qoni to‘kilgan yurtni unutmadi. U o‘z ona diyorini haddan ziyod sevadi, Vatanidan judoligidan g‘am-alam chekadi. U tug‘ilib o‘sgan yurtini qoldirib ketishni ”xatolik”, ”yuz qarolik” deb biladi, o‘zini o‘z yurtidan judo bo‘lgan g‘arib his qiladi. U deydi:

Tole ‘ yo‘qi jonimg’a balolig‘ bo‘ldi,
Har ishniki ayladim xatolig‘ bo‘ldi.
O‘z yerni qo‘yib Hind sari yuzlandim,
Yorab netayin, ne yuz qarolig‘ bo‘ldi.

Zahiriddin Muhammad Boburning ilm-ma‘rifat haqidagi g‘oyalari, axloq odob, yaxshilik, vafo, insonni xalqqa yaxshilik qiladigan qilib tarbiyalash, mehnat ahlini qadrlash, insonparvarlik, Vatandan judolik g‘am, alam ekanligi, adolat haqidagi qarashlari, axloqiy-ta‘limiy fikrlari hozirgi davr yoshlar tarbiyasida ham g‘oyat ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1.Bobur. Tanlangan asarlar. -T.: 1958.
2.Bobur. Asarlar. Uch jildlik.-T.: Fan, 1965-66.
3.Bobur. Boburnoma. -T.: 1960, 1989.
3.Bobur. Muxtasar. Toshkent, 1971.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING IQTISODIY QARASHLARI

Mohigul Boltaboyeva,
Andijon davlat chet tillari instituti tyutori,iqtisodchi.

Zahiriddin Muhammad Bobur o`zining qisqagina hayoti davomida ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotning juda ko`p muammolariga yechim topa oldi. Uning ilmiy dunyoqarashi **"Boburnoma"**da bayon etilgan. Bobur o`z davridagi iqtisodiy munosabatlarning, iqtisodiy qonunlarning mohiyatini, ularning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyatini chuqur tushungan, adolatli iqtisodiy siyosat yuritgan bo`lsa kerakki, uning davrida davlatda osoyishtalik, hamjihatlik, taraqqiyot qaror topgan. "Boburnoma"uzoq yillar "Buyuk ipak yo`li"bo`ylab qilingan sayohat va kuzatishlar tafsiri berilgan asardir. Bu yo`ldan qancha-qancha savdogarlar, tojir(do`kondor,tijoratchi)lar o`z mollarini dunyoning turli mintaqalari va mamlakatlariga yetkazib berganlar. Ular o`zlari bilan savdo-iqtisodiy faoliyatnigina emas, ayni chog`da xalqlar o`rtasida tinchlik-totuvlik rishtalarini bog`laganlar.

Ma`lumotlarga nazar solsak, hattoki mamlakatda kelishmovchilik, urush hukm surayotgan vaqtda ham, savdogarlarning mol-mulkini talash, zarar yetkazish, bosqinchilik qilish qattiq qoralangan. Amir Temur va uning vorisi bo`lgan Bobur ham mamlakatlar, xalqlar o`rtasida hamkorlik, halol savdo-sotiq olib borilgan, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti uchun hamma birday kurashgan. "Boburnoma"da asar muallifining o`zi tug`ilib o`sgan yurt, Vatani, uning iqtisodiy, ma`naviy resurslari, mehnatkash xalqi to`g`risida faxrlanib yozgan satrlari asarni o`qigan kishini hayajonga soladi, **Andijon haqidagi fikrlariga e`tibor** bering:"…Farg`ona viloyatining poytaxtidur. Oshligi vofur,mevasi farovon, qovun va uzumi yaxshi bo`lar. Qovun mahalida poliz boshida qovun sotmoq rasm emas…"**Kobul** haqida: "Hindiston bila Xurosonga vosita bu viloyatdur. Bisyor yaxshi savdoxonadir. Savdogarlar Xitoyga va Rumga borsalar, ushmuncha-o`q savdo qilg`aylar…Quyi Hindistondir, o`n-o`n besh, yigirma ming uyluq, karvon Kobulga kelur…Xuroson va Iroq Rum va Chin matoi Kobulda topilur…

Bobur o`z asarida savdo-sotiqning xalqlar o`rtasidagi bebaho ahamiyatini chuqur tushuntirgan. Shu sababli u savdo karvonlarini

yo`llarda talash, mol-mulkiga zarar yetkazish kabi salbiy illatlarga qarshi chiqqan. O`zgalar mulkiga hiyonat qilmaslik, ularni muqaddas bilish, el-yurt farovonligi yo`lida tinmay ishlayotgan odamlarni qadrlash kabi qadriyatlar Boburga bobosi Amir Temurdan meros qolgan: ”Adolatla shu martabada edikim, Xitoy karvoni kelaturg`onda, Andijonning sharqiy tarafidagi tog`larning tubida ming uylik karvonni qor bostikim, ikki kishi qutuldi. Xabar topib muhassillar yiborib, karvonning jami` jihotini zabt etdi Bobur tuzgan davlatning bir necha asrlar ravnaq topib borgani, uning muborak nomi asrlar osha yashayotgani unda ijtimoiy adolat juda yuqori ekanligi tufaylidir. Bobur g`oyat adolatli bo`lganligidan uning **soliq sohasidagi qarashlari** umuminsoniy qadriyatlarni aks ettirgan**:** soliqni hisoblash uchun mol-mulkning soliq solishga layoqatli miqdorini aniqlash zarur, deb bilgan. Soliq hosilga, ya`ni olinayotgan daromadga qarab belgilangan. Bobur ishlab chiqqan soliq siyosati uzoq yillar musulmon mamlakatlarida qo`llanilib kelgan. Bobomizning iqtisodiy tafakkur olami ilmiy asoslangan bo`lib, bunday salohiyat uning vorislari,hamyurtlari qalbida ajdodlarimizga nisbatan chuqur hurmat va fahrlanish hissini tuydiradi. Shuningdek, Bobur bobomiz bizga qoldirgan ma`naviy va iqtisodiy tafakkur merosi, u yuritgan iqtisodiy siyosat mustaqilligimiz uchun qudratli tayanch bo`lib xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

Q.X.Muftaydinov, R.K.Rahimov “Sharq mutafakkirlari asarlarida iqtisodiy tarbiya masalalari” risolasi. Andijon 2019.

Manba:Z.M.Bobur “Boburnoma”,Toshkent,1989, 5-6 betlar.

АНТОНИМЛИК МӘНИДЕГИ АНАЛИТИКАЛЫҚ ФЕЙИЛЛЕР

Мустафаева Алтынгул Жуманазаровна
Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты докторанты

Ҳәр қандай тилди үйрениў оның лексикалық сөзлик қурамын үйрениўден басланади. Лексикологияда сөзлердиң мәнилери

үйрениледи. Соның менен қатар қайсы сөздиң қай орында қолланылыўы контекстке байланыслы.

Тилимизде, аўызеки сөйлеўде антонимлер жийи ушырасады. Антонимлер пикирди терең мәнили етип жеткериўде де кеңнен пайдаланылады.

Қарақалпақ тили лексикасында мәниси жағынан бир-бирине қарама-қарсы келетуғын сөзлер антонимлер деп аталады. Олар қарсылас мәнили сөзлер дегенди аңлатады [1.118].

Антонимлер ҳәр түрли сөз шақапларынан, мәселен, атлықлардан, келбетликлерден, рәўишлерден, фейиллерден де болады. Фейиллерден болған антонимлер тилде кең қолланылады.

Антонимлик қубылыс аналитикалық фейиллер арасында да жийи ушырасады: қайтып келиў-қайтып кетиў, алып миниў-алып түсиў,, шығып кетиў-кирип келиў, оқый баслаў-оқып шығыў. Мысалы:

Қара өгиз *кетип атыр*

Қызыл өгиз *келип атыр* (түтин, жалын).

Фейиллерден жасалған антонимлердиң лексикалық мәниси бойынша топарлары қазақ тил билиминде Ж. Мусин тәрепинен анық көрсетип берилген. Өзбек тилши алымы Р.Шукуров өз мийнетинде өзбек тилиндеги фейиллерден жасалған антонимлерди лексикалық мәниси бойынша төрт түрге бөлип қараған.

Қарақалпақ тилинде антонимлер бойынша изертлеў жумысларын алып барған Ш.Хожанов өзиниң « Қарақалпақ тилиндеги антонимия қубылысы» мийнетинде қарақалпақ тилиндеги фейиллерден жасалған антонимлерди лексикалық мәниси бойынша бир неше топарларға бөлип қараған [2.87]. Бунда түбир фейиллер ортасындағы антонимлик қатнаслар мәселеси сөз етиледи.

Түбир фейиллерге көмекши ямаса толықсыз фейиллердиң дизбеклесиўи арқалы жасалған аналитикалық фейиллер арасында да антонимлик қатнасты көриўимизге болады. Биз буны төмендегише түсиндириўди мақул таптық.

1. Кийиниў ҳәм шешиниўди аңлатыўшы аналитикалық фейиллерден жасалған антонимлер: кийип алыў- шешип алыў, тағып қойыў-шешип қойыў: Үстиндеги қара костюмы, ақ көйлеги

өзине тарлық етип, мойнына тағып алған галстуги де тамағын қылғындырып баратырғандай

(Ш. Сейтов).

2. Предметтиң пайда болыў ҳәм тамам болыўын аңлатыўшы аналитикалық фейиллерден жасалған антонимлер: жанып турыў- өшип қалыў, көгерип шығыў- қуўрап қалыў: Күни менен жанып турған электр нурлары он екилерден кейин бирим-бирим сөне баслады

(Ө. Ембергенов).

3. Қандай да бир предметти (капыны, айнаны) ашыў ҳәм жабыўды сәўлелендириўши аналитикалық фейиллерден жасалған фейиллер: ашып алыў- жаўып алыў, ашып қойыў-жаўып қойыў. Онда *ашып алыў* фейили бир нәрсени (қапыны, айнаны) тосыннан ашып алыў ямаса бөлмени самаллатып алыў мәнисинде де келиўи мүмкин. Жаўып алыў фейили де тап усы сыяқлы бир нәрсени тосыннан жаўып алыў ямаса билқастан ашыўланып жаўып таслаў мәнилерин аңлатады.

4. Предметти қосыў хәм ажыратыў мәнисиндеги фейиллерден жасалған антоним аналитикалық фейиллер: байлап қойыў-шешип алыў, үзип алыў-жалғап жибериў.

5. Адамлардың физиологиялық ҳалатын сәўлелендириўши фейиллерден жасалған антоним аналитикалық фейиллер: жасарып кетиў- қартайып қалыў, семирип кетиў- азып кетиў (қалыў).

6. Предмет ҳалатындағы өзгерислерди сәўлелендириўши аналитикалық фейиллерден болған антонимлер: ысып кетиў- суўытып кетиў, күшейе баслаў-пәсейе баслаў, асырып жибериў- кемейтип жибериў .

7. Адамлардың өз-ара мүнәсибетин сәўлелендириўши фейиллерден жасалған антоним аналитикалық фейиллер: урысып қалыў-жарасып алыў.

Аналитикалық фейиллер қарақалпақ фольклорында да көплеп табылады. Нақыл-мақаллар да аналитикалық антоним фейиллерден мысаллар келтириўимизге болады.

Қоңсың мынаў болса,

Бармай-ақ қояйық,

Асқаның май гүртик болса,
Келмей-ақ қояйық [3.79].

Фейиллерден жасалған антонимияда –ма,-ме, -ба,-бе, -па,-пе аффикслериниң жәрдеминде антонимлер жасала ма ? –деген мәселе тартыслы пикирлерди туўдырмақта. Бизге мәлим бул аффикслер жәрдеминде фейилдиң болымсыз формалары жасалады. Фейилдиң болымлы ҳәм болымсыз түрлери антоним жасай ма ? Айырым илимпазлар оларды антоним емес деп есапласа, айырым илимпазлар антонимлердиң айрықша бир түри деп есаплайды.

Өзбек тил билиминде бул мәселени Р. Шукуров терең ҳәм ҳәр тәреплеме изертлей отырып, келбетлик фейил формасының болымлы ҳәм болымсыз түри антоним болатуғынын дәлиллейди. Ал, анықлық мейил формасындағы болымлы хәм болымсыз фейиллер антоним бола алмайтуғын анық тиллик фактлер жәрдеминде көрсетеди [4.15].

Ҳақыйқатында да, келбетлик фейилдиң болымлы ҳәм болымсыз формалары өз-ара антоним бола алады. Мысалы: оқыған –оқымаған, пискен-писпеген, келискен-келиспеген.

Бул келбетлик фейиллер *екен, еди* толықсыз фейиллери менен дизбеклесиўи арқалы аналитикалық фейил формаларын жасап келеди. Бул формада антонимлик қатнаста келетуғын фейиллерге төмендегилерди келтирип өтиўимизге болады: Қазанды ашып қараса, гөши тәўир-ақ *пискен екен.* Кемпир ол аўылға барса жарма еле *писпеген екен*. (Ққ.х.е).

Антоним мәнили аналитикалық фейиллер еле де тереңирек изертлеўди талап етеди. Себеби буныңдай фейиллер аўызеки сөйлеўде де, жазба тилде де пикирди терең ҳәм өткир мәнили етип бериўде жийи қолланылады.

Пайдаланылған әдебиятлар:

1. Бердимуратов Е. Ҳәзирги заман қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. Нөкис. «Қарақалпақстан» 1968

2. Хожанов Ш. Қарақалпақ тилиндеги антонимия қубылысы. Нөкис « Билим» 2017

3. Қарақалпақ халық нақыл-мақаллары. Нөкис. «Қарақалпақстан» 1995

4. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. Тошкент «Фан»

BOBUR BOG‘LARINING BARPO ETILISHI AN’ANASI

Davronbek OLIMJONOV,
O‘zbekiston Fanlar akademiyasi
Tarix instituti tayanch doktoranti

Bog‘ yaratish, bog‘dorchilik amali insoniyat taraqqiyoti tarixidagi eng ulug‘ kashfiyotlardan biridir. Inson ibtidoiy zamonlardan bog‘ni hayot va to‘kinchilik ramzi sanaydi. Barcha qadimiy diniy asotirlarda jannat mangu yashnab turgan boqqa qiyos etiladi. Shu sababdan Sharq shoirlari go‘zal bog‘larni va yashil-ko‘kalamzor shaharlarni “jannatmisol”, “firdavsmonand” deya ta’rif etadilar. Bog‘dorchilik xalq tarixi, uning madaniyati, ilm-fani, adabiyoti va san’ati, dehqonchiligi tarixi va tajribasi bilan chambarchas bog‘liq. Muayyan xalq yashagan jug‘rofiy hudud, uning madaniy-ilmiy ravnaqi, adabiyoti va san’ati, dehqonchilik va sug’orish tarmoqlari darajasi o‘tmishda yaratilgan bog‘larda o‘z aksini topgan.

O’zbek xalqi turmush tarzi an’anasida bog’ yaratish, tabiatni sevish, o’simlik va hayvonot dunyosiga mehr qo’yish qadimdan mavjudligini manbalardan ham bilish mumkin. Insonlar bog’ va undagi yo’laklar chetlarida gullardan manzarali bezaklar yaratib undan bahramand bo’lishga intilganlar. Ayniqsa, o’z tomorqasida mevali va manzarali daraxtlar hamda o’simliklarni parvarishlashni hozirgacha qadriyat sanab kelmoqda. Buyuk ajdodlarimiz bog’lar barpo etishni san’at darajasiga ko’targanlar, bular qatorida bobomiz Sohibqiron Amir Temur bunyod etgan bog‘lar jahon bog‘dorchilik tarixida alohida o‘rin egallaydi. Sohibqiron tarixini o‘rganish bilan shug‘ullangan barcha muarrixu-olimlar Turon sultonining bog‘dorchilik san’atidagi salohiyatini e’tirof etib, o‘z asarlarida ta’riflaydilar. Amir Temur tabiatni, insonni sog‘lomlashtirish, cho‘l-biyobonlarni obodonlashtirish va dehqonchilikni rivojlantirish borasida juda ko‘p hikmatli so‘zlarni meros qilib qoldirdi. “...Har bir shaharda masjidlar, madrasalar, xonaqolar, hammomlar qurishni, musofir yo‘lovchilar uchun yo‘l ustida rabotni bino qilishni, daryolar ustida ko‘priklar qurishni buyurdim. Kimki biron sahroni obod

qilsa yoki biron bog‘ ko‘kartirsa yoxud biron xarob bo‘lib yotgan yerni obod qilsa, birinchi yili undan hech narsa olmasinlar, uchunchi yili qonun-qoidaga muvofiq xiroj yig‘ilsin” (“Temur tuzuklari” 1991, 99) - deya, farmoyishlari bilan qurilgan muhtasham binolar - madrasalar, karvon yo‘llari, ko‘priklar, madaniy-maishiy obidalar hamda ko‘plab shaharlarda undan qolgan bog‘lar haqida xalqimiz biladi. Sohibqironning bunyodkorlik yo‘lida qilgan ishlari uning avlodlariga an’ana bo‘lib qoldi. Xususan, temuriylar davrida turli obidalar bilan birgalikda manzarali va mevali bog’lar barpo etish an’anasi Shohrux Mirzo, Mirzo Ulug’bek, Boysung’ur Mirzo, Husayn Boyqaro kabi hukmdorlar qatorida Zahiriddin Muhammad Boburning o’rni beqiyos. Buning sababi Bobur barpo etgan ko’plab bog’lar hozirgi kunga qadar o’z o’rni va tarovatini yo’qotgani yo’q.

Bobur tabiatni juda yaxshi ko’rgan, daraxtlar, gullar, hayvonlar turlarini tadqiq qilgan va o’zining shoh asari “Boburnoma”da nomlari va izohlari bilan keltirilgan. U qaysi hududga borsa bog’lar va binolar barpo qilgan. Bobokaloni Amir Temur kabi “Bog’i Dilkusho”, “Bog’i Jahonaro”, “Bog’i Baland”, “Bog’i Behisht”, “Davlatobod” kabi mashhur bog’lari an’anasini davom ettirib, “Bog‘i Kalon”(Bobur) “Bog‘i Vafo”, “Bog‘i Istalib”, “Bog‘i Zarafshon”, “Bog‘i Navro‘ziy”, “Bog‘i Nilufar”, “Bog‘i Fath”, “Bog‘i Nur”, “Bog‘i Xilvat”, “Chorbog‘”, “Bog’i Vafo” kabi nomdor bog’larni barpo etadi va bog‘larga o‘ziga xos nomlar ham qo‘yilgan. Bular xususidagi dastlabki ma’lumotlar o‘tmish tarixchilari, shoirlari, sayyohlari asarlarida uchraydi. Shuningdek, Bobur bog‘lari o‘rta asrlar rassomlari miniatyuralarida ham tasvirlangan.

Bobur bog’lari orasida tarovati va haligacha saqlanib qolganligi bilan ajralib turuvchi – “Bobur bog’i” nomi bilan mashhur “Bog’i Navro’ziy”dir. Afg’oniston poytaxti Kobul shahrining Chordehiy tumanidagi Sof, Sherdarvoza tog’ining etagida. Boqqa aslida Ulug‘bek Mirzo Kobuliy asos solgan. Boburning onasi Qutlug’nigor xonim vafot etganida, Bobur amakisining merosxo’rlaridan ruxsat so’rab marhumani shu boqqa dafn qilgan (“Boburnoma” 2002, 157). Bobur keyinchalik bog‘ni sotib olib qaytadan obodonlashtirgan. Turli mevali va manzarali

daraxtlar ektirgan va ariqlarni tozalatib, oqar suvlar bilan ta’minlattirgan. Boburning hijriy 935-yilda Xoja Kalonga yozgan maktubida bu bog’ni “Nazargoh” deb atagan. Ushbu bog’ni Amir Temurning “Bog’i Dilkusho” bog’iga tenglashtirish mumkin, sababi qurilish an’anasi, yo’laklar va binolar joylashuvi juda o’xshash. Humoyun, Akbar, Jahongirshoh va Shohjahonga bag’ishlangan tarixiy manbalarda “Hazrati firdavsmakon muborak maqbarasining bog‘i”, deb tilga olinadi. Bobur maqbarasining atrofida Hindol va Hakim Mirzoning qabrlari, bir oz yuqorida Ruqiya begimning qabri joylashgan. Bobur vafoti oldidan uni aynan shu boqqa dafn qilishlarini vasiyat qilgan. 1540-yili Boburning xoki Agradan olib kelinganidan so‘ng, u bu bog’ “Bog‘i Bobur” deb ham atala boshlagan. Bog‘ning uzunligi 550 gaz (495 metr), maqbaraga chiqiladigan zinapoyaning balandligi 50 metr atrofida bo’lgan. Bobur aksari bog’larining me’mori aynan o’zi bo’lib, tog’ri burchakli tarhga ega, o’rta qismdagi bog’ni ikkiga ajratib turadigan keng yo’lak orqali keluvchilarni markazdagi ko’shkka olib borgan. Ko’shkning barcha tomonlarini har turdagi daraxtlar o’rab turgan. Bu uslub o’sha davr uchun an’ana hisoblangan “chorbog’” shakli va uslubini yuzaga keltirgan. Bunday bog‘larning darvozalari odatda shahar tarafga qaratib qurilgan. Keyinchalik Boburning avlodlari bu bog’da ko’plab obodonlashtirish ishlarini olib borishgan, xususan, Jahongirshoh bog‘ni devor bilan o’ragan. Shohjahon zamonida bog‘ ichida oq marmardan masjid bunyod etilgan. “Bog‘i Bobur”ning tog‘ yon bag‘riga tutashgan sharq tarafida, Boburning farmoniga muvofiq, 1508-yilda “Taxti Bobur” ko‘shki qurilgan. Bobur Kobulga har gal kelganida, bu yerning ob-havosi, shifobaxsh suvlari ul zotni hayratda qoldirgani «Boburnoma» asarida takror-takror qayd qilingan. Mazkur bog‘dagi yetti iqlimdan keltirilgan anvoyi gullar, mevali va manzarali daraxtlar hanuzgacha poytaxt Kobulning ko‘rki bo‘lib hisoblanadi. Hozirgi kunda «Bog‘i Bobur» sayilgoh bo‘lib, davlat, jamoatchilik tomonidan o‘tkaziladigan ommaviy anjumanlar markaziga aylangan.

Bobur tomonidan Kobul viloyatining Ningnaxor tumani markazi Odinapur qo‘rg’onida 1509-yilda “Bog’i Vafo” bunyod etilgan. Bu bog‘

Sipingar tog'i etagida joylashgan, biroq bu tog'da doimiy qor bo'lsa-da, bog'ga qor tushmagan, obi-havosi safoli ekanligi zikr etilgan. Bog‘ qo'rg'onning janub tarafida bo‘lib, qo'rg'on bilan bog‘ o‘rtasidan soy oqib o'tgan. Bobur uni qurishda me'morchilik va bog‘dorchilikning yuksak namunalarini joriy etgan. Bog‘ o‘rtasidagi tepalik chorchaman (gulzor) qilingan. Bog‘ning janubiy tomonida hovuz qurilib, atrofiga mevalardan norunj(apelsin), anor va turunj(sitron - limon turi) ekilgan. Bobur Lohur va Dibalpurni zabt etgan yili u yerdan shakarqamish va banan ham keltirib ektirgan. Bobur bu bog‘ni juda mehr bilan parvarish qilgan va bu yerda dam olishni xush ko‘rgan. Hindistonga katta harbiy yurish arafasida ham Bobur Bog‘i Vafoga kelib, Humoyun o‘z qo'shini bilan yetib kelgunga qadar shu yerda kutgan. "Boburnoma"da bu boqqa alohida ta'rif berilgan: "Bog‘i Vafoning haddi va hududi bu tarixda mukarrar bitilibtur. Asru juda safolik bog‘ voqe' bo'lubtur. Har kim xaridorlik ko‘zi bila ko‘rsa, bilgaykim ne turluk yerdur" ("Boburnoma" 2002, 252).

Kobul yaqinida Istalif kentida joylashgan yana bir istirohati - "Bog'i Kalon"(Bog'i Istalif) bog‘i sersalqin manzillardan hisoblangan. Bobur Istalifni sayr qilib yurganida bog‘ni ko'rib yoqtirib qoladi. Bog‘ Ulug‘bek Mirzo Kobuliy tomonidan tortib olinganini bilib, uning egalarini rozi qilib sotib oladi. "Bog‘din tashqari ulug‘ chinorlar bor, chinorlarning tubi sabzalik, safolik manziledur. Bog‘ning o‘rtasidin bir tegirmon suyi hamisha joriydur. Bu ariq yoqasida, bog‘ o‘rtasida chinorlar va daraxtlardur. Burun bu ariq egri-bugri va besiyoq edi. Men buyurdumkim, bu ariqni reja va siyoq bila qildilar. Bisyor yaxshi yer bo'ldi" ("Boburnoma" 2002, 136), deb yozadi. Bobur kuz faslini yoqtirganini va sariq rangga burkangan payt bog' ichra sayr qilishni yaxshi ko'rgan va buni odat qilgan.

Bobur Hindistonni egallaganidan so'ng ko'plab bino, manzillar va bog'lar barpo qilishni davom ettirgan. Shaxsan o'zining muallifligida barpo etilgan mashhur bog' - "Bog‘i Zarafshon" Hindistondagi *Agra shahrida, hozirgi Tojmahal maqbarasidan besh chaqirim (4,5 km.) shimol tomonda joylashgan, 1528-yili Hindistonda*

*“Samarqandcha” chorbog‘ uslubida yaratilgan dastlabki bog‘. Bobur shaxsan o‘zi tanlagan yerda uning chizib bergan tarhi bo‘yicha bunyod etilgan. Bu paytda Bobur yirik davlat qurib, uni barqarorlashtirishga erishgan va unga bas keladigan kuchlar qolmagani uchun Bobur asosiy vaqtini ijodga qaratishni niyat qilgan. Bobur Bog‘i Zarafshonning bir chetida hilvatxona soldirib, “Boburnoma”ni qayta oqqa ko‘chirgan. Davlat ishlaridan butunlay uzilib ketolmaganidan, Bobur ko’rinishga keluvchilarni daryodan kema orqali olib o‘tishni buyurgan (“*Boburnoma*” 2002, 357). Bobur Bog‘i Zarafshonda hokimiyatni Humoyunga topshirgan (“Humoyunnoma” 1959, 196). “Boburnoma”ni qayta ko‘chirgan xattotning yozib qoldirganiga ko‘ra, Bobur shu bog‘da dafn etilgan (keyinchalik, vasiyatiga ko‘ra xoki Kobulga olib kelinib qayta dafn qilingan). Bobur vafotidan so‘ng Bog‘i Zarafshon Boburiylar hukmdorlarining sevimli maskaniga aylangan. Humoyun harbiy yurishlari oldidan bu yerda mashvarat o’tkazgan. Akbar bog‘ni yanada kengaytirib nilufarzorlar bilan o’ragan va “Bog‘i Nilufar” deb atagan. Jahongirshoh sevimli malikasi Nurjahon Begim sharafiga nomini “Bog‘i Nurafshon” deb o’zgartirgan. Nurjahon Begim bog‘ o‘rtasida “Mohitob” nomli qabulxona bino qilib, “Namgir” nomi bilan ma’lum taxt o’rnattirgan hamda Jahaz Mahal degan saroy qurdirgan. Boburiylar sulolasining keyingi vakillari “Bog’i Orom” deb atagan (mahalliy hind tilida: Rambog‘*).

Bobur tomonidan yana Hindistonda barpo etilgan chorbog‘lardan biri “Bog’i Nilufar”. Agra shahridan 50 chaqirim janubdagi Dulpur (hozir Rojaston shtatining Bxaratpur rayoni hududi)da joylashgan. Bog‘ o’rnini qizil qumtoshli tog’ yonbag’rida, Chambal daryosining yoqasida Boburning o’zi tanlagan. Bog‘da namozgoh, cho’milish uchun hovuz, shiypon, tosh supa, favvora va suv yetkazib berish uchun quvurlar tizimi bo‘lgan. Nilufarzor hovuz va quduqlari bor bog‘lar Hindistonda ilgari ham qurilgan, ammo chorbog‘ shaklidagi oromgohlar Bobur davridan boshlangan. Bobur Kobuldan qovun urug’i olib kelib Bog‘i Nilufarda ektirgan. Bog‘ning Nilufar shaklidagi katta hovuzi va bir nechta quduqlari saqlanib qolgan.

“Bog‘i Safo” - *Odinapur shahri yaqinida Bobur qurdirgan ko’rkamligi bilan mashhur bo’lgan bog‘. Tog’ etagidagi chashma yonida xushhavo va safoli yerda barpo etilganligi “Boburnoma”da keltirib o’tilgan. (“*Boburnoma*”* 2002*,* 224)..

Boburning Hind diyoridagi bog‘laridan biri “Bog‘i Fath” asosiy istirohatgohlardan bo’lgan. Agra shahri yaqinidagi Sekri tog’i yonbag’rida 1527-yili hind rojasi Rona Sango ustidan qozonilgan g’alaba sharafiga hal qiluvchi jang bo‘lgan joyda bunyod etilib, Bog‘i Fath (G‘alaba bog‘i) deb nomlangan. O’n bir yoshidan beri ikki Ramazon hayitini bir joyda o’tkaza olmagan Bobur Hindiston taxtini egallagach bunday imkoniyat tug’ilgan bo’lsada, “an’anani buzmaslik” uchun (Qurbon hayitini Agrada kutib olingan edi), 1528-yili Ramazon hayitini Bog‘i Fathda o’tkazishga qaror qilgan. Qurib bitkazilgan tosh supa ustiga oq uy (chodir) tiktirib, bayram qilganligini yozgan (“Boburnoma” 2002, 330). Bobur Bog‘i Fathni obod qilishga katta e’tibor bergan. Turli imoratlar ham qurdirgan. Ishining sifatidan qoniqmagan ustalarni hatto jazolatgan (“Boburnoma” 2002, 344). Bog‘ shiyponining boloxonasida o’tirib, “Qur’on”ni o’z qo’li bilan ko‘chirgan (“Humoyunnoma” 1959, 15).

Bobur qaysi hududda bog’ barpo qilar ekan, o’sha hudud iqlimi, shamol esishi, joylashuv lanshaftiga qarab joy va u joyda o’sa oladigan o’simliklarni ekishni buyuradi. U tabiatshunos, daraxt va o’simliklarni yaxshi bilgan. “Boburnoma”da esa tasniflab, ularning xususiyatlarigacha yozadi. Aynan bog’lari tuzilishiga ko’ra mevali va manzarali daraxtlar ekilgan bog’larga ajratsak bo’ladi. Ba’zi bog’lari daraxtlar joylashuviga qarab aralash shaklini ham ko’rishimiz mumkin. Masalan, Kobuldagi Bobur bog’ida chinor, koju (qarag’ay) va chilg’uza (kedr) va balut (eman) daraxtlari bilan birgalikda, anor va norunj(apelsin) kabi mevali daraxtlar ekilganligini ko’rish mumkin. Boshqa bir Istalifdagi “Bog’i Kalon”(Bog’i Istalif)da esa faqat chinor va maysali ekanligini bilamiz. Shu o’rinda “Boburnoma”ga asoslanib ushbu bog’larda qanday turdagi daraxt va o’simliklar ekilganligini eslatib o’tish darkor:

Mevali daraxt nomlari	Manzarali daraxt nomlari
Anor	Chinor
Uzum	Balut(eman)
Xurmo	Terak
Gular **(anjir)**	**Tol**
Tor (xurmo navi)	Koju (qarag'ay)
Norgil (kokos yong'og'i, javzayi hindi)	Chilg'uza (kedr)
Norunj (apelsin)	Archa
Limu (limon)	Palma
Turunj (sitron)	
Anba (mango)	
Qayla (banan)	
Anbuli (hind xurmosi)	
Mahva (gulchikon)	

Daraxtlardan tashqari xushbo'y va tarovatli gul hamda o'simliklar ham bog'larni bezash uchun parvarishlangan. Hind diyoridagi bog'lar aynan daryo yaqinida safoli joyda barpo etilgan. Bunga Jamna daryosi bo'yidagi Bog'i Zarafshon (Bog'i Orom) hamda Chambal daryosi yoqasidagi "Bog'i Nilufar"larni misol sifatida keltirish mumkin.

Boburshoh hayotlik davrida yuqorida keltirilgan bog'lardan tashqari "Bo'stonsaroy", "Chorbog'", "Bog'i Behisht", "Bog'i Nur", "Bog'i Xilvat" "Bog'i Shahroro" (keyinchalik bu bog'ning nomi boburiyzoda Jahongirshoh (1605-1625-y.) tomonidan "Bog'u ilmu Ganja" - Ganj ilmi bog'i deb o'zgartirilgan), "Bog'i Jilovxona", "O'rtabog'", "Bog'i Sur'at" kabi bog'lari ham mavjud bo'lgan, afsuski, bu bog'larning nomi aksariyati hozirgi kunda yozma manbalardagina saqlanib qolgan.

Temuriylardan meros qolgan bog'lar barpo etish an'anasini Boburning avlodlari – Humoyun, Akbar, Jahongirshoh, Shohi Jahon kabi boburiylar davom ettirishgan. Bobur vafotidan keyin qariyb besh asr vaqt o'tishiga qaramay, Bobur va uning avlodlaridan qolgan tarixiy va madaniy meros hanuzgacha jahon xalqlarini hayratga solib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. T:. “Sharq”, – 2002.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur Ensiklopediyasi, T.: “Sharq”, – 2014.
3. Gulbadanbegim, Humoyunnoma, T.: “Fan”, – 1959.
4. Amir Temur, Temur tuzuklari, T.: “G’ofur G’ulom”, – 1991

“BOBURNOMA” VA “BOBURIYNOMA” (Zahiriddin Muhammad Bobur “Vaqoe”sining zamonaviy o’zbek nasriga ta’siri “Boburiynoma” misolida)

Sitora TOJIDDINOVA,
O’zFA Alisher Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi doktoranti

Key words: memoirs, “Vakoe”, text, textual criticism, scientific expedition, guidebook,imitation,analysis, description.

Annotation: This article analyzes the influence of the historical and memoir work of Zakhiriddin Muhammad Babur “Baburname” on modern uzbek prose from the point of view of textual criticism. This article examines the “Baburiyname” by the famous writer Khayriddin Sultan. In “Baburiyname” texts quoted from “Baburname” and their contribution to the work are researched. In general, the incomparable place and influence of “Vakoe” in our modern prose has been revealed.

Ключевые слова: мемуар, текст, текстология, научная экспедиция, путеводитель, подражание, анализ, описание.

Аннотация: В данной статье анализируется влияние историко-мемуарного произведения Захириддина Мухаммада Бабура “Бабурнома” на современную узбекскую прозу с точки зрения текстологии. В данной статье исследуется “Бабурийнома” известного писателя Хайриддина Султана. Исследуется их вклад в произведение, в целом раскрывается роль и влияние “Вакое” в нашей современной прозе.

Kalit so’zlar: memuar, “Vaqoe”, matn, matnshunoslik, ilmiy ekspeditsiya, safarnoma, taqlid, tahlil, ta’rif.

Annotatsiya: Ushbu maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” tarixiy-memuar asarining zamonaviy o’zbek nasriga ta’siri

matnshunoslik nuqtai nazaridan tahlil qilingan. Bunda taniqli yozuvchi Xayriddin Sultonning “Boburiynoma” ma’rifiy romani o’rganilgan. “Boburiynoma”da “Boburnoma”dan keltirilgan matnlar va ularning asarga qo’shgan hissasi tadqiq etilgan. Umuman, “Vaqoe”ning zamonaviy nasrimizga ta’sirini o’rganish masalasi ilgari surilgan.

Hazrat Boburning tarixiy-memuar, qomusiy asari “Boburnoma” asrlar osha insoniyatni hayratlantirib kelmoqda. Adabiyot va san’atning har jabhasida bu ulug’ siymo va uning shoh kitobiga murojaat qilingan. Rassomchilik, haykaltaroshlik, xattotlik, shoirlik yoki yozuvchilik bilan shug’ullanuvchi inson borki, o’z ijodi davomida, albatta, bu buyuk ajdodimizga oshuftaligini izhor qiladi. Ijodiy,ilmiy faoliyati davomida bot-bot Hazratning merosiga intilganlar esa, hech shubhasiz, bu cheksiz ummondan qayta-qayta gavharlar topaverishadi. Inchunin, aynan “Boburnoma” asarining zamonaviy o’zbek nasriga ta’siri beqiyos. Taniqli yozuvchi Xayriddin Sultonning “Boburiynoma” ma’rifiy romani fikrimiz dalilidir. Muallif asar avvalida aytganidek, “O’lmas “Boburnoma”ning ummondek teran mazmuni, sof, sodda, mardona tarovatiga cheksiz havas qilib, kitobga “Boburiynoma” deb nom berildi. Albatta, ma’noyu mundarija jihatidan ulug’ ajdodimiz bitgan mumtoz asar yaktodir, bu borada hazratga aslo yetib bo’lmas. Bizning umidimiz ulki, shoyad shaklan bo’lsa-da, faromush bitiklarimiz “Boburnoma”ni eslatib tursin”. Mana shunday kamtarona muqaddima bilan boshlangan asarni o’qib borarkanmiz, muallif romanni yozish jarayonida ham shaklan, ham usluban “Boburnoma”dan ruhlanganini anglab boraveramiz. “Vaqoe”da ma’lum yillar voqealari yaxlit bo’limda tasvirlangan bo’lsa, bu ma’rifiy romanda har bir yil, kun, joy voqealari “Yon daftarcha bitiklari” tarzida bayon etilgan. Matn tarkibi va bayon uslubida ham “Boburnoma”ga taqlid seziladi. Ayniqsa, kishilarga ta’rif berilayotganda buni yaqqol bilish mumkin: “Yana biri Erkin A’zam, boysunlik nosir edi. Tabiatining nozikligi ila mashhur edi. So’zga benihoyat talabchan edi. Ozu soz yozardi. “Otoyining tug’ilgan yili” degan qissasi ko’p dovrug’ qozongan edi”. [Boburiynoma.Xayriddin Sulton.Toshkent. Ma’naviyat. 2019 y. 42-b.] Ammo shuni ham ta’kidlash kerakki, garchi “Boburnoma” ta’siri sezilsa-da, kishilar ta’rifida ulug’ ajdodimiz uslubidan to’la foydalanilmagani ajablanarli. Balki roman

maqsadidan chalg'imaslik uchundir odamlarga qichqacha ta'rif berilgan. Bilamizki, hazrat Bobur har kasniki ta'riflarkan uning nasl-nasabi, axloq va atvori, shakl-shamoyili va boshqa jihatlarini ham bayon qiladi. Ularning xizlatlari barobarida nuqsonlarini ham sanaydi. Hatto, padari buzrukvorining portretini yaratar ekan, o'z uslubidan chekinmaydi: "Shakl-shamoyili: past bo'yluq, tegirma soqolliq, qo'ba yuzluk, tanbal kishi edi" [Bobur,1989; 9]. Axloqi va atvorini yozarkan, xislatlarini bir-bir tilga oladi: "Hanafiy mahzablik, pokiza e'tiqodliq kishi edi, besh vaqt namozni tark qilmas edi, umriy qazolarini tamom qilib edi, aksar tilovat qilur edi" [Bobur,1989; 10].

Matnshunoslik nuqtai nazaridan qaralganda, "Boburnoma"dan "Boburiynoma"ga aynan ko'chirilgan matnlar talaygina. Safarnoma shaklidagi romanda ilmiy ekspeditsiya a'zolari ma'lum hududlardan o'tisharkan, muallif o'sha joy haqida yozayotib, "Boburnoma"da bu xususda keltirilgan ma'lumotlarni taqdim etadi. Misol uchun, Samarqandga yetib kelishganida "Boburnoma"da to'qqiz yuz uchinchi (1497-1498) yil voqealari bobida keltirilgan quyidagi matn aynan keltiriladi: "Rub'i maskunda Samarqandcha latif shahr kamroqdur. Beshinchi iqlimdindur. Tuli (99) ramzi nujumiy (56) daraja va daqiqadur" " [Bobur,1989; 43].

Shu o'rinda izoh berish kerakki, ushbu gapdagi qavs ichidagi raqamlar Porso Shamsievga tegishli. "Boburiynoma"da ayni shu gapni ko'chirar ekan muallif qavs ichidagi sonlar tepa qismiga 0, ya'ni daraja(ruscha gradus) belgisini qo'shib qo'ygan [Хайриддин Султон, 2019; 42].

Demak, matnda kichik o'zgarish yuzaga kelgan. Fikri ojizimizcha, ushbu qo'shimchaga hojat yo'q edi. Boisi qavsdagi sonlardan so'ng "daraja" degan so'z turibdi. Balki Xayriddin Sulton kitobxonlari matn mazmunini ortiqcha urinishsiz, darrov ilg'ab olishlari uchun ushbu belgini qo'ygandir.

Matnni qiyosiy o'qishda davom etamiz: "Shahri Samarqanddur, viloyatini Movarounnahr derlar. Hech yog'iy qahr va g'alaba bila munga dast topmag'on uchun baldai mahfuza derlar. Samarqand hazrati amirul mo'minin Usmon zamonida musulmon bo'lg'ondur.Sahobadin Qusam ibn Abbos anda borg'ondur. Qabri Ohanin darvozasining toshidadur" [

Bobur,1989; 43]. Matnning shu joyida to’xtaymiz. Sababki, hozircha eng ishonchli manba deya e’tirof etiladigan Porso Shamsiev tomonidan nashrga tayyorlangan “Boburnoma” kitobida yuqorida keltirilgan matnning eng oxirgi so’zi “toshidadur” deb berilgan. “Boburiynoma”da keltirilgan iqtibosda esa ushbu so’z “tashidadur” deya yozilgan. Savol tug’iladi: Xayriddin Sulton bu iqtibosni biz qiyosan o’rganishga harakat qilayotgan nashrdan farqli nusxadan olganmi yoki muallif asl qo’lyozmani o’qiganmi?! Ammo “Boburnoma”ning eng yangi nashri, ya’ni Zahiriddin Muhammad Bobur “Kulliyot” (Nashrga tayyorlovchi: Mirzo Kenjabek. — T.; “Zilol buloq”, 2021)ida ham “Qabri Ohanin darvozasining toshidadur” deyilgan.

Bir qarashda bu texnik xatoga o’xshaydi. Ya’ni, “Qabri Ohanin darvozasining tashidadur”. O harfi o’rniga a deb terilgandir, deb o’ylash mumkin. Ammo kitobning ikkinchi nashrida ham Xayriddin Sultonday ilmli yozuvchidan arzimas xatoliklar ham o`tishi dargumon. Shu nuqtai nazardan, chuqurroq tahlil qilamiz. Sirasini aytganda, hozirgi adabiy til fonetikasi nuqtai nazaridan qaralganda, matn mazmunini anglash uchun shu o`zgarish qilinganday. Ya’ni, bugun “toshidadir” so’zi, tosh,tabiatdagi qattiq jism ma’nosinigina anglatishini hisobga olsak, asl matn to’g’ridan to’g’ri ko’chirilsa, zamonaviy kitobxonga biroz tushunmovchilik tug’dirishi mumkin: “Qabr Ohanin(temirdan yasalgan) darvoza toshida bo’lishi mumkinmi?!” Aslida, “Boburnoma”da qabr darvozaning toshida, ya’ni tashqarisida ekani haqida ma’lumot berilgan. Bu mazmun kitobxonga bir o’qishda tushunarli bo’lishini istagan yozuvchi matnga ozgina fonetik o’zgartirish kiritgan ko’rinadi. Shu o’rinda ta’kidlash joizki, har ikkala asarni: shoh va shoir ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” durdona kitobi va zamonamiz nasrining yetakchi vakillaridan biri Xayriddin Sultonning “Boburiynoma” ma’rifiy romanining qo’lyozma nusxalarini qiyosan o’rganish ehtiyoji bor. Bu maqola shu yo’ldagi dastlabki qadam, mavzuning “bismillo”si deya qabul qilgaysiz.

Inchunin, “Vaqoe”ning davrimiz nasriga ta’siri katta ekani shubhasiz. Ammo yuqorida guvohi bo’lganimizdek, shoh asarning matnidan foydalanishda ayrim o’zgarishlar uchraydi. Ularni ilmiy jihatdan o’rganish va ommaga taqdim etish yozuvchilarimizning keyingi

ijodiy faoliyatlarida qo’l kelishi mumkin. Shu ma’noda asrlar osha jilosa tobora oshib borayotgan “Boburnoma”ning zamonaviy o’zbek nasriga ta’sirini baholi qudrat o’rganib, tahlil qilib borish oldimizda turgan mas’uliyatli vazifamizdir.

Adabiyotlar ro’yxati:

1. Boburnoma. Zahiriddin Muhammad Bobur. Nashrga tayyorlovchi: Porso Shamsiev.— T.: “Yulduzcha”, 1989.

2. Boburiynoma.Xayriddin Sulton.—T.: “ Ma’naviyat”, 2019

3. Bobur abadiyati. Mas’ul muharrir: Vahob Rahmonov. —T.: “Bayoz”, 2018.

4. Zahiriddin Muhammad Bobur entsiklopediyasi. Tahrir hay’ati A.Qayumov va boshq. Bosh muharrir: A. A’zamov. — T.: “Sharq”,2014.

5. Zahiriddin Muhammad Bobur. Kulliyot. Nashrga tayyorlovchi: Mirzo Kenjabek. — T.:”Zilol buloq”, 2021.

MUSTAQILLIK YILLARIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING YURTIMIZDA O‘RGANILISHI

Azamat Fayzullayev,
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti 4-bosqich talabasi

1991-yilda O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligini qo‘lga kiritgach, buyuk ajdodlarimiz, ulug‘ mutafakkirlar, davlat arboblari, jahon ilm-fani rivojiga ulkan hissa qo‘shgan ulug‘ allomalarning boy ilmiy-amaliy merosini har taraflama mufassal tadqiq etish, ular xotirasini tiklash, asarlari va faoliyati haqida xalqimizga tushunchalar berish maqsadida bir qator ishlar amalga oshirildi. Ular orasida shoh va shoir, mohir sarkarda va davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur merosini o‘rganish maqsadida ancha keng ko‘lamli izlanishlar amalga oshirildi. Xususan, 1992-yil may-iyul oylarida bir qator yozuvchi, jurnalist, tarjimon hamda tarix sohasi mutaxassislari ishtirokida Bobur mirzo yurgan yo‘llar bo‘ylab ilmiy ekspeditsiya uyushtirildi.

Ushbu ilmiy safar “Bobur nomidagi Xalqaro ilmiy ekspeditsiya” deb atalib, uning rahbari Bobur nomidagi Xalqaro jamg‘arma prezidenti, geologiya-minerologiya sohasi mutaxassisi Zokirjon Mashrabov edi.

Ilmiy ekspeditsiya tarkibida yozuvchi Xayriddin Sultonov, “El” xalqaro jamiyatining Andijon bo‘limi raisi Abdug‘ani hoji Hamidov, jurnalist, tarix fanlari nomzodi Sobirjon Shokarimov, meditsina fanlari doktori, professor Sayfiddin Tursunov, tarix fanlari doktori, professor Rustam Shamsiddinov, Andijon gidroliz zavodi direktori Shuhrat Madazimov, “Chinobod” firmasi rahbari Orifjon Uraimov, Andijon davlat chet tillar institute prorektori Mahmud Rahimov, qori Muhammadsodiq Qosimov, jurnalist va shoir Farrux Rasul, Andijondagi musiqa bilim yurti muallimi, hofiz Adhamjon Ismoilovlar bor edi [1, 47-49]. Aynan ular bosib o‘tgan mashaqqatli hamda xavf-xatarga to‘la bo‘lgan safar tufayli yurtimizda Bobur ijodini o‘rganishga doir ilmiy tamaltosh qo‘yildi, Andijonda Bobur mirzo nomidagi bog‘ hamda allomaning ramziy qabri barpo etildi. Ekspeditsiya Turkmaniston, Eron, Turkiya, Suriya, Iordaniya, Saudiya Arabistoni, Birlashgan Arab Amirliklari, Pokiston, Afg‘oniston kabi Sharq mamlakatlari bo‘ylab avtomobilda safarlar uyushtirib, 200 ming km. dan ziyod masofani bosib o‘tdi, Bobur va boburiylar qurdirgan qadamjolar, ularning ilmiy merosiga oid yangi ma’lumotlar to‘plab, ularni ilmiy iste’molga kiritdi. Ushbu safarda ishtirok etganlar bir nechta ilmiy asarlar ham yozdilar. Jumladan, X. Sultonovning “Boburiynoma”, Z. Mashrabov va S. Shokarimovning “Asrlarni bo‘ylagan Bobur”, R. Shamsiddinovning “Boburiylar izidan”, “Boburiylar sulolasi” kabi asarlari chop etildi. Bundan tashqari S. Jalilovning “Boburning Farg‘ona davlati”, “Bobur va Andijon”, Q. Kenjaning “Hind sorig‘a”, T. Nizomning “Uch so‘z” kabi ilmiy va badiiy asarlari, F. Rasulovning “Bobur izidan”, “Muqaddas qadamjolar”, T. Ro‘ziyevning “Bobur salomi”, “Bobur nomidagi Xalqaro ilmiy ekspeditsiya”, T. Hamidovning “Iftixor” nomi hujjatli film va videofilmlari yaratildi. Keyinchalik, Bobur nomli xalqaro fond tashabbus bilan Afrika qit’asidan Hindi-Xitoy yarimoroliga qadar, Yevropadan Amerikaga qadar 25 martadan ko‘proq ekspeditsiyalar uyushtirilib, 375 ming km.dan ortiq masofa bosib o‘tildi. Ilmiy ekspeditsiya safarlari davomida ko‘hna tariximizga oid hamda buyuk ajdodlarimiz qoldirgan 500 dan ziyod asarlarning asl va fotonusxalari mamlakatimizga keltirilib, fond qoshidagi “Bobur va jahon madaniyati” muzeyida mujassamlashtirildi[57].

[57] https://telegra.ph/Bobur-nomidagi-xalqaro-jamoat-fondi-va-ilmiy-ekspeditsiyasi-rahbari-

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoniga ko‘ra, 1993-yilda Bobur tavalludining 510 yilligi tantanali nishonlandi. Andijon shahrida Bobur nomida universitet, teatr, kutubxona, milliy bog‘, “Bobur va jahon madaniyati” muzeyi barpo etildi. O‘zbekiston Fanlar Akademiyasining Bobur nomidagi medali ta’sis etildi. 1998-yilda Bobur nomidagi xalqaro jamoat fondining bobur shunoslik sohasidagi xalqaro mukofotlari ilk marta Pirimqul Qodirov, Sabohat Azimjonova, G‘aybulloh as-Salom, Ne’matilla Otajonov, Xayriddin Sultonov, Eyji Mano (Yaponiya), Muhammadali Abduqunduzov, Maqsud Yunusov, Shafiqa Yorqin (Afg‘oniston), Ma’murjon To‘xtasinov, Ravshan Mirtojiev, Majid Tursunov, Rahmonjon Azimov, Muhammadjon Mirzaevga berildi[58]. 2020-yilda “Zahiriddin Muhammad Bobur” maxsus stipendiyasi va ko‘krak nishoni ta’sis etildi[59]. Bobur tavalludining 540 yilligini keng nishonlash maqsadida 2023-yilning 25-yanvarida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori bilan 2023/2024-o ‘quv yilidan boshlab oliy ta’lim muassasalari talabalari uchun tarix va geografiya yo‘nalishlarida Zahirddin Muhammad Bobur nomidagi davlat stipendiyasi ta’sis etildi[60].

2015-yilda Bobur mirzo merosini o‘rganish bo‘yicha barcha bajarilgan ishlarning solnomasi sifatida mamlakatimizda ilk bor shaxsga nisbatan qomus, ya’ni “Bobur ensiklopediyasi” yaratildi. 64 bosma taboqli bu ulkan ensiklopediyani yaratishda o‘zbek bobur shunos olimlari qatorida Yaponiya, Hindiston, Turkiya, Afg‘oniston va yevropalik olimlar ham faol ishtirok etishdi. Bobur ijodini qirq yildan beri o‘rganib kelayotgan yaponiyalik bobur shunos olim Eyji Mano ensiklopediyaga “butun dunyo bobur shunoslari uchun muhim qo‘llanma bo‘ladi” deya baho berdi. Qolaversa, yana bir noyob qo‘llanmani, ya’ni Rossiya Fanlar Akademiyasining Tillar instituti bilan hamkorlikda “Zahiriddin

---

O%CA%BBzbekistonda-xizmat-ko%CA%BBrsatgan-madaniyat-xodimi-Zokirjon-MA-02-14

[58] https://tafakkur.net/zahiriddin-muhammad-bobur.haqida

[59] https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/zahiriddin-muhammad-bobur-maxs

[60] https://xs.uz/uz/post/tarikh-va-geografiya-jonalishlarida-zahiriddin-muhammad-bobur-nomidagi-davlat-stipendiyasi-tasis-etiladi

Muhammad Babur. Baburidi. Bibliografiya" kitobi ham nashr etildi. Ilmiy safarlar davomida dunyo bo‘ylab topib kelingan qo‘lyozmalar haqida "Bobur va jahon madaniyati" muzeyidagi adabiyotlar ro‘yxati to‘plami yaratildi. So‘ng esa "Bobur va boburiylar bibliografiyas"ning ikkita kitobi ham chop etildi. *"Hozir bibliografiyalarimiz soni 4 taga yetdi. Shu o‘rinda bir narsani afsus bilan aytib o‘tmoqchiman. O‘zbekistonda buyuk allomalarimizning qo‘lyozmalari asosida birorta ham bibliografiya qilinmagan. Xuddi shuningdek, jahon bo‘yicha ham. Bu juda zarur, chunki xalqimiz va ayniqsa, yoshlarimiz uchun qaysi ajdodimizning qaysi qo‘lyozmasi yoki u haqdagi manbalar qayerlarda borligi haqida ma'lumot beruvchi manba bu bibliografiyadir. Adabiyotshunoslarimiz bu haqda tezroq amaliy ishga o‘tishlari kerak"*[61], - deya ta'kidlab o‘tgan edi Bobur nomidagi xalqaro jamoat fondi va ilmiy ekspeditsiyasi rahbari Zokirjon Mashrabov.

Bobur hamda boburiylar sulolasi tarixini tadqiq etishda ba'zi bir muammolar ham mavjud. Masalan, yevropalik olimlar tomonidan Bobur mirzo va u zotning ajdodlari mo‘g‘ul qavmiga mansubligiga ishonish tufayli sarkarda barpo etgan Boburiylar saltanati G‘arbda "Buyuk Mo‘g‘ullar imperiyasi" deb nomlanishi odat tusiga kirgan. Bu masala yuzasidan bir necha marta yurtimizdagi tadqiqotchilar hamda jahon olimlari o‘rtasida konferensiyalar o‘tkazilgan. 1992-yilgi ilmiy ekspeditsiya ishtirokchisi Xayriddin Sultonov qalamiga mansub "Boburiynoma" ma'rifiy romanida shunday jumlalar bor: *"...Va ertasiga har ikkala gazetada suratimiz bilan birga "Bobur mo‘g‘ul emas, o‘zbekdir" degan maqola chiqib turibdi. Ertalab soat yetti yarimda mehmonxonamizga redaksiya xodimi kelib, gazetalarni topshirib ketdi. Iltimosimizga ko‘ra Mahmud Jo‘rayevich maqolani tarjima etib berdi. Unda, jumladan, shunday deyilgan:*

"Bobur nomidagi Andijon davlat dorilfununining tarix fakulteti professori hoji Rustambek Shamsiddinov yetakchiligidagi uch o‘zbek vakili seshanba kuni redaksiyamizga tashrif buyurdi. Delegatsiya a'zolaridan hoji Zokirjon Mashrabov va hoji Xayriddin Sulton ham uchrashuvda ishtirok etdilar. Ularning bu tashrifini sharhlagan

[61] https://uzhurriyat.uz/2017/02/15/asrlarni-bo-ylagan-bobur/

delegatsiya rahbari Pokistonga sayohat qilishdan ko‘zlangan asosiy maqsad Zahiriddin Muhammad Bobur haqidagi ma’lumotlar, turli hujjatlarni axtarib topish, ularni o‘rganish va umumlashtirishdan iborat, deb aytdi…Ekspeditsiyaning puxta ishlab chiqilgan rejasiga ko‘ra xorijiy mamlakatlardagi xalq ommasining buyuk mutafakkir, benazir shoir, siyosatchi va mohir sarkarda, ulug‘ fotih va dovyurak inson bo‘lmish Bobur – imperator haqidagi fikr-mulohazalarini o‘rganish – bu safardan ko‘zlangan asosiy niyatdir. Professorning fikricha, Zahiriddin Muhammad Bobur asli Andijondan chiqqan o‘zbek farzandidir. Binobarin, Osiyo va Yevropa mamlakatlarida tarqalgan, Boburni mo‘g‘ul qavmiga taalluqli degan fikr butkul xatodir”[1, 210-211]. Ilmiy ekspeditsiyaning Pokiston safari davomida yozilgan ushbu lavhalar jahon ilm-faniga Bobur va boburiylar sulolasining mo‘g‘ul emasligini isbotlash yo‘lidagi dastlabki qadamdir.

Xulosa qilib aytganda, yurtimizda Zahiriddin Muhammad Bobur haqida olib borilgan ilmiy ishlar, o‘tkazilgan ilmiy safarlar yirik-yirik kitoblarga jo qilsa arziydigan darajada amalga oshirilgan. 1992-yili Bobur nomli xalqaro jamoat fondi uyushtirgan ilmiy ekspeditsiya ulug‘ siymoni el-yurtimizga tanitish yo‘lidagi ilk debocha desak, adashmagan bo‘lamiz. Bobur ijodini talaba yoshlar o‘rtasida keng targ‘ib qilish maqsadida maxsus stipendiya joriy etilishi esa bu yo‘lda qo‘yilgan navbatdagi qadamdir.

Foydalanilgan
adabiyotlar ro‘yxati:

1. Xayriddin Sultonov. “Boburiynoma”. T.; Sharq – 1997.
2. https://telegra.ph/Bobur-nomidagi-xalqaro-jamoat-fondi-va-ilmiy-ekspeditsiyasi-rahbari-O%CA%BBzbekistonda-xizmat-ko%CA%BBrsatgan-madaniyat-xodimi-Zokirjon-MA-02-14
3. https://tafakkur.net/zahiriddin-muhammad-bobur.haqida
4. https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/zahiriddin-muhammad-bobur-maxs
5. https://xs.uz/uz/post/tarikh-va-geografiya-jonalishlarida-zahiriddin-muhammad-bobur-nomidagi-davlat-stipendiyasi-tasis-etiladi
6. https://uzhurriyat.uz/2017/02/15/asrlarni-bo-ylagan-bobur/

BOBUR G‘AZALLARIDA QOFIYA SAN’ATLARINING QO‘LLANILISHI

Nurbadalova Bo‘ritosh Begali qizi
O‘zbekiston Milliy universiteti magistranti

Annotatsiya

Ushbu maqolada shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur devonidagi g‘azallarda qo‘llanilgan qofiya san’atlari va vazn xususiyatlari haqida ma‘lumot beriladi.Maqolada qofiya san’atlarining farqlanuvchi turlari umumiy va badiiy jihatdan raqamlar kesimida tahlil qilingan va ushbu qofiya san’atlarining har biriga devondagi g`azallardan baytlar misol qilib ketirilgan.

Kalit so`zlar*;Bobur,qofiya,zulqofiyatayn,zulqavofi‘,tarse‘*

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘zbek xalqi tarixida tom ma’noda yirik shaxs. Uning tarixchi olim, zukko adib va dilbar shoir sifatida qoldirgan adabiy merosi bebahodir. Bobur hukmdorlik majburiyatlaridan ortib yirik asarlar yozishga muvaffaq bo‘lgan. Uning lirikasi adabiyotda o‘ziga xos va mosdir. Shubhasiz, she’riyatining asosiy mavzui Vatan, Vatan sog‘inchi bo‘lgan.

Bobur she’riyatida axloq va diniy mukammallik masalalari ham ko‘tarilgan. Lirikasining o‘ziga xosligi shundaki, u asarlarini nihoyatda sodda, samimiy, hammaga tushunarli bo‘lgan tilda yozishga harakat qilgan.

Jahon adabiyotida qofiyadan foydalanish badiiy mahoratning muhim qirralaridan biri bo‘lib hisoblanadi. Sharq shoirlari azaldan boshlab qofiya vositasida she’riy asarlarning ohangdorligi, serjiloligi, ta’sirchanligini ta’minlashga alohida e’tibor berib kelganlar va asrlar davomida xilma-xil qofiya san’atlari shakllangan.

Iste'dodli ijodkor Zahiriddin Muhammad Bobur ijodida ham qofiya san‘atlariga alohida urg‘u berilgan.Biz ushbu maqolamizda Bobur g‘azallarida qo‘llanilgan qofiya san’atlarini ko ‘rib chiqamiz.

Dastlab ***zulqofiyatayn*** san‘ati haqida so‘z yuritsak, bayt misralarida ikki so‘zni qofiyadosh qilib keltirish san’ati zulqofiyatayn ya’ni qo‘sh qofiya keltirish san’ati deyiladi. Har qaysi baytdagi qofiyadosh ikki so‘z misralar oxirida ketma-ket keltirilishi yoxud misralarning turli o'rnida keltirilishi mumkin.

Ikki so‘z misra oxirida keltirsa bu xil qofiya ***mutakarrin qofiya*** deb yuritiladi.

Navoiyning ‘‘Layli va Majnun ’’ dostonidagi

*Ko‘ngliga **hayolidin tafakkur,***

*Jonig‘a **visolidin tahayyur**.*

*Dardimg‘a **xayolini tabib** et*

*Jonimg‘a **visolini nasib** et*

kabi ko‘plab baytlardagi qo'sh qofiyalar **mutakarrin qofiya** sanaladi. [Hojiahmedov A. She‘riy san‘atlar va mumtoz qofiya. – T.: Sharq, 1998.]

Qofiyadosh ikki so‘z misralarda yonma-yon emas, balki ikki o‘rinda kelsa ular ***mahjub qofiya*** deyiladi Bu xil qofiyalarda qofiyadosh so‘zlar misralarning boshi va oxirida kelishi mumkin

Masalan, Alisher Navoiyning “Hayrat ul abror’’dostonidagi

*Avj **tutub** shu’lai **jabborliq***

*Mavj **urub** lujjai **qahhorliq***

baytidagi qofiyalar shu xildagi qofiyaga misol bo‘la oladi.

Zulqofiyatayn san‘atiga Bobur ijodida ham bir talay misollar bor. Ularni ko‘rib chiqamiz.

Boburning to‘plamdagi 4-g‘azali:

*Ne ko‘ray to’bini **qaddi xush xiroming** borida!*

*Ne qilay sunbulni **xatti mushkfoming** borida?* [Bobur Zahiriddin. Devon. – T.: Sharq, 1996.]

Ushbu baytda ***qaddi va xatti, xirom va mushkfom*** so‘zlari o‘zaro qofiyadosh bo‘lib kelgan. Qo'sh qofiyalarning ikkisi ham misra oxirida kelganligi bois zulqofiyatayn san’atining ***mutakarrin*** turiga misol bo'ladi.

Ushbu g‘azal *ramali musammani mahzuf* vaznida yozilgan.

Yoki 6-g‘azaldagi

*Soqiy erur ishrat **chog‘i,**afsurda bo'lma **day** bila,*

*O'ttek chog'ir keltur,**dag‘i**,suhbat tutoshur **may** bila*

“chogi**’’va “**dag'i”, “ day” hamda ***“may”*** so'zlari qofiyani yuzaga keltirgan hisoblanadi. Ushbu baytdagi qofiyalar misraning ikki o'rnida kelganligi bois, ular ***mahjub*** qofiyaga mansubdir.

Boburning el orasida mashhur gazallaridan hisoblangan 11- g‘azalda

*Xating aro **uzoring** sabza ichinda **lola,***

*Ul chashmi pur **xumoring** loladag‘i **g ‘azola***

“uzor” va “xumor”,” lola” hamda “g‘azola” so‘zlari qofiyani yuzaga keltirib zulqofiyatayn san’atining mahjub turiga mansubdir.

*Ko'ngulga bo'ldi ajoyib **balo qaro** soching,*

*Shikasta ko'ngluma ermish **qaro balo** soching*

baytida esa ajoyib o‘ziga xos o'ynoqilikni yuzaga keltirgan “balo, qaro” va “qaro, balo’’ so'zlari qo‘sh qofiyani belgilab bergan. Ikkalasida ham ridf “o” harfi. Bu baytdagi qofiya zulqofiyataynning mutakarrin turiga mansubdir

Zulqofiyatayn san’ati jozibador san’at turi hisoblanganligi uchun ham Boburda ushbu san’at turiga ko‘p urg‘u berilgan. Uning quyidagi 31-g‘azalidagi bayt ham zulqofiyataynga misol bo'ladi.

*Demang o'qini **tanimg‘a** baloi **jon** keldi,*

*Hayotsiz **badanimg‘a** o'qi **ravon** keldi*

baytida “tan’’, “badan”va “jon”, “ravon” kabi ikki o'rinda qofiya qatnashganligi sababli mahjub turga mansubdir.Ushbu g'azal ***mujtass bahrida*** yozilgan.

*Xurshid yuzung birla **bukun**,ey mohi **tobon***

*Da‘vi gar etar bo‘lg‘usi **kun** ,so‘ngra **pushaymon.***

Ushbu g‘azaldagi zulqofiyatayn san‘atiga asos bo‘gan so‘zlar “bukun”, “kun” va “tobon”, “pushaymon” so'zlaridir.Bu g‘azal ham ***hazajning axrabi makfufi mahzuf*** vaznida yaratilgan.

*Qaro zulfung **firoqida** parishon **ro‘zgorim** bor,*

*Yuzungning **ishtiyoqida** ne sabru ne **qarorim** bor*

Bu bayt esa maqbuzi maqsurda yozilgan.

*G‘ofil o'lma,ey **soqiy** gul chog‘in **g‘animat** tut,*

*Vaqti aysh emas **boqiy,**ol chog‘ir,ketur,**bat** tut*

Ko‘rib o‘tganimizdek g‘azallarning bahrlari turlicha. Hassos shoir qo‘sh qofiyalarni bir qancha bahrlardagi go'zal namunalarini yarata olish mumkinligini ko'rsata olgan.

Zulqavofi‘. Bayt misralarida uch va undan ortiq so‘zni qofiyadosh qilish zulqavofiy san’ati sanaladi.[Hojiahmedov A. She‘riy san‘atlar va mumtoz qofiya. – T.: Sharq, 1998.]

Ogahiyning

*Ey **musallam dilkusholig‘** g'unchai **xandoninga***

*Vey **mujazzam jonguzolig‘** nargisi **fattoningga***

baytlari misol bo'ladi.

Tarse‘. Bayt misralaridagi barcha so‘zlarning qofiyadosh bo‘lishini shu istiloh bilan atalgan. Tarse‘ san’ati Navoiy, Ogahiy kabi buyuk ijodkorlar ijodida uchraydi.

Bobur g'azaliyotida ham tarse‘ sanatiga bir o‘rinda murojaat qilingan.

To'plamdagi 109-g'azalda:

***Sendek manga** bir **yori jafokor** topilmas,*

***Mendek sanga** bir **zoru vafodor** topilmas*

Baytida “sendek”, ”mendek”; “manga”, ”sanga”; ”yor”, ”zor”; ”jafokor” “vafodor" so ‘zi o'zaro qofiyadosh bo'lib kelgan. ***Hazaji musammani axrabi makfufi mahzuf*** vaznida bitilgan. O‘ziga xos o‘ynoqilik, musiqiylikni ta‘minlab bergan.

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur serqirra ijodkor, shoh va olimdir. Uning g‘azallarida qo‘llanilgan qofiyalar o‘zaro mutanosib va olimning yuksak did, so‘z tanlash qobiliyati hamda iste‘dodini ko‘rsatib bergan. Bobur ijodidagi xalqchil, tushunarli, sodda va ravon uslub tufayli xalqimiz orasida Bobur siymosi asrlar osha yashab kelmoqda .

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Шох ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур– Т.: Шарк, 1996.

2. Hojiahmedov A. She‘riy san‘atlar va mumtoz qofiya. – T.: Sharq, 1998.

3. Hojiahmedov A. Mumtoz badiiyat malohati. – T.: Sharq, 1999.

4. Sirojiddinov Sh., Yusupova D. Navoiyshunoslik. – T.: Tamaddun, 2018.

5. Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – T: Ta‘lim-mediya, 2019.

THEME OF ‘HOSPITALITY’ IN THE WORK OF "BABURNAMA”

Majidiy Kamola
Master student
Uzbekistan State University of World languages

Annotation: The article examines the concept of the national tradition - hospitality and the specificity of its image in the work of Babur "Baburnama". Examples of palace etiquette of the medieval East are given.

The article examines the concept of the national tradition - hospitality and the specificity of its image in the work of Babur "Baburnama". Examples of palace etiquette of the medieval East are given.

Keywords: hospitality, palace etiquette, national tradition.

The concept of "hospitality" is relevant for all cultures, as it is connected with the traditions of the ethnic group, which means it gives an idea of the cultural picture of the world of these people. To analyze and identify the national-specific features of the concept of "hospitality", we took episodes from the work of the great Uzbek poet, memoirist, literary critic, and, of course, the ruler of the great empire Babur "Baburnama".

The national-cultural specifics of the implementation of the concept of "hospitality" in the linguistic consciousness of any people is due to the peculiarities of the national character, exactly with the concept of national mentality. In the Uzbek language, the concept of "hospitality" is most actual due to religious prescriptions and specific features.

The concept of "hospitality" was also considered in the form of the stages, which are presented to vary degrees in the Uzbek language: from greeting to seeing off guests. For Uzbeks, this is a greeting, a kind of meeting ritual, including the etiquette of high-ranking officials (for example, palace etiquette), handshake, hugs, seating of guests by age,

questions about well-being, parents, children, neighbors, etc. Religion and folklore are the main carriers of ethnic origin, as in the linguistic pictures of the world. Since ancient times, the philosophy of Uzbek life has been based on a deep conceptual understanding of the relationship between "inson" and "dunyo" ("man" and "world"). Being generous, hospitable, pure of soul - these are the main tenets of life in Islam, which are reflected in cultural semantics. To illustrate, "Mehmon – atoyi Hudo". The community of the signs confirms the idea of the national similarity of assessments and preferences, namely, the observance of the tradition of hospitality, characteristic of the culture of both all peoples and Uzbek.

Each nation expresses the concept of "hospitality" in its own way. For representatives of the upper classes, symbolism is characteristic-ritual specifics, a kind of palace etiquette, showing the status of a person on the hierarchical ladder, in some situations, oriental poetry is characteristic, and this is reflected in numerous proverbs.

The traditions and customs of the Uzbek people have been formed for centuries. They are very distinctive, bright and diverse, dating back to different eras and religions. An extensive figurative and associative series for the designation of hospitality is associated with the ethno-cultural specifics of Uzbek oral folk art, with the tradition, which is one of the most important, of hospitality.

In the representation of the main element of the concept of "hospitality" - "guest" ("mehmon") a distinctive feature has been identified in relation to this concept of the Uzbek language consciousness, namely, the expression of tolerance, the manifestation of cordiality. In this sense, even an unfamiliar person will be called to the guests and cordially received.

Hospitality as one of the oldest social institutions has evolved from philosophy of reciprocity to service for a reward.

Having considered the etymology of the concept of hospitality, having made a brief historical digression, we will proceed to recreate the archetypal structure of the rituals associated with the rite of hospitality.

In the East, a poor traveller or a rich guest, regardless of age, gender and nationality, will always find a kind host who will shelter him, treat him with hot tea, feed him with the best of what he has, and put him to sleep in the most convenient place. If the wanderer is lost, they will definitely show him the way by giving him tea. Reading the diaries of travelers of the past centuries, you can often find such words, no matter which house they entered, they were welcome there and treated to tea.

The most striking example of demonstrating the rules of hospitality is the work of Zakhiruddin Muhammad Babur "Baburnama", in which the author beautifully and reliably describes the culture and life of the peoples of Central Asia, Afghanistan and India.

In his memoirs, Babur gives a complete picture of the appearance, actions and characters and morals of his contemporaries - prominent public figures of Ferghana, Mavorounnakhr and Khorasan of the XV-XVI centuries, highlighting their place and position in society. So, for example, the picture of the reception of guests by Babur is accurately drawn - the meeting and seeing off of the Khans - rulers and high-ranking officials:

"... The Younger Khan went up directly in front of him; on getting near, fetched a circle, from right to left, round him; then dismounted before him. After advancing to the place of interview, he nine times bent the knee…" [1,103].

